

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИШМУХАМЕДОВ А.Э., ЮСУПОВ А.С., САФАРОВ Н.Ч., НОСИРОВА К.А.**

**МИЛЛИЙ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Олий ўқув юртларо илмий-услубий ва ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофи қлаштирувчи кенгаш томонидан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади

**ТОШКЕНТ – 2010**

Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С., Миллий ва жаҳон иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: 2010 й. – 316 бет.

**Маслаҳатчи:** *Ходиев Б.Ю.,  
ТДИУ ректори, и.ф.д., проф.*

**Масъул муҳаррир:** *Назарова Г.Г.,  
ТДИУ “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ” кафедраси  
мудири, и.ф.д., проф.*

**Тақризчилар:** *Расулов А.Ф.,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридағи  
Иқтисодиёт институти директори ўринбосари, и.ф.д.  
профессор.  
Хўжаев Л.Х.,  
ТДИУ “Педагогика” кафедраси профессори, и.ф.д.*

Мазкур дарсликда миллий иқтисодиёт ва унинг халқаро иқтисодиёт тизимиға трансформацияси тўғрисидаги асосий ижтимоий-иқтисодий категориялар ва тушунчалар назарий мазмуни жиҳатидан таҳлил қилинган. Бунда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, уларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иқтисодий асослари ва унинг глобал иқтисодиёт тизимиға қўшилиши масалалари, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш жараёнидаги устуворликлар, худудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, халқаро ҳамкорлик ва хавфисзликни мустаҳкамлаш йўллари асосланган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ тайёрланган. Унда республикамиз ва хорижий мамлакатларда чоп этилган дарсликларда, монографияларда баён қилинган миллий иқтисодиётга оид ғоялар ҳамда концепциялар умумлаштирилган. Ҳар бир бобнинг якунида келтирилган хуносалар, назорат ва мухокама учун саволлар амалий - назарий семинар машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигига мавзуни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Улар ҳар бир бобнинг мазмунини шунчаки ёдда сақлаш эмас, балки иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг моҳияти ва йўлларини чуқур идрок этишга йўналтирилган.

Дарслик олий ўкув юртларининг иқтисодиёт ва бошқа таълим йўналишлари талабалари, магистрантлари, коллеж талабалари, лицей ўқувчилари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтисодиёт назарияси ва амалиёти билан шуғулланаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

© Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С. Национальная и международная экономика.  
Учебник. - Т.: 2010 г. – 316 ст.

**Консультант:** *Ходиев Б.Ю.,*  
*Ректор ТГЭУ, д.э.н., профессор.*

**Ответственный редактор:** *Назарова Г.Г.,*  
*Зав. кафедры «Мировая экономика и МЭО»*

**Рецензенты:** *Расулов А.Ф.,*  
*Зам. директор Института Экономики АНРУз.,*  
*профессор, д.э.н.*

*Хужаев Л.Х.,*  
*д.э.н., профессор кафедры «Педагогика» ТГЭУ*

В настоящем учебнике анализирован теоретические основы развития национальной экономики и её трансформации в международную экономическую систему, основные понятия и экономические категории, социально-экономические процессы воспроизводства с взаимными стадиями, приоритетными направлениями реформирования и углубления рыночных преобразований, а также экономического роста с приведением конкретных информационных материалов.

Учебник подготовлен на основе типовой программы утвержденного Министерством Высшего и Среднего специального образования Республики Узбекистан, а также обобщения учебников и монографий опубликованных в республике и зарубежных странах. Каждая глава завершена выводами, контрольными вопросами, кейс статьями и новыми педагогическими технологиями, аналитическим материалом.

Авторы полагают, что издание учебника поможет магистрам и бакалаврам ВУЗов, учащимся колледжей, лицеев, а также преподавателям познать все то, что произошло и происходит в практике экономических преобразований в Республике Узбекистан, правильно ориентироваться в экономической политике государства и приоритетных направления ее развития в ближайшей и отдельной перспективе.

© Ташкентский Государственный Экономический Университет

A. Ishmuxamedov, A. Yusupov. National and International Economy (Textbook). - T.: 2010 y. – 316 p.

**Consultant:** *B. Xodiev,*  
*Doctor of economic sciences, professor, Rector of TSEU.*

**Responsible editor:** *G. Nazarova,*  
*Doctor of economic sciences, professor, head of chair*  
*“World economy and international economic relations”, TSEU.*

**Reviewers:** *A. Rasulev,*  
*Doctor of economic sciences, professor, Deputy Director of the*  
*Institution of Economy under the Academy of Sciences of The*  
*Republic of Uzbekistan.*

*L. Khodjaev,*  
*Doctor of economic sciences, professor of Chair “Pedagogics” of*  
*TSUE*

In the textbook are analyzed theoretical bases developing of national economy and its transformation into the international economic system, theoretical meaning of main social and economic categories and concepts. In addition, major directions of economic reforms, the matters of their speedy implementation, proper ways of development of national economy in the conditions of market economy, priorities in national economic development are lighted.

The text book is prepared according to the program approved by the Ministry of higher and secondary special education. Main ideas and conceptions concerning to the national economy stated in the textbooks and monographs published in our republic and foreign countries are generalized. The summaries and review questions provided at the end of each chapter will help students to deepen their knowledge in the study groups. They are intended not to learn the meaning of each chapter by heart, but to understand deeply the essence and ways of accelerating economic processes.

The textbook elaborated by authors is intended for the students of higher educational establishments majoring in economics and other specializations.

## КИРИШ

Бозор тизими барча мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлиб, у ўз кўламини тўхтовсиз кенгайтирмоқда ва барқарор тараққиёт жараёнининг тезлашувига олиб келмоқда. Тараққий этган, энг қудратли иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар асосан бозор усулининг аралаш иқтисодиёт модели туфайли халқ фаровонлигини таъминлашда юқори қўрсаткичларга эришмоқдалар. Худди шунингдек, миллий иқтисодиётда бозор муносабатларини жорий қилиш орқали юқсак натижаларга эришаётган мамлакатлар сони кўпаймоқда. Шундай давлатлар қаторидан ўрин олган республикамизда ўтган йиллар мобайнида мақроиктисодий мутаносиблик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро мослашувини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ислоҳатлар ўзининг ижобий натижаларини берди. Ислоҳот йиллари давомида ялпи ички маҳсулот улуши илк бор 2004 йилда 7,7 фоизга ўсди ва иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчили ривожланмоқда, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоизга ўсди».\*

Республикамизда мустақил иқтисодиёт бозор асосидаги иқтисодиётни яратиш орқали шакилланмоқда. Иқтисодий ривожланиш муаммоларини маълум даражада хал этадиган, иқтисодиётнинг порлоқ келажагини таъминлай оладиган йўл бозор усули эканлиги, мамлакатимиз учун бундан бошқа иқтисодий тизим, усул йўқлиги яққол сезилиб тургани хақиқатdir.

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотларнинг моҳияти, мазмуни, барқарорлаштириш қонуниятлари ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш, иқтисодий ислоҳот йўлларини амалиётимизда жорий этиш энг долзарб вазифаларданdir.

Ислоҳотларни амалга ошириш миллий моделининг таркиби қисмларидан бири – аҳолига таъсир қилувчи «фалаж қилиб даволаш»нинг ҳар қандай турларидан воз кечиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги изчилиллик ва босқичма-босқичлиқdir.

Мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жихатдан янада ривожлантириш стратегиясининг асосий устуворликлари этиб қўйидагилар белгиланган эди: жамиятнинг сиёсий, иқтисодий турмушини эркинлаштириш; юқори малакали кадрлар тайёрлаш; халқнинг моддий фаровонлигини барқарор ўстириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза

---

\* И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir.– Т.: Ўзбекистон, 2005.– 68 – 69-бетлар.

қилишни кучайтириш; иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартаришларни амалга ошириш; жамиятда барқарорлик, тинчликни, миллатлараро ва фуқоролар тотувлигини таъминлаш.

Ушбу устуворликлар доирасида киска давр ичида босиб ўтилган мустақил йўлимиз мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, иқтисодий ислоҳотларнинг «Ўзбек миллий модели» асосида танланган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Ўтган йиллар ичида биз ислоҳотларнинг бутун бир даврини босиб ўтдик, жаҳон иқтисодиётига кириб олдик, аниқ натижаларга эришдик. Булар асосан қуидагилардан иборат:

- **биринчидан**, мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик қарор топди, киска вақт ичида чуқур иқтисодий ва ижтимоий инқироздан чиқиб олдик, иқтисодиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди, кўп тармоқли иқтисодиётни ва бозор тузилмаларини барпо этиш жараёни жадал давом эттирилди;
- **иккинчидан**, иқтисодий ислоҳотларнинг ва бозор ўзгаришларининг меъёрий-хукукий асослари яратилди, иқтисодиётни бошқариш тизими ислоҳ қилинди;
- **учинчидан**, макроиқтисодий ва молиявий вазиятда барқарорликка ва 2001 йилдан иқтисодий ўсишга эришилди;
- **тўргинчидан**, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартариш асосида энергетика хавфсизлиги ва нефть мустақиллиги таъминланди;
- **бешинчидан**, кишлоқ хўжалигида экин майдонлари тизимини тубдан ўзгартариш асосида ғалла мустақиллигига эришилди;
- **олтинчидан**, ислоҳотларнинг барча босқичларида ҳам ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш устувор бўлиб қолаверди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий ҳимояланган бозор йўли тўғри танлаганини кўрсатди. Зоро, республика факат бозоргина инсон манфаатига мос, меҳнатни рағбатлантирувчи механизмга эгалиги, жаҳон ҳамжамияти, ривожлантиришнинг ҳозирги босқичига жуда мослиги, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олиши, ишлаб чиқариш, хўжалик юритишнинг кучли, оқилона жихатларини ривожлантириши, фан ва техника ютуқларини дадил жорий этиш шароитларига эгалиги кабиларни эътиборга олган ҳолда узил-кесил бозор муносабатларини тан олиб, замонавий бозор иқтисодиёти сари дадил қадамлар кўйиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 2000 йилда ЯИМнинг 1991 йилдаги даражасига эришди, яъни ўтиш даврини босиб ўтиб, иқтисодий ўсиш даврига кирди.

Шуни таъкидлаш керакки, ислоҳотларнинг кейинги даврларида ялпи ички маҳсулот 4 фоизидан 7,7 фоизга ўсганлиги иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини

таъминлашда асосий омиллардан бўлди. Ўсиш суръатларига иқтисодиётнинг деярли борча тармоқлари хисобига эришишга муваффак бўлинди.

Иқтисодий ўсиш суръатлари мунтазам ошиб бориши натижасида инфляциянинг энг паст даражасига эришилди. Бу кўрсаткич 2000 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 7,8 фоизга тенг бўлди. Бундай натижага эришишнинг асосий сабаблари куйидагилардан иборат: пул массаси устидан назорат механизми такомиллаштирилди; тижорат банкларининг ортиқча ликвидлигини Марказий банк депозитларига жалб қилиш амалиёти кенгайтирилди; Марказий банк облигациялари билан операциялар ўтказиш кўлами оширилди; қайта молиялаш ставкаси инфляция даражаси ва пулга бўлган талабга мутаносиб равища ўзгартириб борилди ва 2004 йил давомида босқичма-босқич 20 фоиздан 16 фоизга туширилди; бюджет тақчиллиги йилдан-йилга камайиб, охирги йилларда ЯММнинг 1 фоизидан ошмаяпти ва шундан келиб чиқсан ҳолда Марказий банк кредитларидан фойдаланиш камайди.

Бу ютуқлар республикамизда иқтисодий ислоҳотлар бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги самарасидир. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан биридир. Чунки иқтисодиётнинг ривожланиши қуйидаги соҳаларда ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар қилиш ва муайян натижаларга эришишга ёрдам беради: иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва шундан келиб чиқсан ҳолда ахолининг банк тизимидаги жамғармалари ортиши, янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, бозорларни рақобатбардош, сифатли товар ва маҳсулот (хизмат)лар билан бойитиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортидан воз кечиш ва бошқалар.

Бу ўринда 2005 йилда мамлакатимизда муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга воқеалар юз берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарвоқе, республикамизда икки палатали парламент шаклланди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларда либераллаштириш жараёнлари давом эттирилишини вақтнинг ўзи талаб қилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш бугунги куннинг асосий мақсадидир.

Ушбу дарслик – миллий ва халқаро иқтисодиётнинг мазмуни ва моҳияти, бозор муносабатлари шароитида амал қилиш механизmlари, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари, чекланган ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари, ташки иқтисодий сиёсатни рационал ташкил этиш ва амалга оширишнинг оптималь механизmlарини атрофлича ўрганади. Талабаларнинг фанни ўрганиш жараёнида миллий ва халқаро иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини пухта ўрганишлари, уларда юзага келаётган структуравий ўзгаришлар,

иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш усуллари, шунингдек иқтисодиётнинг тармоқ тизими ва уларни тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланган холда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўлларини чуқур ўзлаштиришлари ва келгусида професионал билимга эга бўлган мутахассис бўлиб етишишлари мақсад қилиб кўйилган.

Мехнат фаолияти жараёнида микро ва макроиқтисодий муносабатлар туфайли юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг замонавий назариясини, микро ва макроиқтисодий ривожланиш қонуниятларини билмай туриб, миллий ва халқаро иқтисодиёт масалаларини ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун дарслиқда бу масалалар кенгроқ ёритилган, чунки миллий ва халқаро иқтисодий жараёнлар ривожланишининг асосий қонуниятлари, назарий негизларини билиш бўлажак мутахассисларда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш масалаларини тушуниш, малакали таърифлаш, менежмент қарорларини тўғри қабул қилиш кўниумасини хосил қиласди.

Мустақилликнинг иқтисодий асослари – республикамиз саноати, коммуникация, капитал қурилиш ва агросаноат мажмуининг юксалиш йўллари, миллий валютанинг муамалага киритилиши, чет эл сармоясининг мамлакат худудлари иқтисодиётига кенг жалб этилиши, халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик, банк, молия ва кредит тизимини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, ўзбек маҳсулотларининг Рақобатбардошлигини ошириш, экспортни кўпайтириш ва миллий иқтисодиётда босқичма-босқич қандай замин яратилганлиги ва макроиқтисодий улушга эришилгани ушбу дарслиқда ҳар томонлама чуқур ифодасини топган.

“Миллий ва халқаро иқтисодиёт” фани миллий иқтисодиётнинг шаклланиши, бозор иқтисодиёти шароитида уни бошқариш ва тартибга солиш, республикани бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши жараёнлари ҳамда унинг халқаро иқтисодий тизимга қўшилиши жараёнларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни мақсад қилиб қўяди. “Миллий ва халқаро иқтисодиёт иқтисодиёт” фани “Макроиқтисодиёт”, “Халқаро савдо”, “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Глобализация ва халқаро иқтисодий ривожланиш”, “Халқаро иқтисодий интеграция” сингари фанлар билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилади.

Миллий ва халқаро иқтисодиётга бағишенган хорижий адабиётлар ушбу фанни ҳар томонлама ёритган ва уларнинг муаллифлари томонидан дарслик, монографиялар яратилган: Бабина Ю.В, Москвин В.В. «Экономическая география Россия». – М.: 2003. – 368 с, Колесова В.П., Осьновой М.Н. «Мировая экономика. Экономика зарубежных стран». Учебник. 3-е издание – М.: «Флинта», 2001. – 480 с., Лексин В.Н., Швецов А.Н.

«Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития». – М.: «УРСС», 2000., Васельев Ю.П. «Развития инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП» – М.: «Экономика», 2005, 406 с, Ивашковский С.Н. «Макроэкономика».– М.: «Дело», 2002., Кузык Б.Н, Яковец Ю.В. «Россия 2050 стратегия инновационного прорыва».– М.: «Экономика» 2004. – 632 с., «Макроэкономика». Теория и Российская практика: Учеб. (Под. редакция А.Г.Грязовой, и.Н.Н. Думной), 2-е издание перер. и доп. – М.: КноРус, 2005, – 668 с., Н.Грегории Менкью. «Макроэкономика».– М.: МГУ. 1994., Н. Самуэльсон. «Экономика вводный курс».– М.: «Прогресс», 1996., Накрярекский Б.М. «Мировая экономика».– М.: Международные отношения.– 2004., Кудров В.М. Мировая экономика: Учебник. – М.: Дело, 2004., Семенов К.А. Международные экономические отношения: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган дарслик ва монографиялар қўйидагилар: Abdurahmanov K.X. «Mehnat iqtisodiyoti» – (nazariya va amaliyot). Darslik. – Т.: Mehnat, 2004. – 672-b., Alimov R.X., G'anixo'jaev S.A. va boshqalar. «Mahalliy iqtisodiyot va menejment». – Т.: TDIU, 2004., Axmedov D.K., Ishmuxamedov A.E., Jumaev K., Djumaev Z.A. «Makroiktisodiyot». – Т.: TDIU, 2004. 240 b., Bekmurodov A. va boshqalar. Kichik biznes va tadbirkorlik rivoji – davr talabi. Т.: TDIU. 2005y., Данилов Ю.В., Юлдашов З.Ю. «Национальная экономика». – Т.: «Янги аср авлоди» 2003, – 413 с., Ishmuhamedov A.E., Askarova M.T. «O'zbekiston milliy iqtisodiyoti». O'quv qo'llanma. – Т.; TDIU, 2004., Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Монография. -Т., ТДИУ, 2005. – 180 б., Касимов Г.М, Махмудов Б.Ж. «Основы национальной экономике». Учебник для высших учебных заведений. – Т.: «Mehnat», 2004. – 304 с., Jumaev Z.A. «Municipal iqtisodiyot».– Т.: TDIU, 2004, – 96 b., «Mahalliy iqtisodiyot va menejment». – Т.: TDIU, 2004.– 352 b., Nabiev X. N. «Makroiqtisodiy statistika» (o'quv qo'llanma).– Т.: TDIU. 2001., Tashpo'latova L.M. «Mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati». – Т.: TDIU, 2004., Чепель, С.В., Шибаршова Л.И. Сборник кейсов по дисциплинам. Макроэкономика и микроэкономика. (Учебное пособие) – Т.: ТГЭУ, 2005.– 140 стр., (под редакцией профессора Ишмухамедов А.Э.). Shodiev R.X., Mahmudov E.R. «Jahon iqtisodiyoti». Darslik. – Т.: G'ofur G'ulom, 2005,– 308 b., Sharifxo'jaev M. «O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining senati». – Т.: «Sharq» 2005., G'ulomov S.S. «Tadbirkorlik va kichik biznes». – Т.: «O'qituvchi», 2002, – 365 b., «Bozor iqtisodiyoti nazariyasi va amaliyoti». S.S. G'ulomov, I. Sharifxo'djaevlarning umumiy tahriri ostida.–Т.: «O'qituvchi», 2000.

Ушбу дарслик юқорида келтирилган монография, дарслик, ўкув қўлланма келтирилган фикр мулоҳазалардан фойдалниш асосида яратилган.

«Миллий ва халқаро иқтисодиёт» фанини ўрганиш жараёнида ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланилади. Ўкув режасидаги маъруза ва амалий (семинар) машғулотларида кластер, инсерт, ақлий хужум, “кичик гурухчалар”, “Бумеранг” ва “Веер” технологиялари, кластер усуллари каби илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади. Илғор ахборот технологияларидан эса ҳар бир маъruzada кенг фойдаланиш мумкин.

Муаллифлар дарслиқ, ҳар томонлама мукаммал, деган даъводан йироқ. Шу боис ушбу фанни ўрганиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган танқидий мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиласди.

## **1-БОБ. МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ФАНИГА КИРИШ: КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Миллий ва халқаро иқтисодиёт - иқтисодий назариянинг асосий бўлаги сифатида.
2. Миллий ва халқаро иқтисодиёт фанининг предмети ва ўқитиш услуби.

### **1.1. Миллий ва халқаро иқтисодиёт - иқтисодий назариянинг асосий бўлаги сифатида**

Замонавий иқтисодий назария қуидаги учта асосий қисмларни ўз ичига олади:

- микроиктисодиёт (microeconomics);
- макроиктисодиёт (macroeconomics);
- халқаро иқтисодиёт (international economics).

Шимолий Америка ва Ғарбий Европадаги университет ва колледжларда юқорида келтириб ўтилган ҳар бир бўлим уч қисмга бўлиб ўрганилади: бошланғич курс (economics), оралиқ курс (intermediate level) ва олий даража (advanced level). Бошланғич курсда маълум бир соҳаларга тегишли бўлган энг содда ва оммавий кўринишдаги иқтисодий билим асослари ўрганилади. Оралиқ ва олий даражаларда эса бериладиган билимларнинг анча чукурлашуви, предметни ўрганиш соҳасининг кенглиги, анча мураккаб математик моделларнинг қўлланилиши хосдир.

Иқтисодий назариянинг асосий қисмлари хисобланадиган бўлимларнинг кетма-кет келиши бежиз эмас албатта. Тарихий жиҳатдан олиб қараганда ҳам, иқтисодий назария бўлимларининг айнан худди шундай кетма-кетликда шаклланганлигини кузатиш мумкин. Иқтисодий назариянинг юқорида келтириб ўтилган бўлимларнинг асосий хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Микроиктисодиёт** иқтисодий назариянинг биринчи ва анча қадимги бўлаги хисобланади. Унинг пайдо бўлиши XIX асрнинг учинчи чораги охирларига тўғри келади ва швейцариялик Л. Вальрас (1834-1910), австриялик К. Мингер (1840-1921), angliaлик А. Маршалл (1842-1924) сингари таниқли иқтисодчиларнинг меҳнати билан боғлиқдир. Улар замонавий макроиктисодиётнинг иқтисодий агентлар (истеъмолчилар, уй хўжалиги ва фирмалар) нинг ўзаро муносабати қонуниятларини очиб берувчи фан эканлигига асос солдилар. Бунда ресурсларнинг чекланганлиги ва истеъмолнинг чексиз эканлигига эътибор қаратилиб, уларнинг қондирилиши ва тўловга қобил талаб кишилар хўжалик фаолиятининг маҳсули сифатида талқин этилди.

Уларнинг ғоялари Ғарбий Европа ва АҚШдаги бир қатор таниқли иқтисодчилар: австриялик Ф. Визер ва Э. Бем-Баверк, инглизлардан Ф. Эджуорт ва У. Джевонс, италиялик В. Парето ва С. Баронэ, америкалик Д. Кларк ва И. Фишерлар томонидан ривожлантириб борилди. Бунинг натижасида давлат хўжалиги тўғрисидаги сиёсий

иқтисодиёт ўрнига илк бор хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганадиган соғ иқтисодий назария юзага келди.

Хар бир муаллифнинг ўзига хос ёндашувида юзага келган фарқларга қарамасдан микроиқтисодиёт курсида қуидаги беш бўлим атрофлича қараб чиқилади: истеъмолчининг ҳолатини ўрганувчи назария, фирма назарияси, соғ ва ғирром рақобат шароитида товар бозорларининг таҳлили, ишлаб чиқариш ресурслари бозорининг тадқики ва жамият фаровонлигига эришиш муаммосининг тадқики.

Замонавий микроиқтисодиёт фани микроиқтисодиёт таҳлилиниң янги тадқикот соҳаларига кириб бориши орқали янада ривожланди. Буни “микроиқтисодий таҳлил соҳасининг кенгайтирилганлиги учун” 1992 йилда Нобель мукофотининг Гэрри Беккерга топширилганлиги ҳам исботлаб туриди.

Замонавий иқтисодий назариянинг иккинчи бир бўлаги ҳисобланмиш – **макроиқтисодиёт** – микроиқтисодиётга нисбатан кейинроқ юзага келди. Замонавий макроиқтисодий таҳлил асосларининг қўйилиши Дж.М. Кейнс номи билан боғлиқ бўлиб, ўтган XX асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Унинг ғояларининг амалиётда қўлланилиши 1929-1933 йилларда юзага келган Буюк депсиниши ҳолатини бартараф қилиш имконини берди. Кейнс мактабининг ўзига хос хизмати шундан иборат бўлдики, улар томонидан илгари сурилган илмий ёндашувлар, тушунчалар ҳамда категориялар тизими ҳозиргача ҳам қайси илмий мактаб ёки йўналишга тегишли бўлишидан қатъи назар барча иқтисодчилар томонидан фойдаланиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, М.Фридмен таъбири билан айтганда, иқтисодчиларнинг барчаси кейнсчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Микроиқтисодиётдан фарқли ўлароқ, макроиқтисодиёт курси қандайдир умумий, ягона ва аниқ чегарасига эга бўлган тизимни ифодаламайди. Миллий иқтисодиёт ривожланиш қонуниятлари ва уни ташкил этувчи элементларни тадқиқ этишда унинг ҳар бир муаллифи ўзига хос мантиқий таҳлилларга таянади, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг миллий ҳажми, бандлик, ишбилармонлик фаоллигининг тебраниши, инфляция ва иқтисодий ўсишни таҳли этишда ҳам худди шундай ёндашувларни кузатиш мумкин.

Макроиқтисодиёт ўзининг юзага келган давридан бошлаб 1970-йилларнинг бошларига қадар кейнсчилар таълимотига асосланди. 1970-йилларнинг бошларига келганда эса бир неча ўн йиллар давомида макроиқтисодчилар орасида хукмронлик қилиб келган консенсус ўз интиҳосига етди. Анъанавий кейнсчилар таълимотига асосланган ҳолда жаҳон иқтисодиётида юзага келган кўплаб ривожланган мамлакатлар

иқтисодиётида пайдо бўлаётган турли хилдаги янги жараёнларни асослаш мумкин бўлмай қолди.

Бунинг натижасида бир қатор мактаблар ва иқтисодий ғояларга асосланган оқимлар юзага келиб, янги макроиқтисодий консенсусга асос солинди. Бунга мувофиқ бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар хўжалик хаётида юзага келаётган жараёнларни асослашнинг муқобил ғоялари яратилди. Сўнгти йилларда макроиқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотларнинг шиддатли ривожланиши, қўплаб янги назария ва гипотезаларнинг пайдо бўлаётганлиги кузатилаётган бўлиб, улар макроиқтисодий фундаментга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

**Халқаро иқтисодиёт** замонавий иқтисодий назариянинг энг ёш ва динамик ривожланаётган қисми ҳисобланади. Дастрраб халқаро иқтисодиёт микро ва макроиқтисодиётнинг асосий бўлимлари сифатида қаралар эди. Уларда ташки савдо, ишлаб чиқариш омилларининг мамлакатлараро миграцияси, валюта курсларининг тебраниши, очиқ иқтисодиёт модели ва бошқалардан ташкил топган халқаро иқтисодий муносабатларнинг таҳлили келтириб ўтилар эди. Унинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши XX асрнинг иккинчи ярмисига келиб жаҳон хўжалиги ривожланишининг тамомила янги босқичга чиқиши билан боғлиқдир. Жаҳон хўжалигининг янги ривожланиш босқичига ўтиши колониал тузумнинг тугатилиши ва ўнлаб янги давлатларнинг миллий мустақилликни қўлга киритиши, социализм тузумининг барҳам топиши ҳамда собиқ социалистик давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ даврий ҳодисалар таъсирида юзага келди.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг янги босқичга ўтганлигининг қуидаги белгиларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сиёсий қурилиши ва ривожланиш даражасидан қатби назар мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлик тамойилларида иқтисодиётнинг очиқлиги;
- фаолияти жиҳатидан барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган давлатлар устидан турувчи, халқаро ташкилотлар тизимини шакллантириш. Булар жумласига: Бирлашган миллатлар ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа иқтисодий ҳамжамияти, Жаҳон савдо ташкилоти, Париж ва Лондон клублари ва бошқалар киради;
- қўп жиҳатдан халқаро саноат, инвестиция ва савдо сиёсатини белгилаб берадиган кўпмиллатли корпорацияларнинг юзага келиши ва кенг миёсда тарқалиб бориши;
- халқаро савдонинг ривожланиши, ишчи кучи, капитал ва технологияларнинг давлатлараро кўчиб юришини таъминлайдиган тизимларнинг шакллантирилганлиги;

- ташқи савдо ва ишлаб чи қариш омилларининг халқаро кўчиб юриши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган мустақил халқаро молия соҳасининг амал қилиши.

Дунёдаги кўплаб мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиёти жаҳон ҳамжамиятидан қанчалик ажralган бўлса, ишлаб чи қариш имкониятлари шунчалик паст даражада бўлади, ишлаб чи қарилган маҳаллий товарлар таркиби ва сифатининг ёмонлашуви кузатилади. Ер шарининг қарийб 90% аҳолиси яшайдиган дунёнинг 117 мамлакати бўйича тўпланган статистик маълумотлар таҳлили йигирма йиллик давр оралиғида мазкур мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражасида жуда катта фарқлар борлигини кўрсатди. Чунки, жаҳон ҳамжамияти билан таққослаганда ушбу мамлакатларнинг ҳар бирида ҳукumat томонидан турлича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати амалга оширилган. Ёпиқ иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда ахоли жон бошига ҳисоблаганда ЯИМнинг йиллик ўртacha ўсиш даражаси 0,7 % га тенг бўлганлиги қайд этилган бўлса, айнан шу давр оралиғида очиқ иқтисодиётли мамлакатларда бу кўрсаткич ўртacha 3,2 % га тенг бўлган.<sup>1</sup>

Халқаро иқтисодиёт фани назарий жиҳатдан бир қатор таниқли иқтисодчилар ғояларини асос қилиб олади. Охирги икки юз йил давомида айнан шу соҳада ижод қилган иқтисодчилар орасида А.Смит, Д.Рикардо, Б.Олинь ва П.Самуэльсон сингари назариётчи олимларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин.

Амалий жиҳатдан, халқаро иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган билим ва кўнималар, асосан, қўшма корхоналар, трансмиллий корпорациялар филиаллари, халқаро банклар ва иқтисодий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган кишилар ҳамда шу йўналишда таълим олаётганлар учун ўта муҳим ҳисобланади.

Замонавий иқтисодий назариянинг мазкур бўлимига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда АҚШдаги Шимолий Королина университетининг профессори Дж.Инграм ҳамда Джорж Вашингтон номидаги университетнинг профессори Р.Дуннларнинг билдирган фикрларига эътиборни қаратиш лозим. Улар халқаро иқтисодиёт бўйича тайёрлаган ўқув кўлланмасининг муқаддимасини шундай сўзлар билан бошлаган эдилар: “Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам халқаро савдо ва молия Қўшма Штатларда иқтисодий назариянинг нисбатан иккинчи даражали соҳаси сифатида қараб келинар эди. Макро ва микроиқтисодиётнинг анъанавий ўқитилиб келинаётган курсида халқаро шартномалар бўйича жуда кам материаллар берилар ёки умуман берилмас эди, халқаро иқтисодиёт курсига ёзиладиган талабалар сони эса жуда камчиликни ташкил

---

<sup>1</sup> Дж. Сакс, Э. Уорен. Экономическая конвергенция и экономическая политика // Вопросы экономики, - 1995. - №5. – с.22-23.

қиларди. Оммавий ахборот воситалари ҳам худди шундай позицияни эгаллар: халқаро бизнес тўғрисидаги янгиликлар газета-журналлар рукунларида камдан-кам ҳолларда пайдо бўлар эди, бундай холат кузатилган тақдирда ҳам улар энг охирги бетлардан ўрин оларди. Бу пайтда АҚШ ёпиқ иқтисодиётга эга бўлиб, бу ҳол бутун дунё бизнес олами доирасида ҳам тез-тез тилга олинган.

Сўнгти йилларда вазият кескин ўзгарди. Университет ва колледжларда халқаро иқтисодиёт курсига ёзиладиган талабалар сони сони ҳам кескин ортиб борди, ва ҳатто макро ва микроиктисодиётнинг анъанавий равишда ўқитиб келинаётган курсларида халқаро шартномаларга катта аҳамият бериладиган бўлди. Тадбиркорликни тарғиб этадиган оммавий ахборот воситалари ҳам халқаро иқтисодий янгиликлар ва уларнинг АҚШ иқтисодиётидаги ролига бағишланган қизиқарли материалларни бера бошлади. Ҳозирда мамлакат анча очиқ ва ташқи дунёга қаратилган иқтисодиётга эга ва бундай кескин ўзгариш академик матбуотда ҳам, оммавий ахборот воситаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда”<sup>2</sup>.

Биз бундай катта цитатани, гарчи у АҚШга тегишли бўлса ҳам келтириб ўтишни лозим топдик, чунки Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин. Ўзбекистонда халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ муаммоларига бўлган кишилардаги қизиқишининг ортиб бориши, биринчидан, иқтисодиёт очиқлик даражасининг ортиб бораётганлигига, иккинчидан эса, минтақалараро муносабатларнинг кўпроқ собиқ социалистик мамлакtlар билан давлатлараро муносабатлар орқали мустақамланаётганлигига боғлиқdir. Бозор характерига эга бўлган давлатлараро тўлақонли иқтисодий алоқаларнинг собиқ совет иттифоқи маконида қайтадан шакллантирилаётганлиги асосан юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий инқирозларни бартараф этиш ва мустақил тараққиёт йўлини танлаган давлатларда иқтисодий ўсишга замин ҳозирлаш учун муҳимдир.

Юзага келиш шаклидан қатъи назар янги гепотезалар, назариялар, моделлар ва тавсиялар шаклидаги жаҳон иқтисодиётига тегишли теран фикрларнинг тан олиниши, бозор иқтисодиёти мамлакатларининг ривожланиши жараённида юзага келаётган амалий саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб қилиш имконини беради. Иқтисодиёт назариясини ташкил этувчи учта бўлимларнинг бир-биридан фарқ қиласидиган мустақил жиҳатлари бўлишига қарамасдан, улар ўзаро боғлиқлиқда ривожланади ва бир-бирини тўлдиради. Макроиктисодий жараёнлар кўплаб уй хўжалиги ва фирмалар томонидан қабул қилинган

<sup>2</sup> Ingram James C., Dunn Robert M. International economics. Third edition. John Wiley and Sons. Inc.–1993. – P. 1.

қарорлар натижасида юзага келади, яъни микродаражага узвий боғланган бўлади. Ўз навбатида ҳар қандай миллий иқтисодиётни таҳлил этишда ташки иқтисодий таъсирлар хисобга олинмаса уни тўлақонли деб бўлмайди.

Шу ўринда ҳалқаро иқтисодиёт бўйича ўқув адабиётларини яратиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолаётганлигини таъкидлаш зарур. Иқтисодий адабиётлар бозорида ҳалқаро иқтисодиёт фани бўйича кўпинча хорижий иқтисодчи олимлар томонидан тайёрланган китобларга дуч келиш мумкин. Бу соҳада соф ўзбек тилида ёзилган адабиётларни топиш қийин, албатта. Ушбу ҳолат республикамида ҳалқаро иқтисодиёт соҳасига тегишли замонавий билимларни тўлақонли эгаллаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш имкониятларининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

Гап ўқув предметининг номи ҳақида эмас, балки ундаги талаба учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг замонавий талаблар даражасига мос келишигига ҳақида бормоқда. Республикаиз олий таълим муассасаларида ҳалқаро иқтисодий муносабатлар йўналишида таълим олаётган талабаларга ҳалқаро иқтисодиёт фанини амалий иқтисодиёт шаклида ўқитиш кўзда тутилмаган. Бунинг ўрнида “Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Ташки иқтисодий фаолият асослари” сингари фанларни ўқитишга кўпроқ аҳамият бериб келинади. Республика вузларида ўқитилаётган ушбу курсларнинг эса таркибий ва назарий жихатдан ҳалқаро иқтисодиёт тўғрисидаги билимларни тўлақонли очиб бера олмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бундай вазиятда кўроқ микдорий таҳлиллардан фойдаланиш, замонавий микро ва макроиқтисодий моделлардан унумли фойдаланиш, талабаларга ҳалқаро иқтисодиёт соҳасидаги билимларни конкретроқ етказиш имкониятини таъминлаган бўлар эди.

## **1.2. Миллий ва ҳалқаро иқтисодиёт фанининг предмети ва ўқитиш услуби**

Миллий ва ҳалқаро иқтисодиёт миллий иқтисодиётларнинг ўзаро таъсирашуви қонуниятларини ўрганади, у товар, хизматлари оқимларининг харакати ва жаҳон ҳамжамияти ичидаги тўловларни, бундай товар ва хизматлар оқимини белгилаб берувчи ҳамда мувофиқлаштириб турувчи иқтисодий сиёsatни, уларнинг жамият фаравонлигига таъсирини ўрганади.

Миллий ва ҳалқаро иқтисодиётнинг ўрганиш предмети микро ва макроиқтисодиётнинг тадқиқот обьектидан фарқ қиласи. Унинг ўрганиш предмети бўлиб, турли мустақил давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш қонуниятлари ва улар ўртасида юзага келадиган алоқалар тизими ҳисобланади.

Ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шу билан изоҳланадики, одатда мамлакатлар ўз чегараларида товарлар, хизматлар ва ишлаб

чиқариш омиллари оқимига қарши маълум бир чекловларни ўрнатадилар. Улар моҳиятан худди шунга ўхшаш ички чекловлардан тубдан фарқ қиласи.

Ички ва ташқи иқтисодиётлар ўртасидаги бир қатор фарқларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

*Биринчидан*, ҳар қандай микроиқтисодиётда ички бозорда ишлаб чиқарилган ҳар қандай фойдали буюм ёки хизмат товар сифатида тан олинади. Макроиқтисодиёт эса жорий меҳнат орқали ишлаб чиқарилган бундай товарларни ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад таркибига киритади.

У ёки бу миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ёки сотилган товар керакли буюм сифатида ҳалқаро савдода товар сифатида тан олинмаслиги ҳам мумкин. Ҳалқаро савдо соҳасида товарларни савдо қилинадиган (tradable goods) ва савдо қилинмайдиган (nontradable goods) товарларга ажратиш мумкин. Савдо қилинмайдиган товарларга фақат ички истеъмол учун ишлаб чиқариладиган товарлар киритилади. Булар сирасига курилиш маҳсулотларининг катта қисми, шунингдек хизматларнинг жуда кўп шакллари: таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар ва бошқалар киради.

Савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган товарлар ўртасидаги чегара кўпчилик ҳолларда шартли ҳисобланади, бундай фарқланиш алоҳида мамлакатлар учун ҳам бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим саналади. Гап шундаки, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодий ўсиши жараёнида одатда савдо қилинмайдиган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, савдо қилинадиган товарлар ишлаб чиқарилишини эса камайтиришга ва импорт ҳажмини кўпайтиришга харакат қилинади.

Бундан ташқари, савдо қилинадиган товарларнинг ҳаммаси ҳам улар рақобатбардошлигининг пастлиги оқибатида ташқи бозорларда айирбош қилинмаслиги ҳам мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, дунёда ҳеч бир мамлакат ишлаб чиқариладиган барча турдаги товарлар бўйича доимий рақобат устунлигига эриша олмайди.

*Иккинчидан*, ҳар бир миллий иқтисодиётда меҳнат ва капиталнинг нисбатан эркин кўчиб юриши кузатилади, бунга мувофиқ тегишли бозорлар шаклланади ва фаолият кўрсатади. Бунда ҳар бир ҳудуддаги иш ҳаки даражаси ўртасида бир оз фарқ кузатилсада, ишчи кучининг эркин кўчиб юриши мавжуд фарқни камайтиради.

Ҳалқаро иқтисодиётда эса нисбатан бошқача ҳолат кузатилади. Иммиграция қонунлари, ишчиларнинг мамлакатдан мамлакатга кўчиб ўтиши билан боғлиқ харажатларнинг катталиги ва бошқа тўсиқлар мамлакатлардаги иш ҳақлари ўртасидаги мавжуд фарқларни тенглаштириш имконини бермайди. Капиталнинг ҳалқаро оқими йўлида эса ишчи кучи оқимига қараганда тўсиқлар нисбатан кам учрайди. Бироқ ўрнатилган валюта назорати ҳар бир мамлакатда ўрнатилган фоиз ставкалари ўртасидаги

фарқни ушлаб туриш учун етарли бўлади. Шунинг учун, агар микроиктисодиёт фани бир хил харажатлар қиласидан рақобатчи фирмалар фаолиятини ўрганса, халқаро савдо назарияси эса ишлаб чиқариш омилларига эга бўлиш учун ҳар хил харажатлар қиласидан фирмаларнинг бозорлардаги рақобатини ўрганади. Бундай фарқлар ўз навбатида товарлар оқимининг ҳаракати ва ички савдо операцияларининг самарадорлигига салмоқли таъсир кўрсатади.

*Учинчидан*, микроиктисодиёт мамлакат ичида эркин савдо қиласидан ва давлат кўмагидан фойдаланмайдиган фирмалар фаолиятини ўрганса, халқаро савдо назариясида ташқи савдо йўлига қўйиладиган турли чекловлар ва уларнинг савдо оқимига кўрсатадиган таъсири ўрганилади.

*Тўртинчидан*, макроиктисодиёт фани мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қиласидан тадбиркорлик мухитини ўрганади. Давлат томонидан қўлланиладиган фискал ва пул-кредит сиёсати миллий чегаралар доирасидагина амал қиласиди. Бироқ давлат томонидан амалга ошириладиган ушбу сиёсатларнинг бир-биридан тубдан фарқ килиши, товарлар оқими ва халқаро шартномаларнинг амал қилишига турлича таъсир кўрсатади.

*Бешинчидан*, одатда ҳар бир мамлакат ўз валютасига эга бўлиб, унинг таклиф қилиниши даражаси Марказий банк томонидан назорат қилинади. Макроиктисодиёт фани ана шундай ягона валютанинг амал қилиши ва унинг реал вазиятларга таъсирини ўрганади. Халқаро иқтисодиётда эса жаҳон хўжалиги алокаларида қатнашувчи мамлакатлар валюталари ўртасидаги муносабатни юзага келтирадиган валюта бозорлари, алмашлов курслари ва унда давлатнинг аралашуви натижасида юзага келадиган ўзгаришлар тадқиқот обьекти сифатида қаралади.

Савдо ва садо сиёсати назариялари, шунингдек ишлаб чиқариш омилларининг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиб юриши халқаро иқтисодиётнинг микроиктисодиёт қисмида ўрганилади. Халқаро иқтисодиётнинг ушбу бўлимида мамлакатлар одатдаги микроиктисодиёт фанидаги уй хўжалиги ёки фирмалар сингари қаралади.

У ёки бу мамлакатнинг тўлов баланси жами тўловлар ва тушумларга узвий боғлиқдир. Уни мувофиқлаштириш сиёсати эса миллий даромад ва баҳолар умумий ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади. Улар билан боғлиқ муаммолар эса халқаро иқтисодиётнинг макроиктисодиёт қисмида ўрганилади. Бунда очик иқтисодиёт модели, фискал, пул-кредит сиёсати ва унинг самарадорлиги, халқаро молиянинг макроиктисодий таҳлили тадқиқот предметини ташкил этади.

Услубий жихатдан, умумий ҳолда олиб қараганда, халқаро иқтисодиёт микро ва макроиктисодий тамойилларнинг мустақил давлатлар ўзаро иқтисодий муносабатлари соҳасида қўлланилишини ифода этади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Макроиктисодиёт фанининг яратилиши қайси олимларнингмехнати билан боғлиқ?
2. Халқаро иқтисодиёт фани нимани ўргатади?
3. Миллий ва халқаро иқтисодиёт фанининг предмети нима?
4. Миллий ва халқаро иқтисодиёт фанининг ўқитиш услуги нималардан иборат?

## **5. Асосий адабиётлар**

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 56 б.
7. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005й.
8. Аҳмедов Д.К.,Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.,Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт». – Т.: 2004., – 240-б.
9. Воркуев Б.Л. «Модели макроэкономики». – М.ТЕИС. 2004.
10. Владимиррова Л.П. «Прогназирование и планирование в условиях рынка». Учебное пособие. 5-е издание перер. и доп. – М.:Дашков и К. 2005. – 401-с.
11. Интернет веб-сайтлари.

[www.pca.uz](http://www.pca.uz)

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

## **2-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎЛЧОВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

- 2.1. Миллий иқтисодий фаолиятда маҳсулотлар, даромадлар ва ҳаражатларнинг доиравий айланиши.
- 2.2. Миллий иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш.
- 2.3. Кейс стади. Ўзбекистоннинг асосий мақроиқтисодий кўрсаткичлари.

### **2.1. Миллий иқтисодий фаолиятда маҳсулотлар, даромадлар ва ҳаражатларнинг доиравий айланиши**

Жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий фаолиятини ўрганиш ва юритища фундаментал муаммога дуч келамиз. Бу муаммо, аввало, табиат бизга инъом этган ресурсларнинг чегараланганлигига намоён бўлади. Демак, инсоният улардан хоҳлаганича фойдаланиш имкониятига эга эмас. Шундай экан, фаолиятимиз учун моддий неъматлар яратиш жараёнларини ўрганиб чиқишимиз керак. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни ўрганиш, демакдир. Иқтисодиёт нафакат уй хўжалигини, балки ҳудудлар, мамлакатлар ва ҳатто ки жаҳон хўжалигини юритиш санъати билан ҳам шуғулланмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаларида хўжалик юритишнинг корхоналар, корпорациялар, қўшма корхоналар, фирмалар каби кўплаб шакллари ташкил этилаётгани ва фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Иқтисодиёт кенг ва чуқур маъноли муаммоларни ўрганади. Иқтисодчилар ўрганадиган муаммолар ва амалга оширадиган вазифаларга қўйидагича мухтасар таъриф бериш мумкин: биринчидан, инсон чегараланган имкониятлар доирасида яшайди. Унинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, вақт, маблағ ва бошқа барча ресурслари чегараланган. Вақтнинг чегараланганлиги у ёки бу ишлаб чиқариш маълум муддат давомида юритилишини тақозо қиласди. Маблағларнинг чегараланганлиги эса, у ёки бу мақсаднинг амалга оширилишини молиявий жиҳатдан мушқуллаштиради.

Демак, шахс ва жамият фаровонлиги чегараланган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Шундай экан, ресурсларнинг чегараланганлигини иқтисодий ўрганиш умумий аҳамиятга эга. Бунинг маъноси шуки, барчанинг ҳамма эҳтиёжларини бир вақтнинг ўзида қондириб бўлмайди. Агар ресурслар чегараланмагандан эди, у ҳолда мақсадларга эришиш ва маҳсулотларни истеъмолчиларга самарали тақсимлаш билан шуғулланишга зарурат бўлмаган бўларди.

Бугунги кунда мавжуд бўлган инфляция, ишсизлик, ҳарбий ҳаражатлар, бюджет камомади, қашшоқлик ва тенгсизлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва шу кабилар туб моҳияти жиҳатидан чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси ҳал этилиши зарур эканлигини англатади.

Бундан шундай хуносага келиш мумкинки, шахс, корхона, ҳудуд, мамлакат ва ҳатто халқаро миқёсларда ҳам иқтисодиёт билан шуғулланиш ҳаётий заруратдир.


Юкорида күрсатыб ўтилган муаммоларни вақтида ва жой-жойида ҳал этиш масалаларини тадқиқ қилиш билан кўпгина иқтисодий фанлар қатори микро ва макроиқтисодиёт фанлари ҳам бевосита шуғулланади.

Микроиқтисодий ёндашув ёки микроиқтисод – муайян иқтисодий бирликни тўлиқ таҳлил қилишдир. Соддороқ қилиб айтганда, микроиқтисодиёт бирорта ишлаб чиқариш корхонасини ўрганиш, яъни, корхонанинг ички (инсонлар, ишлаб чиқариш воситалари, капитал ва маълумотлар билан таъминланганлик даражаси) ва ташки (маъмурий ва марказий бошқарув ташкилотлари, истеъмолчилар, ишлаб чиқариш компонентларини етказиб берувчилар ва аҳоли яшаш жойларига узок-яқинлиги) омиллар, ишлаб чиқарган маҳсулотларининг харажатлари, фойдаси, тушуми, тўланадиган соликлар ва шунингдек, корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа жараёнларни тўлиқ ўрганишдан, янада лўндароқ изоҳлаганда ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланишини алоҳида олинган корхона, тармоқ, ҳудуд даражасида ўрганишдан иборат.

Макроиқтисодиёт эса кенг кўламдаги иқтисодиёт билан шуғулланади. Унинг обьекти миллий иқтисодиёт кўламида ялпи ишлаб чиқариш, иш билан бандлик, баҳоларнинг умумий даражаси ва ташки савдо, инфляция, яъни, ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланиши хисобланади.


## 2.1-чиизма

### **Соф бозор иқтисодиёти шароитида ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши.**



## 2.2-чизма

**Ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг аралаш иқтисодий тизимдаги доираний айланиши.**



Жаҳон хўжалиги ривожи ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврида барча мамлакатлар иқтисодиёти бир-бiri билан узвий боғланиб кетган. Бу мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва мудофаа қобилияти эса кўп жиҳатдан улардаги макроиктисодий вазият билан боғлиқ. Хуллас, макроиктисодиёт мураккаб ва кўп қиррали масалаларни ўз ичига олади.

Хар қандай иқтисодий тизимда товарлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш умумий жараёнини ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доираний айланиши кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Асосан, хусусий мулкка таянган иқтисодий тизимларда бундай доираний айланиш корхоналар ва уй хўжалиги ўртасида амалга оширилади (2.1-чизма).

2.1-чизмадан кўриниб турибдики, уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб, турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, сўнгра эса уларни тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бозорига етказиб берадилар. Айни пайтда ресурслар, товарлар ва хизматлар харакати билан ёнма-ён даромадларнинг ҳам доираний айланиши амалга оширилади.

Яъни, уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслар эвазига даромад олишади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайдилар ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф-харажатлар қиласидилар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромад оладилар. Бу ерда барча ишлаб чиқариш ва

айирбошлаш жараёнлари фақат бозор орқали бошқарилади, бошқача айтганда, ресурслар, товарлар ва хизматлар бозоридаги шаклланган талаб ҳамда таклиф ёрдамида бошқарилади.

Иқтисодиётда фақат баҳо ёки фақат давлат режаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларининг бир текис кечишини таъминлашга қодир эмас. Бозор тизимида доимо тақрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлар ва режали тизимнинг емирилиши буни яққол намоён этди. Шу билан бирга тартибга солишининг бозор ва режа механизмларидан биргаликда фойдаланишга асосланган аралаш иқтисодий тизимнинг ҳаётйилигини жаҳон амалиёти тасдиқлади.

### 2.3-чизма

1. Ер, меҳнат, капитал.	7. Истеъмол харажатлари.
2. Ресурслар.	8. Сотишдан тушган даромад.
3. Товар ва хизматлар.	9. Ресурс харажатлари.
4. Ресурслар.	10. Солиқлар.
5. Транспортлар.	11. Харажатлар.
6. Пул даромадлари (иш ҳақи, рента, фоиз, фойда)	12. Субсидиялар.

2.3-чизмадан кўриниб турибдики, ресурслар, товарлар ва даромадларнинг узлуксиз ҳаракати ҳам бозор орқали, ҳам давлат аралашуви билан таъминланади. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳаракатини бевосита бошқармайди, балки ресурслар ва товарлар бозорларида қатнашиш орқали уларнинг иқтисодий фаолиятига кулай шароитлар яратади.

Халқаро савдода иштирок этмайдиган иқтисодиёт ёпиқ иқтисодиёт деб аталади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда бундай иқтисодиётга эга давлат мавжуд эмас. Аммо, макроиктисодий таҳлил ва истиқболни белгилашда фойдаланиладиган моделларда шартли тарзда бундай мавхумликларга йўл қўйилади. Ёпиқ иқтисодиёт моделида товарлар, хизматлар ва капитал оқимлари миллий чегаралардан ташқарига чиқмайди ҳамда унда асосий макроиктисодий айният қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = C + I + G$$

Бунда:  $Y$  – миллий маҳсулот, даромад;

$C$  – уй хўжаликларининг ўз мамлакатидаги маҳсулотларни харид қилишга сарфланган истеъмол харажатлари;

$I$  – шу мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг ўз мамлакати инвестиция товарларига харажатлари;

$G$  – давлат томонидан ўз мамлакати товар ва хизматларини харид қилиш.

Очиқ иқтисодиётда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд ва у миллий иқтисодиётда товарлар ва даромад харакатида намоён бўлади. Асосий иқтисодий тенгликка қўшимча кўрсаткич киритилса, у қўйидаги кўринишни олади:

$$Y = C + I + G + X_n$$

Бунда:  $X_n$  - хорижкликларнинг шу мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарган товар ва хизматларга қилган харажатлари билан хорижда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга ички харажатлар ўртасидаги, лўндароқ айтганда, экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ. Иқтисодий адабиётларда бу кўрсаткич соф экспорт деб юритилади.

## 2.2. Миллий иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш

Мамлакатни макроиқтисодий таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиши учун Миллий ҳисобчилик тизимида ҳисобланадиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичларнинг асосийларидан бири ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ёки унинг модификацияси бўлган япли ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади.

ЯММни ҳисоблаш усулларини ўрганишдан олдин макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиш. Бу кўрсаткичларга қўйидагилар киради:

- ЯММ, ЯИМ, соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёрдаги даромад (ИД);
- давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;
- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлик даражаси;
- аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қўйи миқдори ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини турли томондан ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда барча катнашувчилар (корхона, тармоқ, минтақа, давлат) ва уй хўжалиги фаолиятлари натижалари асосида аниқланади.

ЯММ мамлакат резидентлари томонидан маълум муддат (бир чорақ, бир йил) давомида ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматлар умумий ҳажмининг бозор баҳоси ийғиндиси орқали аниқланади.

ЯММни ҳисоблашда қўйидаги шартларга амал қилинади:

Биринчидан, ЯММ йил давомида ишлаб чиқарилган барча якуний товарлар ва хизматлар бозор қийматини, улар сотилган ва сотилмаганига қарамасдан ўз ичига олади. Биламизки, хисобот йилида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар ҳам сотилмайди. Сотилмай қолган товарлар захираларни тўлдиради. Захираларни тўлдиришга кетган ҳар қандай маҳсулот ЯММни ҳисоблашда ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчидан, ЯММ товарлар ва хизматларнинг бозор қиймати орқали ўлчанади ва қиймат (пул) кўрсаткичи ҳисобланади.

Иқтисодиётда яратилаётган минглаб хил товарлар ва хизматлар турли натурал ўлчов бирликларига эга (газ – м<sup>3</sup>, нефть – тонна, газлама – м<sup>2</sup>) бўлгани учун ҳам улар умумий ҳажмини фақат қиймат қўринишида жамлаш мумкин. Шунингдек, ЯММни ҳисоблашда омил баҳолари эмас, балки сотиш (бозор) баҳоси (омил баҳоси К билвосита соликлар) асос бўлади.

Учинчидан, ЯММ якуний товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми бир марта ҳисобга олиниш керак. Кўпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини ўтайди. Шу сабабли ЯММда айrim маҳсулотларни икки ва ундан кўп марта ҳисобга олмаслик учун фақат пировард маҳсулотнинг бозор қиймати ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар эса ҳисобга олинмайди.

Пировард маҳсулот якуний истеъмол учун сотиб олинадиган тугал маҳсулот (товар ва хизмат)дир.

Оралиқ маҳсулот деганда эса қайта ишлаш ёки сотиш учун сотиб олинган товар ва хизматлар тушунилади. ЯММда маҳсулотларнинг охирги сотиш қиймати ҳисобга олинади, оралиқ қиймат эса ҳисобга олинмайди. Чунки, оралиқ қиймат ЯММ таркибиغا киритилса, айrim маҳсулотлар қиймати кўп марта ҳисобга олинган бўлар эди. ЯММни ҳисоблашда икки бор ҳисобга олмаслик учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва факат ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида яратилган кўшилган қийматни ҳисобга олиш зарур. Кўшилган қиймат товар ва хизматларнинг сотиш баҳосидан уларни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом ашё ва материаллар қиймати айриб ташланиб топилади. ЯММни кўшилган қийматлар қўринишида аниқлаш усулига ишлаб чиқариш усули дейилади. Буни 2.1-жадвал ёрдамида кўрамиз.

Тўртинчидан, ЯММга ноишлаб чиқариш битимлари бўйича тушумлар кўшилмайди. Ноишлаб чиқариш битимларига соф молиявий битимлар ва ишлатилган товарларни сотиш киради.

Молиявий битимлар, ўз навбатида, учта асосий турга бўлинади: давлат бюджетидан трансферт тўловлари, хусусий трансферт тўловлар ва қимматли қоғозларни сотиш бўйича битимлар.

Давлат бюджетидан трансферт тўловларига ижтиомий сұғурта бўйича тўловлар, ишсизларга ва нафақаҳўрларга, ногиронларга ва кам даромадли оилаларга бериладиган нафақалар, талабаларга бериладиган стипендиялар киради. Давлат трансферт тўловларининг асосий хусусияти шундаки, трансферт эвазига уни олувчилар давлатга ҳеч нарса бермайди.

## 2.1-жадвал

### **Беш босқичли ишлаб чиқариш жараёнида қўшилган қиймат кўринишида ЯММни ҳисоблаш усули**

Ишлаб чиқариш босқичи	Махсулотларнинг сотиш баҳоси, сўм	Қўшилган қиймат сўм
Фирма А. Қўйчилик фермаси	60	60(60-0)
Фирма Б. Жунни қайта ишлаш корхонаси	100	40(100-60)
Фирма В. Кастюм ишлаб чиқариш фирмаси	125	25(125-100)
Фирма Г. Буюмларни улгуржи сотувчи корхона	175	25(125-100)
Фирма Д. Буюмларни чакана сотувчи корхона	250	75(250-175)
Умумий сотув ҳажми	710	-
<b>Қўшилган қиймат</b>		<b>250</b>

Қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар) сотилганда иғисодиётда товарлар ва хизматлар ҳажми кўпаймайди, аксинча мулк эгаси ўзгаради. Ишлатилган товарларни сотиш ҳам ЯММ таркибига киритилмайди, чунки, бундай товарлар ва умуман, илгари мавжуд бўлган товарлар ишлаб чиқарилган вақтда бир марта ҳисобга олиб бўлинган.

ЯММни ҳисоблашда икки томонлама ёндашилади. Биринчи ёндашувда ЯММ истеъмолчиларнинг янгидан яратилган якуний маҳсулотларни сотиб олишга кетган барча харажатлари микдори бўйича аниқланади. Бу усул **ЯММни ҳисоблашнинг харажатлар усули** дейилади. Иккинчи ёндашувда эса ЯММ товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида яратилган даромадларнинг йиғиндиси микдори асосида аниқланади. Бу усул **ЯММни даромадлар ёрдамида аниқлаш усули** дейилади.

ЯММни ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисоблашда асосан пировард маҳсулот ва хизматларни яратишга кетган барча харажатлар ҳисобга олинади. Буларга уй хўжалиги истеъмоли харажатлари, ялпи ички инвестиция харажатлари киради.

#### **уй хўжалигининг истеъмоли харажатлари (С):**

- а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;

- б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;  
 в) истеъмол хизматлари тўловига кетадиган харажатлардан.

2.2-жадвал

**ЯММни икки хил усулда – ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари бўйича аниқлаш**

Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар бўйича
1. Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари 2. Бизнесга инвестиция харажатлари ёки ялпи хусусий ички инвестиция 3. Товар ва хизматларнинг давлат хариди 4. Соф экспорт	1. Даромадларни тўлаш билан боғлик бўлмаган харажат ва тўловлар (амартизация ва бизнесга билвосита солиқлар) 2. Иш ҳаки 3. Рента тўловлари 4. Фоиз 5. Индивидуал мулқдан олинган даромад 6. Корпорация фойдаси

**ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):**

- а) асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олиш харажатлари;  
 б) корхоналар, иншоотлар, туаржой биноларини қуришга сарфланган харажатлар;  
 в) товар заҳиралари ўртасидаги фарқлар ёки заҳираларнинг ўзгаришларидан иборат бўлади.

Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G) бўйича харажатларга маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди (автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳаки) харажатлари киритилади. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Соф экспорт (Хп) – мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

Шундай қилиб, ЯММни харажатлар орқали ҳисоблашда асосан юкорида кўрсатиб ўтилган 4 грух харажатларига асосланилади. Буни формула кўринишида қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{ЯММ} = C + I + G + X_p$$

ЯММни ишлаб чиқарувчиларнинг барча даромадлари йигиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- биринчидан, **истеъмол қилинган капитал ҳажми (ССА) ёки амортизация (А)**, яъни, жорий йилдаги ЯММни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган инвестиция товарларини сотиб олишга мўлжалланган ажратмалар;
- иккинчидан, **бизнесга эгри солиқлар (Т)** – маҳсулот баҳосини оширувчи, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар, жумладан, қўшимча қиймат солиғи, акцизлар, лицензия тўловлари ва божхона божлари;
- учинчидан, **ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W)**, яъни хусусий ва давлат компанияларининг иш ҳақи тўлашга сарфлаган умумий харажатлари (иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари – нафақа, бандлик ва бошқа ижтимоий фондларга);
- тўртинчидан, **ижара ҳақи (R1)**, хусусан, бу иқтисодиётни мулк ресурслари билан таъминловчи уй хўжаликларининг даромадлари (масалан, ижарага берилган тураржойлар, бинолар, асбоб-ускуналар, ер ва бошқалардан олинадиган даромадлар);
- бешинчидан, **фоиз ставкалари ёки фоизли даромадлар (R)** – пул капиталини етказиб берувчиларга хусусий бизнес даромадидан пул тўловлари;
- олтинчидан, индивидуал **мулқдан келадиган даромад (P<sub>1</sub>)**;
- еттинчидан, **корпорация фойдаси (P<sub>2</sub>)**.

Корпорацияларнинг фойдаси қуидагиларга бўлинади:

- а) корпорация фойдасига солиқ ёки фойда солиғи;
- б) хиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивиденdlар;
- в) тақсимланмаган фойда.

Мамлакат миллий ҳисобчилик тизимида, ЯММ кўрсаткичидан ташқари, бир-бири билан алоқада бўлган бир нечта кўрсаткичлар мавжуд. Миллий ҳисобчилик тизими тўғрисидаги тушунчаларимизни кенгайтириш учун айнан шу кўрсаткичларнинг ташкил топиш манбаларини билишимиз керак. Бу кўрсаткичлар сирасига **ЯИМ, СММ, МД, ихтиёрдаги даромад ва солиқлар тўлангандан кейинги даромадларни** ифодаловчи кўрсаткичларни киритиш мумкин.

ЯИМ ҳам ЯММ каби моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар натижасида ташкил топади. **ЯИМ бирор мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотда маълум муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматлар бозор баҳоларининг умумий йигиндисидан иборат.** ЯИМ ЯММдан муайян мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хориждан оладиган фойда ва даромадлари ҳамда хорижий инвесторлар шу мамлакатда олган фойда ва даромад ўртасидаги фарқлар бўйича ажралиб туради.

Чунончи, ЯММни ҳисоблашда айрим камчиликларга йўл қўйилиши табиий. Чунки ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорига шу маҳсулотни ишлаб

чиқаришда истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати қўшилади. Шунинг учун хам миллий хисобчилик тизимида СММ кўрсаткичи хисобланади. СММнинг ЯММдан фарқи, юқорида айтганимиздек, амортизация ажратмалари миқдорига тенг.

2.3-жадвал

### **Ялпи миллий маҳсулотни аниқлашга икки хил ёндашув**

№	ЯММни товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган барча харажатлар бўйича ўлчаш	Шартли белгилар	Миқдор
1.	Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари	C	63,0
2.	Бизнесга инвестиция харажатлари ёки ялпи хусусий ички инвестициялар	I	18,0
3.	Товар ва хизматларнинг давлат хариди	G	21,0
4.	Соф экспорт	X <sub>II</sub>	-2,0
	<b>Жами: ЯММ = C + I + G + X<sub>II</sub></b>	<b>Y</b>	<b>100,0</b>
	ЯММни барча даромадлар бўйича ўлчаш		
1.	Истеъмол қилинган капитал ҳажми	A	9,0
2.	Бизнесга эгри солиқлар	T	7,0
3.	Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари ва ижтимоий суғурта ажратмалари	W	61,0
4.	Ижара ҳақи	R <sub>1</sub>	1,0
5.	Фоиз ставкаси	R <sub>2</sub>	7,0
6.	Индивидуал мулқдан олинадиган даромадлар	P <sub>1</sub>	6,0
7.	Корпорациялар фойдасига солиқлар	P <sub>2.1</sub>	5,0
8.	Дивидендлар	P <sub>2.2</sub>	2,0
9.	Тақсимланмайдиган фойдалар	P <sub>2.3</sub>	2,0
	<b>Жами: ЯММ = A + T + W + R + R<sub>1</sub> + P<sub>1</sub> + P<sub>2.1</sub> + P<sub>2.2</sub> + P<sub>2.3</sub></b>	<b>Y</b>	<b>100,0</b>

МД – миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат ўзи оладиган бизнесга эгри солиқлар ўрнига ишлаб чиқаришга ҳеч нарса қўймайди. Демак, жорий йилда яратилган ЯММ таркибидан иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва олинган фойдаларнинг умумий миқдорини аниқлашда СММ таркибидан бизнесга эгри солиқлар миқдорини олиб ташлашимиз лозим. Шундай усулда олинган кўрсаткич МД хисобланади. Ресурслар билан таъминловчилар нуқтаи назарида МД жорий ишлаб чиқаришда қатнашиш натижасида олган даромадлар миқдорини билдируса, компаниялар нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш омиллари ёки ресурслар баҳосини билдиради. МД жорий ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурсларнинг бозор баҳосини англаради.

Ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми (ижтимоий суғурта тўловлари, корпорация фойдасига солик ва корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси) амалда бевосита уй хўжалиги иhtiёрига тушмайди. Аксинча, уй

хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган даромадларнинг бир қисми (масалан, трансферт тўловлари) меҳнат натижаларини билдирамайди.

Миллий даромад кўрсаткичидан фойдаланиб, шахсий даромадлар кўрсаткичини ҳисоблаш учун аҳоли томонидан хақиқатда ишланган, аммо олинмаган даромадларни олиб таштаймиз, шунингдек, аҳоли тамонидан олинган, аммо жорий меҳнат фаолияти натижаларини билдирамайдиган даромадларни кўшамиз.

2.4-жадвал

#### **Миллий ҳисобчилик тизимида ўлчаниладиган макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзора нисбатлари (ракамлар шартли)**

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Миқдор
1. Ялпи миллий маҳсулот «Минус», амортизация	ЯММ А	100 8
2. Соф миллий маҳсулот «Минус», бизнесдаги эгри солиқлар	СИМ	92 12
3. Миллий даромад «Минус»- ижтимоий суғурта тўловлари - даромад (фойда) солиғи - тақсимланмайдиган даромад(фойда) «Плюс» Қ трансферт тўловлари	МД	80 - 14 - 10 - 12 + 10
4. Шахсий даромад «Минус»- индивидуал солиқлар	МД	54 - 8
6. Солиқ тўлангандан кейинги даромад, яъни ихтиёрдаги даромад	ИД	46

Ихтиёрдаги даромад – ҳисобланган шахсий даромаднинг индивидуал солиқлар тўлангандан кейинги қисмидир. Индивидуал солиқлар даромад солиғи, хусусий молмулкларга ва мерос қолган мулкларга солиқлардан иборат. МХТда кўрсатиб ўтилган барча кўрсаткичлар ягона услубий базага асосланиб ҳисобланади ва уларни ўзаро таққослаш имконияти мавжуд. Иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция жараёнлари ЯММни ҳисоблашни қийинлаширади. Бу кўрсаткич бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдор ва баҳо даражаларининг ўзгаришини ифодалайди. Бу шуни билдирадики, ЯММ миқдорига бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг физик ҳажми ва баҳо даражаси ўзгариши таъсир кўрсатади.

Бу вазифани бажариш учун жорий баҳоларда ҳисобланган номинал кўрсаткичлардан эмас, балки таққослама (базис) баҳоларда ҳисобланган реал кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Айрим ягона фирмадан фарқли ўлароқ, миллий иқтисодиётда жуда кўп сонли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши сабабли уларнинг барчасини бирваракайига таққослама баҳоларда ҳисоблаш қийин. Шу туфайли ЯММ таркибида катта улушни ташкил этган энг муҳим товарлар ва хизматлар баҳосининг

ўзгариши коэффициенти ҳисоблаб топилиб, олинган натижа бутун миллий иқтисодиёт учун татбиқ этилади.

Баҳо индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун:

- дефлятор;
- истеъмол нархлари индекси;
- саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши лозим.

Дефлятор кўрсаткичини формула билан ҳисоблагандা:

$$\text{Деф} = \frac{\sum_{I=1}^n Q_i P_i}{\sum_{I=1}^n Q_i P_0} \cdot 100$$

Бу ерда:  $i$  – дефляторни ҳисоблаш учун бозор саватига киритилган товарлар сони;

$Q_i^1$  – жорий йилда бозор саватига киритилган  $i$  – товар ёки хизматлар ҳажми миқдори (масалан 2 кг. шакар, 2 дона кўйлак ва х.к.);

$P_i^1$  – жорий йилда бозор саватига киритилган  $i$  – маҳсулотнинг шу йилга баҳоси;

$P_i^0$  – жорий йилда бозор саватига киритилган  $i$  – маҳсулотнинг базис йилдаги баҳоси.

Дефляторни ҳисоблаш шартлари:

- одатда, ўтган йилга нисбатан ҳисобланади;
- бозор савати жорий йилда аниқланиб, кейинги йилларда ўзгартирилиши мумкин;
- бозор саватига ҳам истеъмол ишлаб чиқариш характеристидаги товарлар ва хизматлар киритилади;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматлар турларининг умумий ЯММдаги улуши катта қисмни ташкил қилиши керак;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматлар ҳажмлари ўртасидаги нисбат уларнинг ЯММдаги улушлари ўртасидаги нисбатга мос келиши керак.

$$\text{Реал ЯММ} = \frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Дефлятор}} \cdot 100$$

Истеъмол нархлари индекси қўйидаги аниқланади:

$$ИНИ = \frac{\sum_{I=1}^n \frac{Q_i}{P_i}}{\sum_{I=1}^n \frac{Q_i}{P_0}} \cdot 100$$

Бу ерда:

$Q_0$  – базис йилда бозор саватига киритилган  $i$  – товар ва хизматлар ҳажми;

$P_i$  –  $i$  – товарнинг жорий йилдаги баҳоси;

$P_0$  –  $i$  – товарнинг базис йилдаги ҳажми.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш шартлари:

- бозор савати базис йил учун аниқланади ва бир неча йил давомида ўзгармайди;
- бозор саватига факат истеъмол характеристидаги товарлар ва хизматлар киритилади;
- бозор саватига киритилган товарлар ва хизматларнинг ҳажми истеъмол харажатларининг катта қисмини ташкил этиши керак.

Одатда, истеъмол нархлари индекси инфляция даражасини бироз ошириб, нархлар индекси эса бироз пасайтириб кўрсатади. Шу сабабли бу икки индекснинг ўртача даражасини характерловчи Фишер индекси ҳисобланади:

$$I_F = \sqrt{I_{def} \cdot I_{ini}}$$

Саноат ишлаб чиқарувчиларининг баҳо индекси истеъмол нархлари индекси сингари ҳисобланади. Лекин бозор саватига саноат маҳсулотларигина киритилиб, улар улгуржи баҳоларда ҳисобланади.

### 2.3. Кейс стадии. Ўзбекистоннинг асосий макроиктисодий қўрсаткичлари

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий ҳимояланган бозор йўли тўғри танлаганини кўрсатади. Зеро, республика факат бозоргина меҳнатни инсон манфаатига мос ҳолда рағбатлантирувчи механизмга эгалиги, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олиши, ишлаб чиқаришни, хўжалик юритишинг кучли, оқилона жихатларини янада кучайтириш, фан ва техника ютуқларини дадил жорий этиш учун зарур шарт-шароитларга эгалиги, қобилларни эътиборда тутиб, узил-кесил бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлади ва замонавий бозор иқтисодиёти сари дадил қадамлар қўйди. Натижада 2000 йилда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари

орасида биринчи бўлиб ЯИМнинг 1991 йилдаги даражасига эришди, шунингдек, бу борада 1991 йилдагига нисбатан ўсиш бўйича етакчиликни саклаб келмоқда (1,5-жадвал).

Ўзбекистонда реал ЯИМ 2004 йилда 1995 йилдагига нисбатан 42,2%га ўсди. Аҳоли жон бошига ЯИМ 3,2%дан 6,7%га ортди ёки 2003 йилдагига нисбатан 2,0 маротаба кўпайди. Ушбу кўрсаткич юқори бўлишига аҳоли сонига нисбатан (1,1%) реал ЯИМнинг (7,7%) юқори суръатларда ўсиши хисобига эришилди. 1995 – 2003 йилларда бу борадаги кўрсаткичлар мос равишда 1,9% ва 1,4%ни ташкил этди.

Республикада иқтисодий ўсишни таъминлашда изчил бюджет ва пул-кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал ишлаб чи қариш секторларига қулай шароитлар яратиш, солиқ юкини ва солиқ турларини камайтириш ва соддалаштиришга йўналтирилган солиқ сиёсатини амалга ошириш, хорижий давлатлар сармояларини жалб этишини қўллаб-куватлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва жаҳон иқтисодиётини тўлақонли аъзоси бўлишга эришиш учун йўналтирилган ташки иқтисодий сиёсат олиб бориш иқтисодий ислоҳотлар ҳозирги босқичининг асосий мазмуни ва моҳиятини ташкил этади.

#### 2.5-жадвал

##### **Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (олдинги йилга нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2006й.	2007й.	2008й.
Ўзбекистон	109,5	109,0	108,2
Озарбажон	72,0	80,1	88,3
Арманистон	95,0	108,2	119,1
Белерусь	98,7	105,4	117,0
Грузия	52,5	57,1	63,3
Қозоғистон	97,2	106,1	116,2
Қирғизистон	76,1	81,2	87,0
Малдавия	48,5	51,6	54,7
Россия	77,8	83,3	89,5
Тажикистон	49,3	54,3	59,7
Украина	54,2	58,8	66,6
МДҲ бўйича ўртача	77,0	82,0	88,6

Манба: Ўзбекистон Республакасининг статстик ахбортономаси. 2009 й.

Шуни таъкидлаш керакки, ислоҳотларнинг кейинги даврларида ялпи ички маҳсулот 4 фоизидан 7,7 фоизга ўсганлиги 2004 йилда иқтисодий ўсиш бўйича юқори суръатларни таъминлашда асосий омиллардан бўлди. Бундай ўсиш суръатларига иқтисодиётнинг деярли борча тармоқлари хисобига эришилди.

Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқариш таркибида асосий савдо ҳамкорларимиз – МДХ мамлакатлари ва хориж давлатларида иқтисодий ҳолат яхшиланиши, саноат ишлаб чиқаришининг техникавий ва техник базаси такомиллаштирилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 15,8%дан 17,1%гача ошиди. Махсулот ишлаб чиқариш бўйича машинасозлик – 9,4%, қурилиш мастерлари тайёрлашда – 8,2%, енгил саноатда – 5,2% ва ёқилғи саноатида – 5,8% ўсиш тъминланди. 2008 йилда эса саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2007 йилга нисбатан 24,5%га ошган бўлса, хизматлар соҳасидаги ўсиш кўрсаткичи мос равища 21,3%ни ташкил қилди (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

### Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш ва ишлаб чиқариш таркиби

Даврлар	ЯИМ	ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби, фоиз				
		Саноат	Қишлоқ хўялиги	Қурилиш	Хизматлар соҳаси	Соф солиқлар
Ўтган йилнинг мос даврдагига нисбатан ўсищ, фоиз (солиширма нархларда)						
2006	107,3	110,8	106,7	112,8	119,3	119,3
2007	109,5	24,0	21,7	115,7	120,6	120,6
2008	109,0	24,5	59,6	108,3	121,3	121,6

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статтика ахборотномаси. 2009 й.

Иқтисодий ўсиш суръатлари мунтазам ошиб бориши натижасида инфляция кўрсаткичининг энг паст даражасига эришилди. Бу кўрсаткич 2000 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 7,8 фоизга тенг бўлди. Бундай натижага эришишилишига асосан сабаб қуидагилар бўлди: пул массаси устидан назорат қилиш механизми такомиллаштирилди: тижорат банкларининг ортиқча ликвидлигини Марказий банк депозитларига жалб қилиш амалиёти кенгайтирилди; марказий банк облигациялари билан операциялар ўtkазиш кўлами оширилди; қайта молиялаш ставкаси инфляция даражаси ва пулга бўлган талабга мутаносиб равища ўзгартириб борилди; бюджет тақчиллиги йилдан-йилга камайиб, охирги йилларда ЯММнинг 1 фоизидан ошмади ва шундан келиб чиқсан ҳолда Марказий банк кредитларидан фойдаланиш камайди.

### Қисқача хуносалар

«Макроиқтисодиёт» иқтисодиётни бир бутун ҳолда ўрганади ва ишсизлик, инфляция, иқтисодий ўсиш, тўлов баланси барқарорлиги, давлат бюджети, давлат қарзи каби ҳозирги замон иқтисодиётининг барча муҳим муаммоларини тадқиқ қиласди. Макроиқтисодиётчилар нафақат ушбу ҳолатларни тушунтиришлари, балки иқтисодиётни

ривожлантириш учун иқтисодий сиёsat юритиш йўлларини ҳам кўrsатиб бера олишлари зарур.

Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш тенденцияси сақланиши таъминланган. Иқтисодиётда муттасил ўсишга эришишга экспорт учун қулай бозор конъюнктураси, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариши рағбатлантириш, исло хотларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсири, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари даги барқарорлик каби омиллар сезиларли таъсир кўrsатади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. «Микроиқтисодиёт» фани нималарни ўргатади?
2. «Макроиқтисодиёт» фани иқтисодиёт йўналишдаги бошқа фанларга алақадорми?
3. Иқтисодчилар нима учун моделларни тузишади ва улардан фойдаланишади?
4. Ресурслар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши чизмасидаги қарама-қарши омилларни изоҳлай оласизми?
5. Қандай иқтисодиётларни биласиз? Очиқ иқтисодиётнинг ёпиқ иқтисодиётдан афзалликлари нимада?
6. ЯММ ни ҳисоблашнинг асосий шартлари нималардан иборат? Нима учун қайта ҳисоблашдан эҳтиёт бўлиш зарур?
7. ЯММни харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблашнинг зарурияти нимада? Уларнинг фарқлари нимада?
8. Миллий ҳисобчилик тизимида бошқа макроиқтисодий кўrsatкичларга қайси кўrsatкичлар киради ва улар қандай ҳисобланади?
9. Баҳо индекслари ва реал ЯММни ҳисоблаш усусларини биласизми?
10. Дефлятор, истеъмол нархлари индекси ва саноат ишлаб чиқариши баҳолари индекслари бир-биридан нималари билан фарқланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муюмласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005й.
2. Аҳмедов Д.К., Ишмуҳамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиқтисодиёт». – Т.: 2004., – 240-б.
3. Воркуев Б.Л. «Модели макроэкономики». – М. ТЕИС. 2004.
4. Владирмирова Л.П. «Прогнозирование и планирование в условиях рёнка». Учебное пособие. 5-е издание перер. и доп. – М.:Дашков и К. 2005. – 401-с.
5. Интернет веб-сайтлари.

[www.pca.uz](http://www.pca.uz).

[www.micro-macro iqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macro iqtisodiyout.fan.uz)

### **З-БОБ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК – ДАВЛАТ ҚУДРАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КҮРСАТКИЧ**

- 3.1. Миллий бойлик – давлат иқтисодиётининг асоси.
- 3.2. Экологик бойлик – давлат иқтисодиётининг асоси.

#### **3.1. Миллий бойлик – давлат иқтисодиётининг асоси**

Миллий бойлик – жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар мажмуаси. У мамлакат иқтисодий қудратининг асоси бўлиб, ишлаб чиқариш давомида жамғарилган барча истеъмол қиймати йиғиндинсининг пулдаги ифодасидир.

Миллий бойлик – халқ моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва натижасидир.

Республикамизда миллий бойлик оғир саноат, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати, пахтачилик, пиллачилик, қорақўлчилик, мевачилик, узум етишириш, сабзавотчилик билан боғлиқ. Мамлакатимиз жаҳонда пахта толаси, ипақ, каноп пояси, қорақўл, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда.

Ижтимоий тузум хусусиятига кўра, миллий бойлик бутун жамият мулки ёки унинг айrim синфлари, гурухлари, алоҳида шахслар мулки бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда миллий бойликнинг асосий қисми хусусий секторда миллионерлар кўлида йиғилган. Масалан, АҚШда бир гуруҳ энг йирик молия-саноат гурухлари мамлакатининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнайди, чунки уларнинг кўлида миллий бойликнинг асосий қисми йиғилган. Булардан энг бақувватлари Морган ва Рокфеллар гурухлариидир. Улардан сўнг Калифорния, Чикаго, Кливиенд, Дюпон, Меллерлар корпорациялари туради.

Охириги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръати бўйича ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори кўрсаткичга эга Японияда давлат сектори анъанавий тармоқлар (транспорт, алоқа, тамаки саноати) билан чекланган. Давлатга қарашли корхоналарда иш билан банд аҳолининг 12 %и ишлайди, яъни миллий бойликнинг асосий қисми хусусий секторга тўғри келади. Социалистик давлатларда миллий бойлик халқ манфаатларига хизмат қилиб, жамият аъзоларининг тобора ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тулароқ қондиришга мўлжалланган эди.

Бироқ ягона давлат режаси асосида ривожланиш республикалар ва минтақаларда миллий бойлик халқ учун эмас, балки умумиттифоқ меҳнат тақсимотини хисобга олиб ўтказилди, оқибатда айrim республикалар хом ашё зоналарига айланиб қолди. Ўзбекистонда миллий бойлик асоси – нефть, кўмир, мис ва бошқа табиий бойликлар

топилди. Мавжуд меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан юқори даражада фойдаланиб, пахтачиликни янада ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, оғир саноат тармоқларини тез суръатлар билан тараққий эттириш, янги корхоналар куриш, мавжудларини реконструкция қилишга алоҳида аҳамият берилди.

Республикамизда халқ хўжалиги тармоқларида яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ошди. Масалан, 1990 йили бу даромад 1970 йилдагига нисбатан 3 баробар кўпайди ва 21,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, саноатда 7,1, қишлоқ хўжалигига 7,5, қурилиш бўйича 3,0, транспорт ва алоқада 1,1, савдо, тайёрлов, моддий-техника таъминоти ва бошқалар бўйича 2,5 млрд. сўм бўлди. Шунга қарамасдан, собиқ СССРда Ўзбекистоннинг миллий бойлиги атиги 3,5%ни ташкил қилган. Юқорида келтирилган рақамлардан 70 йилдан ошиқ ҳукм сўрган тоталитар тузумнинг оғир оқибатларини кўриш мумкин. Собиқ иттифоқнинг 7% аҳолиси яшаган республикамизда жами маҳсулот ишлаб чиқариш атиги 4 %ни, саноат ишлаб чиқариш 1,1%ни ташкил қилган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз миллий даромади оғир саноат, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати, пахтачилик, пиллачилик, қоракўлчилик, мевачилик, узум етиштириш, сабзавотчилик билан боғлиқ. Бу тармоқлар маҳсулоти Ҳамдўстлик давлатлари орасида ўзига хос аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз жаҳон бозорида меҳнат тақсимотида пахта толаси, ипак, каноп пояси, қоракўл, пахта териш машиналари, пахта тозалаш жиҳозлари, хом ип тайёрлайдиган машиналар ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринда, электрокранлар, ип, газламаишлаб чиқариш, шоли, сабзавот етиштириш бўйича 3-ўринда, табиий газ қазиб чиқариш бўйича 4-ўринда туради.

Миллий бойликнинг аҳамияти ва салмоғини республикада бир кунда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан ҳам таърифлаш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда бир кунда 150 млн.киловатт электроэнергия, 113 млн.м<sup>3</sup> табиий газ, 17 минг тонна кўмир, 2,5 минг тонна прокат, 3 минг тонна пўлат, 65 трактор, 17 минг тонна цемент, 1679 минг м<sup>2</sup> ип газлама, 121,4 минг жуфт пойабзал, 52 музлаткич, 200 дона автомобиль ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда миллий бойлик Ўзбекистон танлаб олган йўл – республика ва унинг халқи манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган.

Миллий бойлик таркибига тўхтадиган бўлсак, миллий бойликка халқ хўжалигининг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фонdlари (бино, иншоот, машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор хайвонлар, материаллар, ёқилғи ва хоказо), муомала фонди (тайёр маҳсулот захиралари), эҳтиёж фонdlари ва

суғурта захиралари, халққа хизмат қилувчи тармоқларнинг асосий фондлари (мактаб ва шифохоналар, уй-жой, маданият саройлари), ахолининг шахсий мол-мулклари, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилинган табиий бойликлар (ер ости қазилмалари, экин майдонлари, кўриқ ва бўз ерлар, ўрмон ва сувлар), шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, илмий-техника ва тадбиркорлик бўйича билимлари ҳам киради. Миллий бойлик таркибида ахолидаги хизмат муддати бир йилдан ошган, узоқ вақт фойдаланиладиган предметлар (уй-рўзгор бисоти) алоҳида гурухни ташкил қиласди. Булар индивидуал транспорт воситалари ва уларга керакли ашёлар, мебель, идишлар, майший приборлар, фото ва кинотехника, соатлар, заргарлик буюмлари, маданий моллар, кийим-кечак ва пойабзал, ишлаб чиқариш кийимлари ва шу кабилардир.

Миллий бойлик таркибининг асосий қисмини ишлаб чиқаришдаги асосий фондлар ташкил қиласди. Ишлаб чиқариш асосий фондларига бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, маҳсулдор чорва ва иш хайвонлари, кўп йиллик экинлар киради. Улар сирасига ҳар бирининг қиймати 100 сўмдан кам турадиган меҳнат воситалари ва қийматидан қатъи назар хизмат муддати бир йилдан кам бўлган меҳнат воситалари киритилмайди. Миллий бойликни режалаштириш ва хисобга олишда ишлаб чиқариш асосий фондларига фойдаланишга топшириш пайтида балансга қабул қилиб олишдаги дастлабки қиймати; фондларни тақорор ишлаб чиқариш пайтида уларнинг баҳосини белгилаб берувчи тиклаш қиймати билан хисоблаб кўйилган, ейилиш суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлган қолдиқ қиймати фарқланади. Ўзбекистонда асосий фондлар 1986 – 1990 йилларда 26,5 млрд. сўм, 1991–1995 йилларда 32,5 млрд. сўм ва 1995–2000 йилларда 43,2 млрд. сўмга ошди.

Иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий бойлик узвий боғлиқдир. Масалан, иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаганда кўпгина давлатлар АҚШ даражасини стандарт сифатида қабул қилишади. Унитмаслик керакки ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланишнинг турлича шароитлари иқтисодий ривожланиш даражасини қандайдир битта нуқтасидан туриб баҳолашга имкон бермайди. Шунинг учун бунда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, (ЯММ, МД);
- миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши;
- аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш;
- аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Булардан энг муҳими, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ЯММ) кўрсаткичидир. Бу кўрсаткичга мувофиқ мамлакат халқаро стандарт бўйича ривожланаётган ёки ривожланган давлатлар категориясига киритилади. Ривожланган давлатлар категориясига йилига аҳоли жон бошига 506 минг \$ ва ундан ортиқ ЯММ яратадиган давлатлар киради. Мамлакатнинг ривожланиш даражаси, шунингдек, энг муҳим тармоқларининг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасига қараб ҳам белгиланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ёқилғи-энергетика ресурслари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди. Нефть ишлаб чиқариш 270 % ва табиий газ ишлаб чиқариш 120%га ошди.

Хар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланишини авваламбор унинг табиий ресурслари сони ва ҳажми белгилаб беради, чунки табиий ресурслар барча ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришнинг асоси, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини, самарадорлигини белгиловчи муҳим омилдир. Ўзбекистон табиий ресурсларнинг улкан поитенциалига эга. Олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда 8, аҳоли жон бошига олтинни ишлаб чиқаришда эса 5-ўринни эгаллайди. Ҳозирги қунга қадар республикамиизда 30та олтин кони аниқланган (энг каттаси - Мурунтов).

### 3.1-жадвал

#### **2010 йилгача нефть ва газ тармоғини ривожлантириш кўрсаткичлари (%)**

Тармоқлар	2005 йил		2010 йил йил учун баҳорат	
	Ялпи маҳсулот	Ходимлар сони	Тармоқлар	Ялпи маҳсулот
Ёқилғи-энергетика	100	100	100	100
Шу жумладан: Газ саноати	58,0	75,7	64,6	76,5
Нефть саноати	42,0	24,3	35,4	23,5

Манба: «Ўзбекнефтегаз» МХК ҳисоботи, 2006

Шунингдек республикада 2005-2020 йилларда нефть ва газ соҳасида геология-қидирив ишлари бўйича стратегик дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у мазкур даврда углеводородлар заҳираларини 1,15 млрд. т. шартли ёқилғи ҳажмигача кўпайтиришни назарда тутади. Шу жумладан, 15 йилда газ заҳираларини 1015 млрд. куб. м., нефтт - 69,8 млн. т. ва конденсат – 65,7 млн. тоннагача етказиш кўзда тутилган.

### 3.2-жадвал

#### **Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2004	2005	2010 йил учун баҳорат
Бензин	минг.т.	182,0	191,3	202,2
Керосин	минг.т.	470,6	520	421,8
Мойлаш материаллари	минг.т	36,5	37,9	40,0

Манба: «Ўзбекнефтегаз» МХК ҳисоботи, 2006

Республикамизда қазиб олинаётган табиий газнинг 85 % иқтисодий жабхаларда ва ахоли томонидан истеъмол қилинаётган бўлса, 15 % экспорт қилинмоқда. Республикаизда нефт маҳсулотлари ва суюлтирилган газ Россия, Украина, Тожикистон, Қирғизистон ва узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Табиий газ эса шимолий йўналишда ва Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон мамлакатларига экспорт қилинади. Олтингугурт ва полиэтилен маҳсулотлари эса 2003 йилдан бошлаб Қозоғистон, Россия, Хитой, Эрон ва Туркия давлатларига экспорт қилина бошланди.

“Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси XXI асрга Марказий Осиё минтақасида йилига 57 млрд. куб метрдан ортиқроқ табиий газ ва 8 млн. тонна атрофида суюқ углеводородларни етказиб берувчи энг йирик ёкилғи-энергетик ресурсларни ишлаб чиқарувчилардан бири сифатида кириб келди.

Республикамиз иқтисодини ривожлантиришнинг замонавий босқичида нефт ва газ соҳаси олдига янги вазифалар қўйилади:

- нефт ва газга бой ҳудудларда нефт ва газ қидириш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб бориш орқали ва углеводород базасини ошириш;
- узоқ вақт давомида эксплуатацияда бўлган нефт ва газ конларида скважиналарни капитал таъмирлашда иккиласми чиқарни учун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- очилган қатор нефт ва газ конларини ишга тушириш;
- келажақда узоқ ва яқин хориж мамлакатларига экспорт қилиш ва мамлакатимиз таъминоти учун углеводород гази ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;
- магистрал газ қувурларининг ишончлилигини таъминлаш бўйича дастурни амалга ошириш;
- соҳанинг ташкил этилган машинасозлик комплекси базасида нефт ва газ машинасозлигини ривожлантириш;
- хориж компаниялари билан биргалиқда янги нефт ва газ конларини очиш ва ишга тушириш, шу хом ашъёдан кимматли компонентлар (этан, пропан, бутан ва бошқалар)ни криоген жараёнлар асосида ажратиб олиш учун табиий газни қайта ишлаш бўйича қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- 2020 йилгача бўлган давр учун нефт ва газ соҳасини ривожлантириш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги Фармонига биноан қазиб олинадиган нефть ва газ ҳажмини кўпайтириш, янги нефть ва газ конларини ўзлаштириш суръатини тезлаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш ва

транспортировка қилиш самарадорлигини ошириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ишларни жадаллаштириш, нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва соҳани бошқариш структурасини такомиллаштириш мақсадларида “Ўзбекнефтгаз” Миллий корпорацияси “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси шаклида қайта ташкил қилинди.

### 3.3-жадвал

**2008 йилда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми  
(млрд.сўм)**

	2008 йил	2007 йилга нисбатан, %	Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидағи улуши, %	
			2007 йил	2008 йил
<b>Жами</b>	23679,0	112,7	100,0	100,0
шу жумладан				
Электроэнергетика	2032,6	99,6	9,4	8,6
Ёқилғи-энергетика	4761,3	123,9	18,0	20,1
Қора металлургия	690,5	105,7	2,4	2,9
Рангли металлургия	2975,6	94,9	15,8	12,6
Кимё ва нефгимё	1186,8	108,2	4,8	5,0
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	3828,6	123,5	15,0	16,2
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қофоз	185,0	119,8	0,9	0,8
Қурилиш материаллари	1171,7	109,8	5,3	4,9
Енгил	3050,5	106,6	14,1	12,9
Озиқ-овқат	2504,8	128,2	9,0	10,6
Бошқалар	1291,6	113,6	5,3	5,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

3.3-жадвал жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йилда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози бошланганлигига қарамай, ёқилғи-энергетика саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми деярли 4,8 трлн.сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилга нисбатан 23,9 фоизга кўп. 2008 йилда айрим ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,4-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларига кўра 2008 йилда бензин ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 3,2 %га ошган. Керосин ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда 20,6 %га, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 %га ўсан. Иссиклик энергияси, нефть ва газ конденсати, дизель ёқилғиси, ёнувчи мазут ва мойлаш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми эса, бирмунча камайган.

### 3.4-жадвал

#### Ёқилғи-энергетика саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

	2008 йил	2007 йилга нисбатан, %
Электроэнергия, млрд.кВт соат	50,1	102,3
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	19,8	97,2
Нефть ва газ конденсати, млн. тонна	4,8	97,6
Бензин, минг тонна	1464,1	103,2
Дизель ёқилғиси, минг тонна	1287,2	92,4
Ёнувчи мазут, минг тонна	539,5	78,4
Керосин, минг тонна	361,7	120,6
Мойлаш материаллари, минг тонна	261,2	86,4
Суюлтирилган газ, минг тонна	248,1	104,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Республикамизда 34 турдаги минерал хом ашёнинг 850 дан ортиқ кони очилган, углеводород хом ашёсининг умумий захиралари: газ -1828 млрд. м<sup>3</sup>; газ конденсати- 136 млн.т.; нефть - 103 млн. тоннани ташкил этади.

Республикамиз худудида 20 дан ортиқ тошқумир конларининг ётқизиқлари аниқланган. Уларнинг захираси 3499 млн.т. Ангрен кони захирасининг ўзи эса 1885 млн.т., 33та нодир ва 32та рангли металларнинг конлари базасида 16та тоғ-кон саноати корхоналари ишламоқда. 5та вольфрам кони бор (Қўйтош, Лангар, Ингичка).

Тасдиқланган минерал сувлар захираларининг 1 суткали ҳажми 8208 минг м<sup>3</sup>. Хозирда аниқланган минерал сувларнинг 32 манбаи базасида 12та курорт, минерал сувларни қуловчи 10дан ортиқ корхона ишламоқда.

Республикамизда 4,2 млн. гектар суғориладиган ерлар бор. Мамлакатда фойдаланилаётган сув ҳажми 62 – 65 км<sup>3</sup> бўлса, унинг 36 км<sup>3</sup> и Амударё ва Сирдарёдан, қолган қисми эса ички манбалардан олинмоқда. Ер ва сув ресурсларининг мавжудлиги, қулай иқлим шароити 1,7 млн.т. пахта толаси етиштириш имконини бермоқда. Бу соҳа республикамизнинг муҳим базасидир.

Ўзбекистон худудида катта аҳамиятга эга бўлган олтин, мис, рух, вольфрам, молибден, флюорит, шунингдек, алюминий ва магний рудалари, нодир металлар, олтингугурт, ош тузи, калийли ва бошқа табиий туз қатламлари, каолин, ўтга чидамли хом ашёлар, бетонит, мрамар ва бошқа безак тошлари, унча қимматли бўлмаган баъзи пардоз ишлов тошлари топилган, ёқилғи ресурслари бўйича эса кўмир, нефть, табиий газ конлари очилган.

Ўзбекистонда минерал хом ашё базаси мавжудлиги сўнгги 20 – 25 йил мобайнида республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини, айниқса, газ, нефть, олтин ишлаб

чиқариш, энергетика, кимё, рангли металлургия, руда бўлмаган хом ашёлар ва қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини берди. Республикада топилган конлар асосида Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Ангрен кимё-металлургия ва Кўйтош руда бошқармалари, Мурунтов тоғ-металлургия комплекси, газ, нефть, бетонит, бирюза, графит чиқарувчи ва қайта ишловччи йирик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Республикада 90 хил саноат миқёсидаги ва 450 та истиқболдаги тоғ-кон саноат, газ ва нефть корхоналари, шахталар, карьерлар, йирик сув иншоотлари ишлаб турибди. Қаттиқ фойдали қазилмалар ишлаб чиқаришнинг йиллик хажми 100 млн. тоннани ташкил этмоқда. 2003 йилда 49 млрд. кубометр табиий газ, 7,6 млн. тонна нефть қазиб чиқарилди. Суткасига 2500 минг кубометр ер ости сувлари олинмоқда. Конларнинг фойдаланишга топширилиши баъзи туманлар иқтисодиётини ўзгартириб юборди. Айрим тоғ-саноат комплекслари бунёд этилди (Олмалиқ-Ангрен, Мурунтов-Зарафшон).

Ангрен, Олмалиқ Зарафшон шахарлари эса бўз ерларнинг саноат жиҳатидан ўзгартирилишига асосий омил бўлди. Аниқланган миллий бойлик манбалари ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддат давомида олтин, мис, табиий газ, қўрғошин, рух, кўмир ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмай, ҳатто ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имконини ҳам беради.

Айни вақтда вольфрам ишлаб чиқарувчи корхоналар хом ашё манбалари билан етарли даражада таъминланмаган. Кўйтош ва Ингичка руда бошқармалари, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати шулар жумласидандир. Республикада чиқарилиши мумкин бўлган нометалл минерал хом ашёларнинг ташиб келтирилиши жиддий иқтисодий чиқимларга ҳамда транспорт балансининг асоссиз равишда кучайишига олиб келди. Ўзбекистонда аниқланган баъзи нометалл минерал хом ашё конлари (Шўртон газ комплекси, Устюрт сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати) мавжудлигига қарамай, ҳар йили 500 минг тонна фосфорит, 280 минг тонна калийли ўғит, 408 минг тонна ош тузи, 87 минг тонна кварц қумлари, 127 минг тонна бетонит гиллари ҳамда оҳак, барит, асбест, каолин концентрат, дала шпати, тальк, графит, минерал пигментлар, натрий сульфат, олtingугурт ва ҳоказолар Украина, Қозоғистон, Россиядан ташиб келтирилар эди. Келажақда республикамизда нометалл минерал хом ашёларнинг асосий турларига, улардан қилинадиган буюмларга талаб бир неча бор ошади. Агар уларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилмаса ташқаридан ташиб келиш лозим бўлади ва катта сарф-ҳаражат қилинади. Шунинг учун республикада геологик қидирав ишларининг истиқболини аниқ белгилаб, уларни тез суръатларда амалга ошириш лозим. Бу факат республикамиз талабинигина қондирмай, балки фойдали қазилмаларнинг кўп турларини яқин ва узоқ чет давлатларга юбориш имкониятларини ҳам беради.

Хозир Ўзбекистонда разведка қилинган истиқболли фойдали қазилмаларнинг манбаи бўйича саноатнинг айрим тармоқларини жадал ривожлантириб, 2000 йилга мўлжалланган даражада мавжуд истиқболли конлар ва майдонлар текширилиб, улардан 2005–2015 йиллар давомида фойдаланиш имкониятини таъминлаш мумкин. Бунда биринчидан, олтин, мис, кўрғошин, рух, кумуш, висмут ва бошқа нодир элементлар чиқарувчи рангли металлургиянинг келгуси ривожланиш масаласини ҳал қилиш имконияти туғилди.

Иккинчидан, республикамизда разведка қилинган ва истиқболли конлар базасида тоғ-руда, тоғ-кимё саноатининг янги тармоқлари яратилиши мумкин. Хозир Ўрта Осиёга ташиб келтирилаётган қора металл буюмларининг миқдори йилига 6 млн. тоннага яқин, келгусида эса 20 млн. тоннага етади. Бунга хотима бериш учун қора металлургия базаси яратилиши керак. Шу мақсадда Тебинбулоқ (Султон Увайс тоғи-Ўзбекистон), Ирису (Жанубий Қозоғистон), Чоқадамбулоқ (Тожикистон) ва бошқа йирик конлардан фойдаланиш керак. Учинчидан, бу ерда захиралари нисбатан кўп бўлган сульфид газини бойитиш орқали газ ишлаб чиқариш кенгайтирилади ва олтингугурт ажратиб олинади. Мавжуд нефтни хайдаш Фарғона ва Қоравулбозор заводларини маҳаллий хом ашё билан узлуксиз таъминлаш нефть саноатининг янада ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Тўртинчидан, сульфат кислота ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Навоий электрокимё комбинатида натрий сульфат олиш, шунингдек, газ-конденсат хом ашёси базасида кўп миқдорда хлороорганик синтез маҳсулотлар олишдан иборат бўлган кимё саноати (Шўртон комплекси каби) анча ривож топади.

Бешинчидан, кўп миқдорда янги курилиш материаллари, масалан, керамзит ишлаб чиқариш учун керак бўлган бетонитлар, Тошкент метрополитени, янги меҳмонхоналар ва экспорт учун зарур bezak тошлари ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш керак. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши транспорт балансини яхшилаш, қатор катта ҳажмли юклар Ўрта Осиёга ташиб келтирилишини камайтириш имкониятини беради ва уларни янги йўллар орқали Европага ташиш мумкин.

### **3.2. Экологик бойлик – давлат иқтисодиётининг асоси**

Оролбўйи ҳавзасидаги экологик ҳалокат кўп йиллардан буён одамларга ададсиз кулфат келтирмоқда. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган Оролбўйи ҳавзаси, агар иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ карорлар экологияни ва экологик таваккал қилишга берилган баҳоларни ҳисобга олмасдан қабул қилинса, ҳар қандай жойда ҳам мана шундай воқеа юз беришининг яққол мисоли бўла олади.

Ўзбекистонда салбий жараёнларнинг ривожланиши ва экологик тизимиларнинг хавфли ўзгариши мутлақ миллий муаммо эмас, чунки уларнинг пайдо бўлиши қўшни давлатга боғлиқ Орол танглиги мисолида аниқ намоён бўлди. Шу сабабли Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан, ҳам Орол денгизида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган ҳхлқаро ташабbusларда (айниқса, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури билан), биргаликдаги ташабbusларни ривожлантиришда фаол қатнашмоқда.

Экология масалаларини интеграциялаш ҳамда минтақавий даражада қарорлар қабул қилинишини ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш Марказий Осиёдаги бешта давлат бошликлари томонидан 1993–2001 йиллар давомида қабул қилинган қарорларни ривожлантириш учун ташкил этилган тегишли минтақавий тузилмалар орқали амалга оширилади. Улар қуйидагилардир:

- Оролни Қутқариш ҳалқаро жамғармаси;
- Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Сув хўжалиги Комиссияси;
- Минтақавий Экология маркази;
- Оролбўйи генафонини сақлаш жамғармаси.

Республикамизда табиатни муҳофаза қилишга кўйилган асосий инвестициялар ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун 2000 йилда харажатлар тахминан қуйидагича бўлган: тупроқни муҳофаза қилиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш – 2 %; саноатнинг заҳарли чиқиндиларини қайта ишлаш, фойдали тарзда ишлатиш, кўмиш – 1 %; саноат чиқиндиларини қайта иглаш, фойдали тарзда ишлатиш – 2 %; ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш – 25 %; атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш – 35 %; табиатни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш – 40 %.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида атроф-муҳит ва тараққиёт масалаларига интеграцияланган ёндашувни намоён қилди. Ушбу ёндашувлар Концепцияда, Миллий стратегияда ва «Ўзбекистон Республикаси учун XXI асрга кун тартиби»да янада ривожлантирилди.

2010 йилгача бўлган даврда «1999–2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш саъй-ҳаракатлари дастури», «2010 йилгача бўлган даврда иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар концепцияси»ни ривожлантириш учун қуйидагидар воситасида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш доирасида балансли экологик ва иқтисодий сиёsat юритилиши назарда тутилади:

- Минерал хом ашё ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тузилмавий-инвестиция сиёсати юритиш, худудларнинг табиий-ресурс салохияти ва атроф-мухит учун хавф баҳоланиши ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг узоқ муддатли (15–20 йилга мўлжалланган) прогнозларини ишлаб чикиш;

- иктиносий, ижтимоий ва экологик хавфсизликнинг мақсадли давлат дастурини ишлаб чикиш ва амалга ошириш, шу жумладан, Оролбўйида ва мамлакатнинг экологик вазият яхши бўлмаган бошқа минтақаларида кескинликни пасайтириш чора-тадбирларини кўриш;

- экологик жиҳатдан чуқур ўйланган, ижтимоий-иктиносий ривожланишни таъминловчи тегишли қонунчилик-норматив база ва механизларини янада такомиллантириш ва ривожлантириш, шу жумладан, табиатдан нооқилона фойдаланганлик учун қаттиқ жазо жорий этиш;

- экологик хавфсизлик таъминланиши учун корхоналар ва ташкилотлар (мулкчилик шаклларидан қатъи назар) жавобгарлигини ошириш, экологик хавфли вазият пайдо бўлганлиги ва ривожланганлиги учун етказилган зарарнинг айборлар томонидан тўлиқ копланиши кафолатлари шартларини ишлаб чикиш;

- экологик бозор тузулмалари (аудит ва тадбиркорлик) бошқарув тизимини барпо этиш, экологик товарлар ва хизматлар, техника ва технологиялар бозорини ривожлантириш мақсадида институционал қайта ўзгаришишларни чукурлаштириш;

- устувор экологик лойиҳалар амалга оширилишига хар хил тадбиркорлик тузилмаларининг, нодавлат ташкилотларининг маблағларини кенг жалб қилиш.

Ёқилғи қазиб олиш, уни транспортда ташиш ва ёкиш, саноат чиқиндиларини саклаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигига ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш атмосферани ифлос қилишининг асосий манбалари ҳисобланади.

Атмосферага чиқариладиган чиқиндилар умумий ҳажмининг 37 фоизи нефть-газ саноати, 30 фоизи энергетика, 15 фоизи рангли металлургия, 5 фоизи курилиш индустрияси улушкига тўғри келади.

Ёқилғининг барча турларини ёкишда иқлим ўзгаришига салбий таъсир кўрсатадиган, «иссиқхона газлари» деб аталадиган 90 мил. тонннадан ортиқ газ ҳосил бўлади. Атмосферага чиқариладиган углероднинг 95 фоизидан ортиғи, метаннинг 73 фоизи ёқилғи-энергетика комплекси улушкига тўғри келади. Таркибига углерод оксиди, азот оксиди, углеводородлар, бензапирен, альдегидлар, кўрғошин кирадиган автомобиль транспорти чиқиндилари атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларнинг умумий ҳажмида 60 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Турли манбалардан атмосферага Ўзбекистонда чиқарилаётган чиқиндилар тузилмаси қуйидагича: нефть саноати – 37 %, энергетика – 30 %, рангли металлургия – 15 %, курилиш индустрияси – 5 %, бошқалар – 13 %.

Ўзбекистон атроф-мухит ва ривожланиш бўйича БМТ конференциялари қарорларига тарафдор эканлигини ифодалаб, атмосферани муҳофаза қилиш юзасидан ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш доирасида муайян ишларни амалга ошироқда. Чунончи, 1993 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доира конвенциясини имзолади, 1995 йилда озон катламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси, озон катламини емурувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи ҳамда Монреаль протоколига Лондон ва Копенгаген тузулишлари имзоланди, 1999 йилда Киот протоколини ратификация қилди. Республикаизда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавзасини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ хукуматга карашли бўлмаган нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари мустақил экологик экспертиза ўтказишда қатнашадилар. Экспертизанинг хулосалари тавсия хусусиятига эга. Улар шунингдек, атроф-мухит муҳофазаси лойиҳалари ва дастурларини, қарорларни ишлаб чиқишида эксперт сифатида жалб этиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1999–2005 йилларда атроф-мухитни муҳофаза қилиш саъй-харакатлари дастурида атмосферани ифлосланишдан муҳофаза қилиш масалалари етакчи ўринни эгаллади. Дастурда қуйидагилар назарда тутилади:

- автопарк тузилмасини такомиллаштириш ва уни мақбул равишида дизеллаштириш, Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоят марказларида ихтисослаштирилган экологик пунктлар ташкил этиш (36 та пункт) хисобига автотранспорт чиқиндиларини камайтириш; алоҳида цехлар ва ишлаб чиқаришларнинг тутиб қолиш ҳамда чанг ва газдан тозалаш тизимлари қурилиши хисобига республиканинг йирик корхоналарида чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- Тожикистон альюминий заводининг салбий таъсири даорасида экологик вазиятни яхшилаш бўйича Ўзбекистон – Тожикистон Битими доирасидаги хатти-харакатларни ривожлантириш;
- экологик сиёсатнинг норматив-ҳуқуқий базасини ва иқтисодий механизmlари тизимини такомиллаштириш;
- 2005 йилгача бўлган даврда атмосфера ҳавосини ва унинг ифлословчи манбаларини мониторинг қилиш тизимини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастурини амалга ошириш.

Иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари стратегияси ва дастурини, 2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон энергетикасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш жараёнида атмосферага иссиқхона газларини чиқаришни қисқартириш бўйича энг кўп самарага эришиш кутилмоқда. Энергияни тежаш, бирламчи энергия ресурслари истеъмол қилиниши салмоғини қисқартириш, энергиянинг тикланадиган манбаларидан фойдаланишини кенг ёйиш, кичик гидроэлектр станциялари тармоқлари қуриш ва уларни кенгайтириш ушбу дастурларнинг муҳим тадбирлари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг таббий-икклим шароитлари ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун яроқли бўлган ер майдонлари чекланганлиги ер ресурсларидан, шунингдек, бошқа табиий бойликлардан фойдаланишнинг самаралироқ ва фойдалироқ йўлларини доимий равища излашни тақозо қиласди.

Республикамизнинг жами ер майдони 448,9 минг.кв.км.ни ташкил этади. Шундан 60%дан қўпроғи қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардир. Ер фонди қишлоқ хўжалигига фойдаланилиши жиҳатидан хилма-хилдир. Суғориладиган ерларнинг асосий қисмига пахта, ғалла ва чорвачилик учун ем-хашак бўладиган экинлар экиласди. Лекин ҳудудимизда лалми, ялов, тоғ ўрмонлари билан банд ерлар анчагина.

Ўзбекистонда суғориладиган ерлар 4 млн. гектардан зиёд бўлиб, унинг қарийб 1,6 млн. гектари дашт зonasида, қолган қисми сур тупроқли минтақада. Суғориладиган ерлар йирик дарёларнинг ўзлаштирилган водийлари ва этаклари, шунингдек, тоғ этагидаги текисликларда. Масалан, Мирзачўлда, Ўртачўлда ва бошқа ҳудудларда суғориш ишлари натижасида сизот сувлар сатҳи кўтарилиб, эндилиқда иккичи тузланиш (гидроморф) жараёни ривожланмоқда.

Суғориладиган ерларнинг энг катта майдонлари Фарғона, Зарафшон, Чирчик, Сирдарё, Амударё, Қашқадарё ва Сурхондарё этакларидадир.

Лекин ерларнинг энг катта майдони Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида жойлашган. Бу ерларнинг бир қисми, айниқса, сур тупроқли ерлар суғорилиб, экинзорга айлантирилди.

Ўзбекистоннинг энг катта майдони – дашт яловлари 26,6 млн.гектардан иборат. Шундан 11,0 млн.гектари сурқўнғир тупроқли, салкам 13 млн. гектари кум ва қумлок тупроқли ерлар.

Тоғ ҳудудларидаги ерлар 2,6 млн.гектар. Республикада бирдан-бир ўрмон зonasи бўлган бу ерларнинг сув ва тупроқни муҳофаза қилишдаги, аҳоли дам олишини таъмирлашдаги, чорвачиликни ривожлантиришдаги ва атомосферани яхшилашдаги аҳамияти катта.

Ўзбекистон ерлари қадимдан сугориб келинади. Суғорма дехқончилик қишлоқ хўжалигининг негизи, мамлакатнинг олтин фондидир.

Ер муносабатларини тартибга солишнинг қонунчилик-ҳуқукий базаси асосан барпо этилган. Улардан энг муҳими ҳозирги даврда ер муносабатларини тартибга солишнинг асосий йўналишлари ва принципларини белгилаб берувчи ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексидир (1998 й.).

Ер кодексига мувофиқ ер Ўзбекистон Республикасида давлат мулки – умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ундан оқилона фойдаланилиши керак ва у давлат томонидан муҳофазаланади, олди-сотди қилинмайди, алмаштирилмайди, гаровга кўйилмайди, хадя қилинмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундан ташкари, «Давлат ер кадастори тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари. «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳоли муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ер ости бойиклари тўғрисида»ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошка қонунлари билан тартибга солинади.

Ер ресурсларини комплекс бошқариш мақсадида Ер ресурслари давлат кўмитаси тузилган. Ер ва сув фондидан фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назорати Давлат табиятни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан амалга оширилади. Энг серҳосил, қимматли ерлар қишлоқ хўжалиги барча экин майдонларининг атиги 10 фоизини ташкил этади, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоизидан ортиғи мана шу ерларда етиширилади. Суғориладиган ер фонди ҳажми сув ресурсларига боғлиқ ҳолда лимитлаштирилади. Сув ресурслари эса ҳозирги вақтга келиб амалда сарфлаб бўлинган. Суғориладиган ер майдони 4,2–4,3 млн. гектарни ёки аҳоли жон бошига 0,17 гектарга якинни ташкил этади. Муаммо шундаки, ерларнинг антропоген чўлга айланиш жараёнлари кучайиши демографик вазият туфайли янада мураккаблашмо қда.

Тоғолди туманларидаги катта экин майдонлари сув эрозиясига, шамол кучли эсадиган зоналарда эса шамол эрозиясига учраган. Баҳоларга кўра, ҳосилнинг қарийб 15 фоизи ерларнинг мелеоратив ҳолати яхши эмаслиги туфайли бой берилади. Чўл-яйлов ҳудудлари, ўрмон майдонлари, аҳоли пунктлари жойлашган ерлар, муҳофаза қилинадиган тўққизта кўриқхона зonasи ва иккита миллий боғ ҳам ер ресурслари тузилмасида муайян ўрин тутади.

Куйидаги дастурларни амалга ошириш давомида ер ресурсларини бошқариш тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш назарда тутилмоқда: 2010 йилгача бўлган

даврда ерларнинг мериоратив ҳолатини аниқлаш дастури; Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш билан боғлиқ миллий режалар, ерларнинг чўлга айланишига ва қурғоқчиликка қарши кураш олиб бориш; 2001–2003 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури; 2003–2007 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш дастури; Амударёнинг қуи оқимларида сув тақчиллиги ва қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатишининг миллий стратегияси; Орол денгизи ҳавзасидаги танглик оқибатларини юмшатиши юзасидан Маркази Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги дастури.

Кўрсатиб ўтилган дастурлар доирасида қуидаги тадбирларни кенг доирада амалга ошириш назарда тутилмоқда:

- тупроқнинг унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш учун агромелиоратив ишлар олиб бориш; ерлар бундан кейин таназзулга учрашининг олдини олиш;
- минтақавий даражада чора-тадбирлар кўрилиши хисобга олинган ҳолда сувдан оқилона фойдаланишининг кенг кўламли тадбирлари;
- асосий тармоқлар – пахтачилик, ғаллачилик (ва шоличилик), боғдорчилик ва чорвачилик ажратиб кўрсатилган ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоқларининг зонал ихтисослашгирилишини ишлаб чиқиш;
- ер ресурсларидан фойдаланиши рағбатлантиришнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш;
- ер муносабатларини, ер ресурсларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларини ривожлантириш; Ўзбекистон иқтисодиётининг кўп укладли ва барқарор аграр тузилмасини шаклантиришни тугаллаш;
- кам маҳсулли ва қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ерлар хисобига маҳсус захира ер фондини шаклантириш учун механизmlар ва шарт-шароитларни ишлаб чиқиш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш;
- ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни кучайтириш;
- ер ресурслари динамикаси ва барқарорлиги доимий мониторинг қилинишини ташкил этиш.

Ўзбекистон ўрмонлар билан камроқ қопланган мамлакатлар қаторига киради. Бу ҳудудда ўрмонларнинг тўғридан-тўғри иқтисодий аҳамияти унчалик катта эмас. Лекин шунга карамай, барқарор ривожланишини таъминлаш учун ўрмонларнинг экологик аҳамияти доимий равишда ошиб бормоқда, чунки ўрмонлар ҳимоялаш, кўриқлаш, тиббий ва тиклаш ролини бажара бориб, ҳаёт таъминоти шароитларини яхшилашга хизмат қиласи, шунингдек, иқлимини тартибга солишга, биологик хилма-хилликни ҳимоя қилиш ва тиклашга кўмаклашади.

## **Қисқача холосалар**

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишdir. Бусиз турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқенини мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Иқтисодий ислоҳотлар мулкий масалалар тўғри ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари узлуксиз амалга оширилган, кўп укладли иқтисодиёт барпо этилган тақдирдагина салмоқли натижалар беради.

Таркибий сиёsat, энг аввало, кишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг тугалланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёкилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилишда «табиат», «атроф-мухит», «табиий шароит», «табиий мажмуалар», «табиий ресурслар», «табиий қулайлик», «табиатдан фойдаланиш» каби тушунчаларнинг маъносини билиш лозим.

Ушбу бобнинг тадқиқот обьекти табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқ таъсирнинг сабаб-оқибатлари ҳамда инсон фаолиятининг номақубул оқибатлари сабабларини бартараф этиш чораларини топишидир.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш қатор тамойил ва қоидаларга таянмоғи лозим.

Атроф-мухит муҳофазасининг ижтимоий-сиёсий, хуқуқий, экологик-иқтисодий, ижтимоий-гигиеник, техник-технологик, тарбиявий, нафосат, илмий-тажрибавий жиҳатлари мавжуд.

Атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг илмий асослари табиат ва жамиятда нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги таълимот бўлиб, у табиатдан фойдаланиш, уни ўзгартириш ва муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиша мухим ўрин тутади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар.**

1. Атмосферанинг аҳамияти нимада?
2. Атмосфера қандай таркиб ва тузилишга эга?
3. Атмосфера ифлосланишининг қандай турлари мавжуд? Уларга қисқача таъриф беринг.
4. Ўзбекистонда атмосфера ифлосланишининг қандай манбалари мавжуд?
5. Атмосферанинг ифлосланиши қаннақа салбий оқибатларга олиб келади?
6. Миллий иқтисодиётни ривожантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

7. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги қандай аниқланади?
8. Иқтисодий танглиқдан қандай йўллар билан чиқиш мумкин?
9. Миллий бойлик, деганда нимани тушунасиз?
10. Миллий бойлик таркиби нималардан иборат?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил майдан бошлаб иш ҳақи, нафақалар, стпендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги фармони.) – «Ҳалқ сўзи», 2005 йил, 26 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан –тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Ҳалқ сўзи», 2005й., 12 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 15 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. – 2005й., 2 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инотека кредит беришни кўллаб - кувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 6 май.
6. Каримов И,А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
7. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
8. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
9. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Макроиктисодиёт». Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004й.
10. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова А.И. «Регулирование экономики в зарубежных странах». – Т., ТГЭУ, 2000.
11. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова А.И. «Интеграция мировой экономики». – Т., ТГЭУ, 2000.
12. Интернет веб-сайтлари.  
[www.ceep.uz](http://www.ceep.uz).  
[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz).  
[www.pca.uz](http://www.pca.uz).  
[www.micro-macro iqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macro iqtisodiyout.fan.uz).

## **4-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 4.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳоларнинг асосий йўналишлари.
- 4.2. Давлат молияси, банк ва валюта сиёсати.
- 4.3. Республика солик-бюджет сиёсати.

### **4.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳоларнинг асосий йўналишлари**

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишdir. Бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар каторида Ўзбекистон ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришишни иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олди.

Иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўтказиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, макроиқтисодий барқарорликнинг ўсиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан юқори даражада бандлиги, тўлов балансининг қониқарли ахволда эканлиги ва миллий валютанинг ташқи бозорлардаги барқарорлиги сингари кўрсаткичларда акс этади. Бу кўрсаткичларни бақарорлаштиришга вазмин монетар-фискал сиёсат, нарх ва иш ҳақи ҳамда ташқи иқтисодий сиёсат юритиш билан эришиш мумкин.

Мустақиллижимизнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон хукумати макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёсат олиб борди. Ўз навбатида, мамлакатимизда аграр, мулкий муносабатлар, молия-кредит, ташқи иқтисодий алокалар, нарх-наво ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жихатдан янада ривожлантириш стратегиясининг асосий устуворликлари этиб қўйидагилар белгиланган эди: жамиятнинг сиёсий, иқтисодий турмушини эркинлаштириш; юқори малакали кадрлар тайёрлаш; халқнинг моддий фаровонлигини барқарор ўстириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза килишни кучайтириш; иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларни амалга ошириш; жамиятда барқарорлик, тинчликни, миллатлараро ва фуқоролар тотувлигини таъминлаш.

Ушбу устуворликлар доирасида кисқа давр ичida босиб ўтилган мустақил йўлимиз мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чи қилган, иқтисодий ислоҳотларнинг «Ўзбек миллий модели» асосида танланган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўтган 18 йил ичида биз ислоҳотларнинг бутун бир даврини босиб ўтдик. Жаҳон иқтисодиётига кириб олдик, аниқ натижаларга эришдик. Булар асосан, қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик қарор топди. Қисқа вақт ичида чукур иқтисодий ва ижтимоий инқироздан чиқиб олдик. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўп тармоқли иқтисодиётни ва бозор тузилмаларини барпо этиш жараёни жадал давом эттирилди.

**Иккинчидан**, иқтисодий ислоҳотларнинг ва бозор ўзгаришларининг меъёрий-хукуқий асослари яратилди, иқтисодиётни бошқариш тизими ислоҳ қилинди.

**Учинчидан**, макроиқтисодий ва молиявий вазиятда барқарорликка ва 2001 йилдан иқтисодий ўсишга эришилди.

**Тўртминчидан**, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш асосида энергетика хавфсизлиги ва нефть мустақиллиги таъминланди.

**Бешинчидан**, қишлоқ хўжалигига экин майдонлари тизимини тубдан ўзгартириш асосида ғалла мустақиллигига эришилди.

**Олтинчидан**, ислоҳотларнинг барча босқичларида ҳам ижтимоий муҳоваза ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш устувор бўлиб қолаверди.

4.1-жадвал

#### Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш (ўтган йилга нисбатан фоиз хисобида)

Мамлакатлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Ўзбекистон	104,4	107,4	107,0	107,3	109,5	9,0
Озарбажон	111,2	110,2	126,4	134,5	125,0	
Арманистон	114,0	110,5	413,9	113,2	113,8	
Беларусс	107,0	111,4	109,4	110,0	108,2	
Грузия	111,1	105,9	109,6	109,4	112,4	
Қозоғистон	109,3	107,0	99,8	103,1	108,2	
Қирғизистон	107,0	107,0	99,8	103,1	108,2	
Молдава	106,6	107,4	107,5	104,8	103,0	
Россия	107,3	107,2	106,4	107,4	108,1	
Тажикистон	111,0	110,3	106,7	107,0	107,8	
Украина	109,6	112,1	102,7	102,3	107,3	107,6
МДҲ бўйича ўртacha						

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Тахлилий шарҳ. СИСМ, – Т.: 2008.,

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий химояланган бозор йўли тўғри танланганини кўрсатди. Зеро, ўтган давр фақат бозоргина инсон манфаатига мос меҳнатни рағбатлантирувчи механизмга эгалигини, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига жуда мослиги, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира

олиши, ишлаб чиқаришини истеъмолчилар манфаатига бўйсндириши, хўжалик юритишининг кучли, оқилона жихатларини, янгиликларга сезгирликни ошириши ва фантехника ютуқларини дадил жорий этиш учун шароит ўрнатиш каби хусусиятларга эгалигини бот-бот тасдиқлади. Шулар эътиборга олинган холда мамлакатимизда узилкесил бозор муносабатларига ўтиш тан олинди, замонавий бозор иқтисодиёти сари дадил қадамлар қўйилиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, 2000 йилда ЯИМнинг 1991 йилдаги даражасига эришди. ЯИМ маҳсулот ҳажми 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 4,4 %га ўсган бўлса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 8,3 %га ўсади (4.1-жадвал).

Республикамизда иқтисодий ўсишни таъминлашда изчил бюджет ва пул-кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал ишлаб чиқариш секторларига қулай шароитлар яратиш, солик юкини ва солик турларини камайтириш ва соддалаштиришга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш, хорижий давлатлар сармояларини жалб этишни қўллаб-куватлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётининг тўлақонли аъзоси бўлишини таъминлашга йўналтирилган ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш иқтисодий ислоҳотлар хозирги босқичининг асосий мазмуни ва моҳиятини ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, изчил иқтисодий сиёсат олиб бориш сўнгти йилларда иқтисодий ўсиш суръатларига эришилди (4.2-жадвал).

#### 4.2-жадвал

#### Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқариш таркиби

Йиллар	ЯИМ	ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби фоиз				
		саноатда	қишлоқ хўжалигига	курилишда	хизматлар соҳасида	соф солиқлар
2005	107,0	110,8	106,2	112,8	119,3	114,8
2006	107,3	110,8	106,7	112,8	119,3	114,8
2007	109,5	112,1	106,1	115,7	120,6	121,0
2008	109,0	112,7	106,7	108,3	121,3	117,2

Манба: Ўзбекистон статистика ахборотномаси. 2009 йил

Иқтисодий ўсиш суръатларининг мунтазам ошиб бориши натижасида инфляция кўрсаткичининг энг паст даражасига эришилди. Бу кўрсаткич 2000 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 7,8 фоизга тенг бўлади. Бундай натижага асосан қўйидагилар туфайли эришилди: пул массаси устидан назорат механизми

такомиллаштирилди; тижорат банкларининг ортиқча ликвидлигини Марказий банк депозитлариға жалб қилиш амалиёти кенгайтирилди; Марказий банк облигациялари билан операциялар ўтказиш кўлами оширилди; қайта молиялаш ставкаси инфляция даражаси ва пулга бўлган талабга мутаносиб равища ўзгартириб борилди ва 2004 йил давомида босқичма-босқич 20 фоиздан 16 фоизга туширилди; бюджет тақчиллиги йилдан-йилга камайиб, охирги йилларда ЯММнинг 1 фоизидан оширилмоқда ва шундан келиб чиқкан ҳолда Марказий Банк кредитларидан фойдаланиш камайганди. Бунга иқтисодий ислоҳотларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги маълум даражада таъсир кўрсатди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан биридир. Чунки иқтисодиётнинг ривожланиши қўйидаги соҳаларда ҳам сезиларли ўзгаришлар қилиш ва муайян натижаларга эришишга, чунончи, иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва шундан келиб чиқкан ҳолда аҳолининг банк тизимида жамғармалари ортиши, янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, бозорларни рақобатбардош, сифатли товар ва маҳсулотлар билан бойитиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортидан воз кечиш ва бошқаларга ҳам ёрдам беради.

Булардан ташқари монитар сиёsatнинг амалий натижаси – миллий валюта барқарорлиги таъминланди. Ички валюта бозоридаги операциялар ҳажми сезиларли даражада оширилди; сўмнинг алмашув курси барқарорлигига эришилди. Биргина 2004 йил мобайнида Ўзбекистонинг расмий олтин-валюта захиралари сезиларли даражада, яъни 30 фоиздан кўпроқ ошли. Республика валюта барқарорлиги кўрсаткичлари 4.4-жадвалда келтирилган.

#### 4.4-жадвал

##### Миллий валюта барқарорлиги

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
Расмий захиралар, (йил охирига, 2001 й. 100 фоиз)	100	100,4	136,9	168,1
Алмашинув курси, \$/сўм (ўртacha йиллик)	424,0	778,0	972,9	1020,1
Ўртacha йиллик алмашинув курсининг қадрсизланиши (ўтган йилдагига нисбатан фоиз хисобида)	179,0	182,0	125,1	104,8

Миллий валюта барқарорлиги таъминланиши ва барқарор ташқи иқтисодий сиёsatнинг амалий натижаси сифатида товар ва хизматлар экспортининг 2004 йилда 30 фоизга ошганлигини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, экспорт таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди: тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52 фоиз ўси; 2008 йилда

ташқи савдо айланмасида 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдага эришилди.

Шу билан бирга республика экспорти таркибида пахта толаси 2002 йилда 22,4 фоиз, 2004 йилда 17,6 фоиз, металлар 3 фоиздан 4,6 фоизга, озик-овқат 6,4 фоиздан 8,5 фоиз, хизматлар 3,9 фоиздан 6,9 фоизга, кимё ва пласмасса маҳсулотлари 3,9 фоиздан 3,8 фоизга, машинасозлик 8,1 фоиздан 12,7 фоизга, энергетика 15,9 фоиздан 11,9 фоизга, бошқалар 36,8 фоиздан 34 фоиз ўзгарди.

4.3- жадвал

**Тижорат банклари қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши тўғрисида маълумот (млрд. сўм)**

№	банк номи	Эълон қилинган устав капитали	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши				
			жами	шужумладан			
				2008	2009	2010	2011
1.	Халқ баки	200	120	20	30	30	20
2.	Асака банки	300	147	100	47	-*	-
3.	Ўзсаноатқурилиш банки	10	65	63	2	-	-
4.	Микрокредитбанк	150	72	54	18	-	-
5.	Пахта банк	100	50	22	28	-	-
6.	Ғалла банк	50	36	13	23	-	-
жами			491	272	149	30	2

\*(-) – маълумотлар йўқ.

Булардан ташқари Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштироқидаги қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 2004 йилда 24 фоизга ортди ва умумий ишлаб чиқаришда уларнинг улуши 20,2 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми 39,1 фоизга қўпайди. Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг экспорти 1997 йилдаги 40000 минг АҚШ долларидан 2003 йилда тармоқ бўйича 213000 минг, қўшма корхоналарда эса 154823 минг АҚШ долларига, яъни соҳа бўйича 9 марта ошди. Тўқимачилик саноатига сармоялар жалб қилиш хисобига пахта таласини чуқур қайта ишлашдан маҳсулот қўшимча нархи ўсиши қай даражада бўлишини «Бурсел Тошкент Текстил» қўшма корхонаси мисолида ҳам яққол қўриниш мумкин (4.4-жадвал).

Келтирилган ракамлар пахта толасини чуқур қайта ишлаш самарадорлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, қуйидагилар келажакда тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари қилиб белгиланди:

**«Бурсел Тошкент Текстил» қўшма корхонасида 1 кг. пахта толасини чуқур қайта ишлашда маҳсулот қўшимча нархининг ўсиши**

№	Маҳсулот тури	1 кг. пахта толасидан чиқиши	Нарх, АҚШ доллари (ўсиш)
1	Пахта толаси	-	1,2
2	Ип-калава (Nm51)	0,85 кг.	2,0 (66фоиз)
3	Трикотаж мато	0,82 кг.	2,2 (83фоиз)
4	Эркаклар футболкаси	5 дона	12,5 (10 марта)

- 2009 йил 1 январгача тайёр газламалар ва кийимлар, пайпоқ буюмлари ва оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, чет эл сармоялари иштирокида ташкил қилинган корхоналар учун имтиёзлар муддати узайтирилди. Унга биноан, корхона ҚҚСдан ташқари бюджетга тўланадиган барча солиқлар ва тўловлардан озод қилинади;

- технологик қайта жиҳозлантиришни амалга оширувчи корхоналар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун келтирадиган технологик ва ёрдамчи жиҳозларни, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадилар ва бу лойиҳалар якуний баҳосининг анча арzonлашишига олиб келади;

- кейинги 4 йилга тегишли имтиёзларнинг узайтирилиши эвазига хорижий кимёвий маҳсулотлар, бўёқлар, фурнитура ва аксессуарлар, шунингдек, бошқа ёрдамчи маҳсулотларни (республикамида ишлаб чиқарilmайдиган) келтирган корхоналар ҳам божхона тўловларидан озод қилинадилар.

#### **4.2. Давлат молияси, банк ва валюта сиёсати**

Мамлакат иқтисодиёти ва валюта операцияларини эркинлаштириш изчил равишда олиб борилаётган жараёндир. Шу сабабли республикамизнинг банк институтларига халқаро талабларга жавоб берувчи ишончлилик ва тўлов қобилияти бўйича сифат жиҳатидан янги талаблар кўйиляпти.

«Ахборот-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси ўзининг рейтинг методикасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий фаолиятини рейтинг асосида баҳолашнинг янги методикасини ишлаб чиқди. Бу методика тижорат банклари молиявий фаолиятини таҳлил этишининг халқаро андозаларини ўрганишга асосланган бўлиб, уларнинг молиявий фаолияти натижаларини баҳолашга янада қатъий талаблар қўяди.

Рейтинг баҳолашни бошлашдан аввал банкларнинг молиявий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган меъёрларга мос келиши текширилади. Банкнинг молиявий фаолияти натижалари белгиланган кўрсаткич билан таққосланади. Сўнг банклар берилган баҳоларга кўра, тартибга солинади ва молиявий

фаолиятлари кўламига мос равища учта гурухга ажратилади. Шунингдек, рейтинг кўрсаткичлари қаторига янги кўрсаткич – банк активларининг сифати кўрсаткичи киритилди. Ушбу кўрсаткич банк активлари бўйича эҳтимол тутлган қалтисликлар даражасини таърифлайди. Яна бир янгилик – «Капитал етарлилиги», «Активлар сифати» ва «Ликвидлик» кўрсаткичлари битта умумий кўрсаткичга – «Банкнинг ишончлилиги» кўрсаткичига бирлаштирилди.

2003 йилдаги молиявий фаолият яқунлари бўйича компаниянинг умумреспублика рейтингида Ўзбекистоннинг 28 тижорат банки иштирок этди. Ўзининг ахборот «шаффоғлиги» ва очик ракобатга тайёрлигини намойиш килувчи банклар қаторига «ЎТ-банк» ўзбек – турк қўшма банки кўшилди.

Банк тизимини янада ислоҳ этиш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилиши сабабли тижорат банкларининг умумий капитали ҳажми ошиб бормоқда. Бунинг натижасида, илгари кичик банклар гурухига кирган 3 та банк ўрта банклар гурухига ўтди. Ўрта банклар гурухидаги банклар миқдорининг ошиши натижаси ўлароқ, биз ушбу гурух етакчилари рўйхатида бир йўла 6 банкни кўрсатишга қарор қилдик.

Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапон Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

2008 йилда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (4.6-жадвал).

#### 4.6-жадвал

##### **Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банклар**

«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк Ипотека-банк Галла-банк Алоқабанк Туронбанк Кредит стандарт банк	Ўзсаноаткурилишбанк Пахтабанк Асакабанк Ҳамкорбанк Ипак йўли банк	ТИФ Миллий банк Капиталбанк


Шуни таъқидлаш лозимки, бу банддан аввалги рейтингларда банклар ўзларининг якуний кўрсаткичларини етакчи банк кўрсаткичларидан қай даражада фарқ қилишига боғлиқ равища тартибга солишган бўлса, ушбу рейтингда бу кўрсаткичлари маҳсус

белгиланган кўрсаткичлардан қай даражада фарқ қилишига караб тартибга солинади. Агарда банк фаолиятининг барча йўналишлари бўйича илгор бўлиш қай даражада қийин эканлигини эътиборга оладиган бўлсақ, хатто рейтинг рўйхатининг охиридаги банклар ҳам диққатга сазовордир. Бизнинг банк фаолиятини баҳолашга қўйган катъий талабларимизга қарамай, ушбу банклар ўз фаолиятлари натижалари бўйича ижобий балл олдилар ва ўз мижозлари ва акциядорлари ишончини оқламоқдалар.

Республика уй-жой ва каммунал хўжаликларини ислоҳ қилиш, жумладан, уй-жой қуришни жадаллашириш мақсадида «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Заминбанк» асосида «Ипотека-банк» вужудга келди. Ипотека кредитлар Фонди чет эл кредитлари билан бирга давлат бюджетидан 2 млрд. сўм ҳисобига ишлайди ва қуидаги талабларга асосланади: қурилаётган импорт ва ерни гаровга қўйиш; 15 йил муддатга дастлабки 2 йил имтиёзли кредитлар бериш; кредит учун тўловлар йилига 5 %дан ошмайди ва биринчи тўлов қурилиш нархларининг 20 %ини ташкил этади. Россияда биринчи тўловнинг энг тарқалган тури миқдори 30 %ни ташкил қиласди.


2008 йилда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40,0 фоиз ортиб, 2 трлн. 104 млрд. сўмдан ошиб кетди (4.1-расм).



**4.1-расм. Банкларнинг жами капитали (млрд. сўм)**


Банк активлари 2007 йилга нисбатан 30,1 фоиз ўсиб, 12 трлн. 65 млрд. сўмга етди (4.2-расм).



**4.2-расм. Банк активлари (млрд. сўм)**

Мамлакатимизда инвесторларни банклар акцияларига жалб этиш жараёни жадал бормоқда. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 220 мингдан ошиб кетди, ахамиятли томони, уларнинг 71 фоизини жисмоний шахслар ташкил этмоқда.

Айни пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий кўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда умумий кредит кўйилмалари миқдори 6 трлн. 372 млрд. сўмга етди (4.3-расм).



**4.3-расм. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори (млрд.сўм)**

Биргина 2008 йилда хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 1 трлн. 534 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Пул-кредит операциялари Марказий банк тасарруфидаги асосий воситага айланди. Марказий банк улардан фойдаланишда жаҳондаги иқтисодий вазият ва асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш прогнозларига асосланади. Пул-кредит механизмини тартибга солишининг тижорат банклари билан депозит операцияларини ўтказишда ортиқча ликвидликни Марказий банк облегацияларини чиқариш, молиялаштириш ставкаси ва мажбурий заҳиралар даражасини бошқариш, давлат қисқа муддатли облигациялари билан ўтказиладиган операциялардан фойдаланиш амалиёти жорий этилди.

Инфляция юқори бўлган даврларда Марказий банк қонун талабларига асосан монетор сиёsat воситалари сифатида қайта молиялаштириш ва захира талаблари механизмларидан фойдаланди. Марказий банк ушбу воситалар бўйича ставкаларни ўзгартириш орқали пул таклифини жорий макроиктисодий вазиятга мос ҳолда амалга ошириб борди. Бу иқтисодиётдаги ялпи талабни чегараламаган ҳолда инфляцион жараёнларни бошқариш ва истеъмол нархларини мақбул даражада ушлаб туриш имконини берди. Натижада миллий валюта муомалага киритилганидан сўнгти икки-уч йил ичida инфляция даражаси кескин пасайди.

Миллий валютани жорий этиш самарали валюта бозорини шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутарди. Ушбу соҳадаги жараёнлар экспортни рағбатлантириш чора-тадбирлари билан биргалиқда амалга оширилди.

Ташки иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш валютани тартибга солиш ва уни назорат қилиш тизимини шакллантиришни кўзда тутади. Кўрилган чора-тадбирлар республикамида ташки савдо ва валюта операциялари устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда назорат қилишнинг мақбул тизимини яратиш имконини берди.


Мамлакатимиз банкларининг рақобатбардошлигини янада ошириш борасида аниқ чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. 1996 йилда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун банк активларини диверсификацияш асосида универсал тижорат банкларини шакллантириш ва банк тизимига чет эл капиталини жалб қилиш учун зарур хукукий асосларни яратади.

Хусусий сармояни иқтисодиётнинг банк соҳасига жалб қилиш ушбу йўналишдаги навбатдаги стратегик вазифа бўлади. Айниқса, 1997 йилда мамлакатимиз Президентининг хусусий банклар ташкил қилишни рағбатлантириш ва уларнинг самарали фаолият

юритишини таъминлаш учун қатор имтиёзлар берилган Фармони чиққанидан сўнг мазкур жараён янада фаоллашди. Хусусий банклар сони ортиб бораётганлиги хусусий сектор мамлакат молия бозорига катта қизиқиши билан қараётганлигидан далолатдир. Ўша пайтда қабул қилинган қарорларнинг қанчалик тўғрилигини бугунги силжишлар яна бир бор тасдиқлаш мамкин: хусусий банклар бозорига кўплаб янги банклар ўз маҳсулотларини таклиф қилмоқдалар. Улар ўз ривожланишида кўпроқ бозорга йўналтирилган бўлиб, кичик бизнесга қучли ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

Ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 2007 йилга нисбатан 68,2 фоиз ошиб, 1 трлн. 251 млрд. сўмни ташкил этди (4.4-расм).

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимчаchora-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ёш оиласларга имтиёзли шартлар асосида 135,7 млрд. сўм миқдорида ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратилди.



**4.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори (млрд. сўм)**

Марказий банк ўз-ўзини тартибга солишининг ички механизмларини яратишдан ташкари ўз саъй-ҳаракатларини банк назоратини янада такомиллаштиришга ҳам йўналтириди. Ушбу вазифани ҳал этиш учун ҳалқаро миқёсда тан олинган тамойилларга мувофиқ замонавий банк назорати тизими жорий этилди.

Мазкур жараёнларда банкларнинг фаол иштирок этиши ўтиш даврини бошидан кечирган деярли барча давлатлар амалда тўқнаш келган вазият – инвестиция ресурсларининг етишмовчилиги билан боғлиқ эди. Чунки молиявий маблағлардан фойдаланишни оқилона ташкил этмай туриб, киска муддатда иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмасди. Ва бунда банк тизими ўзининг асосий вазифасини кредит ресурсларини тўплаш ҳамда уларни истиқболли тармоқларни ривожлантириш, асосий

фондлар ва технологияларни янгилашга йўналтиришдан иборат, деб билди. Айнан шунинг учун бу вазиятда ҳукумат Марказий банк билан биргалиқда тижорат банклари келгусида республиканинг иқтисодий салоҳиятини шакллантирган ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаган ишлаб чиқариш тузилмаларини устувор кредитлашга йўналтириди. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг чайқовчиликка асосланган молиявий операцияларни амалга оширишлари учун маблағ ҳам, вақт ва худуд ҳам қолдирмайди. Кўпчилик яхши биладики, айнан шундай чайқовчилик операциялари собиқ иттифоқдаги айрим республикалар иқтисодий тизмиларини издан чиқарган эди.

Республика банклари кичик бизнесни молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнамокда, ўз ресурслари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш учун имтиёзли кредитлаш жамғармалари тузилди, тадбиркорларнинг банк хизматларидан фойдаланиш тартиби ўта соддалаштирилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган хўжалик субъектларини банклар томонидан кредитлаш ҳажми уларни турли жамғармалар ва ташкилотлар томонидан жами молиялаштириш ҳажмидан бир неча марта кўпdir: сўнгги йиллар мобайнидан кредит бозорининг ушбу сегментида банклар улуши 80%дан пастга тушмаяпти.

#### **4.3. Республика солиқ-бюджет сиёсати**


Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, барча юридик ва жисмоний шахслар белгиланган солиқлар ва йигимларни тўлашлари шарт. Бунда манбаларидан қатъи назар барча даромадлар (агарда қонунчиликда бирон бир имтиёз ёки истиснолар қўзда тутилмаган бўлса) мажбурий равишда солиқка тортилади.

Мамлакатимизда 1998 йил 1 январда амалга киритилган, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси билан тартибга солинадиган солиқка тортиш тизими амал қилади (кейинчалик киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб). Солиқ Кодексида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, солиқка тортиш тартиби ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Солиқ Кодексига асосан Ўзбекистонда:

- умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йигимлар ундирилади;
- қонунчиликка мувофиқ солиқ тўлаши шарти бўлган юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланадилар, солиқ тўловчилар солиқ органларида мажбурий тартибда ҳисобга олинадилар.

Солиқ тўлаш (солиқка тортиладиган) обьекти ролини нималар ўйнаши мумкинлигини қўриб чиқамиз (шуни эсалатиб ўтамизки, айнан бита обьект белгиланган солиқ тўлаш даврида бир турдаги солиқка фақат бир маротаба тортилиши мумкин):

## СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТЛАРИ



маҳсулот (ишлар ва хизматлар) қиймати;  
фойда (даромад);  
муайян товарлар қиймати;  
айрим фаолият турлари;  
табиий ресурслардан фойдаланиш;  
юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари;  
активларнинг чиқиши.  
қонунда белгиланган бошқа объектлар.

Республикамиз ҳудудида Солик Кодексида кўзда тутилган холатлардан ташқари барча солиқлар ва йиғимлар Олий Маслис томонидан белгиланади ва бекор қилинади.

Солиқлар ва йиғимларга доир имтиёзлар, шунингдек, Олий Мажлис ёки у ваколат берган давлат органлари томонидан белгиланади.

Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш факат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганидан сўнг амалга оширилди.

Умумдавлат соғлиқларига қуидагилар киради (давлат бюджетига киритилади):  
Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиқлари (солиққа тортиш обьекти Солик Кодексига мувофиқ белгиланган ялпи даромад ва чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида белгиланадиган даромад (фойда)) ҳисобланади. Бунда ортирилган товар, бажарилган ишлар, қўрсатилган хизматлар учун олинадиган пул ва бошқа воситалар ҳамда юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки у беминнат олган бошқа операциялар ялпи даромадга киритилади. Бундай даромадларга қуидагилар киради:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушум;
- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк обьектлари, моддий ва бошқа активларни сотишдан тушган даромад;
- фоизлар кўринишидаги даромад;
- beminnat olingan mulk;
- mulkni ijaraaga beringdan tushgan daromadlar;
- beminnat moliajvij yerdam ( давлат бюджетидан субсидиялардан ташқари);
- valyuta hisob rakamlari bуйича ijobiy kurs farqi.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари: ялпи йиллик даромад солиқка тортиш обьекти хисобланади. Унга солиқ тўловчи олиши лозим бўлган ёки у беминнат олган пул ва бошқа маблағлар, жумладан:

- иш ҳақини тўлаш шаклидаги даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулк даромадлари;
- тадбиркорлик фаолиятидан даромад (жисмоний шахслар даромадларига солинадиган чекланган солиқнинг базавий ставкалари миқдори) критилади.

Кўшилган қиймат солиғи (КҚС).

Акциз солиғи (акциз солинадиган товарларни Ўзбекистонга ишлаб чиқарилган ёки импорт киладиган) Ўзбекистонга экспорт қиладиган юридик ва жисмоний шахслар учун.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи (Ўзбекистон Республикаси худудида фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар).

Экологик солиқ (товарлар ишлаб чиқарадиган, ишлар бажарадиган ва бирор бир хизматни кўрсатадиган юридик шахслар учун).

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи (ишлаб чиқариш фаолиятида сув ресурсларидан фойдаланадиган юридик шахслар учун).

Махаллий солиқлар ва йиғимларга қўйидагилар киради (маҳаллий бюджетга киритилади):

1. Мулк солиғи;
2. Ер солиғи (мулкида, тасарруфида ёки фойдаланишида ер майдонларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар);
3. Савдо қилиш хуқуқи учун йиғимлар, жумладан, товарларнинг алоҳида турлари билан савдо қилиш хуқуқи учун лицензия йиғимлари;
4. Юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатга олиш йиғимлари;
5. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинадиан солиқ (транспорт воситалари солиғи ўрнига);
6. Инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Солиқларнинг кўпгина турлари бўйича қонун, хукumat қарорлари, Солиқ Кодексида муайян имтиёзлар қўзда тутилган (солиқ ставкасини пасайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш).

Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш пайтида икки муҳим вазифа ҳал этилади:

- Ўзбекистон Республикасини, маҳаллий бюджетларни улар олдида турган вазифаларни бажаришлари учун етарли бўлган маблағ билан таъминлашга эришиш;
- бюджетларга улар фаолияти доирасига мувофиқ келадиган харажатларни юклаш. Даромад ва харажатларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш жараёни қуидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:
  - марказлашган ҳолда бошқариш;
  - бюджетларнинг энг кўп мувофиқлаштирилишига эришиш, улар ўртасида тўғри нисбат ўрнатилишини таъминлаш;
  - молиявий таъминланадиган объектнинг тааллуқлиигини ва аҳамиятлилигини;
  - республика ва маҳаллий ҳокимият идораларининг айrim турдаги даромадларни тақсимлаш пайтидаги мустақилликлари;
  - солик-бюджет сиёсатидаги даромад ва харажатларни тақсимлаш тамойиллари ва уларнинг таркиби.

Барча даражадаги бюджетларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар шакланишининг айнан бир хил босқичлари доимий равишда яқинлашиб туради ва бюджет доимий ижро этиб борилади. Бу ҳол у ёки бу даражадаги бюджетларнинг муайян давр давомида амал қилиши, бу муддат тамом бўлиши билан янгидан қабул қилиниши билан тавсифланади.


Бюджет шакланиши жараёнида қуидаги уч босқични босиб ўтади: бюджет лойихасини тузиш; лойихани кўриб чикиш; тасдиқлаш.

Бюджетнинг ижро этилиши унинг тўртинчи босқичини ташкил этади. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар берилиши эса якуний босқич ҳисобланади. Бюджет жараёнининг ҳар бир босқичи бир қанча оралиқ босқичларни ўз ичига олади ва унинг ҳар бир оралиқ босқичида корхоналар, ташкилотлар, давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият ва ижроия идоралари томонидан содир этилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар белгилаб кўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими класификациясида бюджет тизимларини ташкил этиш ва унинг тузилиши билан боғлиқ қоидалар қўзда тутилади (4.1-чизма).

Классификация ҳар қандай давлатнинг бюджет тузилиши, унинг давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишига қўра белгиланади. Шу сабабли федератив, конфедератив ёки унитар давлатларда у ўзига хос хусусиятга эга.

### Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг классификацияси



Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувчи шаҳарларга бўлинганилиги билан белгиланади. Ушбу холат хисобга олингани холда Ўзбекистон Республикаси бюджети тизими куйидагилардан иборат: республика бюджети; Қорақалпоғистон Республикаси бюджети; Тошкент шаҳар бюджети; маҳаллий – вилоят, шаҳар, мунтакаб бюджетлари;

Давлат бюджети иқтисодий жиҳатдан умумжамият миқёсида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади.

Тегишли худудда амал килувчи бюджетлар жамловчи бюджетларга бирлашади, Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилишининг иккинчи таркибий тамойиллари хисобланади. Бу тамойиллар қаторига: бюджет тизимининг бирлиги; бюджет тизимининг тўлиқлиги; бюджетнинг тайинлиги; бюджетнинг мустақиллиги; ошкоралик киради.

### **Қисқача ҳulosалар**

Рейтинг баҳолашни бошлашдан аввал банкларнинг молиявий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган меъёрларга мос келиш-келмаслиги текширилади. Банкнинг молиявий фаолияти натижалари белгиланган кўрсаткич билан таққосланади. Сўнг банклар берилган баҳоларга кўра тартибга солинади ва молиявий фаолиятлари кўламига мос равишда учта гурухга ажратилади. Шунингдек, рейтинг кўрсаткичлари қаторига янги кўрсаткич – банк активлари сифати кўрсаткичи киритилди. Ушбу кўрсаткич банк активлари бўйича эҳтимол тутлган қалтисликлар даражасини таърифлайди. Яна бир янгилик – «Капитал етарлилиги», «Активлар сифати» ва «Ликвидлик» кўрсаткичлари битта умумий кўрсаткичга – «Банкнинг ишончлилиги» кўрсаткичига бирлаштирилди.

Миллий валютани жорий этиш самарали валюта бозорини шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутарди. Ушбу соҳадаги жараёнлар экспортни рағбатлантириш чора-тадбирлари билан биргалиқда амалга оширилди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистонда солиқ тизими нималардан ташкил топган?
2. Республика бюджет тизими нималардан иборат?
3. Ўзбекистон бюджетидаги даромад қанча?
4. Давлат молияси, деганда нимани тушунасиз?
5. Банк ва валюта сиёсати деганда-чи?
6. Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг 2003 йил якуни бўйича рейтинг баҳолари қандай?
7. Испоҳотлар қайси устувор йўналишларга асосан борилмоқда?
8. Испоҳотларни янада жадаллаштириш нима учун зарур?
9. Мулкий муносабатларнинг ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар нималардан иборат?
10. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш миллий иқтисодиётдаги вазиятни қай даражада ўзgartирмоқда?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 15 апрель.
3. Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
4. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
6. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
7. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Макроиктисодиёт». Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004й.
8. Интернет веб-сайтлари.  
[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

## **5-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ**

- 5.1. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициянинг роли.
- 5.2. Инвестиция сиёсатида хусусийлаштириш жараёни.
- 5.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.

### **5.1. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициянинг роли**

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп укладли тизим равнақи уни ташкил этувчи субъектлар моддий базаси ривожланишига боғлиқ. Чунки моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг зарур шарти ҳисобланади. Кўп укладли тизим учун энг аввало микродаражадаги иқтисодий ўсишнинг ресурслар билан таъминланиши муҳимдир. Бу ўринда инвестициявий фаолият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўп укладли тизим қайтадан ҳосил бўлиши учун инвестицияларнинг умумий тақсимланиши етарли эмас. Бунинг учун корхоналар мулкчилик шаклидан қатъи назар, инвестициялар билан таъминланиши зарур.

Ўзбекистонда турли укладларга мансуб корхоналарда инвестициявий жараён жуда нотекис кечмоқда. Бу, биринчидан, укладлардаги иқтисодий аҳволга боғлиқ бўлса, иккинчидан, давлатнинг инвестициявий сиёсати инвестициявий жараён нотекис кечишини тақазо этмоқда. Инвестицияларнинг укладлараро тақсимланишида иккинчи омил етакчи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекитонда давлатнинг инвестициявий сиёсати моҳиятини иқтисодий трансформация шароити белгилаб беради.

Инвестиция тизимида иқтисодий сиёсат давлатнинг ялпи даромадни тақсимлашва қайта тақсимлаш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Шу йўл билан давлатнинг кўлида инвестициявий ресурслар жамланади ва ишлатилади. Бу ресурсларни давлат ўзига қарашли корхоналардангина эмас, балки бошқа укладлардаги субъектлардан ҳам олади.

Давлатнинг инвестиция сиёстини амалга оширишда эса банклар алоҳида роль ўйнайди. Республикализ тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган кредит қўйилмалари йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2006-2008 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг таркибига эътибор қиласиган бўлсак, унда давлат улушининг 12,2 %дан 7,4 %га камайиши, қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари улушининг эса 2,6 %дан 24,7 %га ортиб боришини кўриш мумкин (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

**Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимоти**

	2006й.	2007.	2008й.
Жами	100	100	100
Шу жумладан:			
Мулкчилик шакллари			
Давлат	12,2	10,6	7,4
Ундан:			
Фуқаролар хусусий мулки	36,8	36,0	33,7
Хўжалик бирлашмалари мулки	41,7	42,3	29,7
Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки	2,6	4,6	24,7
Мулкчиликнинг бошқа шакллари	6,7	6,5	4,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – Т.: 2009 й.

Давлатнинг солиқлар ва бошқа тушумлар шаклида олган даромади бюджет орқали тақсимланиб, унинг ихтиёридаги инвестиция ресурсларини ҳосил қиласди.

Инвестициявий сиёсат давлатнинг ўз инвесторлиги билан чекланиши нотўғри. Бу сиёсат доирасини кенгайтириб, унга уч жиҳатни киритган маъқул: давлатнинг ўз даромадлари ва олган қарзи ҳисобидан инвестицияларни йўналтириши; миллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестициявий шароит яратилиши; барча секторлардаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш.

Давлат инвестициявий сиёсати унинг таркибий амалга оширилишига хизмат қиласди. Ўзбекистон эндилиқда замонавий иқтисодиётга ўтиши керак. Бунга эса давлатнинг фаол инвесторлиги орқали эришилади. Бу давлат укладининг инвестициялар борасидаги устуворлигини таъминлайди, бошқа укладлар ривожи учун ҳам зарур шартшароит яратади.

Давлат укладидаги инвестициялар миллий доирадаги тақорор ишлаб чиқаришга хизмат қиласди. Чунки давлат уклади корхоналари таркибдан асосий тармоқ корхоналари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан иборат. Уларнинг фаолияти умуммиллий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий доирадаги тақорор ишлаб чиқаришни таъминлайди, бутун иқтисодиёт учун энг муҳим бўлган товар хизматларини яратади. Давлат укладида яратилган маҳсулот ва хизматлар истеъмоли бошқа укладлардаги тақорор ишлаб чиқаришни кафолатлайди. Чунки улар муҳим ресурслардан иборатdir.

Давлат укладида машинасозлик, ёқилғи-энергетика, сув хўжалиги, транспорт ва алоқа корхоналари бор. Уларнинг меъёрида ишлаб туриши бошқа укладлар учун сув ва ҳаводек зарур. Давлат укладининг умуммиллий аҳамияти шундаки, бу уклад уни

инвестиция соҳасида етакчига айлантиради. Бу сиёсат бюджет инвестициялари орқали молиявий таъминланади.

5.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2007-2008 йилларидағи инвестицион  
кўрсаткичлари таҳлили.**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>Фарқи -/+</b>	<b>Ўзлаштириш кўрсаткичлари(%)</b>
1.	Инфляция даражаси (%)	6,8	7,8	1	15
2.	ЯИМ (%)	9,5	9	-0,5	-5
	Саноат махсулотлари иш/чи хажми	12,1	12,7	0,6	5
	Қишлоқ хўжалик махсулотлари иш/чи хажми	6,1	4,5	-1,6	-26,2
	Курилиш ишлари хажми		8,3		
	Чакана савдо айланмаси хажми		17,2		
	Хизматлар кўрсатиш хажми		21,3		
3.	Экспорт хажми(%)	40,7	28,7	-12	-29,5
4.	Инвеститциянинг умумий хажми(%)	23			
5.	Ўзлаштирилган инвестициялар хажми(%)	58	28,3	-29,7	-51,2
	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	76	71,2	-4,8	-6,3
6.	Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган корхоналар (дона)		423	-277	-39,6

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – Т.: 2009 й.,

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиялаштириш кўрсаткичлари дунёдаги юқори кўрсаткичлардан биридир. 2002 йилда бюджет капитал инвестицияларининг ЯИМдаги хиссаси қуйидагича бўлди: Бразилияда – 0,8; Австралияда – 3,1; Польшада – 1,8; АҚШда – 0,7; Туркияда – 2,2; Францияда – 2,0; Швецияда – 1,2; Ўзбекистонда – 8,0%.

Бу кўрсаткич Ўзбекистонда инвестициявий жараёнларни эркинлаштириш самарали кечётганлигидан дарак беради.

Бюджетдан инвестициялаш давлат инвестициявий фаолиятининг фақат бир жиҳатидир. Бюджетдан ташқарида ҳосил бўлган, лекин марказлаштирилган инвестициялар, шунингдек, давлат корхоналари инвестициялари ва хориж капиталининг давлат томонидан кафолатланган инвестициялари унинг иккинчи бир жиҳатидир. Давлат инвестициялари ҳам ўсишга мойил. Лекин уларнинг жами инвестициялардаги хиссаси давлат секторининг иқтисодиётдаги хиссасидан анча устун туради.

Давлат инвестициялари бошқа мулк доирасидаги инвестициялар билан киёслаганда давлат уклади давлат инвестициясига тенг эмаслигига, давлат катта маблағларни ижтимоий соҳаларга, уни ривожлантириш учун қаратишига эътибор бериш керак. Бу ишни бошқа укладлар бажара олмайди, аникроғи, бунга уларнинг қурбигина етмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, давлат инвестициялари қисман бўлса-да, нодавлат секторга ҳам юборилади. Чунки бу секторда давлат иштироки бўлади. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратилган капитал инвестицияларнинг 89 %и давлат секторида бўлса, қолган 11 %и нодавлат секторига юборилди. Укладлар, инвестиция фаолияти ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришга юборилган инвестицияларни назарда тутиш керак.

2002 йили, масалан, жами давлат инвестицияларининг 59 %и ишлаб чиқаришга юборилган бўлса, қолган 41 %и ноишлаб чиқаришга берилган. Ноишлаб чиқариш инвестициялари ижтимоий секторни ривожлантиради. Шунинг учун улар умуммиллий аҳамиятга эга. Уларнинг фаолияти натижасидан нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотлар, умуман, барча аҳоли баҳраманд бўлади.

### **Ички инвеститцияларни жалб қилиш муоммолари**

- инветицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги;
- маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги;
- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муоммолардан бири-молиялаштиришнинг муқобил усулларидан (лизинг факторинг қимматли қофозлар бозори) суст фойдаланиши;
- инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда малакали мутахасисларнинг этишмаслиги.

Давлат укладидаги инвестиция фаолиятини молиялаш қўйидаги манбаларга таянади: бюджет, корхонанинг ўз маблағи ва кредитлари инвестицияларни укладлараро қиёслашда, биринчидан, капитал инвестицияси, иккинчидан, ишлаб чиқариш тавсифидаги инвестициялар инобатга олиниши зарур. Буларни инобатга олиб, ҳисобкитоб қилсақ, давлат мулкининг ишлаб чиқариш инвестицияларидағи хиссаси 2003 йилда 63,0, 2004 йилда эса 64,1 %ни ташкил этди. Давлат инвестициялари таҳлили уларнинг йўналтиришга юклатилган функцияларга боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Масалан, давлатнинг ишлаб чиқариш тавсифидаги инвестициялари тақсимланиши 1999 йилда қуидагича бўлди: саноатга – 60,6 %; кишлоқ хўжалигига – 6,5%; колган соҳаларга – 4,4 %. 2004 йилда жами саноат инвестициялари унинг тармоқлари ўртасида қуидагича тақсимланди: ишлаб чиқаришга – 64,1 %; шу жумладан, саноатга – 28,6%; транспорт ва алоқага – 23,1 %.

5.3- жадвал

### **Инвестиция соҳасидаги макроиктисодий қўрсаткичлар динамикаси**

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008
Инвеститциялар(амалдаги баҳоларда жами млрд.сўм)	3165,2	4040,7	5353,0	7141,0
Инвестицияларни ўсиши (ўтган йилга нисбатан % да)	107,0	109,1	115,5	117,0
ЯИМнинг ўсиш суръатлари, % да	7,0	7,3	9,5	8,0
ЯИМдаги инвестициялар улуши, % да	20,8	18,5	19,8	20,7

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – Т.: 2009 й.

Асосий тармоқлар давлат томонидан инвестициялар билан таъминланиб бориши уларнинг меъёрида ишлаб туришига, бу эса миллий иқтисодиётнинг барқарорлашиши ва ўсишига олиб келади. Ўзбекистонда давлат инвестициялари устуворлигини иқтисодиёт юзага келтирган омиллар билан изоҳлаш мумкин. Иқтисодий ўтиш даврига капиталнинг дастлабки жамғарилиши хосдир. Бу эса инвестиция жараёнига таъсир этмаслиги мумкин эмас. Хусусий капиталнинг жамғарилиши, биринчидан, давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш орқали содир бўлса, иккинчидан, капиталнинг инвестициялар хисобидан ўсиши юз беради.

### **5.2. Инвестиция сиёсатида хусусийлаштириш жараёни**

Ўзбекистонда хусусийлаштириш миёси кенг бўлмади. Буни бозор муносабатига аста-секин ўтиш тақазо этарди. Шу боисдан хусусийлаштириш дастлаб савдо-сотик, майший хизмат ва кичик саноатда ўtkазилди. Бинобарин, хусусий капитал шу ерда шалкланди. Унинг миқдори катта эмасди. Иқтисодий ўзгаришлар катта капитални талаб қилар, капитал эса, давлат қўлида эди.

Ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистонда икки хил вазифани ҳал этиш зарур бўлди. Биринчиси – Ўзбекистонда бозор муносабатига социалистик хўжаликлардан ўтилиши, бу хўжаликларни ислоҳотлар орқали унинг қарама-қаршиси бўлган бозор тизимига

отлантириш. Иккинчиси – янги миллий иқтисодиётни қуриш. Бу эса таркибий ўзгаришларни ўтказиш орқали ярим мустамлака ва аграр иқтисодиётни миллий манфаатга хизмат килувчи замонавий иқтисодиётга айлантиришни талаб этарди.

Бу вазифаларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш учун катта инвестициялар зарур. Хусусий уклад эса, буни таъминлашга қодир эмас. Ўзбекистонда давлатнинг иштироки ва унинг кучли назорати остида ўтган хусусийлаштириш жараёни бир қатор мамлакатларда бўлгани каби, катта миқдордаги давлат мулкини кўлга киритиш, жумладан, йирик капитал соҳиби бўлган институтларни юзага келтирмайди. Натижада, хусусий капитал ўрта ва кичик капитал шаклига кириб, унинг дастлабки жамғарилиши туталланмаганидан йирик капитал ҳосил этиб улгурмайди. Айни пайтда фонд бозори ривожланмаганлиги унинг йирик капитал ҳосил этишдаги иштирокини чеклайди.

Капитални акциялаштириш жараёни юз бергани билан акцияларнинг фонд бозорида сотилиши сустлиги туфайли майда капитални йирик капиталга айлантириш, яъни янгидан капитал ҳосил этиш тезда содир бўлмайди. Кейинги йилларда давлат бюджетидан амалга ошириладиган инвестициялар миқдори аста секин камайиб бормоқда. Масалан 2005 йилда давлат инвестициялари умумий инвестициялар миқдорининг 12,2 %ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 9,2 %ни ташкил қилган (5.4-жадвал). 2005 йилда хорижий инвестицияларнинг умумий инвестициялардаги миқдори 21,7 %ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 26,5 %ни ташкил қилган. Банк кредитлари миқдори мос равища 3,5 %дан 4,9 %га ошган.

#### 5.4-жадвал

**Молиялаштириш манбалари бўйича инвестицияларнинг улуши (фоиз ҳисобида)**

Манбалар	2005	2006	2007	2008
<b>жами</b>	100	100	100	100
<b>Ички инвестициялар</b>	78,3	81,5	74,5	73,5
Давлат бюджети	12,2	10,4	8,7	9,2
Корхона маблағлари	46,0	48,4	42,9	42,4
Аҳоли маблағлари	11,4	11,8	10,1	9,0
Бак кредитлари	3,5	4,1	4,9	4,9
Бошқа қарз маблағлари	0,3	-	1,9	2,1
Бюджетдан ташқари фонд маблағлари	4,8	6,8	6,0	5,9
<b>Ташқи инвестициялар</b>	21,7	18,5	25,5	26,5
Хорижий инвестициялар	21,7	18,5	25,5	26,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – Т.: 2009 й.,

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини

юксалтиришга қаратилған мухим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастурлар ишлаб чикилмоқда.

### 5.5-жадвал

#### Мухим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастурлар

Дастур доирасида иш олиб борилаётган инвестиция ложиҳаларнинг сони	300 та
Умумий қиймати, АҚШ долл.	24 млрд.
Жумладан, янги қуриш лойиҳалари, АҚШ долл.	18,5 млрд
Модернизация. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича ложиҳалар, АҚШ долл.	6 млрд

“ ... биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чикиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизатсия қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги мэрраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инноватсион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор”<sup>3</sup>

Ушбу дастурлар доирасида 2009 йилда амалга оширилиши лозим бўлган энг мухим устувор йўналишлар кўйдагилардан иборат:

- 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлаш;
- бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом этириш;
- қишлоқ турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилған узоқ мудатли ва бир бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чикиш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллашибириш, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;
- 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада жадал ривожлантириш;
- мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг мухим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани яннада ривожлантириш;

<sup>3</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 19 б.

- банк ишини янада такомиллаштиришда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш.

Ҳал этиладиган вазифалар йирик миқёсли бўлиб, катта инвестицияларни талаб қиласи. Хусусий капиталнинг эса бунга қурби етмайди. Устига-устак, хусусий капитал дастлаб муомала соҳасида пайдо бўлиб, у бу соҳани тезда тарқ этмайди. Чунки бу ерда капитал обороти тез борганидан кичик капитал кучайиб, катта фойда олиш мумкин. Бу эса, фойдани максималлаштиришдан иборат хусусий уклад манфаатларига мос келади. Хусусий манфаат миллий манфаатга ҳар доим ҳам мос тушавермайди.

Миллий манфаат капитал ишлаб чиқаришни талаб қилса, хусусий капитал бу соҳага ошиқмайди, савдо-сотиқни тарқ этиб, бу ерга кўчиб ўтмайди. Капиталнинг савдо-сотиқда қолиб, шу ерда тез жамғарилиши ўтиш даври учун хос ҳодисадир. Жамғариш меъерида бўлгач, капиталнинг керакли миқдорига бўлган талаб қондирилади. Капитал қимматбаҳо лойиҳаларга ҳам қўйилади. Ислоҳотларнинг дастлабки йиллариданоқ савдо-сотиқ ва ижтимоий овқатланиш соҳасида хусусий тадбиркорларнинг тез кўпайиб бориши кузатилди. 2000 йилга келиб, нодавлат секторининг чакана савдо оборотидаги ҳиссаси 96,8 %ни ташкил этди. Ваҳоланки, бу секторнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ҳиссаси 70,2 % эди. Хусусий корхоналар орасида савдо-сотиқ ва ижтимоий овқатланишда айниқса, энг кўп пул тушуми ва ишловчиларга эга бўлган корхоналар юзага келди. Бу тасодиф эмас албатта.

Хусусий укладда капитал жамғариш етарли даражада бўлмагани ва бу капитал серкапитал соҳаларга ошиқмагани сабабли, миллий иқтисодиётдаги инвестиция юкини давлат ўз зиммасига олади. Бу эса инвестицияларнинг укладлараро тақсимланишига жиддий таъсир ўтказади.

Бунда ҳам инвестиция жараённида давлат уклади устунлиги кузатилади. Аммо аралаш укладнинг инвестициядаги ҳиссаси ҳам юқоридир. Ҳар иккала укладда ҳам давлат иштироки бор. Бу қўрсаткич давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаб, инвестиция ресурслари ҳосил этиш ва уни жойлаштиришда етакчилик қилишини кўрсатади. Бундай ҳолат тузилмавий ўзгаришлар ўтказилишини тақазо этса-да, хусусий ва жамоа укладнинг бу борадаги ташаббусини чеклайди. Кейинги пайтда бу икки укладдаги инвестиция ресурслари ноишлаб чиқариш соҳаларига ўтиб, индивидуал истеъмолга қаратилиши кузатилади. Бу жараённи икки омил билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, аҳоли ўз даромадини инфляциядан ҳимоялаш учун юқори ликвидли воситаларга айлантиришга интилиб, пул жамғармасини кўпроқ уй-жой қўрилишига қаратди. Агар хусусий инвестициларни олсак, уларнинг жуда катта қисмини (95,4%)

фукаролар шахсий уй-жой қурилишига сарфладилар. Бу эса, хусусий укладнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ортишига хизмат килмайди;

иккинчидан, хусусий инвестицияларни ишлаб чиқаришга буриб юборишга миллий технология бозоридаги дефицит монелик қилиши, зарур технологияларни ташки бозордан топиш мумкинлиги ва бунга эса валюта ресурслари етишмаслиги халақит берди.

Мана шундай сабаблар жамоа укладидаги инвестициялар таркибиغا ҳам таъсир этади. Бу ерда уй-жой корпоративлари фаоллиги ҳам инвестицияларни шу соҳага йўналтиришга хизмат қиласди.

Аралаш укладда ҳам инвестициявий фаоллик бўлиб, бу ердаги инвестициялар асосан ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Чунки хорижий маблағлар аввало, шу соҳаларга сафарбар этилади. Ҳозирги пайтда кўшма корхоналар инвестициясининг деярли 95 % ишлаб чиқариш соҳасига қўйилмоқда. Тахлиллар шуни кўрсатадики, давлат иштироки бор укладларда инвестициявий жараён кучли бўлгани ҳолда, бошқа ерда унинг заифлиги кузатилади.

Маълумки, корхоналар мулк шаклидан қатъи назар, инвестицияларга ўз ҳисобидан маблағ ажратиши лозим ва бу уч манба ҳисобидан амалга оширилади. Булар: амортизация ажратмалари; соф фойда; олинган кредит.

Амортизация ажратмалари инвестиция манбаи сифатида ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Чунки корхоналардаги асосий фондлар моддий жиҳатдан эскириб улгурган. Бу, айниқса, қишлоқдаги жамоа укладида яққолроқ сезилади. Фондларнинг катта қисми муомаладан чиқиб кетиши амортизация кескин камайишини билдиради. Хусусий ва жамоа укладидаги кичик корхоналарда ҳам амортизациянинг тақорор ишлаб чиқаришдаги аҳамияти катта эмас. Чунки бу ердаги ишлаб чиқариш серкапитал эмас, балки сермехнатдир. Шу боис, амортизация суммаси катта эмас ва у жиддий инвестиция манбаи бўла олмайди.

Давлат ва аралаш укладдаги корхоналарга янги инвестициялар кўплаб юборилади, уларда асосий капитал анча янги ва амортизация суммаси ҳам оз эмас. Унинг таркиби 5.6-жадвалда берилган. Хуллас, амортизациянинг инвестиция манбаи сифатидаги аҳамияти кескин пасайиши энг аввало, иқтисодиётнинг нодавлат секторига хос бўлмоқда.

Инвестициялар таркибида хорижий инвестицияларнинг мавқеи ошиб бормоқда. Аммо, иқтисодиётда хорижий укладнинг кучайишини билдирамайди. Хорижий инвестициялар деганда, одатда, хориждан келган маблағлар тушунилади. Лекин улар таркиби бир хил эмас. Улар хориж кредитлари ва хорижликлар бевосита, яъни тўғридан-тўғри йўналтирган инвестициялардан иборат. Кредитлар миллий мулк бўлса, бевосита

инвестициялар чет элликлар мулкидир. Шу инвестицияларда бевосита инвестициялар хиссасининг камайиб бориши миллий иқтисодиётда хориж уклади кискаришини билдиради. Масалан, 1999 йил ишлаб чиқариш соҳасида қўшма корхоналарга жалб этилган инвестиция 29,3 млрд. сўм бўлгани ҳолда, бевосита хориж инвестициялари 3,4 млрд. сўм. бўлган, холос. Бу Ўзбекистон миллий иқтисодиётига тушадиган инвестиция юкини оширди. Биргина 2003 йилда 2002 йилдагига нисбатан инвестиция 57 % ошиди ва ўзлаштирилган чет эл инвестицияси 602,8 млн. АҚШдолларини ташкил этди.

Инвестицияларнинг мулкчилик шакли жиҳатидан таҳлили шундай хulosага олиб келадики, инвестиция жараёнларининг эркинлашуви турли уклад корхоналари фаол ва ўзини-ўзи молиялаштириш қоидаси устувор бўлишини талаб қиласди.

5.6-жадвал

**Ўзбекистонда мулкчилик шакллари бўйича 2007 – 2008 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби (умумий ҳажмга нисбатан % хисобида )**

	Давлат мулки		Нодавлат мулки		Ундан					
	2007 й.	2008 й.	2007 й.	2008 й.	2007 й.	2008 й.	2007 й.	2008 й.	2007 й.	2008 й.
Ўзбекистон Республикаси	29,7	25,4	70,3	74,6	29,3	31,5	13,1	11,7	22,1	25,7
Қорақолпогистон Республикаси	15,3	12,7	84,7	87,3	79,7	81,0	3,8	4,4	0,6	1,3
<b>Вилоятлар</b> Андижон	29,6	21,4	70,4	78,6	13,8	10,3	29,1	21,2	26,8	46,9
Бухоро	10,1	13,1	89,9	86,9	12,8	44,6	7,3	8,7	56,5	23,5
Жиззах	56,5	46,1	43,5	53,9	4,5	14,6	31,8	29,4	6,6	9,1
Қашқадарё	11,9	11,2	88,1	88,8	30,2	23,7	9,3	5,8	23,2	36,2
Новоий	79,8	73,8	20,2	26,2	11,6	13,9	6,6	6,8	1,6	4,9
Наманган	54,1	29,8	45,9	70,2	5,3	15,6	32,4	33,6	7,9	20,5
Самарқанд	52,1	46,8	47,9	53,2	6,5	13,1	32,3	29,3	9,1	10,8
Сурхондарё	32,8	31,4	67,2	68,6	46,0	31,3	15,6	20,5	5,4	16,2
Сирдарё	54,0	64,0	46,0	36,0	21,4	6,9	21,1	23,0	2,8	5,4
Тошкент	25,4	20,0	74,6	80,0	46,1	55,2	15,4	11,5	12,7	13,0
Фарғона	31,9	24,2	68,1	75,8	32,8	38,9	21,9	19,9	13,0	16,9
Хоразм	47,3	49,1	52,7	50,9	13,4	12,9	32,4	31,6	6,9	6,4
Тошкент ш.	22,9	25,0	77,1	75,0	22,5	19,5	6,2	4,9	47,5	49,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистика ахборотномаси.–Т.: 2009й.

### **5.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш**

Ҳар бир мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ташки манбалари билан бир қаторда, ички манбаларидан ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қиласи. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ички ва ташки манбаларидан фойдаланиш учун, ушбу соҳанинг хуқуқий ва иқтисодий асосларини таъминлаш, очилмаган ва ўрганилмаган кирраларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш лозим.

Капитал кўйилмаларни молиялаштиришнинг турли хил манбалари мавжуд. Уларни қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин: давлат бюджети маблағлари; корхоналарнинг ўз маблағлари; банк кредитлари; аҳоли маблағлари; чет эл инвестициялари; бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва ҳоказо.

Кейинги пайтларда давлат бюджети томонидан бир қатор йирик ишлаб чиқариш мажмуалари молиялаштирилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи обьектларни молиялаштиради. Хусусийлаштириш кенгайиши ҳамда хусусий сектор ривожланиб бориши билан давлат бюджети маблағлари эвазига инвестициялаш камайиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, соғлиқни саклаш, фан ва маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари молиялаштирилади ва бу мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол қилиб, кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг миқёсда қурилиб, фойдаланишга топширилаётган соғлиқни саклаш муассасалари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежларини ва бошқаларни олишимиз мумкин. Бундай мақсадлар учун давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан маблағ ажратилади.

Республикамиздаги мавжуд корхоналар ривожланиб, молиявий жиҳатдан барқарорлашиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, корхонларда ўз-ўзини молиялашнинг янги манбалари шакланиб бормоқда. Корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш манбалари қўйидагилардан ташкил топиши мумкин: корхонанинг тақсимланмаган фойдаси; амортизация ажратмалари фонди; акциялар чиқариш ҳисобига шакллантирилган маблағлар; маҳсус фондлар.

Юкорида санаб ўтилган маблағлар манбаидан корхоналар ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришда, янги ишлаб чиқаришни барпо қилишда, модернизациялаш ёки техник-технологик жиҳатдан янгиланишда, оборот маблағларини кучайтиришда фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарни моддий жиҳатдан

кўллаб-куватлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмоқда. Давлат томонидан олиб борилаётган кўллаб-куватлаш сиёсати асосида корхоналарга, айниқса эндиғина иш бошлаган хорижий инвестицияли ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва бу мақсад учун сарфланадиган суммаларни ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришга йўналтирадилар. Бундан ташқари, корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам кўшимча маблағларга эга бўлишлари мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришда банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Қисқа давр мобайнида банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўнлаб қонун ва қарорлар, йўриқнома ва тартиблар ишлаб чиқилди. 2005 йил январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон банк тизимини ЎзМБ ва республика бўйича 805 та бўлимларига эга бўлган 32 та тижорат банклари ташкил этади. 2005 йил 1 январда тижорат банкларининг жами активлари суммаси 5,4 трлн. сўмни ташкил этди. Бу банкларнинг кредит қўйилмалари сезиларли даражада ортганлиги билан боғлиқ, 2004 йил активлари 22,2% ўсан. Улар мамлакатимиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ўз фаолиятларини ривожлантиришлари учун кредитлар ажратмоқда. Масалан, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, кичик бизнес субъектларига 353,9 млрд. сўм кредит ажратилди. Тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган бу кредитлар эвазига 81,2 мингта янги иш ўрни яратилди. Шу жумладан, хорижий кредит линиялари орқали хорижий валютада ажратилган кредитлар миқдори 228,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса, 1999 йилдагига нисбатан 23,2 млн. долларга ортиқдир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитларнинг 83,4 млрд. сўми ёки 60 фоизи саноатга, 25,4 млрд. сўми ёки 18 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга, 16 млрд. сўми ёки 12 фоизи қишлоқ хўжалигига, 5,2 млрд. сўми ёки 4 фоизи қурилиш, майший хизмат кўрсатишга ва 8,9 млрд. сўми ёки 6 фоизи бошқа тармоқларга йўналтирилган. Шунингдек, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 12092 та кичик ва ўрта бизнес субъекти учун 12,4 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилган бўлиб, уларнинг 10954 таси ёки 11,3 млрд. сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари ва қолган 1138 таси ёки 1,1 млрд. сўми бюджетдан ташқари фонdlар ҳисобидан ажратилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг энг йирик ва ривожланган банклари томонидан ҳам инвестицион лойихаларни молиялаштиришда ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу банклар ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари орқали лойихаларни молиялаштиришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида 2007-2008 йилги инвестиция фаолиятининг асосий кўрсаткичлари 5,7-жадвалда келтирилган.

Улардан кўриниб турибдики, 2008 йилда киритилган инвестициянинг 19,9 %и Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса, 19,2 %и Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бу инвестициялар асосан Шуртан газ-кимё комплекси ва Шуртан нефть конига килинган харажатлар ҳисобига ошган. Қорақолпоғистон Республикасида Кунғирод сода заводи қурилишини жадаллаштириш муносабати билан инвестиция хажми ортган.

**5,7-жадвал**

### **Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича 2007–2008 йилги инвестиция фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**

	Асосий капиталга киритилган инвестициялар				Шу жумладан, ишлаб чиқариш соҳасига			
	млрд.сўм		якунга нисбатан фоиз ҳисобида		млрд.сўм		якунга нисбатан фоиз ҳисобида	
	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.
Ўзбекистон Республикаси	5479,7	8483,7	100,0	100,0	3840,3	6397,5	100,0	100,0
Қорақолпоғистон Республикаси	587,4	800,4	10,7	9,4	501,1	683,5	13,0	10,7
<i>Вилоятлар</i>	172,0	354,7	3,1	4,2	82,4	242,4	2,1	3,8
Андижон								
Бухоро	677,8	753,9	12,4	8,9	577,5	630,8	15,0	9,9
Жizzах	100,0	186,2	1,8	2,2	27,9	76,7	0,7	1,2
Қашқадарё	830,0	1630,7	15,1	19,2	653,0	1420,8	17,0	222
Новоий	419,8	463,0	7,7	5,5	366,3	395,5	9,5	6,2
Наманган	218,0	298,3	4,0	3,5	108,9	161,3	2,8	2,5
Самарқанд	296,1	388,9	5,4	4,6	118,3	180,3	3,1	2,8
Сурхондарё	288,6	361,9	5,3	4,3	184,5	232,9	4,8	3,6
Сирдарё	85,7	126,7	1,6	1,5	41,3	68,6	1,1	1,1
Тошкент	479,5	749,7	8,8	8,8	356,4	574,7	9,3	9,0
Фарғона	258,7	471,8	4,7	5,6	144,3	335,6	3,8	5,2
Хоразм	134,6	174,3	2,5	2,1	35,2	61,3	0,9	1,0
Тошкент ш.	856,7	1692,4	15,6	19,9	619,6	1333,1	16,1	20,8

Манба: Ўзбекистон Республикасининг йилги статистик ахборотномаси. – Т.: 2009.

Умуман олганда эса, инвестицион лойихаларни молиялаштиришда банк кредитлариға таяниш бозор иқтисодиёти шароитида ҳам одатий, ҳам мажбурий ҳолатдир. Кейинги пайтларда республикамизда банк тизимини, шунингдек, пул-кредит тизимини ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз томонидан бир қатор чоралар курилмоқда. Бунга мисол банк тизимини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардир. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиниши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ортиқча аралашишлар, кераксиз текширишлар, шунингдек, улар фаолиятига тўсқинлик қилувчи салбий кучларга барҳам берилди. Бундан ташқари, улар фаолиятини тижорат банклари томонидан кредитлашда, ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ва кредитлаш муддатларини кечикириш ҳолатлариға ҳам аста-секин барҳам берилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти, аҳоли маблағлари инвестиция лойихаларини молиялаштиришнинг зарур манбаси ҳисобланади.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ривожланганлиги аҳоли маблағларини тўғридан-тўғри инвестицияларга йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Республикаизда ҳам қимматли қоғозлар бозори шакланиб бормоқда, аҳолининг бўш пул маблағларини жамғариш тижорат банкларида амалга оширилмоқда ва ушбу жамғарма маблағлари купроқ қиска муддатли кредитлашга йўналтирилмоқда.

### **Қисқача ҳulosалар**

Иқтисодий тараққиётнинг турли поғоналарида турган мамлакатлар умумий ижтимоий даромадни тақсимлашда ўзига хосликларга эга. Агар юксак ривожланган мамлакатларда жамғариш ижтимоий тараққиётнинг харакатлантирувчи кучи бўлмаса ва фақат истеъмол қўпайишига умумий талабнинг ортишини рағбатлантирса, айни ҳолда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётлари шароитида иқтисодий ўсиш жамғармалар ва инвестициялар даражасига боғлиқ.

Бозор муносабатлари ривожланиши, юксак саноат бойликлари шакланиши билан бирга «инвестициялар» ва «инвестиция қилиш жараёни» тушунчаларига кенгроқ изоҳ бериш зарурияти туғилади. Бу изоҳ, ҳам моддий бойлик ва савдо даромадини қўпайтириш мақсадида, ҳам номоддий турдаги жамият қадриятларини яратиш учун киритилаётган ҳамма маблағларни ҳисобга олишни назарда тутади.

Инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган муханизм қўйидагиларни кўзда тутади: давлатнинг инвестиция жараёнидаги иштироки шакллари ва бошқаруви миллий ва чет эл хусусий капиталлари инвестицион фаоллигини рағбатлантиришни кучайтириш; амортизация сиёсатини такомиллаштириш; ахолининг банкка пул қўйишга ва инвестицион институтларга ишончини ошириш; ишлаб чиқришга маблағларни узоқ вақтга қўйиш учун рағбатлантирувчи шароитларни яратиш; хусусий капиталлар ва аҳоли жамғармаларини сугурталаш тизимини шакллантириш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инвестиция сиёсатининг услубий асослари нималардан иборат?
2. Бозор иқтисодиётида инвестициялар қандай роль ўйнайди?
3. Инвестиция сиёсатида хусусийлаштириш жараёни нималардан иборат?
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестицияларни молиялаштиришнинг қандай имкониятлари мавжуд?
5. Инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган механизм нималарни кўрсатади?
6. Ўзбекистон инвестицион рейтингининг миқдори қанча?
7. Ахолининг банкка пул қўйишга ва инвестицион институтларга ишончини ошириш учун нималар қилиш керак?
8. Бозор номаълумлиги ва ўзгарувчанлиги шароитида инвестиция қўйилмалари самарадорлигини баҳолашнинг қандай усуслари бор?
9. Ўзбекистон Республика учун таклиф этилаётган инвестиция стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти аҳоли маблағлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг нимаси хисобланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005 й., 15 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредит беришни қўллаб - қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005 й., 6 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005 й., 12 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005 й., 2 май.
6. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005й.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 56 б.
8. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демакратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

9. Турдиев А.С. «Инвестицион фаолият бошқарувини таомиллаштириш йўллари». – Т.: НИИЭК и РПС, 2001й. – 85 – 91-бетлар.
10. Интернет веб-сайтлари:  
[www.ceep.uz](http://www.ceep.uz).  
[www.bearingpaint.uz](http://www.bearingpaint.uz).  
[www.pca.uz](http://www.pca.uz).  
[www.micro-macro iqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macro iqtisodiyout.fan.uz).

## **6-БОБ. БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

- 6.1. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқариш тизимининг мазмуни ва моҳияти.
- 6.2. Маъмурий ислоҳотлар – иқтисодий тараққиёт омили.
- 6.3. Республикада бошқарув аппаратини қисқартириш ва такомиллаштириш йўллари.
- 6.4. Давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш йўналишлари.

### **6.1. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқариш тизимининг мазмуни ва моҳияти**

Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг дастлабки ярими натижаларига боғи шланган йигилишида Ўзбекистонда Республикаси Президенти Ислом Каримов: «Мамлакатдаги тиклаш ва янгилаш жараёларининг асосий оқсаётган бўғинига баҳо берар эканмиз, биздаги консерватизмнинг илдизи энг аввало амалдаги бошқарув тизимида эканлигига тобора кўпроқ амин бўлмоқдамиз. Тан олиш керак, амалдаги давлат, тармоқлар ва худудий бошқарув тизимлари иқтисодий ва демократик ислоҳотларни жорий қилиш йўлида катта тўсиқ бўлмоқда. Айтиш керакки, бизда маъмурий-бошқарув ва тақсимлов тизимида мерос қолган эски қолипнинг кўп сифатлари сақланиб қолмоқда», деб таъкидлади.

Шу ўринда бир савол туғилади: Хўщ, бу борада бошқа мамлакатларда кандай ҳолат хукмрон? Давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилишга фақат Ўзбекистонгина эҳтиёж сезмоқдами? Хориж тажрибасини ўргана эканмиз, давлат ҳокимияти тизими деярли барча мамлакатларда қаттиқ танқидларга учраётгани гувоҳ бўламиз. Масалан, «Нью-Йорк Таймс» маълумотларига кўра, балоғат ёшидан ўтган АҚШ ахолисининг 15 %и хукumat фақат ўз манфаатлари учун ишлашига амин эканликларини билдирганлар. Хорижий оммовий ахборот воситаларида дунёning турли мамлакатларида, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам давлат, хукуматнинг номукаммал эканлигига кўплаб мисоллар келтирилади.

Хаттоқи бюроқратияни «жиловлай билган» Америка Кўшма Штатларидек мамлакатда ҳам маъмурий соҳа доимий назоратга ва ислоҳотларга муҳтож. Бир вактлар Жералд Форд: «Хукумат назоратига оид икир-чиқирларга барҳам бериш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим шартларидандир. Биз бундай сансалорликлар натижасида миллионлаб иш соатларини беҳуда сарф қиласиз. Бу эса, истеъмолчиларга миллиардлаб долларларга тушади», дея беҳуда таъкидламаган эди. Давлат бошқаруви механизми номукаммалликка салқам генетик монелиги сабабли дунёning кўплаб мамлакатлари (энг аввало ривожланганлари) маъмурий ислоҳотларни амалга оширишга эҳтиёж сезмоқдалар. Шу сабабли тадқиқотчилар нафақат ислоҳотларни, балки уларни жаҳон бўйлаб ривожланишига кўра, оқимларга ажратган ҳолда ўрганмоқдалар.

Хозирги босқичда маъмурий ислоҳотларни иккита турга ажратиш мумкин. Биринчиси, жамият тартиби ўзгариши оқибатида сиёсий тизимнинг алмашуви билан бирга амалга ошириладиган ислоҳотлар бўлиб, улардан мақсад янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларга жавоб берадиган давлат бошқарувини ташкил этишдир. Бундай ислоҳотлар собиқ социалистик давлатларнинг барчасида амалга татбиқ этилмоқда ва ўз доирасига қонунларни ишлаб чикиш, давлат бошқарув тизимини қайта ташкил қилиш, давлат хизматини барпо этиш, жойлардаги бошқарувни ривожлантириш каби масалаларни камраб олган. Иккинчи тури эса, сиёсий барқарорлик доирасида амалга ошириладиган ва маъмурий тизимни бутунлай такомиллаштириш ёки унинг давлат тартиби бузилиб кетишига сабаб бўлмайдиган аниқ жабхаларини мукаммаллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлардир. Бундай ислоҳотларни жорий қилиш кўплаб ривожланган мамлакатларга хосдир.

Ислоҳотларга бўлган эҳтиёжни кўплаб мутахассислар турли ижтимоий дастурларни молиялаш учун давлат харажатларининг ҳаддан зиёд ошиб кетиши билан боғлайдилар. Давлат ижтимоий харажатларининг ошиши кўп ҳолларда ахолининг давлат хизматлари сифати ва молиявий маблағлар тақсимланишига нисбатан эътиrozларига сабаб бўлади. Жиддий танқидларни келтириб чиқарувчи бошқа бир омил – жамиятнинг турли жабхаларига давлат аралашувининг кучайиши ва бунинг оқибатида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиб қолишидир. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда учта ёндашув ўринлидир:

- давлат бошқаруви фаолияти самарадорлигини ошириш ва ахолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш;
- давлат ва хусусий секторлар ўртасида ҳамкорлик ривожлантириш ҳамда уларнинг мажбуриятлари чегараларини янада аниқроқ белгилаш;
- давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида кўп қамровли алоқаларни ўрнатиш, ахолини бошқаришга жалб этиш.

Маъмурий ислоҳотлар татбиқ этилаётган йўналишлар турлича. Улардан энг кўп кўлланиладиганларидан бири *хусусийлаштиришидир*. Кенг маънода бу ҳукumat ролини қисқартиришга, демакки, бошқарувда ёки эгалик масаласида хусусий сектор мөхиятини оширишга қаратилган ҳаракатдир. Хусусийлаштириш нафақат давлат мулки хусусий мулкка айлантирилишини, балки маълум шароитларда аниқ хизматларни кўрсатиш, фуқароларга хизматларни танлаш имкониятини яратиш каби масалалар юзасидан хусусий ташкилотлар билан шартномалар имзолашни ҳам англатади.

**Давлат бошқарувини шакллантириши.** Бу икки кўринишда амалга оширилади: биринчиси, марказлашган ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда алоҳида ваколатларни

бошқарувнинг қуи органларига олиб беришдан иборат бўлса, иккинчиси эса, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш учун шахсий ресурсларига эга бўлган мухтор таркиблар (коммуна, муниципалитет, жамоат бирлашмалари) ташкил этишини талаб қилади. Натижада ахолига хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган шароитларни яхшилаш ва қабул қилинган қарорлар самарадорлигини ошириш таъминланади. Шакллантиришнинг бевосита талаблари молиявий мустақиллик ва минтақавий ҳамда жойлардаги ҳукумат органлари мажбуриятларидан иборат.

**Давлат хизматлари сифатини ва уларнинг тақсимлаши механизмини яхшилаши.** Сўнгти пайтда «Истеъмолчилар манфаатларига хизмат қиладиган таркибларни ташкил этиш» шиори урф бўлиб бормоқда. Унинг асосида оддий фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш масаласини давлат фаолияти марказига кўтариш ётади. Шу мақсадда хизмат кўрсатишнинг аниқ меъёрлари жорий қилинади. Фуқаролар ҳукумат органлари қарорларига таъсир ўтказиш имкониятини қўлга киритадилар. Ҳукумат ўз фаолиятига оид барча ахборотларни кенг омма эътиборига очик ҳавола қилади. Давлат хизматлари сифатига бўлган бундай эътиборнинг сабаблари нафақат ахоли қизиқишлирини ҳисобга олишдан, балки фуқаролар таълими, малакаси ва соғлиғи даражаси ўртасидаги бевосита алоқадан (у давлат хизматлари сифати даражаси билан узвий боғлиқ) янада унумли фойдаланишдан ҳам иборатdir.

**Давлат хизматини ислоҳ қилиши.** Бундай ислоҳотлар иш ҳаки ва давлат ходимларини рағбатлантириш соҳаларини қамраб олади; таълим тизимини, малака оширишни ва шахснинг ривожланишини; ходимларни танлаш ва ёллаш усуллари ва мажбуриятларини бажариш даражасини; пенсия сиёсатини; жинси ва миллатидан катъи назар хизматчилар учун teng шарт-шароитларни яратиб беришни ва ҳ.к.ларни.

**Давлат бошқарув органлари фаолиятини ва ташкилий таркибларни тақомиллаштириши.** Давлат бошқарувида янги йўналиш бўлиб, у вертикал маъмурий таркибни аниқ вазифаларни бажарувчи давлат ташкилотларининг мухтор горизонтал тармоғига алмаштириш ғоясини илгари суради. Унга мувофиқ алоқали бошқарув, ички ва ташки аудит, алмашув жамғармалари каби механизmlар ташкил этилади. Сиёсатни шакллантириш вазифаси кўпроқ бир нечта илғор вазирликлар зиммасида бўлади, ижро этиш эса турли давлат мухтор агентликларига юқлатилади. Давлат сектори фаолиятига хусусий компанияларда кўлланиладиган, бозор иқтисодиётига хос бўлган механизmlар ва бошқарув услублари тобора кўпроқ сингдириб борилади. Энг дикқатга сазовор, марказий бошқарув органлари қабул қилган қарорларнинг олий сифатига эришилади.

**Давлат молиявий маблаглари ва бюджетини бошқарииининг яхшиланиши.** Бу ерда қўйидаги йўналишлар ажратилади: ҳукумат вазирлик ва муассасалар ўртасида умумий харажатлар оқимини ва тақсимлаш тамойилларини аниқлаётганда бюджетни ишлаб чиқиши «юқоридан пастга» механизмини жорий қилиш; вазирликлар ва муассасаларга йиллик харажатлар учун маблағларни ишлатиш мақсадларини кўрсатмаган ҳолда ўтказиб бериш; қолган маблағларнинг кейинги молиявий йил бўйича кўрсаткичларини ишлаб чиқиши; хусусий секторда қўлланиладиган молиявий менежмент амалиётини татбиқ этиш; бюджетни ташкиллаштираётганда ўрта муддатга мўлжалланган кўрсаткичлардан унумли фойдаланиш.

**Ахборот технологияларини жорий этиши.** Агар яқин вақтларгача давлат бошқарувини ахборот технологиялари билан, энг аввало, компьютерлар билан таъминлаш масаласи долзарб бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, ахборот технологияларига қилинган инвестициялардан манфаатни ошриш масаласи долзарбdir. Устувор йўналишлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: миллий ахборот тармоқларини барпо этиш; давлат органларини аҳоли билан боғлаб турувчи ахборот тармоқларини ривожлантириш; ахборот тизимларининг ижтимоий муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилишга сафарбар этиш. Кўплаб мамлаккатларда давлат ҳукумати фаолиятига ахборот ва телекоммуникация технологияларини сингдириш ва уларни такомиллаштириш билан шуғулланувчи маҳсус компаниялар ташкил этилган.

**Натижаларни баҳолаш ва жараёнлар мониторинги.** Маъмурий тизим орқали ёндашув мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасидаги давлат аппарати фаолиятини кузатишини таъминловчи механизmlарни талаб этади. Маъмурий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳам жуда муҳимдир. Бу ерда давлат аппарати фаолияти самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиши алоҳида эътиборни талаб қиласи. Бугунги кунда кўпчилик мамлакатлар ҳукуматлари олдида жаҳон миқёсида иқтисодий рақобатнинг кескинлашуви муаммоси турибди. Глобаллашув шароитида ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви механизмини такомиллаштириш шунчалар аҳамиятли вазифа экан, у бозор иқтисодиёти механизmlари эндинигина жорий этилаётган мамлакатлар учун ҳам энг муҳим вазифа эканлигига шубҳа йўқ. Тажриба камлиги ва етук мутахассислар этишмаслиги каби бир қатор муаммолар иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган ва ривожланаётган мамлакатларда бу мазкур жараённинг ҳамиша ҳам асосий сабаблари ҳисобланади.\*

---

\* Маъмурий ислоҳотлар юборишнинг хориж тажрибаси. Экономическое обозрение. – № 4 (56) 2004.

## **6.2. Маъмурий ислоҳотлар – иқтисодий тараққиёт омили**

Ўзбекистонда сўнгти ўн тўқказ йил давомида юз берган кенг кўламли ўзгаришлар иқтисодий муносабатларга мос янги давлат бошқаруви тизимини яратишни тақозо этди. Бу жараён изчил давом этмоқда: кўпгина соҳалар бўйича давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Масалан, кенг кўламли хусусийлаштириш хусусий секторга давлат мулкининг салмоқли қисмини бошқариш ёки унга эгалик қилиш имконини яратди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат беради, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти маъмурий аппарат ишининг нечоғли самарадорлигига боғлиқ. Улкан бюроқратик аппарат ривожланишга тўсқинлик қиласи ҳамда давлатнинг бозор ислоҳотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришга доир саъй-харакатларига халақит беради. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимни ислоҳ қилишга ҳамда уни замон талабларига мослаштиришга мажбур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қайд этганидек, маъмурий тизимда ислоҳотларни амалга ошириш пайти келди ва уларни зудлик билан бажариш зарур. Бусиз чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш наинки қийин, балки асло мумкин эмас.

Жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини таҳлил қилиш асосида республика ҳукумати томонидан маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича асосий ёндашувлар ва йўлалишлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини бошқаришда давлат ролини қисқартириш мақсадида муайян чоралар кўрилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари Ўзбекистондаги маъмурий ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бўлажак туб ўзгаришларнинг моҳияти қўйидагилардан иборат:

**биринчидан, бу – иқтисодиётни бошқаришда давлат ролининг кескин қисқариши, давлат тузилмаларининг хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига барҳам бериш.** Давлат зиммасида давлатнинг фаол иштирокисиз амалга оширилмайдиган вазифаларгина қолади. Булар, энг аввало, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалалар, хусусан макроиктисодий барқарорлик, ислоҳотлар дастурларини ҳамда иқтисодиётнинг таркибий қайта курилишини, ижтимоий соҳада, коммуникациялар тизимида устувор дастурларни амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳоказолар;

**иккинчидан, бу – республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисми маҳаллий бошқарув органларига ўтказилиши**, демакдир. Вазифаларнинг бу тарзда тақсимланиши, бир томондан, маҳаллий органларнинг белгиланган вазифаларни бажаришда масъулиятини оширади (аввало, бандлик, ижтимоий ривожланиш ва ахоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга тааллукли), иккинчи томондан, уларнинг самарадорлигини кучайтиради, зеро, ҳудудларнинг ўзига хос жихатларини эътиборга олади. Масалан, кам таъминланган оиласарга нафака тўлаш вазифасининг давлат органларидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказилиши халқаро миқёсда тан олинган. Чунки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ким ижтимоий ёрдамга муҳтож эканлигини яхшироқ билади;

**учинчидан, бу – бошқарув тизимини оптималлаштириш, бошқарувга оид вазифаларнинг такрорланишига барҳам бериш, корхоналар фаолияти асосиз назорат қилинишига чек қўйиш**, бозор механизмлари ҳамда шахсий ташаббускорлик ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига халал берувчи тўсиқларни бартараф этиш, тақсимлаш тизимини тугатиш жараёнини якунлашdir;

**тўртинчидан, бу – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари сонини оптимал даражасига қисқартирилиши**, демакдир;

бешинчидан, бу – ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқарув тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, замонавий маъмурий-хукуқий база яратиш, ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш ва ёллаш услубларини қўллаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва уларга юклатилган вазифаларнинг ижросини баҳолаш шаклларини такомиллаштириш орқали давлат хизматини ислоҳ қилишdir.

Иқтисодиётни бошқаришда давлат вазифаларини қисқартириш тадбиркорликка янада кенг йўл очиш ҳамда иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга кенг йўл очиб беради.

Ислоҳотлар доирасида бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқарув органлари вазифалари ва таркибини қайта кўриб чиқиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда бошқарув тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда бошқарув аппаратига сарфланаётган асосиз харажатларни қисқартиришга қаратилган қатъий фаолиятга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмокдаки, марказда ташкил этилган хар қандай бошқарув органи одатда, вилоятлар ва туманларда хисоб берувчи бўлинмасига эга бўлади, бу эса бошқарув аппаратининг ва техник ходимларнинг кўпайиб кетишига йўл очади. Оқибатда,

кўшимча назорат органлари пайдо бўлишига, харажатлар кўлами ортишига, турли хил келувчилар ва керакли-кераксиз хужжатбозликларга олиб келади. Булар давлат бошқаруви айrim органлари фаолиятининг самарадорлиги кескин пасайишига сабаб бўлади.

Иқтисодиётни бошқаришининг Ислоҳотларнинг асосини ташкил этувчи янги концепцияси вертикал маъмурий тузилмалар аниқ вазифаларни бажарувчи мустақил ташкилотларнинг горизанатл тармоғи билан мувофиқлаштирилишини тақозо этади. Бунда шартнома асосида бошқариш, ички ва ташки аудит каби механизмлар яратилади. Давлат сиёсатини шакллантириш масалалари вазирликлар ва давлат қумиталарида жамланади, уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш агентлик, қўмита, инспекция каби давлат бошқарув органлари зиммасига юкланди.

Давлат сектори фаолиятига хорижда тажрибадан ўтказилган, хусусий компанияларда қўлланиладиган давлат менежмент усуслари тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Бунда асосий эътибор давлат тузилмаларининг таҳлилий, тахминий ва баҳолаш вазифаларини ривожлантиришга, энг муҳими, қарорлар қабул қилиш, аввало, марказий бошқарув органларида қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва уларнинг тайёрланишини яхшилашга қаратилади.

Бошқарув таркибини такомиллаштиришга нисбатан бундай ёндашувга мисол тариқасида Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги иккита мустақил давлат бошқарув органига – Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика давлат қўмитасига айлантирилганини, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясидаги ва бошқа давлат ҳамда хўжалик бошқарув органларидағи ташкилий ўзгаришларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, туманлар бошқарув таркибини оптималлаштириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис ва республика ҳукумати қарорларига кўра, 2003–2004 йилларнинг ўзида 8та маъмурий туман ҳокимлиги ва уларнинг қуий ташкилотлари тутатилди. Ушбу маъмурий туманларнинг бирлиштирилиши, ортиқча худудий бошқарув тизимлари ва уларнинг қуий ташкилотлари тутатилиши миллиардлаб сўмни тежаш, бу маблагни мазкур туманларнинг ижтимоий соҳаларини ривожлантиришга сарфлаш имконини берди.

2005 йилда давлат тамонидан фонд сифатида ажратилган пахта толаси, ё қилғи ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли ва қора металлар, ўсимлик ёғи, ғалла, ун, шакар каби хом ашё ва моддий ресурсларни лимит тариқасида тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам бериш якунланади. Энди тадбиркорлар бу ресурсларни биржа ва ярмарка

савдоси орқали харид қилади, бу эса турли мулкчилик шаклидаги корхоналар тенг шароитда ишлаши учун имкон яратади.

Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг тугатилиши, бирлаштирилиши ва қисқартирилиши бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, ҳукумат қарорларига мувофиқ машинасозлик, агросаноат мажмуи, ҳалқ исътемоли товарлари ишлаб чиқариш, курилиш, транспорт ва савдо соҳаларида давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини бажараётган 20дан ортиқ тузилма бутунлай қайта ташкил этилади ёки тугатилади. Жумладан, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш доирасида, **бошқарувнинг кераксиз, ортиқча бўғинлари сифатида «Ўзпаррандасаноат», «Ўзозиковқатсаноат», «Ўзбалик», «Ўзқишлоқкимё», «Ўзқоғозсаноат», «Ўзмашинасаноат» уюшмалари ва бошқалар тугатилди**, айни пайтда бу тармоқларни ривожлантириш стратегиясини белгилаш вазифалари маҳаллий органларга берилди. Ҳудудий даражада ҳам бир-бирини тақрорлайдиган ва самарасиз тузилмаларни тугатиш, ўзгартириш бўйича шундай ишлар олиб борилмоқда. 2004–2005 йилдарда ҳукумат томонидан республиканинг барча вазирлик ва идоралари тузилмаси қайтадан кўриб чиқилди ва уларнинг вазифалари аниқлаштирилди. Улар зиммасидан бозор иқтисодиётини бошқариш тамойилларига зид вазифалар олиб ташланди.

### **6.3. Республикада бошқарув аппаратини қисқартириш ва такомиллаштириш йўллари**

Бошқарув аппарати сони ва унинг таъминоти харажатлари қисқариши маъмурий ислоҳотнинг амалий натижаси бўлди. Бу, маъмурий ислоҳотнинг асосий йўналишларидан биридир. Бу, харажатларни такомиллаштириш ва қисқартиришда, ўз навбатида, корхоналар ва аҳолининг солиқ юкини камайтиришда катта имкониятлар яратади. Ҳукумат томонидан бошқарув аппаратини такомиллаштириш бўйича кўрилган чоратдбирлар 2004 йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида уларнинг сонини 40 минг кишига ёки 22 фоизга қисқартириш ва ҳар йили 40,5 миллиард сўм маблағни тежаш имконини беради.

Давлат ва хўжалик бошқарув ходимлари қисқартирилиши натижасида уларнинг сони ҳар минг кишига 6,1 кишини ташкил этади ёки аҳоли меҳнат билан банд қисмининг 1,6 фоизидан ошмайди. Бу, МДҲнинг бошқа мамлакатларидан анча кам. Таққослаш учун 6,1-жадвалда куйидаги ракамларни келтириш мумкин: бу кўрсаткич Қозоғистонда – 19,2 ва 3,4 Украинада – 20 ва 4,5 Росияда – 22,1 ва 3,9 %.

Россияда бу солиштирма салмоқни камайтириш максадида давлат аппаратининг ортиқча вазифаларини қисқартириш бўйича саъй-харакатларга қарамай, давлат ҳокимияти

ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари сони сўнгги уч йилда 1141 минг нафардан 1259 минг нафарга кўпайди. Айни пайтда, мустақил ахборот манбаларининг хабар беришича, 20 фоизга яқин амалдорлар зарур касбий маълумотга эга эмас.

Таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда, сунъий равища кенгайиб кетган бюрокартик аппаратни қисқартишига қаратилган ислоҳотни амалга ошириш бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун ҳам долзарб хисобланади.

6.1-жадвал

**Мехнатга лаёқатли ёшдаги ва иш билан банд аҳоли таркибида бошқарув ходимларининг солиштирма салмоғи**

Мамлакатлар	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимлари сони, минг нафар	Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган бошқарув ходимлари, нафар	Мехнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонида бошқарув ходимлари солиштирма салмоғи, фоиз хисобида	Банд аҳоли сонида бошқарув ходимларининг солиштирма салмоғи, фоиз хисобида
Озарбайжон	265,3	32,3	6,0	7,1
Арманистон	25,8	8,1	1,2	2,3
Беларусь	147,6	14,9	2,7	3,4
Грузия	76,7	16,3	2,3	4,2
Қозигистон	280,4	19,2	3,4	4,0
Қирғизистон	66,3	13,3	2,6	3,6
Молдава	66,0	15,3	3,4	4,4
Россия	3223,3	22,1	3,9	4,9
Украина	956,8	20,0	3,5	4,5
Ўзбекистон	155,8	6,1	1,3	1,6

Манба: «Халқ сўзи», 2004йил. 11 март.

Таҳдиллар шуни кўрсатади ки, Европа, Жанубий-шарқий Осиё, Шимолий Американинг баъзи мамлакатларида иш билан банд аҳолининг умумий сонида бошқарув ходимлари солиштирма салмоғи 2 фоиздан 15 фоизгача етади: АҚШда – 15 фоиз, Швецияда – 18 фоиз, Буюк Британияда – 14 фоиз, Германияда – 6,7 фоиз, Польшада – 5,8 фоиз, Туркияда – 6,3 фоиз, Японияда – 3,2 фоиз, Жанубий Кореяда – 2,3 фоиз.

Жанубий Кореяда 1993 йилда бошланган ва «Инқилобий» деб аталган маъмурий ислоҳот 10000 амалдорни бошқа агентликларга ўтказиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш керакки, хисботнинг ўзини окламаган, асосланмаган шакл ва турларини қисқартириш маҳаллий маъмурий аппарат малакасини оширишга олиб келади. Масалан, маъмурий ислоҳотни чуқурлаштириш статистик хисботни йиғиши вазифалари ва давлат бошқарувининг тегишли аппарати сонини қисқартириш ҳамда статистик хисботнинг муайян турлари бўйича даврийликни қисқартириш, айни пайтда сақланиб келинаётган хисботни соддалаштириш ва бирхиллаштиришни кўзда тутади. 2003 йилда

Ўзбекистонда Идоравий статистик ҳисобот рўйхати ва мазмуни қишлоқ хўжалик ширкатлари учун 60 фоиздан ортиқ, саноатда учдан бирга, кичик ва хусусий тадбиркорлиқда 35 фоиздан кўпроқ қисқарди.

Ортиқча бюроқратик бошқарув ходимларини қисқартириш ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш жараёни ловозимида қолган ходимлар зиммасига қарорларни тайёрлаш ва қабул қилинганда амалий назоратни таъминлашда юқори малака билан ишлаш талабини қўяди.

Маъмурий ислоҳотлар давлат ва хўжалик бошқарув органлари ходимларининг профессионал маҳоратини оширишни, уларни танлаш, тайёрлаш ва давлат аппаратининг мавжуд ҳолати ҳамда истиқболидаги ривожини ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Факат малакали, ўз ишига содиқ ходимгина бугунги шароитда миллионлаб одамларнинг манфаат ва тақдирларига даҳлдор бошқарув фаолиятига қўйилиши мумкин. Шу боис давлат хизматини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда улардан тўғри фойдаланишга эришиш гояси мухимдир. Яна бир мухим масала – уларга профессионал салоҳиятни номоён қилиш, хизмат ва вазифаларини муваффақиятли бажариш учун зарур шароит яратишdir. Факат ана шундагина давлат ҳокимияти органлари самарали ишлashi ва кутилган натижага эришишидан умид қилиш мумкин.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши академияси, олий бизнес мактаби, олий ўқув юртларида менежмент факультети ва бўлимлари ташкил этилган. Улар хар йили давлат ва хўжалик бошқаруви соҳаларида ишлаш учун юзлаб юқори малакали раҳбар ходимлар тайёрлайди.

Асосий мақсадга эришишнинг мухим таркибий қисмларидан бири мавжуд меъёрий-хукуқий базани такомиллаштиришdir. Бу маъмурий ислоҳотни амалга оширишни тегишли хукуқий мухит билан мослаштириш имконини беради.

Ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ва иш самарадорлигини ошириш давлат органлари ўртасида вертикал ва горизонтал ахборот алмашининг электрон каналларини шакллантиришни ниҳоясига етказади. Яъни, хўжалик субъектларидан давлат органларига – статистик ахборот, сўровлар ва ҳоказо; давлат органларидан хўжалик субъектларига, аҳолига – хукуқий, статистик ахборот, электрон шаклдаги турли бланкалар ва шаклларни тақдим этиш хизматларини кўрсатиш учун шароит яратади.

Энг янги бошқарув технологияларини жорий этиш маълумотлар алмасиш ва қарор қабул килиш имконини беради, давлат бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилайди.

Шуни таъқидлаш керакки, маъмурий ислоҳот республика аҳолиси учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки у аввало иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш учун шароит яратишга, натижада аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга йўналтирилган. Давлат ва хўжалик бошқаруви тизими ишини босқичмабосқич замонавийлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар сифати ва изчиллиги кўп жиҳатдан бутун бошқарув тизимининг самарадорлик даражасига, уни жамиятни ислоҳ қилишнинг бугунги талабларига мослаштиришга боғлиқ.

#### **6.4. Давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш йўналишлари**

Мазмуни, шакли, услуби ва кўламидаги фарқларга қарамасдан давлат бошқарув органлари вазифаларини номарказлаштириш дунёдаги деярли барча мамлакатларда амалга оширилмоқда. Жамиятга иқтисодиётни бошқаришнинг демократик тамойилларини аллақачон жорий этган, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда номарказлаштиришдан мақсад – давлат бошқаруви тузилмасини ва унинг вазифаларини оптималлаштириш, давлат органлари ишини жамоатчилик назоратига олиш механизмини яратиш, вазифаларни ҳукуматнинг қуий бўғинларига, ўзини-ўзи бошқариш органларига, хусусий секторга бериш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини оширишdir.

Жаҳон амалиётида мустақиллик даражасига кўра, номарказлаштиришнинг қуийдаги асосий турлари фарқланади:

**горизантал номарказлаштириш.** Бунда ҳукумат вазифалари вазирликлар ва идораларга ўтади. Уларга Парламент ва марказий ҳукумат томонидан белгиланган стратегия, стандарт ва бюджетта мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш масаласини ҳал этишда эркинлик берилади;

**вертикал номарказлаштириш.** Мазкур услубда вазифалар марказий ижроия ҳокимиятдан давлат ҳокимиятининг мустақил органларига ва жойларга ўтказилади. Бунда жойлардаги мустақил бошқарув органлари қонунчиликка мувофиқ тегишли хизмат турларини кўрсатиш ва молиялаш масаласини ҳал этиш ҳамда стратегиясини белгилашда тўлиқ ёки қисман мустақилликка эга бўлиши мумкин;

**марказий бошқарув органларининг (вазирликлар ва идоралар) вазифаларини вертикал деконцентрациялаш.** Бу айрим вазифаларни тегишли худудий бўлинмаларга бериш орқали амалга оширилади. Бунда марказий вазирликлар ва

идораларининг худудий бошқарув органлари ўз фаолиятини марказий ҳукумат ва тегишли идоралар белгилайдиган стратегия доирасида амалга оширади хамда одатда, давлат бюджетидан молиялаштирилади.

**Давлат органлари ва хўжалик субъектлари фаолияти устидан жамоятчилик назоратини кучайтириш мақсадида вазифаларни нодавлат ташкилотларига ўтказиш.** Ўзбекистонда маъмурий ислохот доирасида давлат бошқарувини номарказлаштириш давлатнинг бошқарув даражалари ўртасида ваколатларини аниқ белгилаб олиш ва давлат ваколатининг ўсиб келаётган қисмини босқичма-босқич ўтказиш орқали амалга оширилади.

Номарказлаштириш ва ваколатларни чеклашнинг асосий тамойиллари куйидагича:

- республика давлат бошқарув органларида давлатнинг сиёсай, стратегик, тартибга солувчилик ва ҳуқуқни белгиловчилик вазифаларини марказлаштириш;
- жорий давлат бошқаруви ижроия фаолиятининг асосий қисмини худудий (вилоят, туман, шаҳар) даражага ўтказиш;
- сиёсий, стратегик, тартибга солувчи вазифаларни бажариш талаб этилмайдиган соҳаларда давлат бошқарувининг мустақил бўлган вилоят структуралари (республика органлари тасарруфида бўлмаган) фаолият юритиши;
- давлат қундалик вазифаларини бажариш давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъект билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур бўлганда ёки бу фаолият фақат идорага қарашли худуддаги аҳоли манфаатларини амалга оширишга қаратилган бўлса, масалан, уй-жой-коммунал хўжалигининг ишончли фаолият юритишини таъминлаш, ободонлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, кичик бизнесни ривожлантириш соҳаларидаги сиёсатни амалга оширишда республика органларининг вилоят бўғинлари ишлаб туриши;
- аҳолига ва хўжалик юрутувчи субъектларга давлат хизматини кўрсатиш билан боғлиқ жорий ижроия фаолият кўлами кенг бўлган ҳолларда республика (вилоят) органларининг туман (шаҳар) бўғинлари фаолият юритиши;
- давлат томонидан кўрсатилаётган хизматларни аҳолига, тадбиркорлик субъектларига, истеъмолчиларга имкон қадар яқинлаштириш (масалан, вилоят даражасида ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси қурилиши, рўйхатдан ўтказиш тамойиллари, солиқларни тўлашни шаҳар ва туман даражасига яқинлаштириш).

Республика давлат бошқаруви ваколатларини чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Биринчи йўналиш – бир пайитнинг ўзида тармоқ бошқарувидан функционал бошқарувга ўтишни назарда тутувчи горизонтал номарказлаштириш.

Мустақиллик йилларида вазирликлар, биринчи галда, тўғридан-тўғри давлат бошқаруви вазифаларини амалга оширувчи тармоқ идоралари сони кескин қискарди. Республика миқёсидаги 50 дан ортиқ вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди. Ҳозирги маъмурий ислоҳотлар давомида ҳукумат қарорларига мувофиқ иқтисодиётнинг турли соҳаларида давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини амалга оширувчи 20 дан ортиқ тузилма тугатилади ва қайта ташкил этилади.

Маъмурий ислоҳотларга мувофиқ республикада сақланиб қолган 13та вазирликдан фақат 5таси тармоқ (соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта маҳсус таълим, халк таълими, маданият ва спорт, қишлоқ ва сув хўжалиги) вазирлик, 11та давлат кўмитасидан 3таси тармоқ кўмитаси (геология ва минерал ресурслар, архитектура ва қурилиш) ҳисобланади. Тармоқ вазирликлари ва давлат кўмиталари асосан бозор механизмлари самарасиз бўлган секторлар фаолиятини тартибга солади.

Давлат иқтисодий бошқарувининг асосий дастаклари Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Давлат мулк кўмитаси каби иш фаолияти умуммиллий давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган функционал тармоқлараро марказий идораларга берилган.

Давлат бошқарув органларини ислоҳ қилиш жараёнида сақланиб қолган вазирликлар ва кўмиталар Низомини тасдиқлаш давомида давлат бошқарувининг муҳим бўлган ҳукуқни ўрнатувчи ва ҳукуқий-ижроия вазифалари ўзгаради. Агентликларга асосан эгалик қилиш ва ижро этиш вазифалари, инспекцияларга – қонунчилик ижроси юзасидан кузатиш ва назорат қилиш вазифалари юклатилади.

**Иккинчи йўналиши – давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларининг бўлинини.** 1997 йилдан бошланган ислоҳотлар давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, хўжалик ва давлат бошқаруви вазифаларини бўлиш жараёнини тугаллашга қаратилган. Шундай қилиб, босқичма-босқич тарзда тегишли хўжалик бирлашмалари назорат ишларидан озод қилинди. Бу барча назорат-тафтиш бошқарув идораларини тугатиш (улар ўрнига мустақил аудиторлик компаниялари ривожланди), «Ўзтемирийўлназорат», «Авианазорат», «Давлат автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» каби маҳсус испекцияларни тузиш орқали амлга оширилди.

**Учинчи – вертикал тармоқ деконцентрацияси.** Бу жараён республика органлари вазифаларининг бир қисмини қуи тузилмаларга, жумладан, хусусий секторга

бериш орқали амалга оширилади. Хукумат марказий аппарати тармоқлар ва корхоналарнинг жорий муаммоларини ҳал этиш билан банд. Бу ҳол стратегик бошқарув масалаларини сифатли иштаб чиқищ, хўжалик субъектлари мустақиллигини ошириш, давлат бошқаруви ва корхоналарнинг қуи бўғинларидағи раҳбарларда боқимандалик кайфиятини тўлиқ йўқотишга ёрдам бермайди. Давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнида қуи давлат органларига давлат мулкини бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва назорат қилиш вазифалари берилади. Масалан, ўз даврида тугатилган Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлик вазифаларининг бир қисми «Ўзкоммунхизмат» агентлигига берилган. Тугатилган вазирликнинг кўпгина вазифалари маҳаллий ҳокимият органларига, хусусан, хусусий секторга олиб берилган. «Ўзбалиқ», «Ўзпаррандасаноат», «Ўзтрансқурилиш», «Ўзмашсаноат», «Ўзқоғозсаноат» каби тугатилган уюшмалар тизимиға кирган корхоналарни бугунги кунда акциядорларнинг ўzlари бошқармоқда.

***Тўртинчи – ресурсларнинг марказлаштирилган тақсимотини тугатиши.***

Мавжуд тақсимлаш тизимини бекор килмасдан давлат ва хўжалик бошқарув органларининг корхоналар фаолиятига аралашувини номарказлаштириб ва қисқартириб бўлмайди. Гарчи, Ўзбекистондаги марказлашган тақсимлаш тизими асосан, иқтисодий ислоҳотларнинг илк босқичларида ўзгартирилган бўлса-да, бироқ, ресурсларнинг алоҳида стратегик турлари (пахта, минерал ўғитлар, рангли металларнинг айрим турлари, кабель ўтказгич маҳсулотлари, озиқ-овқат товарлари) бўйича эскича тақсимот механизми амал қиласкерди, тақсимлаш органларига бозор тизимиға хос бўлмаган хукумронлик ваколатини берди ва коррупция учун замин яратди.

Айнан шунинг учун Республика Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан тақсимот тизимидан бутунлай воз кечиш ва маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмини жорий этиш маъмурий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши деб белгиланди. 2003 йил кузида пахта толасини сотишнинг тақсимлаш тизими ўрнига биржа савдоси тизими юзага келди. Ҳозирда тадбиркорлар биржа ва ярмарка савдо тармоғи орқали бир-бирлари билан тенг шароитларда рақобатлашган ҳолда кўпгина хом ашё ва минерал ресурсларни, жумладан, нефть маҳсулотлари, менерал ўғит, кора ва рангли металл, ўсимлик ёғи, буғдой, ун, шакар ва ҳоказоларни сотиб олишлари мумкин.

***Бешинчи – вазифаларнинг бир қисмини республика марказидан жойлардаги давлат бошқарув органларига ўтказиши.*** Ҳозирда минтақалар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора фаол субъектлар бўлиб бормоқда. Маҳаллий миқёсда илгари ўз ечимини фақат марказда топган катта ва жиддий масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини янада күпроқ қуидаги асосий вазифаларни бажарышга қаратмоқдалар:

- Ижтимоий сиёсатни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий мухофазалаш соҳасида амалга ошириш;
- Уй-жой-коммунал хўжалигининг ишончли ва самарали ишларини ҳамда идораларга қарашли аҳоли пунктлари ободончилигини таъминлаш;
- Ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай мухит, аҳоли бандлигини кенгайтириш ва барқарор даромад манбани шакллантириш учун зарур шароит яратиш;
- Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш;
- Бевосита хўжалик субъектларининг жойлашган ўрни ва аҳолининг яшаш жойига кўра, бизнесга оид тартиб-қоидаларни амалга ошириш;
- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти тузилмасининг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш.

Кейинги йилларда олиб борилаётган номарказлаштириш чора-тадбирлари маҳаллий ҳокимият органларини марказдан олиб бориладиган ваколатларни қабул қилишга тайёрлашдан ташкири маъмурӣ ҳудудларни бошқариш тузилмасини оптималлаштиришини ҳам назарда тутади. Ҳусусан, 2003 – 2004 йилларда 8 та туман ҳокимиятлари ва шунга мувофиқ улар тасарруфидаги идоралар бўлинмалари тугатилди. Маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу, биринчи галда, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш, маҳаллий органлар даромадларини шакллантирувчи солиқ солинадаган базаларни кўтариш ҳисобига амалга оширилади.

Айни пайтда давлат бошқаруви вазифаларининг бир қисмини марказдан минтақаларга ўтказиш, жойларда минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал эта оладиган давлат хизматчилигининг малакали таркибини шакллантиришни талаб қиласди.

Шунингдек, ҳокимлар ўзларига ишониб топширилган ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича қабул қилинган йиллик ва ўрта муддатли дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳисботларни аҳоли олдида бериши, ҳусусан, оммовий ахборот воситалари орқали эълон қилиш жуда муҳимдир.

***Олтинчи – давлат ҳокимияти вазифаларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши органларига берии.*** Маҳаллий ҳокимият органларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла, фуқаролар йигини) билан ўзаро муносабатлари янгича аҳамият касб этмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг анъанавий шакли

бўлган ва давлат бошқаруви тизимиға кирмайдиган маҳаллалар тобора қўпроқ ваколатларга эга бўлиб боряпти.

Улар анъанавий вазифаларни бажариш билан бир каторда кам таъминланган ва қўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий нафақа беришни амалга оширади, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни йиғишида, худуднинг санитария ҳолатини сақлаш ва ободончилигини таъминлашда тегишли хизмат идораларига қўмаклашади.

*Еттинчи – вазифаларни давлат бошқарув органларидан нодавлат, нотижорат ташкилотларга ўтказиши.* Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар тез ўсиб келаётган ижтимоий сектор ҳисобланади. Яқин истиқболда уларни муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда, жумладан, жамият салоҳиятини ошириш ва қўллаб-куватлаш борасида маҳаллий ҳокимиятининг teng хукуқли ҳамкори сифатида кўриш мумкин.

Масалан, истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш жамиятлари, уй-жой мулқдорлари ширкатлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, бухгалтерлар уюшмалари каби ноҳукумат ташкилотларнинг фаолияти бунга мисол бўла олади. Давлат ҳозирда илгари турли давлат тузилмалари бажарган муҳим вазифаларни уларга юклиди.

### **Қисқача хуросалар**

Шундай қилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат бошқаруви самарадорлигини ва очик-ойдинлигини оширишга ёрдам берадиган ҳокимиятни номарказлаштириш жараёни фаоллаштирилиши талаб қиласди. Айнан шу боис, мамлакатимиз Президенти мазкур маъмурий ислоҳотларнинг ташаббускори ва ғоявий раҳбари сифатида кун тартибига ўта муҳим масалани қўйди. Бу масала моҳияти шундан иборатки, бозор ислоҳотлари жараёни давлат ҳокимиятининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши маъмурий дастакларини тузиш, қарорлар қабул қилишда жойлардаги ижроия ва вакиллик органлари ваколатларини ошириш, давлат томонидан берилган вазифаларни амалга ошириш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини кадрлар билан таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий фаолиятини ва ташаббускорлигини ошириш билан ўтказилиши лозим. Икки палатали парламент шаклига ўтиш Ўзбекистон Республикасининг сиёсий парламент демоқратияси принципиал қарор топишини, фуқаролик жамияти ривожланишини англатади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Маъмурий ислоҳотлар, иқтисодий тараққиёт омилини қандай изоҳлайсиз?
2. Бошқарув органлари тизимини такомиллаштирища қандай йўллардан фойдаланилмоқда?
3. Давлат бошқарувини чеклаш ва унинг вазифаларини номарказлаштириш нималарга асосланади?
4. Ўзбекистонда давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш йўллари нималардан иборат?
5. МДҲ давлатларида бошқарув ходимлари сони қанча?
6. Маъмурий ислоҳотларнинг устувор жиҳатлари нимада?
7. Икки палатали парламентни қандай изоҳлайсиз?
8. Сенат ва қонунчилик палатаси аъзоларининг фарқи нимада?
9. Қонунчилик палатасида нечта партия вакиллари ўз фракцияларига эга?

### **Асосий адабиётлар**

1. И.А.Каримов. «Эришган маррамизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлида изчили бориши – асосий вазифамиз». Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Махкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлиланган мажлисидаги маъruzasi. – «Халқ сўзи». 2004 й., 10 февраль.
2. «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. – «Халқ сўзи». 2003 й., 9 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони. – «Халқ сўзи». 2003 йил, 22 декабрь.
4. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви: ваколатларни чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш». – «Халқ сўзи». 2004 й., 1 май.
5. «Роль государства в экономике». – «Экономические образования», – №12 (53) 2003г.
6. Д.Аҳмедов «Қонунчилик палатаси». – «Халқ сўзи», 2004 й. 17 сентябрь.
7. Интернет веб-сайтлари:  
[www.economyta - culty. uz](http://www.economyta-culty.uz)  
[www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)

## **7-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯ**

- 7.1. Молиявий механизмнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва аҳамияти.
- 7.2. Миллий иқтисодиётни солиқлар тизими орқали тартибга солиш асослари.
- 7.3. Солиқ солиш тизимининг хорижий тажрибаси.

### **7.1. Молиявий механизмнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва аҳамияти**

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни иқтисодиёт усуллари орқали бошқаришда молиявий механизмидан фойдаланишинг назарий ва амалий муаммоларини хорижий тажрибалар ҳамда ўз тажрибамиз асосида ўрганиш ва уларни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиши иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Иқтисодиётни бошқаришда молиявий механизмининг тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритишдан олдин иқтисодиёт усуллари тўғрисида тўхтатиб ўтиш мақсадга мувофиқdir.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш асосан иккита йўналишда амалга оширилади. ***Биринчи йўналиши – бозор, товар-пул муносабатларини бошқариши.*** Бу, биринчи навбатда, бозор шароитида фаолият юритувчи шахсларни, ҳаммадан ҳам тадбиркорлар, иш берувчилар, хусусий мулк эгалари ва ёлланма ишчиларнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ҳамда норматив қонунларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Буларга товар, товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорлар, банклар фаолияти, товар ва фонд биржалари ҳамда меҳнат биржалари, савдо уйлари, ярамаркалар, қимматли қоғозларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи қонунлар, қарорлар, давлат ташкилотлари йўриқномалари киради. Давлат томонидан бозор муносабатларини бошқариб туришнинг ушбу йўналиши солиқлар билан тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқ эмас.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиришининг асосий усули иқтисодий-молиявий усуллар ҳисобланган. Ҳар томонлама мақсадга мувофиқ ташкил этилган солиқ механизми ссуда капитали ва фоиз ставларидан фойдаланиш, инвестиция сиёсати, бюджетдан капитал қўйилмалари ҳамда дотация ажратиш, давлат харид баҳоларини ўрнатиш, давлат буюртмаси ва бошқалар ёрдамида бошқарилади.

Республикамизда иқтисодиётни бошқаришнинг иқтисодий усуларидан бири бўлган молия механизми ва айниқса, унинг энг фаол бўлган солиқ механизми ёрдамида иқтисодиётни ўрганиш, энг оқилона шаклларини кидириб топиш ўта мураккаб ва серқирра муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шу муаммолар тўғрисида фикр юритишдан олдин классик иқтисодчи олимлар ушбу йўналишда олиб борган илмий тадқиқотлар билан танишиб чиқайлик. Масалан, солиқ назарияси бўйича илмий ишлар

ёзиб қолдирган А.Смит солиқ механизмининг тузилишини аниқловчи тўрт ҳолатни алохида ажартиб кўрсатади: солиқларнинг бир меъёрда бўлиши; уларнинг аниқ белгилаб кўйилганлиги; барча солиқ тўловчиларига қулайлиги ва солиқ тўловчилар манфаатларини хисобга олиш зарурияти.

Юқоридаги изоҳлар солиқларни фискал вазифаси билан биргаликда иқтисодиётни бошқаришда фойдаланиладиган восита сифатида ўрганиш лозимлигини тасдиқлайди. Шу ўринда иқтисодчи олимлар томонидан киритилган «Солиқлар иқтисодиётни тартибга солувчи восита» ва «Солиқлар даромадларни барқарорлаштирувчи восита» тушунчаларининг адабиётларда талқин қилиниши тўғрисида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Солиқлар иқтисодиётни тартибга олувчи восита» концепцияси иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришни таъминлаш ва иқтисодиётни бошқаришда солиқлардан фойдаланишни англаради. Бу назариянинг асосчиси инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс хисобланади. У солиқ хақидаги қарашларини илмий ишларида, айниқса, «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» деб номланувчи рисоласида батафсил акс эттирган. Ж.М. Кейнс ушбу асарида иқтисодиётни солиқлар ёрдамида бошқариб туриш заруриятини назарий жихатдан асослаб берган ва солиқларга автоматик равишда барқарорлаштирувчи восита сифатида қараган. Шу билан биргаликда солиқ механизми давлат бюджетидан ажратмалар ва иқтисодиётга таъсир этишнинг молиявий бошқа дастакларини ўзгартириб, солиқ сиёсатини иқтисодиётнинг цикли ривожланишига мувофиқлаштиришни тавсия этган. «Солиқлар даромадларни барқарорлаштирувчи восита» назариясининг асосчиси француз иқтисодчи олими Э.Де Жирардендир. Бу назарияда солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогресив шкаласини қўллаш орқали жамият аъзоларининг мулкий тенгсизлигини тугатиш мумкинлиги таъкидланади.

Макроиқтисодий даражада давлат солиқ ставкаси миқдорига ўзгартириш киритиш орқали инфляцияни чегаралаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш қучларининг ҳудудлараро мукаммал жойлашишини тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва нихоят, умумиқтисодий ўсишни таъминлаш каби кенг қўламли глобал мақсадларга эришиши, макроиқтисодий даромад эса, фаолият кўрсатаётган кўпчилик субъектларнинг молиявий ҳолатига таъсир этиши мумкин.

Мулкчиликнинг турли шакллари ташкил топиши, ижтимоий жараёнларнинг демократлашуви солиқ орқали бошқаришнинг аҳамиятини оширган ҳолда, солиқ механизмини танлашда асосий эътиборни унинг бошқарув билан боғлиқ вазифалари самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришнинг асосий мақсади хўжалик юритишда қулай шароитларни яратиш ва

корхоналарда қулай ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, уларга эришиш учун қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

- солиқ тушумлари ҳажмини ўзгартириш;
- солиққа тортишнинг цикл ва усулларини ўзгартириш ва шундан келиб чиқсан ҳолда солиқ механизмига ўзгартиришлар киритиш;
- солиқ имтиёзлари ва чегирмаларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчини солиқ тўлашдан вақтинча, айрим ҳолларда бутунлай озод қилиш;
- интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан жарималар қўллаш ва бошқалар.

Германияда саноатнинг янги тармоқларига карашли фирмалар ишлаб чиқаришнинг биринчи йили 25 %, иккинчи йили 50 % ва факатгина учинчи йилдан бошлаб корпорация фойдасига нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ ставкаси ҳажмининг 100 %и миқдорида солиқ тўлайди.

Шу билан бирга хорижий мамлакатларда иқтисодиётда мутаносиблигни таъминлаш мақсадида маълум тармоқларнигина эмас, балки муайян минтақа ва районлар иқтисодиётини ривожлантиришдастури ишлаб чиқлади.

Худадларни ривожлантириш заруратига асосан мамлакат минтақаларининг сезиларли даражада табақалашганлиги, юқори даражада ривожланган минтақалар билан бир қаторда кам ривожланган, ишсизлар салмоғи юқори бўлган минтақалар мавжудлиги сабаб минтақавий дастурлар олдига қўйилган мақсадларни амалга оширишда бу мамлакатлар давлатлари солиқлар орқали бошқаришдан кенг фойдаланмоқда. Бундан ташқари, улар ривожланган давлатлар ўртасида умумжаҳон бозорини эгаллаш ва қайта тақсимлаш учун кураш доим давом этиши табиийлигини эътиборда тутсак, эркин рақобатда ғолиб чиқиши мақсадида фан-техника тараққиётини рағбатлантиришга катта эътибор бермоқда. Бундай рағбатлантиришнинг моҳияти ишлаб чиқариш технологиясини тақсимлаш, хорижий давлатлар илғор технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ҳар хил имтиёзлар бериш ва чет эл рақобатидан ҳимояланишдан иборат.

**Солиқ механизми ёрдамида иқтисодиётни бошқаршишнинг яна бир усули солиқ имтиёзларидан фойдаланишидир.** Солиқлар билан иқтисодиётни бошқариш давлатнинг шундай фаолияти билан боғлиқки, бу фаолият такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номутаносибликларни йўқотиш учун шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизимлари ишлаб чиқаришни тартибга солишининг давлат стратегиясини аниқласа, унинг тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади.

Солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва бошқаларда

давлат томонидан кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва мақсадга мувофик қўлланилишига караб, кўйидагиларга бўлиниши мумкин:

- айрим корхона ва ташкilotларни солиқ тўлашдан бутунлай озод этиш;
- янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод қилиш;
- ажнабий шерикларга имтиёз бериш;
- товар экспортига имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Корхоналар инновацион фаолияти билан боғлиқ бўлган хўжалик ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида хорижий давлатларда инвестицион солиқ кредитидан ишлаб чиқаришни кентгайтириш, асосий воситаларни молиялаштириш бўйича солиқлар белгилаш муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда.

Инвестицион солиқ кредити фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишда ўз маблағларини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган ёки у асосий фондларни молиялаштириш мақсадида капитал қўйилмалар узлуксиз равишда кўпайтириб борилиши лозим бўлган тармоқларга тўғридан-тўғри субсидия бўлиб хизмат қиласди. Лекин шунга қарамасдан инвестицион солиқ кредити тезлаштирилган амортизация каби нормал хўжалик фаолияти юритаётган корхоналарга берилиши керак.

Энг зарур халқ истеъмоли товарларини кўплаб ишлаб чиқариш ва уларнинг ассортиментини кўпайтириш кўп жиҳатдан солиқ ставкаларини тўғри белгилаш билан боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда оптимал солиқ ставкаларини ўрнатиш катта аҳамиятга эга.

## **7.2. Миллий иқтисодиётни солиқлар тизими орқали тартибга солиш асослари**

Аввало солиқ тизими ва солиқка тортиш тизимининг фарқини айтиб ўтмоқ зарур. Солиқ тизими моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турларининг йиғиндисидир. Қонун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларнинг ташкил этиш усуслари, элементлари ва томонлари йиғиндиси солиқка тортиш тизими деб аталади. Демак, бу ўринда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни, солиқка тортиш тизими эса солиқ ундиришни ташкил этиш масалаларини ўз ичига олади. Солиқка тортиш тизимининг роли ва структураси жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузуми билан аниқланади. Ўзбекистоннинг солиқка тортиш тизими ўз мазмунига кўра, солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш билан боғлиқ томонлар ва усусларни ўрганади. Солиқ элементларига «солиқ бирлиги», «солиқ оғирлиги», «солиқ юки» каби тушунчалар киради. Солиқка тортиш бирлиги – объектларнинг ўлчов бирлиги. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида

фуқаролар учун от кучи ёки маторнинг қувватидир. Солиқ ставкаси – обектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб берилган солиқ меъёридир.

Солиқ ставкаси икки хил усулда: қатъий ставкаларда суммаларда ва нисбий ставкаларда фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётiga ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблаг йўқотмайди. Агар ставка суммаларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига бориб иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Солиқ оғирлиги – тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашидир. Солиқ оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ оғирлигини ифодалайди. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ҳудудларида бюджет таъминоти киши бошига 42 сўм ошган. Бу борадаги кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида паст бўлса, Тошкент шаҳрида 2–3 баравар юқоридир.

Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ оғирлиги мос келади. Лекин баъзан корхонада эгри солиқлар бўлиб, унинг хуқуқий тўловчилари корхона ҳисобланса-да, солиқ оғирлиги истеъмолчи, яъни аҳоли зиммасига тушади. Охирги истеъмол қилувчилар аҳоли бўлганлигидан эгри солиқлар бўйича солиқ юкини кўтарувчилар ҳам аҳоли ҳисобланади. Бу борада эгри солиқлар ҳисобига аҳоли реал даромадларининг бироз бўлсада пасайиш ҳоллари учрайди.

**Солиқ ставкаларининг турлари.** Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва нолинчи ставкаларига амал қилинмоқда. Шунингдек, 1995 йилдан бошлаб регрессив ставка ҳам кучга кирган.

*Пропорционал солиқ ставкасида* объект қандай бўлишидан қатъи назар, бир хил улушдаги пропорция бўйича солиқ тўланади. Масалан, кўшимча қиймат солиғи бўйича асосий маҳсулотларга, ишлар ва хизматларга 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса ҳам, 100 минг сўм бўлса ҳам, 1 млн. сўм бўлса ҳам 20 фоиз солиқ тўланади ёки мол-мулк солиғида хуқуқий шахсларнинг асосий фондлари қийматидан йилига 4 фоиздан, аниқроғи, қиймат қандай бўлишидан қатъи назар ягона ставкада солиқ олинади. Бу ставка ҳамма солиқ тўловчилар учун бир хил белгиланади.

*Прогрессив солиқ ставкасида* даромад, объект кўпайиши билан боғлик ҳолда ставка ҳам ошиб боради. Бу тартиб солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида қўлланилади. Минимал иш ҳақининг 3 баробарига teng қисмига 15 фоиз, ундан ошганда яна 2 каррали қисмига 45 фоиз солиқ тўланади. Бу ставканинг қўлланилиши ходимларни ва ишчиларни кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини

оширишга қизиқтirmайди. Бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаб, сўмнинг қурбини ошириш, бюджетга кўп маблағ туширишдир.

1998 йилдан соликка тартиш жараёнини ташкил қилиш амалиётида чет эллар тажрибасига таянила бошланди, қўшимча қиймат солиги бўйича нолли ставка қўлланиладиган бўлди. Бунда экспортга юбориладиган товарларга, қишлоқ хўжалиги учун ёқилғи-мойлаш ашёлари ва ўғитларга соликка тортиш нолли ставкадан бошланади, аниқроғи, бу маҳсулотларга солик тўламаслик жорий этилди. Қизиги шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга қўшимча қиймат солиги солинмас эди. Бироқ уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё, ёнилғи, электр қуввати учун маҳсулот етказиб берувчиларга қўшимча қиймат солиги солинар эди. Нолли ставкада бу маҳсулотлар учун қўшимча қиймат солиги суммаси бошқа товарлар тушуми бўйича олинадиган қўшимча қиймат солиги суммаси бўйича ҳисобланиб камайтирилади. Демак, бу ерда қўшимча қиймат солиги бетараф солик хизматини ўтайди ва иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

*Регрессив солик ставкасида* даромад ёки бошқа солик обьекти ошиб борган сари солик ставкаси камайиб, кўпроқ даромад олишни ёки маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қиласди. Экспорт учун товарлар ишлаб чиқариб, қатъий валюталарда тушумга эришганлар иқтисодий жихатдан рақобатлантирилади: ишлаб чиқариган маҳсулотининг 30 фоизидан кўпроғи сотилса, уларга солик ставкаси 50 фоиз камайтирилади.

1995 йилда корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайтирилган хар фоизи учун 0,3 фоиздан солик тўлаганлар. Ўша вақтда корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоизга қўшимча тарзда оширса, солик фоизидан озод бўлиши мумкин эди. Демак, регрессив ва нолли солик ставкалари иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Солик имтиёzlари, деганда солик тўловчиларни солик ва йигимларни тўлашдан қисман, вақtingчалик ва тўлиқ озод этиш тушунилади. Имтиёzlар тўғридан-тўғри тўланадиган солик суммасидан берилиши мумкин. Айтайлик, корхона болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослшган бўлса, даромад (фойда) солиғини 35 фоиз ўрнига атиги 10 фоиз тўлайди. Бу, соликдан қисман озод қилишга ҳам киради. Имтиёzlар вақtingчалик ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилган давридан бошлаб икки йилга даромад солиги тўлашдан озод этилади. Солик қонунчилигимизда солик тўлашдан тўла озод қилиш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, ишчи-хизматчиларнинг 50 фоиздан кўпроғини ногиронлар, меҳнат фахрийлари ташкил этса ёки 75 фоиздан кўпроғи ўрта мактаб ва маҳсус билим юрти талabalariдан иборат бўлса, корхона қўшимча қиймат солиги, даромад (фойда)га солик ва бошқа соликлардан тамомила озод қилинади.

Хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналарида ва элчихоналарида ишловчи чет эллик ходимлар, мутахассислар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан бутунлай озод этиладилар.

Солик базасини камайтириш орқали бюджетга тўланадиган солик суммасини қисқартириш ҳам имтиёзлар туркумига киради. Масалан, хукуқий шахслар даромадларидан инвестицияга сарфланса ёки унинг учун олган узоқ муддатли кредитларни қайтарилса, 50 фоиз соликка тортиладган базадан камайтирилади. Умуман олганда, имтиёзлар туркумига соликка тортилмайдиган даромад гурухлари ҳам киради. Масалан, фуқароларнинг соликка тортилмайдиган бир қатор даромадлари мавжуд. Буларга пенсия, нафақа, алимент, банкка қўйилган маблағ учун даромад ва бошқалар киради. Имтиёзлар диаклектикасига биноан солик тўлаш бўйича имтиёзларни, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш хисобига бюджетга тушадиган умумий даромадларни, айтайлик, қўшимча қиймат солиғи ва акциз соликлари орқали бўлса ҳам қўпайтириш лозим. Лекин бюджет харажати даромадидан ортиқ бўлиб турган даврда (дефицит) соликлар бўйича имтиёз қандай амалга оширилади? Албатта, бир корхонага берилган имтиёз суммаси бошқа корхоналар зиммасига юкланди. Демак, бундай даврда (дефицит) солик имтиёзларидан самара катта бўлмайди, чунки бунда солик юки бошқаларга тушиб, уларнинг ишлаб чиқарish натижаларидан манфаатдорлигини сусайтиради. Агар соликлар бўйича имтиёзлар бюджет харажатларини камайтириш хисобига берилса, уларнинг самараси юкори бўлади. Ишлаб чиқаришнинг кўлами, суръати ва сифатини ошириб, даромадларни қўпайтириш хисобига берилган имтиёзлар шундай имтиёзлар сирасига киради.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008 yil 2 dekabrda “Navoiy viloyatida erkin industrial-iqtisodiy zona tashkil etish to‘g‘risida”gi farmoni chuqqdi. Unga asosan Jahon standartlariga javob beradigan va jahon bozorlarida talab qilinadigan mahsulot ishlab chiqarishni ta’minlaydigan, zamnaviy yuqori texnologiyali ishlab chiqarishlarni tashkil etish uchun xorijiy investitsiyalarni, birinchi galda to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb etish bo‘yicha qulay shart-sharoitlar yaratish, shuningdek, Navoiy viloyatining sanoat salohiyatini, ishlab chiqarish, transport-tranzit va ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirish ko‘zda tutilgan.

“Navoiy” erkin industrial-iqtisodiy zonada ro‘yxatdan o‘tgan xo‘jalik yurituvchi subyektlar ularga kiritilgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar hajmi quyidagicha bo‘lgan taqdirda yer solig‘i, mulk solig‘i, daromad solig‘i, obodonchilik va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish solig‘i, yagona soliq to‘lovi (kichik korxonalar uchun), Respublika yo‘l jamg‘armasini va Respublika maktab ta’limini rivojlantirish jamg‘armasiga majburiy to‘lovlardan ozod etiladi.

3 million yevrodan 10 million yevrogacha – 7 yilga;

10 million yevrodan 30 million yevrogacha – 10 yilga. Keyingi 5 yil davomida foyda solig'i va yagona soliq to'lovi hajmi amaldagi stavkadan 50 foiz miqdorida belgilanadi;

30 million yevrodan ortiq bo'lganda – 15 yilga. Keyingi 10 yil davomida foyda solig'i va yagona soliq to'lovi hajmi amaldagi stavkadan 50 foiz miqdorida belgilanadi.

Shunday tartib belgilandiki, unga ko'ra EIZda ro'yxatga olingan xo'jalik yurituvchi subyektlar EIZ faoliyat ko'rsatadigan butun muddatga eksportga yo'naltirilgan mahsulot ishlab chiqarish maqsadida mamlakatga olib kelinayotgan asbob-uskunalar, shuningdek, xomashyo, materiallar va butlovchi qismlar bojxona to'lovlaridan (bojxona rasmiy lashtiruvi uchun yig'imlardan tashqari) ozod qilinadi.

O'zbekistonning ichki bozorlarida sotish uchun mo'ljallangan mahsulotni ishlab chiqarish maqsadida mamlakatga olib kiriladigan xomashyo, materiallar va butlovchi qismlar uchun bojxona to'lovlar, agar qonun hujjalarda boshqa imtiyozli tartib ko'zda tutilmagan bo'lsa, belgilangan stavkalarning 50 foizi miqdorida (bojxona rasmiy lashtiruvi uchun yig'imlardan tashqari) undiriladi, bunda ularni to'lash muddati 180 kungacha kechiktirilishi mumkin.

Qayd etilgan imtiyozlardan foydalangan holda EIZ hududiga olib kirilgan asbob-uskunalar, xomashyo, materiallar va butlovchi qismlar sotilgan yoki bepul berilgan taqdirda, bojxona to'lovlar qonun hujjalarda belgilangan tartibda budgetga to'liq hajmda undiriladi.

### **7.3. Солиқ солиши тизимининг хорижий тажрибаси**

Ривожланган давлатлар амалиётида солиқ сиёсати орқали миллий иқтисодиётни тартибга солиш, макроиктисодий ўсишни таъминлаш, баҳолар барқарорлигига эришиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадлари кўзланади.

Замонавий давлатлар учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига давлатнинг аралashiш доираси кенгайиши ва кучайиши хосдир. Улар бу борада бир-бирларидан ушбу аралашув даражасига кўра фарқилади. Чунончи, бундай аралашув даражаси АҚШда камроқ, Швецияда кўпроқ, Германия ва Япония бу жиҳатдан ўртacha даражада. АҚШда «давлат томонидан тартибга солиши аллақачонлар Америка хўжалик механизмининг таркибий қисмига айланган».

Бозор иқтисодиётида солиқлар иқтисодий ва ижтимоий тузилмалар хатти-харакатларига, уларнинг хўжалик алоқалари ва рақобат муносабатларига, ишлаб чиқариш мақсадларига ва истеъмол танловига таъсир кўрсатишнинг мослашувчан воситаси бўлиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришга даъват этилган.

Давлат томонидан тартибга солишининг асосий воситаси бўлган солиқ сиёсати куйидаги мақсадларни кўзда тутади:

- барқарор ўсишга эришиш;
- асосий товарлар ва хизматлар нархи барқарорлигига эришиш;
- меҳнатта яроқли аҳолини иш билан түлиқ таъминлаш;
- аҳоли даромадларининг муайян даражасини таъминлаш;
- фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш тизимини ташкил этиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни мувозанатлаштириш.

Ушбу мақсадларнинг барчасига бир вактда эришиш амалда мумкин эмас.

Мувозанатли нисбатни топиш давлат иқтисодий сиёсатининг бош масаласидир.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ сиёсати одатда хусусий сармояни жалб қилишга мўлжалланган. Солиқ имтиёзларининг рағбатлантирувчи таъсирига тадбиркорлик фаолиятини билвосита субсидия билан таъминлаш шакли сифатида қараш мумкин.

Бир қанча мамлакатларда инвестицияларни муайян минтақаларга, масалан, вилоятлар зонасидаги худудларга жалб қилиш амалиёти кўлланилади. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақаларда ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва замонавийлаштриш сармоя қўйилмалари билан рағбатлантирилади. Айрим ҳолларда инвестицияларга солиқ солинмайдиган устама тўланади. Ушбу устама сармоя қўйилмалари умумий хажмининг 10 фоизигача бўлиши мумкин. Устама ёки унга бюджетдан қўшимчадан қатъи назар, сармоя қўйилмаларига тўғридан-тўғри субсидия тўланиши мумкин. Бироқ субсидияга солиқ солинади. Бу, масалан, Германияда кенг кўлланилади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасидан бошлаб кўплаб мамлакатларда янги юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ташкил этилишини рағбатлантириш усуллари кўлланилди. Эски саноат минтақалари хўжаликнинг эскирган индустрисал тузилмасига эга. Олдинги йилларда улар юқори даражада ривожланган минтақалардан саналар эди. Бироқ фан-техника инқилобининг таъсири остида илғор бўлган тармоқлар тушкунликка тушиб қолди. Бундан буён улар минтақаларнинг иқтисодий ўсишини белгилай олмайди. Масалан, Буюк Британияда Уэльс, Шотландия графикилари, Шимолий Ирландия, Бельгияда тошкўмир ва металургия саноати минтақалари шулар жумласига киради. АҚШда мамлакат шимоли-шарқидаги тўқимачилик саноати ривожланган айрим штаталар ҳам шундай минтақалардир. XX асрнинг иккинчи ярмида ушбу минтақаларда инфратузилмани замонавийлаштириш ва ишчи кучи малакасини ошириш билан биргалиқда саноатнинг янги, илғор соҳаларини ривожлантириш вазифаси туар эди. Буни кенг солиқ имтиёзларини ва молиявий таъсирининг бошқа усулларини қўлловчи давлатнинг фаол иштирокидагина амалга ошириш мумкин эди.

Масалан, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия ривожлантирилиши керак бўлган минтақаларда давлат инвестицияларидан, субсидиялар ва мақсадли қарзлардан фойаланди. Улар мулк солиғидан вақтингча озод қилинди ва мақсадли қарзлардан фойдаланишди, тадбирларга қулай молиявий шароитлар яратилди. Мисол учун, Германияда шарқий ерларга ва улар билан чегарадош ерларга сармоя қуючи фирмаларга йирик солик имтиёzlари берилди.

Иқтисодий фаолиятни рафбатлантириш учун саноатга сармоя қўйилмаларини субсидия қилиш, электр энергиясига ва айрим минтақалар учун сув нархи бўйича имтиёzли тарифлар – паст фоиз билан кредит бериш, узоқ муддатли қарз бериш, кредитлар бўйича дотация бериш каби молиявий таъсир кўrsatiш шаклларидан фойдаланилади.

Иқтисодиётнинг тараққиётга молиявий таъсири факат рафбатлантириш учун эмас, балки тийиб турувчи ҳам бўлиши мумкин. Аҳолининг бир жойга ҳаддан ташқари тўпланиши ва хўжалик фаоллиги атроф табиий мухит, аҳоли, ресурслар билан таъминлаш муаммолари кучайишига олиб келади. Чеклаш энг аввало, Буюк Британия ва Францияда пайдо бўлди, Японияда йирик уч муниципиалитет: Токио, Ногая, Осака жойлашган Хоккайдо минтақасида аҳоли зичлиги муаммолар келтириб чиқармоқда.

Давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан кўрилаётган тийиб турувчи тадбирлар асосида тадбиркорлик фаолиятига қўшимча солик солиш ёки улар фаолиятини лицензиялаш ётади. Бундай ҳолларда Нидерландия, Японияда қўшимча солик солиш кўлланилмоқда. Барқарорлаштирувчи соликлар Германияда ҳам жорий этилган. Буюк Британия, Франция, Италияда лицензиялашга катта эътибор берилмоқда. Бунда лицензиялашга қўшимча маҳаллий солик-лицензия йиғими кўринишида қараш лозим. Японияда муаммо ер солиги ставкаларини манипуляция қилиш орқали ҳал этилади.

Ҳаддан ташқари «қайнок» коньюнктурни тийиш лозим бўлганда соликларни у ёки бу даражада ошириш энг самарали ва ишончли восита ҳисобланади.

Давлат иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўrsatiшни нарх белгилаш орқали ҳам амалга оширади. Масалан, Европа иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари факат бозор усуллари билан эмас, балки қўшимча тарзда Европа иттифоқи раҳбар органларининг кўrsatmalari билан белгиланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидан амалда анча ошувчи юқори нархлар сақлаб турилади. Бу билан икки мақсадга – фермерларни қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилади.

Кўплаб мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари ижтимоий фойдаланиш тармоқлари маҳсулотларига нархларни тартибга солади. Ҳатто эркин бозор шароитида

ҳам нархларни тартибга солиш зарурияти мазкур маҳсулотга паст тарафларга эҳтиёж сезувчи ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан изоҳланади. Тартибга солишининг асосий принципи мазкур маҳсулотга паст тарифларга эҳтиёж сезувчи ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари фойда нормасини чеклашдан иборат. Тартибга солишининг асосий принципи ижтимоий фойдаланиш тармоқлари фойда нормасини асосий сармояга 5–7 фоизгача чеклашдан иборат. АҚШда, масалан, штатлар комиссиялари бундай маҳсулотга, жумладан, сув, электр энергияси ва бошқаларни киритган, агар компаниянинг фойда нормаси белгиланған даржадан ортиқ бўлса, икки тариф жорий этилиши мумкин.

Германия, Японияда ҳам аҳвол шундай: маҳаллий бошқарув органлари коммунал хизматлари нархларининг айрим минтақалар бўйича чекланган миқдорини белгилаб, уларнинг нархини тартибга солади.

Яна бир ҳолат тўғрисида эслатиб ўтиш зарур. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тадбиркорлик фаолияти эркинлигига асосланади. Рақобат-бозор механизми ресурслар тақсимланишини тартибга солади ва товар ишлаб чиқаришга ҳаражатларни акс эттирадиган даражада тенг нархлар белгиланишини таъминлайди. Бироқ монополия пайдо бўлган тақдирда механизм ишламайди, бу тақсимлаш ва ресурслардан фойдаланиш самарасизлигига, нархлар ўсишига олиб келиши мумкин. Масалан, Германия иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгунга қадар улкан иқтисодий ва сиёсий кудратга эга бўлган йирик карталар мамлакати эди.

АҚШда «монополия» тушунчаси рақобатни бостириш, маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва штатларни тартибга солиш ҳамда истеъмолчига зарар етказмаган ҳолда нархларни белгилаш имконини берувчи аниқ бир бозорда бундай таъсирга эга бўлган фирмага ёки фирмалар гуруҳига нисбатан қўлланилади. Бунда хўжалик бирлигининг мутлақ миқдори тармоқда ёки бозорда унинг монополлик мавқеини белгиламайди. Агар муайян фирмага бозорда ёки географик бозорда сотувларнинг аксарият қисми тегишли бўлса, бу сотувчилар миқдоридан қатъи назар у монополия ҳисобланади.

Монополиялар фаолиятини салбий чеклаш бир қанча йўналишларда олиб борилади: фирмалар даромадига ўсиб борувчи солиқ солиш фойдага солиқ солиш. Амалда барча мамлакатларда аксил – трест қонунлар амал қиласиди. Масалан, Германия қонунлари рақобат қоидаларини белгилайди ва эркин рақобат ривожланиши учун қулай шароитлар яратади. Жумладан, тадбиркорлар ўртасида нархлар тўғрисида шартнома тузиш қонун билан тақиқланган. Турли корхоналарнинг қўшилиши қонунийлиги федерал идора томонидан олимлар ва иқтисодчилардан иборат мустақил комиссия холосаси асосида аниқланади, чунки бозор муносабатлари асосида эркин рақобат ётиши керак.

АҚШда хам қаттиқ аксилимонополия қонунчилеги амал қиласы. Бирок рақобат түрлесидеги конунлар, одатда, инфратузилма тармоқлариға: транспорт, комунал хизматлар (сув ва энергия билан таъминлаш)га жорий этилмайды. Күпинча улар қазиб олувчи санотта хам дахл қиласы. Булар күмир қазиб олиш, күплаб ишлаб чи қаришлар, муайян даражада қишлоқ хұжалигига тааллуклады (Германия). Ушбу тармоқларда давлат хажмларни, нархларни, бозорга киришни тартибга солады. Бу үринде эслатиб ўтиш керакки, рақобат мазкур тармоқларға юкленган функциялар мұваффақиятли бажарилишини таъминлаши мүмкін эмес, деб ҳисобланады. Ушбу тармоқларда давлат корхоналари салмоғи катта, чунки улар учун асосийси фойда олиш эмес, балки жамият әхтиёжларини қондиришдір.

Японияда солиқ тизими XIX асрда ёқ шакланған. Ҳозирги күринишида у солиқ ислохоти ўтказилған иккінчи жағон урушидан кейинги даврдан бошлаб мавжуд. Японияда давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар амал қиласы. Бирок солиқ маблағларининг катта қисми давлат солиқларидан маҳаллий бюджетте ажратмалар йўли билан Япония давлат бюджети орқали қайта тақсимланади. Бошқа мамлакатларга таққослаганда Японияда солиқ бўлмаган тушумлар улуши анча юқори, Масалан, давлат бюджетида солиқлар 83,8 фоизни ва солиқ бўлмаган тушумлар – 16,2 фоизни ташкил этади.\* Бунга ижара тўлови, ер участкаларини сотиш, пеня, жарималар, облигацияларни сотиш, лотереялардан олинган даромадлар, қарзлар ва бошқалар киради. Олдинги йил қолдиги даромаднинг ушбу моддасига киритилади. Ривожланган давлатлардаги солиқ ставкалари 7.1 – жадвалда келтирилган.

7.1-жадвал  
**Ривожланган давлатларда солиқ ставкалари (фоизда)**

№	Солиқ турлари	АҚШ	Германия	Япония
1.	Даромад солиғи	41	24	19
2.	Корпоратив солиқ	9	6	13
3.	Мулк ва бошқа бевосита солиқлар	11	8	11
4.	Суғурта фонди	23	32	38
5.	Истеъмол солиғи	16	30	19
	Жами	100	100	100

Манба: «OECD Economic Outlook». № 69, июнь 2001 г.

\* «OECD Economic Outlook». № 69, июнь 2001 г., стр. 32.

Япониянинг солиқ тизими АҚШ ва Европада бўлганидек солиқлар кўплиги билан тавсифланади. Уларни ҳудудий бошқарувнинг ҳар бир органи ундириш ҳукуқига эга. Бироқ мамлакатнинг барча солиқлари қонун ҳужжатларида қайд қилинган. Давлат солиғининг ҳар бир тури қонун билан бошқарилади. Махаллий солиқлар тўғрисдаги қонун уларнинг турлари ва чекланган ставкаларини белгилайди. Мамлакатда 2та давлат солиғи ва 30та махаллий солиқ бор, холос. Уларни уч асосий гурӯҳ бўйича таснифлаш мумкин:

1. Юридик, ҳам жисмоний шахслардан олиндиган турли даромад солиқлари;
2. Мулк солиғи;
3. Тўғри ва эгри истеъмол солиқлари.

Аён равишда тўғри солиқлар бюджетнинг асосини ташкил этди. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори даромад келтиради. У барча солиқларнинг 56,4 фоизига тенгдир.

Корхоналар ва ташкилотлар фойдадан 33,48 фоизи миқдорида давлат даромад солиғи, давлат солиғининг 5 фоизи миқдорида префектура даромад солиғи тўлайди, бу фойдадан 1,67 фоизи ставка бўлади ва давлат солиғининг 12,3 фоизи ёки фойданинг 4,12 фоизи миқдорида шаҳар даромад солиғи тўланади. Натижада юридик шахс фойдасининг деярли ярми бюджет даромадига солиқнинг ўсиб борувчи шкаласида тўланади. У беш ставкага эга: 10, 20, 30, 40 ва 50 фоиз.

Хитойдаги солиқ ислоҳоти тажрибаси эътиборга лойиқdir. Бу ерда 1987 йилдан бошлаб солиқларнинг 29тагача тури жорий этилган. Улар миллий маҳсулотнинг 19,5 фоизи ёки миллий даромаднинг 23,3 фоизи давлат тасарруфига ўтишини таъминлайди. Давлат ҳозирги вақтда барча молиявий даромадларнинг 90 фоизидан ортиғини солиқ тушумлари сифатида олмоқда, солиқ тизими эса мамлакат хўжалик турмушини давлат томонидан тартибга солишининг асосий иқтисодий воситаларидан бирига айланмоқда.

### **Қисқача ҳulosалар**

Ҳозирги шароитда солиқ ислоҳатини амалга оширишдаги қийинчиликлар, биринчидан, мамлакатда солиқ муносабатлари жараёнидаги тажриба билан (бу албатта, ўз навбатида, солиқ тизими такомиллаштирилишини талаб қиласди), иккинчидан, омманинг солиқларга нисбатан муносабати билан белгиланади. Бундай вазият қабул қилинадиган қарорларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини қатъий ҳисобга олиш зарурати билан изоҳланади.

Бугунги кунда республикамида шакланган солиқ тизими иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва уларнинг самарадорлгини оширишга хизмат қилишини давр тақазо этмоқда. Бинобарин, солиқ ислоҳотларидан мақсад – бошқарашнинг

мукаммал воситаларини яратиш, истиқболга йўналтирилган меҳримизни кашф этиш эмас, балки уни аниқ тарихий даврга мос равища ташкил этишдир. Соликлар – бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситасидир. Шу сабабли солик тизимини такомиллаштириш ўзида методологик ва услубий жиҳатдан муайян муаммоларни мужассам этган. Демак, юқорида қайд этилган муҳим йўналишлар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Солик механизм иқтисодиётни бошқаришда қандай ўрин тутади?
2. Солик механизмининг иқтисодиётни бошқаришдаги аҳамияти нималардан иборат?
3. Миллий иқтисодиётни солик тизими орқали тартибга солиш, деганда нималарни тушунасиз?
4. Миллий иқтисодиётни солик тизими орқали тартибга солишнинг методик асослари, деганда нималарни тушунасиз?
5. Солик солиш тизимининг хорижий тажрибаси нималардан иборат?
6. Солик ислоҳотларидан мақсад нимада?
7. Республикаизда шаклланган солик тизимида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш нимани англатади ва у нима учун зарур?
8. Навоий эркин-индустриал зонасида қандай солик ва божхона имтиёзлари кўлланилган?
9. Солик ислоҳотини амалга ошириш жараёнидаги қийинчиликлар нималардан иборат?
10. «Соликлар – бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситасидир» деган иборани қандай изоҳлайсиз?
11. Хитой, Англия, Германия, Япониядаги солик ислоҳоти бўйича тажриба бизнинг бу борадаги тажрибаларимиздан нималари билан фарқ қиласи?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
2. Абдураҳманов О. «Хорижий мамлакатларда солик тизимлари». Олий ўкув юртлари талабалари учун ўкув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003. – 184 б.
3. Абдураҳманов О. «Жисмоний шахслардан олинадиган соликлар тизими» – Т.: «Фан», 2004. – 149 б.
4. Юткина Т.Ф. «Налоги и налогообложение». –М.: «Инфра-М», 2001.
5. «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти». (С.С. Фуломов, И.Шарифхўжаевларнинг умумий таҳрири остида) – Т.: «Ўқитувчи», 2000.
6. Интернет веб сайтлари:  
[www.cup.uz](http://www.cup.uz)  
[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)  
[www.pca.uz](http://www.pca.uz)

## **8-БОБ. РЕСПУБЛИКАДА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИННИГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 8.1. Реал иқтисодиётда таркибий-инвестиция сиёсатининг имкониятлари.
- 8.2. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш.
- 8.3. Агарар соҳани ривожлантириш имкониятлари.

### **8.1. Реал иқтисодиётда таркибий-инвестиция сиёсатининг имкониятлари**

Реал иқтисодиёт ривожланиши орқали республикамизда ташки ва ички талаб ортди, хўжалик юритиш шароитилари яхшиланди. Бу саноатнинг барқарор тараққий этишига ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2008 йилда аввалги йилдагига нисбатан 7,7 %га ортди. Саноатнинг юқори суръатлар билан ривожланишига корхоналарни қайтадан таркибий ўзгартириш, тармоқларнинг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг реал секторида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиши сабаб бўлди. Кўшилган қиймат ўсишининг ярмидан кўпроғи таянч тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳисобига юз берди.

8.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йил республикамизда электроэнергетика маҳсулотлари ишлаб чиқариш индексининг ўсиши 36,3 %ни ташкил этди. Жаҳон бозорида қора металларга бўлган нархларнинг ўзгариши мазкур соҳада ўсишга сабаб бўлди. Қора металлургияда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ички ва ташки бозорда маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши билан узвий боғлиқ бўлди. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш индекси аввалги йилдагига нисбатан 10 даражага ортиб, 14,7 %ни ташкил этди. Ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 12,8 %ни ташкил қилди. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш 33,3 %га, машинасозлик 12,8 %га, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш 21,4 %га, қурилиш метериаллари саноати 16,6 %га, енгил саноат 21,1 %га, озиқ-овқат 33,4 %га ошди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб даражасининг юқорилиги пўлат ишлаб чиқариш 24,0%га, қора металларни қайта ишлаш 23,3%га ортишини таъминлади. Қора ва рангли металларни экспорт қилиш 74,4%га ортди.

Таъкидлаш керакки, инвестиция ҳисобига ёқилғи-энергетика мажмуудаги ўсиш суръатларига, тармоқларнинг фойда ва молиявий ҳолати яхшиланишига ички бозордаги нархлар ўсиши ҳисобига эришилди. 2008 йилда ҳам электроэнергия маҳсулотлари нархи ва тарифларининг ўсиш тенденцияси давом этди. Баҳолар ўсишига хом ашё тармоқлари маҳсулотларига талабнинг юқори бўлиши сабабли эришилди, қора, рангли metallurgiya, ёқилғи саноати тармоқларида рентебеллик саноатдаги ўртacha даражадан юқори бўлди.

**2007-2008 йил Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш индекси**

Соҳалар	Аввалийилдагига нисбатан % ҳисобида	
	2007 йил	2008 йил
Саноат	110,9	107,7
Электроэнергетика	114,1	136,3
Ёқилғи	116,8	112,8
Кора металлургия	104,7	114,7
Рангли металлургия	97,4	39,1
Кимё	112,	133,3
Машинасозлик	103,4	112,8
Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш	112,4	121,4
Курилиш материаллари саноати	111,7	116,6
Енгил саноат	113,7	121,1
Озиқ-овқат	120,6	133,4
Бошқалар	120,1	143,2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ахборотномаси.-2009 й

Охириги йилларда инвестиция киритиш ҳисобига машинасозлик тармоғида ишлаб чиқариш 2008 йилда 12,8 %га ортди. Бундай юқори суръатлардаги ўсиш автомобилсозлик маҳсулотлари га талаб ортиши ҳисобига таъминланди. Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 73,0 %га, уларнинг экспорти умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 52 %га ортди. Асосий истеъмол бозори МДҲ мамлакатлари бозорлари ҳисобланиб, уларнинг ҳиссасига жами экспорт қилинган автомобилларнинг 97 %и тўғри келди. Телевизор, кондиционер, музлаткич каби истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ортди. 2008 йилда қишлоқ хўжалиги техникалари асосий турларини ишлаб чиқаришда пасайиши кузатилди. Машинасозлик маҳсулотлари товар бозорларида қулай вазият юзага келиши ташқи иқтисодий фаолият динамикасида ўз аксини топди. Машинасозлик маҳсулотларини экспорт килиш ҳажми ортди. Шу билан бирга, мамлакатларда ишлаб чиқарилган асбобсозлик ва станоксозлик, кимё, енгил ва озиқ овқат саноатлари учун технологик курилмалар, йўл қурилиши техникалари каби маҳсулотларга бўлган талабнинг пасайиши кузатилди.

2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан пахта толаси ишлаб чиқариш 4,4 %га, чигит 3,9 %га, пахта линти 8,6 %га, гилам ва гилам маҳсулотлари 1,9 %га ортди. Енгил саноатда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркибига қуйидаги тармоқлардаги пасайиш тенденцияси таъсир қилди. Чунончи, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси 2008 йилда 7,55 %га пасайди. Бундай пасайишига асосан ипак толаси 24,1 %, тўқима газлама 10,5 %, газлама 27,5 %, трикотаж маҳсулотлари 17,1 %га тушиб кетиши сабаб бўлди. Енгил саноатнинг қайта ишлаш тармоғида суръат пасайишига эса, товар хом ашё биржаларида хом ашё сотиб олишга айланма маблағлар этишмаслиги, йирик

корхоналарда давом этаётган қайта таъмирлаш ишлари таъсир кўрсатди. Ташқи иктисадий операциялар самарадорлиги ошиши натижасида қайта ишловчи қатор қўшма корхоналар ишлаб чиқариши ўсиши енгил саноатда ишлаб чиқарish ҳажмининг умумий ўсиш динамикасига сезиларли таъсир этди.

Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқарish индекси 17 %га ўсди. Фақат макарон, ароқ ва ликёр маҳсулотлари ишлаб чиқарish индекслари мос равишда 2,3 % ва 0,4 %га пасайиш кузатилди. Тармоқ ички истеъмол бозорида ўз ўрнини сақлаб қолганлиги ижобий натижалардан бири бўлди. Озиқ-овқат товарлари умумий ҳажмида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши 92 %ни ташкил этди. Натижада озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг импорти қисқарди.

Шуни таъкидлаш керакки, қурилиш материаллари саноатидаги ўсиш динамикаси йиллик ўсиш суръатлари 3,6 %ни ташкил қилаётган қурилиш тармоғи ўсиш динамикаси билан бирдек бормоқда. Тармоқда ишлаб чиқарish суръатларининг ўсишига тегишли таъсир кўрсатаётган омиллардан бири уй-жой ва ижобий обьектлар қурилиши қайта тикланганлиги бўлди.

Курилиш материаллари маҳсулотлари ишлаб чиқарish индекси 2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан ортди. Ишлаб чиқарishнинг техника, технологиялар билан таъминланганлик даражаси ошиши цемент 10 % кўп ишлаб чиқарилишига олиб келди.

Таҳлил қилинаётган вақт мобайнида кимё саноатидаги ижобий ўзгаришлар тенденцияси сақланиб қолди. Кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарish индекси ўсиши 9,2 %ни ташкил этди. Технологик хом ашё билан таъминлаш даражасининг ўсиши натижасида менерал ўғитлар ишлаб чиқарish 4,2 %га ошди. Бундан ташқари ўсиш тенденцияси ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарish 23,5 %га, сунъий аммияк ишлаб чиқарish 4,6 %, карбамид ишлаб чиқарish 7,0 %га, кальцийлашган сода ишлаб чиқарish 52,0 %га ўсиши билан бир вақтда содир бўлди. Кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарishда инвестицияларнинг ўсишига ташқи савдо бозорларидаги вазият яхшиланганлиги сабаб бўлди.

Ички ва ташқи бозорларда нархлар рақобатбардошлиги туфайли кимёвий тола ва ипларга бўлган талаб пасайиши ишлаб чиқарish 21,0 %га қисқарishiга олиб келди. Маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарish соҳасида сифатли таркибий ва технологик ўзгаришлар юз бермаганлиги кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарish таркибида уларнинг улуши ошишига йўл бермади. 2008 йилда олтингугурт ишлаб чиқарish 5,4 %га қисқарди.

Жами саноат ишлаб чиқарishi динамикаси ижобий ўсишида бошқа соҳалар тоифасига кирувчи тармоқларнинг муҳим ўрни сақланиб қолди. Ўзида полиграфия,

тиббиёт, микробиология ва ун-ёрма тармоқларини мужассалаштирган соҳалар ишлаб чиқариш индексининг ўсиши уларнинг ялпи саноат ишлаб чиқариши динамикасидаги улушининг ўсишини таъминлади.

## 8.2-жадвал

### **2007-2008 йил Ўзбекистонда асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекслари**

	Ўлчов бирлиги	Натуран кўринишда асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш		Асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш индекси (ўтган йилдагига нисбатан % хисобида)	
		2007й.	2008й.	2007й.	2008й.
Электроэнергия	млн.кВтс	48950	50,1	99,3	102,3
Иссиклик энергияси	млн.гкал	20,4	19,8	99,4	97,2
Нефть ва газ конденсати	минг т.	4,9	4,8	91,7	97,6
Бензин	минг т.	1405,	1464,1	102,7	103,2
Дизел ёқилғи	минг т.	1393,8	1287,2	96,7	92,4
Мазут	минг т.	688,5	539,5	76,9	78,4
Кросин	минг т.	300,0	361,7	83,6	120,6
Мой	минг т.	302,3	262,2	118,1	86,4
Суюқлантирилган газ	минг т.	237,6	248,1	106,5	104,4
<b>Қора металлургия саноати</b>					
Пўлат	минг т.	656,4	685,7	104,6	104,5
Тайёр прокат	минг т.	619,6	643,0	105,8	104,5
<b>Кимё металлургия саноати</b>					
Менерал ўғитлар	минг т.	1022,1	1064,9	108,6	104,2
Сунъий амияк	минг т.	1224,0	1280,	107,3	104,6
Карбамид	минг т.	430,4	460,7	101,9	107,0
Ўсимликларни кимёвий химоялаш воситалари	тн.	1909	1730	85,8	123,5
Олтингугурт килотаси	минг т.	976,9	924,4	117,1	94,6
Кимёвий тола ва иплар	тн.	15703	136,4	71,0	79,0
Кальцийлаштирилган сода	минг т.	46,7	71,0	3,6р	152,0
<b>Машинисозлик ва метални қайта ишлаш саноати</b>					
Енгил автомобиллар	дона	40505	70070	116,7	173,0
Автобуслар	дона	1116	1556	10,3р	139,4
Тракторлар	дона	2411	2437	101,1	82,0
Трактор культиваторлари	дона	1562	1773	99,4	113,4
Аккуммуляторлар	дона	443	447	118,1	100,9
Телевизорлар	дона	93527	1773	103,3	113,4
Музлатгич ва совутгич	дона	10774	6218	2,1р	57,7
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>					
Цемент	минг т.	6042	6647	108,2	110,0

Шифер	млн. дона	487,9	433,9	108,2	88,9
<b>Шиша ва фарфор-фаянс буюмлари саноати</b>					
Дераза ва ойна	минг. кв.	11952,0	12412	113,3	103,8
Бутилкалар	млн. дона	296,7	247,6	114,1	83,8
<b>Енгил саноати</b>					
Пахта толаси	минг т.	1125,4	1174,2	96,1	104,4
Чигит	минг т.	1753,5	1821	94,8	103,9
Пахта линти	минг т	81,6	88,3	97,2	108,6
Ипак тола	т.	486,55	281,2	83,0	75,9
Тўқима газлама	минг т	150,33	136,1	104,4	89,5
Газлама	млн. кв. м.	160,5	114,1	80,2	72,5
Трикотаж маҳсулотлари	минг дона	30883	29163	94,0	82,9
Гилам ва гилам маҳсулотлари	млн. кв. м.	9846	92622	103,1	101,9
<b>Озиқ-овқат саноати</b>					
Сут ва сут маҳсулотлари	минг т.	16,4	19,4	105,7	118,5
Консервалар	минг т.	112,9	157,9	80,1	134,9
Шакар	минг т.	170,9	254,3	100,2	148,8
Ўсимлик ёғи	минг т.	277,5	284,6	96,7	102,5
Макарон маҳсулотлари	минг т.	17,5	17,1	102,1	97,7
Ароқ ва ликёр маҳсулотлари	минг дал.	7667	8566	128,	99,6
Вино	минг дал.	2496	2446	109,4	101,6
Пиво	минг дал.	10413	11947	105,3	113,9
Маъданли сув	ярим литр	169,3	224,7	133,8	132,7
Папирос ва сигаретлар	млн. дона	8729	10461	110,4	119,8
<b>Ун-ёрма ва омихта ем саноати</b>					
Ун	минг т.	1440,7	14225,6	106,1	98,9
Омихта ем	минг т.	600,5	698,2	121,7	117,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборатномаси.- 2009 йил.

Саноат таркибидаги тармоқлар динамикаси корхоналар ривожланишининг турли суръатлари таъсирида ривожланди. 2008 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 9,1%га, ёқилғи-энергетика 15 %га, қора метлургия 8,2 %га, рангли металлургия 1,6 %га, кимё маҳсулотлари 13,2 %га, машинасозлик 17,4 %га, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш 14,5 %га, курилиш материаллари 11,8 %га, ентил саноат 2,0 %га, озиқ-овқат маҳсулотлари 7,1 %га ошганлиги кузатилди (8.3-жадвал). Бироқ, электроэнергетика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 0,2 %га камайган.

Инвестициялар ҳисобига таркибий ўзгарнишлар таҳлиллари саноат ишлаб чиқариши динамикасида хом ашё ва қайта ишлаш саноатининг етакчилик ўрни сақланиб қолганлигини қўрсатмоқда. Мазкур соҳаларнинг саноат маҳсулотларидағи улуши юқорилиги ташки ва ички бозордаги нарх конъюнктураси ижобий бўлганлиги билан боғлиқ. 2008 йилда ушбу тармоқларда маҳсулотларнинг барқарор сотилиши уларда мавжуд қувватлардан 70–75 % фойдаланиш имконини берди. Масалан, машинасозлик,

**Саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таркиби**

Соҳалар	Саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таркиби, % (жорий баҳоларда)	
	2007 й.	2008 й.
Саноат	112,7	109,1
Электроэнергетика	99,6	99,8
Ёқилғи-энергетика	123,9	115,0
Қора металлургия	105,7	108,2
Рангли металлургия	94,9	101,6
Кимё	108,2	113,2
Машинасозлик	123,5	117,4
Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш	119,8	114,5
Қурилиш материаллари саноати	109,8	111,8
Енгил саноат	106,6	102,0
Озиқ-овқат саноати	128,2	107,1

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборатномаси.-2009 йил.

енгил, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа тармоқларида қувватлардан фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланиб бораётганлигига қарамай, қайт ишлаш секторида бу борадаги кўрсаткич паст даражада. Чунончи, мазкур секторда мавжуд қувватларнинг 30 %дан 80 %гачасидан фойдаланилмоқда. Бундай тенденция харажатларни қоплашнинг табиий молиявий чегераларидан ўтиб, фойданинг камайишига олиб келади ва инвестицион ривожланиш ҳамда ускуналарни янгилаш учун жамғариш имкониятини чеклаб қўяди. Истеъмол тармоқларида қувватлардан фойдаланиш даражаси пасайишининг асосий омиллари ички тўлов қобилияти ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги пастлиги ҳисобланади. Рақобат тўхтовсиз ўсиб борган шароитда саноатда таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, шу жумладан, харажатлар ва баҳоларни пасайтириш ва уларнинг сифат жиҳатларини яхшилашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш саналади.

“ ... қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим”<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 18 б.

2010 йилда ахоли реал даромадларининг ортиши истеъмол товарлари тармоқларида ишлаб чи қариш хажми ортишида асосий омиллардан бири бўлиб колади. Бу эса, саноатда ўсишни таъминлашга ички талабнинг ҳиссаси ортишини башорат қилиш имкониятини беради. Бироқ, истеъмол талабининг ортиши остида асосий экспорт қилинадиган саноат маҳсулотларига бўлган жаҳон бозоридаги қулай нарх конъюнктураси башоратига асосланиб, саноат ривожланишига ташқи омиллар таъсири юкори бўлиши кутилмоқда. Саноатнинг ЯИМдаги улуши ўсишини таъминловчи саноат маҳсулотлари ишлаб чи қариш 9,0–10,0 %га кўпайиши башорат қилинмоқда. Лекин жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи шароитида бу башоратлар турли сабабларга кўра амалга ошмаслиги мумкин.

## **8.2. Ахолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш**

Ички ва ташқи инвестициялар ҳисобига истеъмол товарларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чи қаришга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар ижобий натижалар бермоқда. 2008 йилда ички бозорда мамлакатда ишлаб чи қарилган сут ва сут маҳсулотлари 5,1 %га, шакар 0,3 %га, ун 0,1 %га, макарон маҳсулотлари 26,1 %га, ароқ ва ликёр маҳсулотлари 10,1 %га, маъданли сув 23 %га, сигарет ва папирослар 24,8 %га ошган (8.4-жадвал). Лекин пахта матолари ишлаб чи қариш хажми 13,2 %га, ипак матолари 33,5 %га, гилам ва гилам маҳсулотлари 35,5 %га, трикотаж маҳсулотлари 18,8 %га, ўсимлик ёғи 29,1 %га камайган.

8.4-жадвал

### **2007-2008 йил Ўзбекистонда саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариши (ўтган даврдагига нисбатан фоизда)**

	2007 й.	2008 й.
Пахта матолари	104,4	86,8
Ипак матолари	75,9	66,5
Гилам ва гилам маҳсулотлари	82,9	64,5
Трикотаж маҳсулотлари	82,9	81,2
Сут ва сут маҳсулотлари	118,5	105,1
Шакар	148,8	100,3
Ун	98,9	100,1
Макарон маҳсулотлари	97,7	126,1
Ўсимлик ёғи	102,5	70,9
Ароқ ва ликёр маҳсулотлари	97,5	110,1
Маъданли сув	132,7	123,0
Сигарет ва папирослар	119,8	124,8

Манба: Ўзбекистон республикасининг статистик ахборотномаси. - 2009 йил.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги ошиш тенденцияси саноат корхоналари, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қучайганлиги, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражаси ортганлиги билан боғлиқ.

Ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришда автомобиллар 73 %га, автобуслар 39,4 %га, телевизорлар 13,4 %га, консервалар 34,9 %га, шакар 48,8 %га, маъданли сув 32,7 %га, цемент 10 %га кўпайганлиги ўсиш тенденциясини таъминлади.

Истеъмол товарларининг ишлаб чиқариш таркибида катта ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодиёт ва саноат ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши давом этди.

2008 йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби сақланиб қолди. Нисбатан юқори улушга эга бўлган ҳудудлар Андижон, Бухоро, Тошкент, Фарғона, вилоятлари ва Тошкент шаҳри хисобланади.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари Тошкент шаҳридан (91,3%) ташқари барча ҳудудларда юқори бўлди. Бунга шаҳарда жойлашган «Кока-Кола ичимлиги» ва «Шакар инвестментс» ҚҚларида хом ашё етишмаслиги натижасида ишлаб чиқариш қувватлари пасайиб кетиши сабаб бўлди.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий қисми пахта ва ипак маҳсулотлари, трикотаж, тўқмачилик, гилам маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқарувчи ҳудудлар хиссасига тўғри келмоқда. Бундай ҳудудлар жумласига Бухоро (20,5 %), Фарғона (14,1 %), Андижон (11,5 %), Тошкент (11,1 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (12,3 %) киради. Навоий вилоятидаги кимё мажмуи корхоналарида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг пасайиши уларнинг вилоятдаги ва республикадаги кўрсаткичларини пасайтириб юборди.

8.5-жадвалдан кўринадики, 2008 йилда республикамида истеъмол товарларни ишлаб чиқариш ҳажми 7436,5 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 2007 йилдагига нисбатан 117,7% га кўпдир. Айниқса, бу кўрсаткич Тошкент шаҳри (123,6%), Самарқанд (124,56%), Андижон (122,2%) вилоятларида юқори бўлган.

Агар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда ҳудудларнинг улушкини баҳолайдиган бўлсақ, бу борада энг юқори кўрсаткич Андижон вилояти (29%), Тошкент шаҳри (19%) ва Тошкент вилоятига (11%) тўғри келмоқда.

Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариши кенгайтиришни рафбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқарish

корхоналари учун кенг қўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қўйидаги солик ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

– гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқариши техник қайта жихозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солик тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

– тайёр ноозик-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк соликларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солик тўловидан озод қилиш.

#### **8.5-жадвал**

#### **2008 йилда Ўзбекистон Республикаси худудларида истеъмол товарларни ишлаб чиқариш ҳажми**

<b>Худудлар</b>	<b>млрд. сўм</b>	<b>2007 йилга нисбатан ўсиш суръати, %</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	102,6	115,2
Андижон	2151,9	122,2
Бухоро	401,6	106,9
Жиззах	155,2	116
Қашқадарё	246,7	117,3
Навоий	161,9	115,2
Наманган	266,5	116,3
Самарқанд	687,9	124,5
Сурхондарё	142	112,6
Сирдарё	110,8	117,8
Тошкент	785,4	111,3
Фарғона	639,1	106
Хоразм	152,2	108,9
Тошкент шаҳри	1432,7	123,6
<b>Республика бўйича</b>	<b>7436,5</b>	<b>117,7</b>

Манба: Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 18 б.

Президентимиз ўз асарларининг Инқирозга қарши чоралар дастурига бағишенган кисмини якунлар эканлар, «Хеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида кўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»<sup>5</sup>, деб таъкидладилар.

2008 йилда қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам муҳим ижобий натижалар қўлга киритилиб, ўтган йилга нисбатан 4,5 фоиз ўсишга эришилди. З миллион 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиширилди. Аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш бўйича ўсишга эришилди (8.5-жадвал).

8.5-жадвал

#### **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ишлаб чиқарилиши**

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, %да
Сабзавотлар	минг тонна	4669,9	5217,4	111,7
Картошка	минг тонна	1188,1	1398,7	117,7
Полиз маҳсулотлари	минг тонна	840,0	981,2	116,8
Мевалар	минг тонна	1269,1	1402,8	110,5
Узум	минг тонна	880,3	791,0	89,9
Гўшт	минг тонна	1208,6	1287,9	106,6
Сут	минг тонна	5097,4	5426,3	106,5
Тухум	млн. дона	2214,7	2429,0	109,7

Манба: Ўзбекистон республикасининг статистик ахборотномаси. - 2009 йил.

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида картошка (117,7 %), полиз маҳсулотлари (116,8 %), сабзавотлар (111,7 %) етишириш нисбатан аҳамиятли даражада ўсган бўлса, фақат узум ўтган йилга таққослагандага 89,9 % даражасида етиширилган.

Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатади ки, 2008 йилнинг жаҳон мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоят мураккаб ва оғир бўлганлигига қарамай мамлакатимизда асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг юқори дарajasiga эришилди<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 36-б.

<sup>6</sup> Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 33 б.

### **8.3. Аграр соҳани ривожлантириш имкониятлари**

Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаширишда аграр сектор муҳим роль ўйнайди. 2008 йилда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 19,4 %ни ташкил этди. Мазкур соҳа охирги йиллар давомида инвестициялар хисобига барқарор суръатларда ривожланиб келмоқда. Агарда 2003 йилда экин майдонлари тикибида фермер хўжаликлари улуши 36,9 %ни, дехқон хўжаликлари улуши 11,1 %ни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб, бу кўрсаткич мос равища 47,7 % ва 11,7 %ни ташкил қилди, ширкат хўжаликлари улуши 51,9 %дан 40,5 %га камайди. 2006 йилда барча мулк шаклларида яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 62,3 %и дехқон хўжаликлари, 6,3 %и қишлоқ хўжалик корхоналари, 31,4 %и фермер хўжаликлари хисобига тўғри келган бўлса, 2008 йилда 65,3 %и дехқон хўжаликлари, 2,2 %и қишлоқ хўжалик корхоналари, 32,5 %и фермер хўжаликлари хисобига тўғри келди. 2008 йилда ширкат хўжаликлари экин майдонларининг камайиш тенденцияси давом этиб, фермер ва дехқон хўжаликлари улуши ортиб борди.

#### **8.5 -жадвал 2006-2008 йиллар Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлиб чиқариш**

	2006 (% хисобида)	2007 (% хисобида)	2008 (% хисобида)
Дехқон хўжалиги	62,3	62,7	65,3
Қишлоқ хўжалик корхоналари	6,3	2,6	2,2
Фермер хўжаликлари	31,4	34,7	32,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборатномаси. - 2009 йил.

Шуни таъкидлаш керакки; 2004 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Дехқонлар улуши 2003 йилдаги 51,6 % ўрнига 53,7 %га ортди, чорвачиликнинг улуши эса мос равища 48,4 %дан 46,3 %га камайди.

Охирги беш йилда илк маротаба пахтадан энг кўп – 3,5 млн.тонна ҳосил етиширилди. Бунга қулай об-ҳаво шароитлари, экин майдонлари қўпайиши, агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши, ҳосилдорлик ошганлиги ҳамда фермер хўжаликлирида пахта етишириш ортганлиги натижасида эришилди. Жорий йилда буғдой, гуруч ва полиз маҳсулотлари камайганлиги кузатилди. 2004 йилда 2003 йилдагига нисбатан дон маҳсулотлари 312,1 минг т, гуруч 269,5 минг т, полиз маҳсулотлари 16 минг тоннага камайди. Бу уларнинг экин майдонлари камайиши билан боғлиқ.

Барча мулк шаклларида асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги юқори бўлди. Қишлоқ хўжалиги субъектлари орасида дехқон хўжаликлари энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Чорвачилиқдаги вазият олдинги йиллардагига нисбатан бирмунча яхшиланди. Йирик шохли қорамол, қўй ва эчкilar ҳамда паррандалар сони кўпайди. Барча мулк шаклларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш 6,8%га ортди. Қўй ва эчкilar (6,4 %) ҳамда паррандалар (5,9 %) бош сонини кўпайтиришда нисбатан юқори қўрсаткичларга эришилди.\*

Пахта етиштириш 37,9 %дан 51,7 %га, буғдой 35,8 %дан 46,2 %га кўпайди. Экспертлар хulosасига кўра, фермер хўжаликларида ширкат хўжаликларига қараганда пахта ва буғдой етиштириш унумдорлиги юқори, яъни 16,2 % кўп етиштирилган. 2004 йилда ширкат хўжаликларида бир тонна пахтанинг ўртacha таннархи 400 минг сўм бўлган бўлса, фермер хўжаликларида 230 минг сўмни ташкил этди. Мос равишида буғдойнинг таннархи 100 минг сўм ва 70–80 минг сўмни ташкил қилди.

2007 йилда хўжаликлар бўйича гўшт ишлаб чиқаришнинг асосий қисми дехқон хўжаликлири хиссасига тўғри келиб, у 1147,3 минг тоннани ташкил қилди (8.6-жадвал). Қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 31,3 ва фермер хўжаликлари улуши 30 минг тоннани ташкил қилди. Сут ишлаб чиқаришда ҳам асосий қисм дехқон хўжаликлари хиссасига тўғри келиб, у 4949,7 минг тоннани ташкил қилди. Қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 22,3 ва фермер хўжаликлари улуши 125,4 минг тоннани ташкил қилди.

Тухум ишлаб чиқаришда яна асосий қисм дехқон хўжаликлари хиссасига тўғри келиб, у 1383,2 млн. донани ташкил қилди. Қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 743,1 ва фермер хўжаликлари улуши 88,4 млн. донани ташкил қилди. Жун ишлаб чиқаришда ҳам асосий қисм дехқон хўжаликлари хиссасига тўғри келиб, у 18372 тоннани ташкил қилди. Қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 2868 ва фермер хўжаликлари улуши 1146 тоннани ташкил қилди. Қора кўл тери ишлаб чиқаришда асосий қисм дехқон хўжаликлари хиссасига тўғри келиб, у 499,5 минг донани ташкил қилди. Қишлоқ хўжалик корхоналари улуши 244,4 ва фермер хўжаликлари улуши 36,5 минг донани ташкил қилди.

2010 йилда қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш кўзда тутилган. Фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларга давлат томонидан қулай шарт-шароитлар яратиб бериш асосий устувор йўналишлар ҳисобланади.

---

\* Ўзбекистон иқтисодиёти. СИСМ. Т.: 2005., №8, 50-6.

**Ўзбекистонда асосий чорвачилик маҳсулотларини хўжаликлар бўйича  
ишлаб чиқариш**

	Ўлчов бирлиги	Натуран кўринишида асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш		Асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш (ўтган йилга нисбатан)	
		2007	2008	2007	2008
<b>Гўшт</b>	минг т.	1208,6		106,1	
Қишлоқ хўжалик корхоналари		31,3		84,4	
Фермер хўжаликлари		30,0		124,0	
Дехқон хўжаликлари		1147,3		106,4	
<b>Сут</b>	минг т.	5097,4		105,0	
Қишлоқ хўжалик корхоналари		22,3		62,9	
Фермер хўжаликлари		125,4		112,8	
Дехқон хўжаликлари		4949,7		105,1	
<b>Тухум</b>	млн. дона	2214,7		104,1	
Қишлоқ хўжалик корхоналари		743,1		96,1	
Фермер хўжаликлари		88,4		115,4	
Дехқон хўжаликлари		1383,2		108,2	
<b>Жун</b>	тонна	22386		104,4	
Қишлоқ хўжалик корхоналари		2868		88,6	
Фермер хўжаликлари		1146		128,0	
Дехқон хўжаликлари		18372		106,2	
<b>Қора кўл</b>	минг дона	780,4		107,4	
Қишлоқ хўжалик корхоналари		244,4		111,9	
Фермер хўжаликлари		36,5		115,4	
Дехқон хўжаликлари		499,5		104,8	

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборатномаси. - 2009 йил.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар орқали эришилган натижалари тўғрисида тўхталар экан, Президентимиз ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал мухим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилганлигини, дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тутатиш негизида ташкил етилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда

етакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланганлигини таъкидлаб ўтдилар<sup>7</sup>.

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-хуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Президентимиз “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизmlар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Факат 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтириллади. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича маҳсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.<sup>8</sup>

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада ошди (8.1-расм).


Расмдан кўринадики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги пахта (99,1 %) ва ғалланинг (79,2 %) асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 42 б.

<sup>8</sup> Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 43 б.

Дехқон хўжаликлари эса устун равиша сут (96,8 %), чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари (95 %), картошка (83,4 %) ва сабзавот (66,5 %) маҳсулотларини етиширишга ихтисослашган. Узум, мева ва резаворлар, полиз экинлари ҳам фермер, ҳам дехқон хўжаликлари томонидан деярли бир хил салмоқда етиширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа шаклларининг маҳсулот етишириш ҳажмидаги улуши йилдан-йилга қисқариб бормоқда. 2008 йилда улар томонидан чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларининг 2,5 %, узумнинг 2 %, мева ва резаворларнинг 1,5 %, полиз экинларининг 1,4 %, ғалланинг 1,3 %, пахтанинг 0,9 % етиширилган.

### **2008 йилда қишлоқ хўжалиги асосий маҳсулот турларининг турли хўжалик юритиш шакллари томонидан ишлаб чиқарилиши**



### **8.1-расм**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритища ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрига қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер хўжаликлари жами 5 млн 860,1 минг гектар ер майдони бириктириб берилди ёки бунда битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27,0 гектар ўрнига амалда 56,0 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган

фермер хўжаликлиари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига ўртача 92,0 гектар ер майдони узок муддатга ижарага берилди.

Ўтган йилда амалга оширилган бу каби ўзгариш ва ислоҳотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишига ишончли замин яратди.

### **Қисқача хуроса**

Фикримизча, мамлакатимизда инвестиция стратегиясининг турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қуидагиларни амалга ошириш керак:

- молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, техник-технологик салоҳиятини ошириш учун уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- хорижий тажрибага таянган ҳолда республикамида ҳам кичик, ҳам ўрта бизнес субъектларини бирлаштирувчи марказ ёки ассоциацияларни, уларнинг фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашувчи маҳсус фонdlарни ташкил этишлозим.

Юқоридагилардан шундай хуросага келиш мумкинки, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан барча шарт-шароитлар имон қадар тез ва сифатли тарзда яратилмоқда.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Республикада таркибий-инвестицион сиёсатнинг имкониятлари нималардан иборат?
2. Реал иқтисодиётни ривожлантиришнинг қандай имкониятлари бор?
3. Ахолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мумкинми?
4. Аграр соҳани ривожлантириш имкониятлари нималардан иборат?
5. Республикада инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш қандай усуслар билан олиб борилади?
6. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар қай тарзда таҳлил қилинади?
7. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рафбатлантириш мумкинми?
8. Жамғармаларнинг ички манбаларини кенгайтириш мумкинми?
9. Хорижий тажрибага таянган ҳолда республикамида ҳам кичик, ҳам ўрта бизнесни ривожлантириш мумкинми?
10. Инвестиция лойиҳаларини хорижий банклар кредит линиялари орқали молиялаштириш мақсадга мувофиқми?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005й., 15 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредит беришни кўллаб - қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005 й., 6 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 12 апрель.
4. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демакратлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 56 б.
7. Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
8. Интернет веб-сайтлари.  
www. ceep. uz.  
www. bearingpaint. uz.  
www. pca. uz.  
www. micro-macroiktisodiyout. fan. uz.

## **9-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**

- 9.1. Ўзбекистонда рақобат сиёсатини амалга ошириш.
- 9.2. Монопол корхоналар фаолиятини тартибга солиш механизmlари.
- 9.3. Монопол корхоналар томонидан нархларни деклорация қилиш механизми.
- 9.4. Антимонопол сиёсатни такомиллаштириш йўллари.

### **9.1. Ўзбекистонда рақобат сиёсатини амалга ошириш**

Бозор иқтисодиётида ҳар кимнинг фаровонлиги бозорда ўзига қарашли товарни: ўз ишчи кучини, малакасини, ўзи ишлаган буюмни, хусусий ер участкасини ёки тижорат операцияларини ташкиллаштириш маҳоратини ва шу кабиларни қанчалик муваффақиятли сота олиши билан аниқланади. Ким харидорга энг яхши товарни нафли шартлар билан таклиф қилса, у рақобатда ютиб чиқади ва фаровонлигини оширишга йўл очади. Иқтисодиётда рақобат рухи тараққиётнинг ёрдамчи “двигатели” (ҳаракатга келтирувчи омили) бўлиб хизмат қиласи ва хўжалик фаолияти шаклларида сезиларли из қолдиради. Рақобатчилар билан бўлган иқтисодий вазият кўпинча асосли равища “кураш” сўзи билан таърифланади, адабиётларида бозорнинг ҳар хил моделларида турлича намоён бўладиган “рақобат кураши” ифодаси одатдагидек бўлиб қолди.

Хўжалик субъектлари ихтиёрида бўлган монополлик ҳукмронлиги даражасига боғлиқ равища бозорнинг қуйидаги моделларини (структурасини) ажратиб кўрсатишади:

- 1) мукаммал рақобат бозори;
- 2) монополистик рақобат;
- 3) олигополия;
- 4) соф монополия.

Агар номланган структураларнинг биринчисида фирмалар ҳеч қандай монополия ҳукмронлигига эга бўлмасалар-да, тўртинчисида бир фирма бозорда мутлақ монополлик ҳолатини эгаллайди.

Монополликка қарши сиёсат, монополия бозор рақобатини сиқиб чиқариши натижасида жамият иқтисодий ва ўзга талофотлар кўради, деган хulosага асосланади. Демак, жамият монополия тараққиётига тўсиқ бўлиши ёки у бор жойда унинг фаолиятини тўхтатишига ёрдам бериши орқали иқтисодий фойда олади. Амалиёт кўрсатишича, айrim фирмалар монополлик ҳукмронлигининг қучайиши ижтимоий талофотларга олиб келади: биринчидан, бу талофотлар истеъмолчиларга фирма-монополистлар маҳсулоти учун рақобат бозорларида худди шундай товарларга қараганда анча юқори нархларда ҳак тўлашларида намоён бўлади; иккинчидан, фирма томонидан монополлик ҳукмронлигини эгаллаш кўпинча юқори нархларни ушлаб туриш мақсадида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишини режалаштирилган чекланишига олиб келади, бу эса монополия ресурсларнинг турли тармоқлар орасида самарасиз тақсимоти вужудга келишини англатади; учинчидан, монополия кўпинча ишлаб чиқаришнинг техник турғунлигига, маҳсулот сифатининг, меҳнат шароитининг ёмонлашиши кабиларга олиб келади.

Монополизмнинг иқтисодиётдаги бу ва бошқа салбий томонлари давлатларни монополикка қарши сиёсатни ишлаб чикишга ва қўллашга мажбур қиласди – давлат ҳокимиятининг монополистик фаолиятни огоҳлантириши, чеклаши ва тўхтатишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлари бозорнинг барча хўжалик субъектларини имкон даражасида тенг рақобат шароитлари билан таъминлаш ва новижданан рақобат курашига йўл қўймасликни қўзда тутади.

Айтиб ўтиш жоизки, монополикка қарши тартибга солиш тарихан чуқур илдизларга эга. “Монополия” атамаси илк бор ишлатилган монополикка қарши умумий тусдаги биринчи қонун император Зеноннинг (483 йил) нархлар тўғрисидаги конституцияси ҳисобланади. Унда ‘Биз буйруқ берамиз, ҳеч бир шахс қандайдир кийим турига ёки балиққа, ёхуд озиқ-овқат сифатида хизмат қиласиган ёки бошқача ишлатишга мўлжалланган ҳар қандай нарсага монополияни амалга оширишга ўзига ижозат этишга журъат қиласин”, дейилган. Иқтисодиётни монополикка қарши тартибга солиш бўйича иқтисодий ва ҳуқуқий адабиётларда унинг икки асосий моделини фарқлаш қабул қилинган: Америка ва Европа моделлари.

**Америка модели** монополия фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларидан қатъи назар уни маън қилиш тамойили асосида тузилади. Бундай структуралистик номни олган ёндашиш тарафдорлари, монополистик структурага эга бўлган тармоқ ўзини монополист сифатида бошқаради, деб таъкидлайдилар. Демак, монополистик структуралик тармоқларнинг иқтисодий ҳаракатлари албатта ижтимоий нуқтаи назардан салбий ва монополикка қарши қонунчилик таъсирига тушиши лозим. Монополикка қарши тартибга солишининг ушбу моделида асосан ҳуқуқий жараёнларни қўллаш шакли кўзда тутилган ва қонунбузарларни суд орқали таъқиб қилиш мўлжалланади.

**Европа модели** америка моделидан фарқи ўлароқ, суиистеъмолликлар устидан назорат қилиш тамойилига таянади. Бундай биhevioristik (ингл. *behaviorism* – хулқатвор, юриш-туриш) деб номланган ёндашиш диққатни тармоқ структурасига эмас, балки айрим хўжалик субъектларининг феъл-атворига қаратади. Бу моделда ҳар қандай монополия эмас, балки фақат ижтимоий-иқтисодий натижалари жамият учун салбий бўлган монополия ғайриқонуний деб таъкидлайдиган идрокли ёндашиш қоидасидан фойдалинилади. Бундай ёндашиш ҳар хил бозорларда рақобат ахволини доимий равища таҳлил ва назорат қилишга қодир бўлган маъмурий органларнинг маҳсус тизимини ташкил этишни талаб қиласди. Зарурат туғилганда бу органлар тузатиш, йўлга солиш ва тақиқлашнинг асосан маъмурий чораларини қўллайдилар.

Кейинги ўн йилликлар давомида бу икки модель орасидаги фарқ камайиб бормоқда. Шу билан бирга бу яқинлашиш Европа модели томонига қараб бормоқда, яъни

хўжалик субъектлари фаолиятини монополияга қарши тартибга солиш уларнинг нисбатан ва мутлақ катта-кичиликлигига асосланган ҳолда эмас, балки жамиятга улар фаолиятининг оқибатини хисобга олган тарзда амалга оширилади.

Давлат томонидан иқтисодиётни монополияга қарши тартибга солиш ўзаро боғланган икки йўналишни ўз ичига олади: а) монополияга қарши қонунчиликни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш; б) монополияга қарши тартибга солишни амалга оширувчи ва монополияга қарши қонунчиликка риоя қилишни назорат қилувчи органлар тизимини шакллантириш.

АҚШда монополияга қарши биринчи қонун – Шерман қонуни 1880 йилда қабул қилинган. Бу қонуннинг моҳияти ишлаб чиқаришни ва савдо-сотикни чеклашга ва қисқартиришга йўналтирилган корхоналарнинг ҳар қандай қўшилиши, бирлашиши ёки тил бириктиришини тақиқлашида бўлган. Бугун жаҳон трестларга қарши қонунчилигининг асосий хусусияти кичик ва ўрта товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва бозорларни мукаммал рақобат моделига яқинлаштиришга интилишдадир. Бахтга қарши, МДҲ мамлакатларининг монополияга қарши тартибга солиш йўлидаги чоралари ижроси ҳозирча керакли самара берадиган даражада эмас. Аксинча, кўпгина параметрлар бўйича давлат ҳокимияти сустлашгани сабабли МДҲ мамлакатларида корхоналар, тармоқлар монополизми аксарият холларда хатто кучайди, бу эса иқтисодиётдаги салбий жараёндир. МДҲ мамлакатлари бозорлари ахволини ўрганувчи халқаро консалтинг компанияси, ҳар бир мамлакатда йилига ЯИМнинг 8%дан кам бўлмаган ўсишини таъминлашга ҳамма нарса бор, лекин рақобат жараёнидаги нотенг шароитлар (монополизм, солиқ имтиёзлари, давлат субсидиялари ва бошқалар) бунга тўсиқ бўляяпти, деган хulosага келди.

МДҲ мамлакатларининг монополияга қарши тартибга солиш амалиёти кўпроқ Европа моделига интилмоқда. Бу МДҲ мамлакатларининг монополияга қарши қонунчилигида ва шунингдек, монополияга қарши органлар ваколати ва амалий фаолиятида ўз аксини топмоқда.

МДҲ мамлакатларида монополияга қарши тартибга солиш фолиятининг бошланғич нуқтаси 2001 йилда “Рақобат ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида” қонун қабул қилиниши бўлди. 2004 йилда кескин қайта ишлаб чиқилган бу қонун МДҲ мамлакатлари ҳуқуқ тизимида аниқ ифоланган бозорнинг расмий ҳужжатига айландик. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг монополияга қарши хизмати фаолиятини қатъий белгиловчи расмий ҳужжатлар рўйхати учалик узун эмас. МДҲ мамлакатларининг монополияга қарши қонунчилиги юкорида қайд қилинган

қонун, унинг асосида чиқариладиган федерал қонунлар, Президент фармонлари, хукумат қарорлари ва фармойишларидан иборат.

## **9.2. Монопол корхоналар фаолиятини тартибга солиш механизмлари**

Хар бир мамлакатда иқтисодиётни монополликка қарши тартибга солиш тизимининг энг муҳим элементи – монополистни фаолияти тартибга солиниши лозим бўлган субъект сифатида тушинишdir. МДҲ мамлакатларининг монополликка қарши қонунчилигида монополистнинг моҳияти ва миқдорий мезонлари рақобат тўғрисидаги қонунда марказий тушунча бўлган “устун вазият” тушунчаси орқали аниқланади. Устун вазият – хўжалик субъектига ёки бир неча хўжалик субъектларига тегишли бозорда товар айланиши шароитларига ҳал қилувчи таъсир қўрсатишга ёки унга бошқа хўжалик субъектлари киришини қийинлаштиришга имкон берадиган алоҳида вазият. Ҳозирги вақтда МДҲ мамлакатларида агар хўжалик субъектининг аниқ товар бозоридаги ҳиссаси 65% ва ундан ортиқ бўлса, унинг вазияти устун деб тан олиниади. Айрим ҳолларда хўжалик субъектининг бозордаги ҳиссаси 65%дан кам бўлганда ҳам монополликка қарши орган қарорига биноан унинг вазияти устун деб тан олиниши мумкин. Бироқ, аниқ товар бозоридаги ҳиссаси 35%дан юқори бўлмаган хўжалик субъектининг вазияти устун деб тан олиниши мумкин эмас. Хўжалик субъектининг монополист сифатида ҳамма қайд қилинган миқдорий таърифлари ўрнини босувчи ёки ўзаро алмашинувчи товарлари бўлмаган товар бозорларига тегишилди. Монополистнинг миқдорий чегараларини аниқлаш бошқа товарлар бозорларига нисбатан жиддий ва биргина ечимни талаб килмайди.

МДҲ мамлакатларида рақобатдош хўжалик субъектларининг келишуви, агар уларнинг аниқ товар бозоридаги ҳиссалари пасайиши 35%дан юқори бўлиши мумкин бўлса ва бундай битимлар келишилган нархларни белгилаш, бозорларни бўлиб олиш, бошқа сотувчиларнинг бозорга киришларини чеклаш орқали рақобатни чеклашга олиб келса, тақиқланиши лозим бўлган монополистик фаолият турларидан бири деб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда айрим ҳолларда 35% лик чеклашни ошиб ўтадиган битимларга, агар хўжалик субъектлари бу битимдан бўладиган ижобий самара бозорга келтирилиш имкони бўлган салбий натижалардан юқори бўлишини исбот қиласалар, рухсат берилади. Чамаси, МДҲ мамлакатлари қонунчилигидаги бундай “эркинликлар”ни ўринли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Дунё мамлакатларида етказиб берувчининг устун вазиятини аниқлаб берувчи турлича чегаравий қийматлар белгиланган. Германияда бу бозорнинг учдан бири бир корхона учун, ярмидан кўпроғи икки корхона, учдан икки қисми уч корхона учун;

Японияда бозорнинг ярмидан кўпроғи бир корхона учун, тўртдан уч қисми икки корхона учун, Буюк Британия ва Францияда энг паст “бос қич” – бозорнинг тўртдан бир қисми бир корхона учун.

Хар қандай монополикка қарши тизим элементларидан бири – йўл қўйилиши мумкин бўлмаган новиждоний рақобат шаклларининг рўйхати. МДҲ мамлакатларида буларга қўйидагилар киради:

- бошқа хўжалик субъектига зарап келтирадиган ёки унинг амалий обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки нотўғри маълумотларни тарқатиш;
- истеъмолчиларга товарнинг ишлаб чиқариш табиати, усули ва жойи, сифати ва истеъмол хоссалари тўғрисида хато маълумот бериш;
- хўжалик субъекти томонидан реклама жараёнида у ишлаб чи қараётган ёки сотаётган товарларни бошқа хўжалик субъектларининг товарлари билан беадабларча солишириш;
- эгасининг розилигисиз илмий-техник, ишлаб чиқариш ёки савдога оид маълумотларни, шу жумладан, тижорат сирларини олиш, ишлатиш, ошкор қилиш;
- ўзбошимчалик билан фирма номи белгисини, товар белгисини ва шунингдек, бошқа хўжалик субъекти товарининг шаклидан, ўрамасидан, ташки безагидан нусха кўчириш.

Монополикка қарши тартибга солиш давлат сиёсатини ўтказиш ижро ҳокимиятининг федерал органи – Россия Федерацияси монополикка қарши сиёсат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазирлиги орқали амалга оширилади ва қўйидаги асосий вазифаларни ҳал қиласди:

- монополлик фаолияти ва ноҳалол рақобат ҳақида унинг иштирокчисини огоҳлантириш, бундай рақобатни чеклаш ва тўхтатиш;
- рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида, бозор муносабатларини шакллантиришга кўмаклашиш;
- монополикка қарши қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини ўтказиш;
- табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

Бу орган хўжалик субъектлари ижроси учун мажбурий бўлган монополикка қарши қонунчилик қоидалари бузилишини тўхтатиш, уларнинг асоратларини йўқотиш, мажбурий бўлинниши ёки тузилмавий бўлинмаларнинг улар таркибидан ажратилиши, монополикка қарши қонунчиликка зид шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш, бошқа хўжалик субъекти билан шартнома тузиш, монополикка қарши қонунчиликнинг

бузилиши натижасида олинган фойдани федерал бюджеттга ўтказиш ҳақидаги буйрукларни бериш ҳуқукига эга.

Фарб мамлакатларида монополлик фаолиятини чеклаш учун бирлашмаларни мажбурий тарқатиб юбориш ва активларни мажбурий сотиш ҳолатлари маълум. Лекин, бундай чоралар ўйланмасдан қўлланилмаслиги зарур. Ҳар қандай йирик ишлаб чиқариш ҳам бўлинишга мойил эмас. Таркибий қисмлари технологик томондан қатъиян боғлиқ бўлган, бирлашган яхлит корхонани бузиш заарлидир. Уларда назорат монополликка қарши қонунчилик талабларига жавобгарлик асосида, тижорат ташкилотлари ва уларнинг бирлашмаларини қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, бу орган тижорат ташкилотларининг устав капиталида акциялар ёки улушлар сотиб олишда монополликка қарши қонунчиликка риоя этилишини назорат килишга мажбур. Монополликка қарши тартибга солиш тизими шунингдек, монополликка қарши қонунчилик бузилишида жавобгарлик чораларини кўришни ўз ичига олади. МДХ мамлакатларида бу асосан маъмурий-ташкилий таъсир остидаги чоралар бўлиб, баъзи ҳолларда бундан ҳам қатъийроқ чоралар кўрилади.

Ҳар бир мамлакатда монополликка қарши қонунчилик ўзига хос хусусиятларга эга, лекин, барча ҳолатлар учун умумийлари ажратилади: компанияларнинг бирлашишини назорат килиш, тадбиркорлар (картеллар)нинг келишувларини тақиқлаш, ноҳалол рақобатни тўхтатиш.

Корхоналарнинг бирлашиши рақобатни йўқотиш ва бир вактда ишлаб чиқаришнинг бир ерга тўпланиши ва унинг самарасини ошириш омили хисобланади. Бироқ, рақобат курашида фирма қувватини ўстириш фирмаларнинг механик бирлашишидан кўра оқилонароқ, деб эътироф этилади. Шу сабабли, бирлашишда қатъий регламентация олиб борилади.

Буюк Британия ва Францияда бирлашишда бозорнинг 25 % улуши, шунингдек, активларнинг аниқланган катталиги ортиб кетмаслиги керак. АҚШ, Япония, Канада, Австралияда бирлашиш ҳақидаги шартномалар давлат маъмурияти рухсатномасиз ҳақиқий эмас. Буюк Британия, Франция ва Германияда фақатгина активлар қиймати ва сотув ҳажми бўйича йирик бўлган фирмалар бирлашуви текширилади. АҚШ, Франция, Германия, Испания, Португалия, Австралия, Канадада картеллар тўлиқ тақиқланган. Бунда келишув пайтининг ўзи қонунни бузиш деб хисобланади. Келишув далил-исботи натижасида, *монопол фойданинг уч баробар миқдорида жарима ундирилади*. АҚШда ноқонуний картелда иштирок этиш қаттиқ жазоли жиноят хисобланиб, шунингдек, фаолияти таъминот ва сотувга асосланган бирлашмалар чиқимларини пасайтируса ҳам, ноқонуний деб хисобланади.

МДХ мамлакатлари монополликка қарши қонунчилиги бўйича, рақобатни чеклашга йўналтирилган хар қандай шаклдаги хўжалик субъектлари орасидаги битим ҳақиқий эмас, деб эътироф этилади. Ҳокимият ва бошқарув органларига рақобатни чекловчи актлар, ҳаракатлар ва келишувларни амалга ошириш тақиқланади. Улар ишлаб чиқаришни монополизация ва товарларни реализация қилиш мақсадида давлат бошқарувининг янги тузилмаларини яратадилар.

Ижро ҳокимиятининг федерал ва минтақавий органлари, ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органлар фаолиятларининг хўжалик субъектлари фаолияти билан қопланишига йўл қўйилмайди.

Монополликка қарши орган хўжалик субъектларига нисбатан, хўжалик субъектларини қайта ташкил қилиш ёки фаолиятини тугатишни амалга оширишда монополликка қарши талабларга риоя этилишини, хўжалик субъектларининг устун вазиятига олиб борувчи акциялар сотуви ва сотиб олинишини назорат қилиш хукуқига эга. У ҳокимият ва бошқарув органларига нисбатан қўйидагилар бўйича тавсиялар йўллайди:

- имтиёзлар бериш (кредит, солиқ имтиёзлари ва бошқалар);
- устун ҳолатини сунистеъмол қилувчи хўжалик субъектлари товарларининг белгилланган нархларини ўрнатиш;
- экспорт-импорт операциялари, фаолият турларини лицензиялаш, божхона тарифларини ўзгартириш;
- чет эл инвестициясини жалб этиш, эркин иқтисодий худудлар яратишни ривожлантириш;
- мажбурий лицензиялашни киритиш, монополликка қарши қонунчиликни бузувчи хўжалик субъектлари экспорт-импорт операцияларини тақиқлаш (тўхтатиш) ва ҳ.к.

Монополликка қарши қонунчилик бузилишини тўхтатиш, қонунга зид шартномаларни бекор қилиш, хўжалик субъектларини мажбурий равища бўлиб юбориш, ноқонуний қабул қилинган актларни ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан бекор қилиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган далолатномаларни бериш хукуқига эга. У, шунингдек, монополликка қарши қонунчиликни бузиш ва далолатломалар бажарилмагани учун жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиши, судга ёки арбитражга даъволар ва аризалар билан мурожаат этиши, прокуратурага монополликка қарши қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган жиноятлар аломатлари бўйича жиноий иш кўзгатиш учун материаллар (маълумотлар) юбориши мумкин.

Худудий бошқармалар монополликка қарши умумий давлат сиёсатини, истеъмолчилар ҳукуқини ҳимоя қилишни амалга оширадилар, новиждоний рақобат ва

рекламанинг олдини оладилар. Улар монополликка қарши қонунчиликни бузувчи корхоналарга қарши чоралар кўриш бўйича катта ваколатларга эга.

Монополликка қарши орган ваколатига эга шахслар барча керакли ҳужжатлар билан танишиш учун вазирликларга, бошқа органларга ва, шунингдек, корхоналарга, бирлашмаларга, ташкилотларга, муассасаларга тўсиқсиз, bemalol кириш хукуқига эгадирлар. Хўжалик субъектлари, бошқарув органлари ва уларнинг мансабдор шахслари бундай ваколат эгаларига ишончли ҳужжатлар, ёзма ва оғзаки тушинтиришлар ва бошқа маълумотларни беришга мажбурдирлар. Бироқ, қонунчилик номукаммаллиги сабабли давлат бошқаруви органлари структуралари ўз функцияларини ҳар доим ҳам самарали бажаролмайдилар. Бозорлар, монополистлар тўғрисида маълумотлар олишда муаммолар туғилади, бу эса рақобатчилик тўғрисидаги қонуннинг бузилишидир. Қоида бўйича нархларни (тарифларни) тартибга солиш давлат меъёрларини (нормаларини) бузувчи ташкилотлар жавобгар бўладилар. Улардан ортиқча киримнинг бутун суммаси ва шу миқдорда жарима, қайта бузишга йўл қўйилганда икки хисса кўп жарима ундириб олинади. Лекин жарималарни ундириш механизми яхши йўлга қўйилмаган, самарали ишламаяпти.

Айтиб ўтилганидек, монополликка қарши сиёsat капитални бир жойга тўплаш жараёнига давлат аралашувини кўзда тугади. Аммо, МДҲ мамлакатлари воқелиги шароитида корхоналар қонунни четлаб ўтишга муваффақ бўляяптилар. Капитал бир бошқарув остида активларни бирлаштирумасдан тўпланиши мумкин. Бунга алюминий картелининг вужудга келиши мисол бўла олади. Жаҳонни қамраб олган глобал иқтисодий интеграция ҳам монополликка қарши сиёsat ўтказиши қийинлаштиради: очиқ бозорда капитал ўзига фойдали равишда, халқаро рақобат талаб қилганидек, тўпланади.

Рассия Федерацияси ижроия ҳокимиюти ва МДҲ мамлакатлари субъектларининг монополликка қарши сиёsat бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтиришидаги муҳим органи Монополликка қарши сиёsat бўйича муассасалараро комиссиядир. Комиссия бозорлар ахволини рақобатни ривожлантириш мақсадида таҳлил қиласи, демонополлаштириш ва рақобат маслаларига даҳлдор меърий актлар лойихалари экспертизасини ташкил этади, Демонополлаштириш ва рақобатни ривожлантиришнинг федерал, тармоқ, худудий дастурлари бажарилишини назорат қиласи. Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар вакиллари комиссия таркибига кирган МДҲ мамлакатлари Федерацияси ижроия ҳокимиюти органлари ва Россия Федерацияси субъектлари ҳамда уларга қарашли корхоналар учун мажбурийдир.

МДҲ мамлакатлари Давлат статистик қўмитаси томонидан МДҲ мамлакатлари Федерацияси бозорида аниқ бир товар бўйича ҳиссалари умуман 35 %дан (маҳсулот келиб

тушишини ҳисобга олиб) юқори бўлган бирлашмалар ва монополист-корхоналарнинг давлат реестри олиб борилади. Ўз навбатида, МДҲ мамлакатлари реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди, унга ўзгартиришлар киритади, бу ҳақда бирлашмалар, монополист-корхоналарни хабардор қиласди, шунингдек, МДҲ мамлакатлари давлат статистика қўмиталари Иқтисодий ривожланиш вазирликлари, Молия вазирлиги, ҳокимият ва маҳаллий бошқарув органларига ахборот беради.

Реестрда қўрсатилган корхоналарга нисбатан монополликка қарши қонунчилиқда кўзда тутилган чоралар кўрилади. Шу вақтнинг ўзида, ушбу вазирлик тасдиқланган шакл бўйича, ариза асосида хўжалик субъектини реестрдан чиқариб ташлаши мумкин.

### **9.3. Монопол корхоналар томонидан нархларни деклорация қилиш механизми**

Замонавий шарт-шароитда ҳар қандай давлат иқтисодиётида шундай соҳалар ўрин олганки, уларда жамоат ва давлат манфаатларига кўра, бозор рақобати номувофиқ, бинобарин, монополиянинг иқтисодий (ва ижтимоий) томондан сақланиши оқланган. Бозор рақобатидан чиқариб ташланган иқтисодий муҳитлар – аввалига, табиий ва давлат монополиялари.

Ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари туфайли, рақобатнинг йўқлигидан, бозор талабини кондира олувчи товарлар (хизматлар) ва нархлар кескин ўзгарганда, ўрнини бошқа товарлар боса олмайдиган, турғун талабга эга бўлган товарларни ишлаб чиқарувчи (реализация қилувчи) ташкилотлар *табиий монополиялардир*. Табиий монополия шароитида, талаб даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, бозорда рақобат муҳитини яратиб бўлмайди ёки эгалланган фан ва техника ривожланиш даражасида бу иқтисодий самарасиздир. Табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилувчи товарларни истеъмолдаги бошқа товарлар билан алмаштириб бўлмайди, шунга кўра, ушбу товарлар бозоридаги талаб шу товарга нисбатан нархларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Жаҳон тажрибаси гувоҳки, ишлаб чиқаришнинг бундай шарт-шароитлари умумфойдаланувчи деб номланадиган корхоналар учун ўринлидир, кўп ҳолларда, бўлар электр, сув, газ таъминоти, телефон хизмати корхоналари ва ҳ.к. ”Табиий монополиялар тўғрисида”ти Федерал қонунга асосан, уларга қўйидагилар тегишли:

- нефть ва нефть маҳсулотларини магистраль қувур йўллари орқали ташиш;
- газни қувур йўллари орқали ташиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ўзатиш хизматлари;
- темир йўллар орқали юқ ташиш ва ҳ.к.

Бинобарин, булар шундан далолат берадики, табиий монополик корхоналарни эркин рақобат бошланишида ташкил қилиб бўлмайди, чунки, улар бир-бирига яқин соҳа

нархлари ўсишига олиб келувчи олигополияларга айланади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кискаришида монопол нархларни ўрнатади. Табий монополиялар катта даражада, ишлаб чиқариш ва истеъмол нархларининг бутун тузилмасини аниқлаб беради, иқтисодий ва молиявий жараёнларга, ахоли даромадлари динамикасига, бутун иқтисодиётга ўз таъсирини кўрсатади.

Табий монополик корхоналар ҳолати устун деб эътироф этилади, лекин, тартибга солиш чоралари одатий монополликка қарши қонунчилик доирасидан чиқиб кетади. Табий монополик соҳалар фаолияти учун ижро ҳокимияти парламент олдида жавобгардир.

Табий монополияни тартибга солишнинг энг кўп қўлланиладиган радикал шакли корхоналарнинг давлат мулкига ўтказилишидир. Лекин, бу нарса амалга оширилмаган ерларда ҳам ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар манфаатлари мувозанатини таъминлаш учун маҳсус давлат органлари улар устидан назорат юритади.

Табий монополиялар ҳамма мижозларга дискриминациясиз хизмат қўрсатишга мажбур. Табий монополия маҳсулот (хизмат)лари нархлари ва тарифлари давлат томонидан тартибга солинади ва чиқимларнинг ўсиши ҳолатида бюджетдан субсидия беришга йўл қўйилади. Табий монополик корхоналар бошқа корхоналар учун тижорат сири бўлган маълумотларни ҳокимият органларига тақдим этишга мажбурдир.

Табий монополияларни тартибга солиш “Товар бозорларида рақобатчилик ва монополик фаолиятни чеклаш тўғрисида”, “Табий монополиялар тўғрисида”, “Электр ва иссиқлик энергияси тарифларини тартибга солиш тўғрисида”, “Федерал темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунлар асосида амалга оширилади. Табий монополиянинг ҳар бир кўриниши учун ўзига хос тартибга солиш схемаси мавжуд. Табий монополияларда тартибга солишнинг асосий обьекти уларнинг маҳсулот (хизмат)лари нархлари ва тарифлариидир.

Хозирги пайтда табий монополиялар маҳсулотларининг нархлари ва тарифларини тартибга солиш уммумиллий аҳамиятга эга бўляяпти (энергоресурслар нархини 10 %га пасайтириш сўнгти маҳсулот таннархининг 18 % пасайшига олиб келади), иқтисодиётни соғломлаштириш воситаси сифатида кўриб чиқилаяпти. Тариф сиёсати умумиқтисодий мақсадлар каби ижтимоий мақсадларни ҳам кўзлайди: мамлакат ишлаб чиқарувчиларини, экспортчиларини қўллаб-қувватлаш, инфляцияни тўхтатиб туриш, ахолининг ҳаёт даражасини кўтариш

МДҲ мамлакатлари ҳукумати нархлари ички бозорда тартибга солиниши лозим бўлган товарлар (хизматлар) рўйхатини тасдиқлайди. Тартибга солишни ижроий ҳокимиятнинг федерал органлари ва МДҲ мамлакатлари субъектларининг ижроий

ҳокимиятлари органлари амалга оширадилар. Тартибга солинадиган нархлар ташкилий-хуқукий шакли ва мулкчилик шаклидан катъи назар ҳамма ташкилотлар томонидан кўлланилади. Корхоналарга етказиб бериладиган табиий монополиялар субъектларининг маҳсулот (хизмат)лар нархлари (тарифлари), уларнинг ошиши МДҲ мамлакатлари иқтисодий ривожланиш вазирлиги томонидан башорат қилинган саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари (енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан ташқари) нархларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Бу нархлар иқтисодий ривожланишни вазирлиги башорат қилган саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархларидан устун бўлмаслиги эътиборда тутилмоқда.

#### **9.4. Антимонопол сиёsatни такомиллаштириш йўллари**

Табиий монополияларнинг айрим соҳаларини тартибга солиш ижроия ҳокимиятининг маҳсус органлари томонидан амалга оширилади. Темир йўл орқали юк ташиш, Россия федерациясининг бориш қийин бўлган ҳудудларига юк ташиш, транспорт терминаллари, денгиз ва дарё портлари ҳамда аэропорлар томонидан хизмат қўрсатиш, ҳаммабоп электр ва почта, алоқа хизматидан фойдаланиш МДҲ мамлакатлари Монополикка қарши сиёsat ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш вазирлиги томонидан назорат қилинади. Ижроия ҳокимият органлари давлат томонидан тартибга солиш жараёнида ҳосил бўладиган иқтисодий вазиятларни таҳлил этадилар ва башорат қиладилар; табиий монополиялар субъектларига мажбурий бўлган харажатларни ҳисобга олиш қоидаларини белгилайдилар; давлат томонидан тартибга солишнинг меъёрий-хуқукий базасини ишлаб чиқадилар; нархларни тартибга солишни амалга оширадилар, инвестиция сиёsatини унинг тарифларга таъсири юзасидан назорат қиладилар; хизматлар бозорининг шаклланишини тартибга соладилар; тартибга солиш амалга ошириладиган табиий монополиялар субъектларининг реестрини олиб борадилар; қонунчилик бузилган ҳолларда уларга бажарилиши мажбурий бўлган талабларга асосланган далолатномалар юборадилар; табиий монополия субъектига жарима солиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, табиий монополиялар билан бир қаторда давлат монополиялари деб аталадиган фаолият соҳалари бозор рақобати соҳасидан чиқарилган. Мамлакатда давлат монополиялари субъектлари сифатида асосан аниқ фаолият турларини амалга ошириш лицензияларига эга бўлган давлат унитар корхоналари фаолият юритади. Давлат монополиялари турларига қуйидагилар киради: мамлакат Марказий банки томонидан амалга ошириладиган пул-эмиссия фаолияти, ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари (айрим товарлар экспорти ва импорти), кўпинча алкоголь маҳсулотлар

ишлиб чи қариш, сотиш ва бошқалар. Давлат монополияси режими алоҳида ҳусусиятга эга, унинг турлари ва чегараси маҳсус қонунлар билан белгиланади.

Шундай килиб, монополикка қарши сиёсат давлат томонидан тартибга солишини таъминлаган ҳолда монополияларнинг бир неча турларини сақлаб қолишини кўзда тутади. Ҳар қандай монополикка қарши сиёсатнинг моҳияти ва маъноси катта кўламдаги иқтисодиёт фойдасини ишлатиш ва рақобатнинг сусайиши билан боғлиқ бўлган имкони бор салбий оқибатларнинг таъсирини кесищдадир. Шу икки ёндашишнинг бирлиги айнан амалий жиҳатдан энг қийин ечиладиган, вазиятга қараб ўзгарадиган ҳукукий ва иқтисодий масалани ташкил қиласди.

Табиийки, МДҲ мамлакатларида монополикка қарши тартибга солиш тизими шу соҳада бой хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда шакланади, Айни пайтда у ўзига хос қатор ҳусусиятларга эга. У МДҲ мамлакатларида барқарор бозор алоқалари эндиғина шакланиш босқичида бўлган, бозор иқтисодиётининг факат асослари яратилган, давлат-маъмурий монополизми тўлиқ бартараф қилинмаган шароитларда шакланаяпти.

### **Қисқача холосалар**

Бозор иқтисодиётида ҳар кимнинг фаравонлиги бозорда ўзига қарашли товар: ўз ишчи кучи, малакасини, ўзи ишлаган буюм, ҳусусий ер участкасини ёки тижорат операцияларини ташкиллаштириш маҳорати ва шу кабалар қанчалик муваффақиятли сотилиши билан аниқланади.

Хўжалик субъектлари ихтиёрида бўлган монополистик ҳукмронлиги даражасига боғлиқ равишда муайян бозор моделларини ажратиб кўрсатишиади. Монополизмнинг иқтисодиётдаги бу ва бошқа салбий томонлари давлатларни монополикка қарши сиёсатни ишлиб чиқишига ва қўллашга мажбур қиласди.

Ишлиб чиқаришнинг технологик ҳусусиятлари туфайли, рақобатнинг йўқлигидан, бозор талабини қондира олувчи товарлар ва нархлар кескин ўзгарганда, ўрнини бошқа товарлар боса олмайдиган, турғун талабга эга бўлган товарларни ишлиб чиқарувчи ташкилотлар табиий монополиялардир.

### **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. Ўзбекистонда рақобат сиёсати нега амалга оширилади?
2. Монопол корхоналарнинг фаолиятини тартибга солиш механизmlари қай тартибда амал қиласди?
3. Монопол корхоналар томонидан нархларни декларация қилиш механизми нима беради?
4. Антимонопол сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималардан иборат?

5. Давлат монополияга қарши аралашишининг объектив заруряти нималардан иборат?
6. Монополияга қарши давлат аралашувининг ўзига хос замонавий хусусиятлари нимада?
7. Монополияга қарши сиёсатнинг ўзига хос асосий замонавий йўналишлари ва вазифалари нимадан иборат?
8. Табиий монополиялар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
9. Табиий монополиялар деб нималарга айтилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан –тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 12 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чикариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. – 2005й., 2 май.
3. Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
4. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
6. Интернет веб-сайтлари.

[www.ceep.uz](http://www.ceep.uz)

[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)

[www.pca.uz](http://www.pca.uz)

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

## **10-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРИНИ ТУЗИШ**

- 10.1. Барқарор ривожлантириш стратегияси дастурлари.
- 10.2. Аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-куватлаш дастури.
- 10.3. Кейс стади «Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш йўллари».

### **10.1. Барқарор ривожлантириш стратегияси дастурлари**

Борқарор ривожлантириш стратегиясини амалда рўёбга чиқариш кўп жаҳатдан мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий хусусиятларга эга бўлган шарт-шароитларнинг принципиал доираларини белгилаб берувчи тегишли умумий тизимли шарт-шаротиларга боғлиқ. Ўзбекистон олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ривожлантиришнинг кўлами мамлакат 1990 йиллар бошида тушиб қолган аниқ иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жаҳон тажрибаси тўплаган барча ижобий жиҳатларни уйғунлаштирувчи ўзига хос йўлини танлаш лозимлигни кўрсатди.

Ислоҳотларни амалга ошириш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири аҳолига таъсир килувчи «фалаж қилиб даволаш»нинг ҳар кандай турларидан воз кечиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги изчиллик ва босқичма-босқичлиқдир.

1992 йил 8 декбрда мамлакатнинг мустақил ривожланишига, демократик жамиятни барпо этишга ва бозор иқтисодиётини шакллантиришга ишончли хуқуқий асос кўйган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

1994 йил 1 июлдан бошлаб миллий валюта – сўм муомилага киритилгандан кейин мамлакт мустақил молиявий сиёsat юритиш ва ўз молиявий тизимини шакллантириш имконига эга бўлди.

Натижада 1996 йилдаёқ инфляция суръатлари анча қисқарди ҳамда макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор ўсиш учун шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатнинг дон ва энергетика мустақиллиги таъминланди. Инвестициявий ва тузилмавий сиёsat фаоллашди. Мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш стратегиясининг асосий устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- сиёсий, иқтисодий турмушни эркинлаштириш;
- юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- аҳолининг моддий фаровонлигини барқарор ўстириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш;
- иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш;

- жамиятда барқарорликни, тинчликни, миллитлар ва фуқароларо тотувликни таъминлаш.

Ушбу устувор йўналишлар доирасида ҳукумат раҳбарлигида қўйидаги дастурлар амалга оширилмоқда ёки ишлаб чиқилмоқда:

***Ижтимоий соҳани эркинлаштириши борасида:***

- аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш дастури;
- инсон ҳуқуqlари соҳасидаги саъй-харакатларнинг миллий дастури;
- амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасии мустахкамлаш ва ривожлантириш дастури;
- «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури;
- суд-хуқуқ ислохотини чукурлаштириш дастури; эркин ва мустақил оммовий ахборот воситаларини ривожлантириш дастури.

***Иқтисодий соҳани эркинлаштириши борасида:***

- рақобат мухитини шакллантириш дастури;
- банк тизимини ислоҳ қилиш дастури;
- 2005 – 2010 йилларда банк инфратузилмасини ривожлантириш дастури;
- валюта бозорини эркинлаштириш дастури;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш дастури.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг амалга оширилиши ҳуқуқий, демакратик давлат барпо этиш йўлидаги йирик қадам бўлиб, жамият ҳаётининг барча жабҳалари амалда эркинлаштирилишини таъминлайди.

Экспорт баҳосига кўра, ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг ўртача йиллик суръатлари:

2002 – 2005 йилларда 5-6 %ни;

2006 – 2010 йилларда 7-8 %ни ташкил этади.

Бу иқтисодиётдаги йирик таркибий силжишлар билан биргаликда юз беради.

Асосий капиталга кўйиладиган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари:

2002 – 2005 йилларда 7,5-8,5 %ни,

2006 – 2010 йилларда 8,6-9,1 %ни ташкил қиласди.

Барқарор ривожланишнинг умумий тизимли шарт-шароитларини шакллантириш амалий фаоллик ошишини таъминлайди, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, миллий иқтисодиёт самарадорлигини ошириш масалаларни муваффакиятли ҳал этиш имконини беради.

## **10.2. Аҳолининг ижтимоий мухтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-кувватлаш дастури**

Республикамизнинг меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлари, аввало Қоракалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун мазкур бозорни тартибга солишининг анча самарали усуллари деб, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил кўриб чиқайлик:

**Ишчи кучига талабни ошириши** учун бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иқтисодиётимизни таркибий ўзгартериш, зарар келтириб ишләётган корхоналарни тугатиш, фан - техника ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан ишлаб чиқаришдан бўшатилаётган ходимлар – меҳнаткашлар сони тез кўпаймоқда.

Ишчи кучига бўлган талабни оширишни рағбатлантириш усулларини тадқик этиш меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга, мазкур ҳудудлар учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилган.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш, аграр секторда ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш бу жараённинг асосий йўалишларидир.

Ишчи кучиларига талабни оширишни агросаноат мажмуининг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларида иш жойларини яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги, замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш орқали тартибга солиш мумкин. Дотациялар, субсидиялар ва кредитлар агросаноат мажмуи корхоналарини, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта таъмирлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири – бу корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайтириш, уларни қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш, бандликнинг ноанъанавий шаклларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш каби чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

**Ишчи кучларига таклифни камайтиши усули.** Ишчи кучларига таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини

қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли нафақаҳўрлар, ногиронлар, ўсмирлар ва ҳакозоларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим маҳсус иш жойларига жалб этиш, айни пайтда ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказиш мумкин.

Муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиришга аҳоли бандлигини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин. Республика изда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиши муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим олинадиган ўқув ўринларини кўпайтириш ва кечки ҳамда сиртқи ўқувдаги талаба ўринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқиётганларга стипендиялар, аёлларга бола парвариши учун тўланадиган нафақалар миқдорини ошириш, бериладиган таътил муддатини узайтириш, меҳнат стажини хисоблашда уларга имтиёз бериш; нафақаҳўрлар, ногиронлар ҳамда уларни парваришлайдиган шахсларнинг нафақаларини ошириш ишчи кучларининг оқиб келишини камайтириш чора-тадбирлари хисобланади.

Иш билан бандлар орасида иш вақти ва иш жойлари ишчи кучларига бўлган таклифни камайтириш мақсадида қайта тақсимланади. Аҳоли бандлигининг хусусий ва вақtingчалик шаклларига ўтишни рағбатлантиришга уларга ҳам иш билан тўла банд қилинган шахсларга мўлжаллаган ижтимоий таъминот турларини, таътиллар ва бошқа ижтимоий кафолатлар миқдорларини ўрнатиш, кафолатланган энг юқори миқдордаги иш ҳақи билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътилларни ўз вақтида бериш, иш куни ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизнинг малакали меҳнат ресурслари етишмайдиган минтақалари – Қорақалпоғистон Республикасининг Устиюрт зонаси ва Жizzах, Сирдарё вилоятларида ишчи кучларига талабни камайтириш ҳамда улар таклифини кўпайтириш мақсадга мувофиқ усуллардир.

Ушбу усулларнинг моҳияти қўйидагилардан иборат:

*a) Ишчи кучига талабни камайтириши усули.*

Мазкур гуруҳга худудий ҳокимиётларнинг у ёки бу минтақаларида ва тармоқларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид чора-тадбирлар, хусусан, ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун қўшымча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш;

корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқарии, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ракобат, фойдани таксимлаш механизми, солиқ сиёсати каби умумхўжалик механизмлари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим.

Хозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида умумхўжалик механизмлари яхши такомиллаштирилганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилиган тўловларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқарии ходимлар сонини камайтиришга кўмаклашади. Бу хил тўловлар корхона ва ташкилот томонидан штатдан ташқари ходимларни сақлаш учун қатъий ставка шаклида ўрнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини тақрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун ижтимоий суғуртага солинадиган солиқ ва ишсизларни муҳофаза қилиш жамғармасига солинадиган маҳсус солиқдан (иккаласи ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фоизларда) фойдаланиш мумкин. Ишчи кучларини тақрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатларнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими жонли меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шакларини ифодалайди ҳамда бозордаги ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатларни яратади;

*б) Ишчи кучлари тақлифини кўпайтириши усули.*

Хозирги шарт-шароитларида ишчи кучлари тақлифини мутлақ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Ишчи кучлари тақлифини кўпайтиришга қайта ишлаш саноати, хизмат қўрсатиш тармоқлари ва шахобчалари ҳамда шахсий меҳнат фаолияти соҳалари ривожи жиддий тўсиқ бўлиш мумкин.

Бундан ташқари ишчи кучи тақлифи на касб, на малака структураси бўйича худуд иқтисодиёти, ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи кучи тақлифининг сифат кўрсаткичларини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандлик давлат хизмати ва бошқа ўқув юртларидаги ходимлар малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидаги маҳсус курсларда касб-корга ўргатишни яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар бериш, маҳаллий кадрлар маҳсус дастурини ишлаб чиқиш керак.

Ишчи кучлари тақлифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга ёрдамлашиш усулларини қўллаш орқали ҳам амалга оширилади. Бу

усуллар ташкилий тусда бўлиб, бўш иш жойлари ва ишга жойлашиш ҳамда қайта ўқитишга муҳтож фукароларнинг сони ҳакидаги маълумотлар банкини ташкил этишни, аҳолининг ишга жойлашиш имкониятлари ҳакидаги ахборотлар билан таъминланишини, ишсизларни рўйхатга ва ҳисобга олишни, касбга йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади.

Мехнат ресурслари қайта тақсимланишининг анча самарали усуллари орасида турмуш даражасини тартибга солиш усулини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур услугуб ҳудудлар молиявий ресурслари ҳисобидан ходимларнинг меҳнат ва уй-жой шароитларини ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаларини яхшилаш каби тадбирларни ўтказиб, уларни тартибга солиш асосида татбиқ этилади.

Ишчи кучи талаби ва таклифининг балансланганлик кўрсаткичи меҳнат бозорига асосий тавсифи ҳисобланади ишчи кучига қўшимча талаб шуни кўрсатадики, расмий меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида тегишли дисбаланс кузатилади (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш билан банд бўлган аҳоли сонининг тармоқлар бўйича тақсимоти (якунга нисбатан % ҳисобида)**

	2004	2005	2006	2007
Иқтисодиётда банд бўлганлар	100	100	100	100
<b>Тармоқларда:</b>				
Саноат	13,0	13,2	13,4	13,5
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	30,7	29,1	29,1	27,9
Транспорт ва алоқа	4,6	4,8	4,8	4,9
Қурилиш	8,2	8,3	8,3	8,5
Савдо, умумовқаланиш моддий техника таъминоти ва тайёрлов	8,7	8,9	8,9	9,8
Уй жой коммунал хўжалиқ, аҳолига ноишлаб чиқариш турдаги майший хизмат кўрсатиш	3,0	3,1	3,1	3,2
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	7,0	7,2	7,3	7,5
Маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	13,3	13,6	13,7	13,8
Молия, кредит ва суғурта идоралари	0,5	0,5	0,5	0,6
Бошқа тармоқлар	11,0	11,3	11,3	10,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплам. - 2008 йил.

10.1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, жорий меҳнат бозорида иш билан таъминланиш салмоғи 2007 йилда 2004 йилга нисбатан салмоқли даражада кўтарилди. Масалан, саноат тармоқларда иш билан банд бўлган аҳоли 2004 йилда 13 %ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 13,5 % ташкил қилган. Транспорт ва алоқа тармоқларида мос

равища 4,6 ва 4,9 %ни, қурилиш тармоғида 8,2 ва 8,5 %ни, савдо, умумовқаланиш моддий техника таъминоти ва тайёрлов тармоғида 8,7 ва 9,8 %ни, уй жой коммунал хўжалиқ, аҳолига ноишлаб чиқариш турдаги майший хизмат кўрсатиш тармоғида 3 ва 3,2 %ни, соғлиқни сақлаш жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тармоғида 7 ва 7,5 %ни, маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғида 13,3 ва 13,8 %ни, молия, кредит ва сугурта идораларида 0,5 ва 0,6 %ни ташкил қилган. Лекин қишлоқ ва ўрмон хўжалигида иш билан банд бўлган аҳоли 2004 йилда 30,7 %ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 13,5 % ташкил қилган. Бу асосан аҳолининг шаҳарлардан иш жойларини қидириб топишлари ва қишлоқ жойларида саноат корхоналарининг барпо қилиниши билан боғлиқ.


Бозор иқтисодиётида «ишилизик касали» доимийликка эга. Бу эса оғир ижтимоий муаммоларга олиб келиши мумкин. Иш билан бандликни факат бозорча келишув ва меҳнат алмашуви деб тушуниш етарли эмас. Чунки иш билан бандлик ҳаёт тарзидан иборатдир. Ишилизик киши турмуш тарзининг туб ўзгаришидир. Бунда даромад билан бирга инсоний ўзгаришлар юз беради. Зеро, ишилизик катта ижтимоий салбий оқибатдир. Доимий ишилизик камбағаллиқдан қашшоқлика олиб келиши мумкин.

Оммавий ишилизик ижтимоий салбий оқибатлар билан бирга катта иқтисодий зиён келтиради. Бу маълум даражадаги ишлаб чиқарилмаган маҳсулот қисмидир, амалий маълумотларга кўра, ишилизик 1 фоизга ошса, халқ хўжалиги ўртача 2,5 фоиз маҳсулот йўқотади. Шунинг учун ишилизикка қарши курашиб, иложи борича унинг олдини олиш зарур.

2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайланлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайиши эҳтимол қилинмоқда. Бу ҳолат эса ишилизик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин (10.1-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ишилизик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишилизик даражаси 7,2 %, Японияда 4,4 %, Буюк Британияда 6,4 %, Германияда 8,2 % га ўсиши куттилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансферларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади. Шунга кўра, ҳукumatлар даражасида инқироздан чиқиши бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини кўндаланг килиб кўймоқда.

**Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**



**10.1-расм\***

Бу соҳадаги асосий вазифа ва инвестиция товарларига бўлган талабни ошириш лозим. Шунингдек, давлатнинг умумий билим даражаси ва қайта ўқитишга қаратилган чора-тадбирлари кўламини кенгайтириш ишсизликка қарши курашда жуда кўл келади. Чунки бу ишчининг ҳар қандай шароитга мослашиши, ялпи меҳнат шароитларига кўнига олишига ёрдам беради.

Ишсизлик даражасига ички омиллар билан бирга ташқи омиллар ҳам таъсир этади. Капитал ва товарлар импорти, экспорт, албатта, ишсизликни кучайтириши мумкин. Ишчиларнинг миграциясини олсақ, четга чи қиши ишсизликни камайтирса, четдан ишчиларнинг келиши ишсизлик кўпайишга олиб келиши мумкин.

Кейинги йилларда республикамизда ишсизлар сонининг ўзгариб туриши кузатилган. Маълумотларга қараганда, бу кўрсаткич 2002 йилнинг охирида 34,8 минг кишини, 2003 йилнинг охирида 32,2 минг кишини, 2004 йилнинг охирида эса 34,9 минг кишини ташкил этган. Шунга мос равишда бандлик ҳам ортган. Мехнат билан банд аҳолининг ўртача йиллик сони 2003 йилда 9589 минг кишини ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 9910,6 минг кишига етган, яъни 103,4 фоизга кўпайди. Шуни таъкидлаш жоизки, булар республика иқтисодиётида ишсизлик муаммоси йўқ, деган хulosани бермайди. Демақ, ўтиш давридаги энг долзарб муаммолардан бири ишчи кучига

---

\* Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 18 б.

бўлган талабнинг шакллантирилишидир. Албатта, бу муаммони ҳал этиш асосан янги ишчи ўринларини ташкил этишга боғлиқ бўлиб, қишлоқ жойларда эса қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳалар: тадбиркорлик ва ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш мухим. Лекин, ҳозирги шароитда барча ишсизлар учун янги ишчи ўринларини яратиш жуда қийин. Шу сабали уларнинг бир қисмини экспорт қилиш лозим.

Ишчи кучи экспорти – ишчи кучининг бирор мамлакатга маълум муддатга шартнома асосида фойдаланиш шарти билан сотилишидир. У бошқа экспорт товарларидан маълум муддатга фойдаланилиши билан фарқ қиласди. Ишчи кучи экспорти талайгина фойдали жиҳатларга эга. Чунончи:

- мамлакатимизда ишчи кучи таклифига талаб етарли даражада эмас. Ишчи кучи экспорти эса, бу муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Экспорт натижасида ишсизлар маълум иш билан таъминланадилар;

- ишчи кучини жаҳон бозорига чиқариш рақобатчилик мухитининг анча сифатлилиқ, мукамаллик, ишончлилик каби бир қанча талабаларни қўяди. Бозордаги мавжуд муддатли рақобатга бардош берган ҳар қандай товар, табиийки, ички бозорда ҳам юқори сифатга ва юқори қимматга эга бўлади. Шу билан бирга жаҳон меҳнат бозорига товарлар – ишчи кучи экспорти илғор мамлакатлар тажрибасини, замонавий мукаммал технологиялар сирини янада пухтароқ эгаллашда юқори сифатга эришиш, ўз қасби бўйича зарур ахборотлар ҳажмини кенгайтириб, малакавий самарадорлик даражасини мустахкамлаш имконини беради;

- хорижий мамлакатда малака ошираётган ишчи кучи эгасида тил ўрганиш имконияти пайдо бўлади;

- ишчи кучи экспортидан келган тушум ЯММнинг таркибий қисми бўлмиш миллий даромад ўсишига олиб келади;

- ишчи кучи экспорти, ўз навбатида, малакали ишчи кучи импортининг камайишига олиб келади. Натижада республикамизнинг малакали ишчи кучига бўлган талаби ўз ишчи кучи ҳисобига қондирилади ва ортиқча харажатга ҳожат қолмайди;

- экспорт қилинган ишчи кучи мамлакатга чет эл валютаси тушумини қўпайтиради.

Ўзбекистоннинг энг мухим муаммоларидан бири – аҳолини меҳнат билан банд қилиш худудий дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ҳар йили ўртacha 350 минг янги иш жойлари, асосан аҳолининг қўпайиши ва яширин ишсизлик даражаси юқори бўлган қишлоқ жойларда яратилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда ишсизлик кўрсаткичлари юқори эмас: 0,4 фоизни ташкил этади.

Аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига ортиқча ишчи кучларининг бошқа соҳаларга

ўтиши натижасида бу соҳаларда бандлар деярли 10 фоизга камайди. Аҳоли бандлигининг умумий миқдори қурилиш, уй-жой, коммунал хизмат хўжалиги ва майший хизматнинг ноиштаб чиқариш турларида, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳаларида, шунингдек, бозор инфратузилмаси соҳаларида, яъни, молия, кредит, сугурта муассасаларида, бошқарув идораларида ўсди.

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича аҳолининг иш билан бандлиги ҳакидаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, меҳнат билан банд бўлган аҳолининг саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги улуши камайиб бормоқда. Ўзбекистонда меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштирилганлар сони 10.2-жадвалда келтирилган.

10.2-жадвал

**2006-2008 йиллар Ўзбекистонда меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштирилганлар сони (минг нафар)**

Вилоятлар	Ишсизларнинг жамоат ишларига жалб қилиниши		
	2006 й	2007 й	2008 й
Қорақалпоғистон республикаси	17,6	36,2	42,6
Андижон	25,5	39,5	45,2
Бухоро	16,2	27,3	31,0
Жиззах	11,8	23,8	26,6
Қашқадарё	23,4	49,7	49,1
Навоий	17,2	26,2	29,1
Наманган	33,7	41,5	45,5
Самарқанд	47,3	48,7	58,7
Сурхондарё	20,0	28,2	31,7
Сирдарё	8,1	15,2	17,4
Тошкент	16,4	33,1	38,1
Фарғона	47,3	57,3	64,8
Хоразим	20,0	28,3	31,4
Тошкент шаҳри	16,2	31,5	35,4

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. - 2009 йил.

Республикада бандлик муаммосининг ечими хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истиқболлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шу нуқтаи назардан, ушбу соҳанинг ривожлантирилиши учта асосий мақсадни кўзлади: мавжуд бўлган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш; кичик бизнеснинг янги субъектлари яратилиши; норасмий асосда ишлатётган кичик корхоналарни аста-секинлик билан расмий секторга бирлаштириш.

Ишсизликда, таваккалли ёки мажбурий бандсизлик ҳам мавжуд бўлиб, унга ногиронлар, ёш болали оналар, малакасиз ишчилар, касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар дучор бўладилар.

Ногиронларни унумли банд қилиш мақсадида уларнинг имконияти чекланганини ва меҳнатга лойиклик даражасини баҳолаб, ишга жойлашишига кўмаклашиш лозим. Бунда иш берувчиларнинг қизиқишиларини ошириш учун мажбурлаш чораларига нисбатан молиявий ва бошқа рағбатлантиришлар самаралироқ ҳисобланади. Буларга риоя қилмаган корхоналар ногиронларни реабилитациялаш жамғармасига жарима тўлайдилар. Тушган маблағлар ногиронларни касбий реабилитациялаш бўйича хизматларни молиялаширишга, квотадан ортиқ жойларни яратадиган иш берувчиларни рағбатлантиришга, маҳсус устахоналарни жиҳозлашга ва пул билан таъминлашга сарфланади.

Ёш болали аёлларни муваффақиятли ва оқилона ишга жойлаштиришнинг ўта муҳим жиҳатлари мавжуд: хизматлари арzon баҳои мактабгача тарбия муассасаларининг мавжудлиги; меҳнат бозори томонидан талаб қилинадиган таълим ва малакани ошириш; ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан болага қараш ва уй хўжалигини олиб боришга имкон берадиган тартибли ишлар уйғунлашувини ташкил этиш.

Ёшларни малакали ўқитиши билан уларнинг шахсий корхоналари яратилишини уйғунлаширадиган дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу самарали усул бўлиб, унга ёшларни касбий йўналтиришда уларнинг меҳнат бозорига киришидан олдин тайёрлаш йўли билан асосий ижтимоий ҳаётга хозирлаш орқали эришилди.

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамиз меҳнат бозори ривожланиш концепциясининг асосий мақсади – меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги камайиши, ишсизлик ўсиши, янги иш жойлари кам яратилиши, меҳнат унумдорлиги пасайиши, инфляция мавжудлиги, мулкчиликнинг турли шакллари секинлик билан амалга оширилиши, ҳақиқий меҳнат даромадлари камайиши каби шароитларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишидан иборат. Улар ўтиш даврида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва эркинлаширишнинг, ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига асосланиб ишлаб чиқилади.

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг стратегик мақсадлари қилиб қуидагиларни белгилаш мумкин: ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорини босқичмабосқич шакллантириш; иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллашириш; янги иш жойларини ташкил этишга, аҳолининг бандлик даражасини оширишга ва ишлаб чиқарish салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий таркибий ислоҳотларни шакллантириш; аҳолининг иш билан оқилона

бандлигини шакллантириш; қайтта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармокларида янги иш жойларини яратиш ва ўсмирлар, кўп болали аёллар, нафакаҳўрлар ва ногиронлар учун меҳнатнинг кафолатлаштирилган миңтақаларини ташкил қилиш; ишчи кучига талабни ошириш ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; мулкчиликнинг ижара, жамоа, хиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни маҳаллий ва хорижий самарали технология ва техника билан таъминлаш; саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмаси обьектларини вужудга келтириш; маҳаллий ходимларнинг малакасини, рақобатбардошлигини ва чет элга юборилиши кўламини ошириш, уларда янги иқтисодий, маънавий ва мафкуравий тафаккурни шакллантириш; ҳар бир ишсизга ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва меҳнат қилиш имкониятларини яратиш; меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлигидаги жараёнларни тартибга соловчи иқтисодий, ташкилий ва хусусий меҳнаизларни такомиллаштириш.

### **10.3. Кейс стади «Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш йўллари»**

**Давлат ижтимоий сиёсатининг мақсади** – жамиятда ахолининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган қулай ижтимоий мухит ва шартшароитларни яратиш

***Ижтимоий сиёсат асослари:***

- иқтисодий фаолият эркинлиги;
- ахолининг меҳнат фаоллигини ошириш;
- ахолини адресли ижтимоий ҳимоялаш;
- ахолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш.

***Аҳоли турмуши даражасини белгилайдиган омиллар***

- макроиктисодий омиллар – инфляция, солиқ ва пул-кредит сиёсати;
- демографик ўсиш;
- иш билан бандлик даражаси, меҳнат бозори, иш вақти;
- ўй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик;
- аҳоли саломатлиги;
- таълим даражаси;
- ижтимоий таъминот тизими.

**Ялпи даромад (ЯД)** – инсоннинг жисмоний, ақлий ва моддий ҳолатини сақлаб боришга йўналтириладиган пул ва натурал воситалар жамулжами. ЯД қуидагилардан таркиб топади:

- меҳнат хаки;
- пулли шаклдаги ижтимоий трансфертлар;
- мулқдан келадиган даромадлар;
- тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар;
- уй хўжалигида (дехкон хўжалигида) етиштирилган маҳсулотни сотишдан келадиган даромад;
- дехкон хўжалигидан келадиган натурал тушумлар киймати;
- текин хизматлар (имтиёзлар) киймати;
- уй хўжалигига келадиган бошка тушумлар.

Аҳолининг даромадларига таъсир этадиган омиллар:

### **1. Ташқи:**

- иктиносидий ва жуғрофий холат;
- табиий-иклиний шароитлар;
- табиий ресурслар;
- аҳоли таркиби ва демографик салоҳият;
- молиявий таъминланганлик;
- минтақанинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиши;

### **2. Ички:**

- аҳолининг истеъмол ва сарф - харажатлари даражаси;
- пул жамгармалари;
- қўчмас мулк ва уй хўжалиги активлари;
- таълим ва саломатлик;
- иш билан бандлик.

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш борасидаги жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйилган устувор вазифалар:

- бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш;
- хусусий секторнинг илдам ривожланишини таъминлаш, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушкини қўпайтириш;
- кичик бизнес ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ишни чуқурлаштириш ва миқёсини кенгайтириш;
- банк ва молия тизимлари ислоҳотини чуқурлаштириш;
- уй-жой-коммунал хўжаликни ислоҳ килиш;
- солиқ сиёсатини такомиллаштириш.

## *Минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти.*

*Иқтисодий салоҳият* – ялпи минтака маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хўжалик комплекси тармоқларининг жами қобилияти

### *Иқтисодий салоҳиятнинг маркибий қисмлари:*

- ишлаб чиқариш салоҳияти;
- инсон ресурслари;
- табиат ресурслари.

*Ижтимоий салоҳият* – аҳоли ихтиёжларини таъминлаш бўйича ижтимоий соҳани жами қобилиятлари.

### *Ижтимоий салоҳиятнинг маркибий қисмлари:*

мехнат салоҳияти;  
ижтимоий хизмат кўрсатишни молиялаштириш;  
таълим, согликни сақлаш, маданият ташкилотларининг қуввати.

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишни таъминлаш борасида маҳаллий даражада амалга оширилиши лозим булган чора-тадбирлар:

- янги қурилиш, реконструкция амалга оширилиши ва ишлаб чиқарishning модернизацияланиши, кичик бизнес илдам ривожлантирилиши ҳисобига янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш;
- дехқон хўжаликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- минтақа миқёсида бозор инфратузилмасини ривожлантириш (транспорт, алоқа, муҳандислик коммуникациялари ва молиявий инфратузилма) уй-жой-коммунал мажмуини ривожлантириш;
- ижтимоий инфратузилма обьектларини сақлаш ва ривожлантириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг адреслилигини таъминлаш;
- иш ҳақи, пенсиялар ва нафакалар тўлиқ ва ўз вактида тўланишини таъминлаш.

## **Қисқача хуносалар**

Бозор иқтисодиёти тизимида меҳнат бозорини «меҳнатга қобилиятли» ишчи кучини харид қилиш – сотиши амалга оширувчи тизим сифатида кўриб чиқиш ўринли эмас. Шунинг учун у ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий меҳнат соҳасининг аниқ, мураккаб, кўп аспектли ва ўсувлари тизимчаси бўлиб, ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакиллантирувчи элементдир. Мазкур бозор ишчи кучи талаби ва аҳолининг таклифини тартибга солища бевосита иштирок этади ва оқилона бандлиги шакилланишини ҳамда ишсизликни камайтиришга кўмаклашади.

Бозорда рақобатда ютиб чиқиши энг асосий мақсадлардан бири хисобланади. Бунинг учун ишчи кучи эгасидан бир қанча фазилатлар, жумладан, ўз касбининг билимдени бўлиш ҳамда дунё қарашининг кенглиги, компьютер технологиялари ва хорижий тиллардан камидан биттасини мукаммал билиш ва амалда улардан оқилона фойдалана олиш, замонавий фан-техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва уларни амалиётда қўллай билиш, инновация, янгиликка интилувчан бўлиш, меҳнат интизомига қатъий риоя этиш ва уни бузмаслик ва ҳокозолар талаб этилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш принциплари нималардан иборат?
2. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳозирда қандай ҳолатда?
3. Меҳнат бўлимлари ҳар бир туманда борми?
4. Иш билан бандлик қандай даражада?
5. Хорижий мамлакатларда аҳоли қандай усуслар орқали ижтимоий муҳофаза қилинади?
6. Ижтимоий сұғурта усули нима?
7. Яширин ишсизлик деганда нимани тушунасиз?
8. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилиш, нималарни кўзда тутади?
9. Хусусий секторда иш ўринларини барпо қилишдан мақсад нима?
10. Меҳнат биржалари фаолияти нега такомиллаштириш керак?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модеринизация ва ислоҳ этишдир». – Т. «Ўзбекистон», 2005. 96-б.
2. Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Абдураҳмонов Қ.Ҳ «Меҳнат иқтисоди – назария ва амалиёт». – Т.: «Меҳнат», 2004. –670 б.
4. Абдураҳмонов Қ.Ҳ. ва бошқалар «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси». Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи». 2001.
5. Интернет веб-сайтлари.  
www. ceep. uz.  
www. bearingpoint. uz.  
www. pca. uz.

## **11-БОБ. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУАММОЛАРИ**

- 11.1. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси.
- 11.2. Маъмурий ислоҳотлар – ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг омили.
- 11.3. Инвестиция ривожланишининг асоси.

### **11.1. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси**

Ўзбекистонда ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизация қилиш шароитида ишлатилмаётган заҳираларни жамлаш ва барқарор иқтисодий ўсишли таъминлашда айрим ҳудудларнинг роли ошиб боради. Самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан ишлаб чиқилган «Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси»да<sup>\*</sup> ҳам бу масалага алоҳида ўрин берилган.

Ҳудудларни ривожлантириш стратегияси (ҳудудий сиёсат мақсади) – ҳудудларнинг табий-иқтисодий салоҳиятидан, иқтисодий ўсишнинг мавжуд омиллари ва заҳираларидан самарали фойдаланиш, меҳнатни оқилона тақсимлаш асосида ҳамма ҳудудлар ривожланиши учун нисбатан teng ташкилий-иқтисодий имкониятлар яратишни кўзда тутади.

Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболдаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– Республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг функциялари ва вазифаларини чегаралаш, маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш;

– ҳудудларнинг табий-иқтисодий салоҳиятидан, хусусан, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Тошкент Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида маҳаллий табий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш;

– ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштиришнинг самарали тизимини ва механизимини яратиш, ресурс имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда кўпроқ орқада қолаётган ҳудудларни, кичик шаҳарларни, шаҳарчаларни, қишлоқ аҳоли пунктларини, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳалла)нинг ривожланишини давлат томонидан рағбатлатириш;

---

<sup>\*</sup> Доклад «О стратегии структурных преобразований в Республике Узбекистан на период до 2010 года». – Т.: ЦЭЭП, 2002.

— вилоятларда, хусусан, туманларда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ташкилий ва иқтисодий шароитларни яратиш;

— мулқорлар синфини шакллантириш, янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, рақобатбардош маҳаллий товар ва хизматлар билан ички бозорни тўйинтириш мақсадида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни кўллаб-куватлаш;

— хом ашё ресурслари экспортини камайтириш ва тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш хисобига худудларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш;

— худуд аҳолисининг турмуш даражасини сифат жиҳатидан яхшилаш, турмуш даражаси паст ва ижтимоий инфратузилмаси кам ривожланган худудларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш.

Кўйилган мақсадларга эришиш учун бир қатор вазифаларни босқисма-босқич ҳал этишга тўғри келади.

Биринчи босқичда (2003–2006 йй.) худудий иқтисодий сиёsatни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун муайян шарт-шароитлар яратиш талаб этилади. Бундай шарт-шароитлар жумласига қўйидагилар киради:

— маҳаллий ҳокимиёт органларининг худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ваколатларини, функцияларини ва масъулиятини оширишни таъминловчи ҳамда муносабатлар тизимини аниқлаб берувчи иқтисодий, экологик, ҳуқуқий характердаги чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

— ишлаб чиқариш қучларини оқилона жойлаштиришнинг самарли тизими ва механизимини яратиш;

— устувор худудларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш;

— худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тартибга солишининг иқтисодий усувларига ўтиш.

Иккинчи босқич (2006–2010 йй.) қўйидаги асосий вазифаларни кўзда тутади: худудларро дифференция даражасини сезиларли равища камайтириш ҳамда турли вилоятлар ва туманлар аҳолиси турмуш даражасидаги фарқларни қисқартириш; иқтисодиётдаги худудларнинг табий-иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган худудий силжишларни чукурлаштириш.

Юкорида санаб ўтилган вазифаларга аниқ ижтимоий-иқтисодий вазиятга қараб тўғриланишлар киритилиши мумкин.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда қўйидаги устуворликлар асосий йўналиш сифатида хизмат қилиши керак:

- худудлар иқтисодиётининг барча соҳалари ва секторларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш;
- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда ҳакиқий мулқдорлар синфини шакллантириш;
- худудлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишининг қулай шароитларини яратиш;
- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни мақсадли амалга ошириш;
- ахолини манзилли ҳимоя қилишни кучайтириш.

Худудий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш қўйидаги тамойилларга асосланиши керак:

• давлатлараро алоқаларни шакллантиришда миллий манфаатлар устуворлигини, давлатнинг ташқи сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш, ташқи ва ички хавфсизликни таъминлаш;

• ижтимоий-иктисодий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун худудларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш;

• худудий ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги. У бандликни оқилона жойлаштириш, ахоли шахсий даромадлари ва ушбу даромадларнинг товар билан қоплаш имкониятларининг ўсиши, ахоли жамғармаси меъйёрларининг сезиларли ўсиши нуқтаи назардан худудлар иқтисодиётини шакллантиришнинг барча вариантлари ва аниқ тадбирларни талаб этади. Ахоли жамғармалари давлат ички инвестициялари заҳиралари, майший ва ижтимоий-маданий таъминотнинг барча турларини тубдан яхшилаш, яшаш муҳитини соғломлаштириш асоси сифатида қаралади;

• вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар инфратузилмаларининг илгарилама ривожланиши корхоналарни жойлаштириш ва улар нормал фаолият кўрсатишнинг муҳим шарти сифатида;

• пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илгарилама суръатлар билан ўсишини таъминлаш орқали худудлар тармоқ иқтисодий тузилмасини чуқур қайта қуриш, ички бозорни рақобатбардош ҳалқ истеъмоли моллари билан, асосан ўзимиизда ишлаб чиқарилган моллар билан тўйинтириш;

• реал иқтисодий, ижтимоий-демографик ва табиий шарт-шароитларга мувофиқ худудларнинг оқилона ихтисослашувини шакллантириш;

• худудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлнтириш натижалари бўйича маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулиятини ошириш.

Узоқ истиқболдаги худудий тузилмавий силжишлар биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришларнинг мақсад ва вазифалари, устуворликлари ва босқичларидан келиб чиқади.

Худудий сиёсатнинг 2003–2010 йиллар учун мўлжаллаган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда айтадиган бўлсақ, Қорақалпоғистон Республикаси (151,2 %), Жиззах (151,6 %), Хоразм (135,0 %), Сирдарё (138,8 %) вилоятлари устувор ривожлантирилади.

Истиқболда ЯИМнинг худудий тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Бухоро, Андижон, Жиззах, Қашқадарё вилоятларининг улуши ортади, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларининг улуши камаяди.

Тузилмавий силжишлар биринчи навбатда худудлар ўртасидаги дифференциянинг асоссиз равища юқори даражасини камайтиришга қаратилган. 2010 йилга бориб, худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги (ЯИМ) фарқ 2002 йилдаги 4,3 мартадан 3,6 марта гача камаяди.

Худудий иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим воситалари (инструментлари) қўйидагилар ҳисобланади:

*Ижтимоий-иктисодий ривожланишининг комплекс худудий башорат (прогноз)лари.* Қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга ишлаб чиқилиши мумкин бўлган бу башоратлар худудларнинг муҳим ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишга, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар ўзаро боғлиқлигини ва мувофиқлигини таъминлашнинг самаралироқ йўлларини танлашга, худудларда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, иқтисодий, интеллектуал ва экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

Узоқ ва ўрта муддатли башоратлар ва дастурлар лойиҳаларида худудий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш масалалари, шу жумладан, худудий ривожланиш ва худудлараро муносабатларнинг (бюджетлараро муносабатлар, солиқ тизими соҳасида ваколатларни тақсимлаш, мулкни бошқариш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ва бошқалар) иқтисодий механизмдаги ўзгаришларини амалга ошириш имкониятлари акс эттирилиши керак.

*Давлатнинг мақсадли комплекс дастурлари.* Улар йирик миқёсли давлат ва худудлараро муносабатларни ҳал этиш, мамлакат иқтисодиётининг худудий ва тармок тузилмасини оптималлаштириш (кадрлар тайёрлаш миллий дастури, янги иш жойларини

яратиш дастури, аҳолини сув ва газ билан таъминлаш дастури) ва бошқалар учун мўлжалланган.

*Мақсадли ҳудудий дастурлар.* Улар айрим ҳудудларнинг долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, кичик шаҳарларидаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этиш учун дастурий-мақсадли ёндашув талаб этилади.

Илмий асосланган ҳудудий сиёsatни амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва республика ҳудудларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асоси сифатида 2010 йилгача бўлган давр учун Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси хизмат қиласди. Схема материаллари иктисодиётнинг хом ашёга йўналтирилганлигини енгиб ўтиш, ташки иктисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш, экспорт имкониятларини, товар, меҳнат бозорларини ва инвестицион таклифлар доирасини кенгайтиришга, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга дастлабки база хизматини ўтайди.

## **11.2. Маъмурий ислоҳотлар – ҳудудлар иктисодий ривожланишининг омили**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йилларда миллий давлатчилик асослари яратилди. Бироқ давлат бошқарувида, шу жумладан, иктисодиётни бошқаришда ҳали ҳам маъмурий-буйруқбозлик тизимининг кўпгина унсурлари сақланиб қолган. Бундай ҳолат иктисодиётни янада эркинлаштириш ва барқарор иктисодий ўсишли таъминлашга қаратилган тадбирларни талаб этади. Шунинг учун ҳам маъмурий ислоҳотларни, ижроия ҳокимияти<sup>\*</sup> функцияларини, тузилмаси ва механизмларини оптималлаштиришга қаратилган дастурни амалга ошириш масаласи қўйилди.

Маъмурий ислоҳотларнинг зарурлиги қўйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

**биринчидан,** бошқарувнинг маъмурий усусларидан фойдаланиш бозор иктисодиёти самарали фаолият кўрсатиши учун зид хисобланади. Ресурсларни марказлашган тарзда тақсимлаш амалиётининг сақланиб қолиши, корхоналар хўжалик фаолиятига давлатнинг ноўрин аралашуви, хўжалик субъектлари ресурсларидан фойдаланиш шароитларининг teng эмаслиги – буларнинг ҳаммаси бозор механизмлари

---

\* Ўзбекистон Республикасида ижроя ҳокимият тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан (хукумат), давлат бошқаруви органлари тизими (вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар), хўжалик бошқаруви органлари тизимидан (корпорациялар, концерилар, ассоциациялар, компаниялар ва бирлашмалар) ва машаллий давлат органларидан иборат.

тўғри ишлаши учун халақит беради, натижада ресурслар самарали тақсимланмайди ва улардан унумли фойдаланилмайди;

**иккинчидан,** давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви. Бошқарувнинг маъмурий усулларидан фойдаланиш бозор ислоҳотларини амалга оширишга, уларнинг худудларга етиб боришига ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Давлат бошқарувининг амалдаги тизими бозор институтлари ва механизмлари, ривожланган рақобат мухитининг шаклланишига, ресурслар ва маҳсулотлар бозорининг ривожланишига тўсқинлик қиласди. Давлатнинг фаол аралашуви қуидагиларда намоён бўлади: а) сезиларли маъмурий тўсиқларда; б) юқори солиқ юкларида; в) корхоналарнинг жорий хўжалик фаолиятига араласиш – миллий бизнес учун юқори трансакция харажатларининг асосий омили. Натижада миллий маҳсулот рақобатбардошлиги паст бўлади, хуфёна иқтисодиёт кенг ёйилади;

**учинчидан,** маъмурий ислоҳот давлат бошқаруви самарадорлигини ошириши учун ҳам керак. Айнан шу мақсад, одатда, ривожланган мамлакатларда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишда қўйилади. Самарадорликни оширишга давлат бошқарув тузилмаси ва функцияларини оптималлаштириш, хукумат қарорларининг қабул қилиниши ва ижро этилишини такомиллаштириш, давлат хизмати ишлари устидан жамоат назоратининг таъсирчан механизмини яратиш, давлат хизматчиларини танлаш, тайёрлаш ва рағбатлантириш механизмларини яхшилаш, ахборот технологияларидан фаолро қ фойдаланиш ва бошқалар ҳисобига эришилади.

Ривожланишнинг янги босқичи муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш учун иқтисодиётни эркинлаштириш ва уни глобал жараёнларга фаол қўшиш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш каби муаммолар давлат бошқарувида ислоҳотларни талаб этади. Биринчи навбатда, давлатнинг хўжалик жараёнларига тўғридан-тўғри аралашуви тубдан қисқартирилиши керак. Бунинг ўрнига давлат мустақил судья позициясини эгаллаши зарур. Эндиликда давлат фуқоролар, хўжалик субъектлари ва жамиятнинг ҳомийси ролидан уларнинг мустақил ривожланишини таъминловчи катализаторга айланиши лозим. Давлат жамиятнинг, шу жумладан, бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизмини алмаштириши керак эмас, балки уларнинг оёқка туриши ва ривожланишига кўмак бериши керак.

Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифаси хўжалик фаолиятини юритишнинг самарали қоидаларини яратиш ва таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва рақобат мухитининг ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил ярим йиллик якунларига бағишлиган маърузасида кўрсатиб ўтди ва куйидагича баён этди: «Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, бизнинг назаримизда, қандай йўналишда амалга оширилиши керак? Ва биз бу ислоҳотдан қандай амалий натижаларни кутяпмиз?

*Биринчидан*, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланаётган харажатларни камайтириш.

Давлат вазифалари ва ваколатлари тобора кўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтиши керак.

*Иккинчидан*, бошқарувнинг ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиш, айrim вазифаларни бошқарувнинг ҳудудий бўғинларига кенг кўламда ўтказиш, юқоридан пастигча бўлган ортиқча маъмурий тузилмаларни тугатиш зарур.

Барча даражадаги ишларнинг ахволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, бандлик муаммоларини ечиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш борасидаги масъулиятини қучайтириш лозим.

*Учинчидан*, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан холда, айrim идоравий, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётнинг бошқарув тузилмалари самарадорлигини таъминлаш.

*Тўртинчидан*, бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, улар ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмини жорий этиш.

*Бешинчидан*, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисботларни ва қоғозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш.

Лўнда қилиб айтганда, бошқарув тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсадимиз:

давлат, жамоат ва хўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлаш;

уларни мамлакатимиз ҳаётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳозирги замон талабларига мос ҳолатга келтиришдан иборат\*.

Шундан сўнг маъмурӣ ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди. Дастлаб 2003 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқарув органлари тизими니 такомиллаштириш тӯғрисида» фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг хокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб кўйиш кўзда тутилади. Шунингдек, республика бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида шу нарса белгиланиб қўйилдики, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига киради.

Республика давлат бошқарув органларининг асосий вазифалари ва функциялари деб куйидагилар белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;
- ташқи ва ички сиёsatни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;
- мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чи қиши ҳамда амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;
- инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳа, умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

---

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи. «Ўзбекистон овози» – 2003й., 19 июль

– тегишли ҳуқукий мухитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

– соликлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини таксимлаш йўли билан хазинага тегишли вазифаларни амалга ошириш.

Ушбу фармонда республика давлат бошқарув органлари рўйхати келтирилган.

2003 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқукий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқарув органлари хисобланиши белгиланиб қўйилган: таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан, давлат акциядорлик компаниялари; муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларни топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

Қайд этилган фармонга кўра, хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

- тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишпар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорига кириб боришига кўмаклашиш;
- корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;
- улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматларини кўрсатиш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

Фирмада шу нарса белгилаб қўйилганки, давлат бошқаруви, шу жумладан, таксимлаш вазифалари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатларига кирмайди.

2004 йил 5 январда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви худудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу

қарорга кўра, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси берилган.

Шундай килиб, охирги йилларда давлат бошқарувини яхшилаш бўйича сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу жараёнда ҳали ҳам такомиллаштирилмаган йўналишлар мавжуд. Республика даражасида ташкилий тузилмани такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

- бошқарув тизимининг ижтимоий-иктисодий жараёнларни тартибга солиш бўйича тармоқ тамойилидан функционал ва худудий тамойилга ўтиш;
- худудларни комплекс ривожлантириш бўйича республика вазирликлари ва идораларининг функция ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш. Ушбу жараёнда Иктисодиёт вазрлигининг мувофиқлаштирувчилик ролини кучайтириш;
- республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг функциялари ва вазифаларини белгиловчи янги меъёрий-хуқуқий хужжатларни қабул қилиш ва мавжудларини такомиллаштириш.

Худудий ривожланиш соҳасида умумдавлат бошқарув органларининг функцияларини тартибга солиш жараёни қўйидагилар билан боғлик бўлиши керак:

- худудий хўжаликнинг барча субъектлари, умумдавлат ва маҳаллий бошқарув органлари учун қонунчилик-меъёрий актларини ишлаб чиқиш;
- давлат худудий иктисодий сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлаш;
- худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тартибга солиш бўйича башорат хужжатлари тизимини яратиш;
- аҳоли турмуш даражасининг минимал миқдорини кафолатлашни таъминлаш;
- худудларро муаммоларни ҳал этиш (Амударё паст текислиги, Фарғона водийси, кишлоқ туманлари);
- умумдавлат манфаатларни ҳисобга олган ҳолда айrim худудларнинг устувор ривожланишини таъминлаш.

Маҳаллий даражада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, аҳоли пунктлари) худудларни комплекс ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- ҳар бир ҳудуднинг табиий-иктисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимиятларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш;
- бозор типидаги янги ташкилий тузилмаларни миңтакаларда шакллантириш: худудий ҳолдинг компанияларни, худудда хўжалик юритувчи субъектларнинг худудий

ассоциациялари ва уюшмаларини, мустақил худудий тузилмаларни (сугурта ва лизинг компаниялари, тижорат банклари ва хусусий банклар, аудиторлик ва бозор хизматларини кўрсатувчи бошқа компаниялар);

- худудлараро иқтисодий интеграцияни чукурлаштириш, бутун худуд ахолисининг эҳтиёжларини қондириш учун қўшни вилоятлар иштироқидаги қўшма корхоналарни яратиш;
- худудий тузилмаларни яратиш ва ривожлантириш (эркин иқтисодий зоналарни, технополис ва технопаркларни). Эркин иқтисодий зоналарни яратиш учун потенциал имкониятлар Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд.

Маҳаллий даражада (шаҳар, маъмурий туман, ахоли пунктлари) тартибга солиш функциялари қўйидаги чора-тадбирлар ҳисобига таъминланади:

- экологик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни мувозанатли ривожлантириш;
- маҳаллий хўжаликни ташкил қилиш, товар ва хизматларни ўзида ишлаб чиқариш учун кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- ижтимоий соҳани ва манзилли ижтимоий ҳимояни ривожлантириш;
- янги иш жойларини яратиш ва ахолининг оқилона бандлигини таъминлаш;
- ер-сув, минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш.

### **11.3. Инвестиция ривожланишнинг асоси**

Кўпгина мамлакатлардаги инвестиция фаоллиги ва иқтисодий ўсиш чет эл капитали иштироқида қўллаб-қувватланади ва кучаяди. Очиқ бозор иқтисодиётiga эга мамлакатлар капиталининг халқаро айланиши хўжаликларнинг ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашишига олиб келади. Чет эл капитали қўйилмалари, бошқарув тажрибаси татбиқ этилишига янги бозорга киришининг янги йўллари очилиши ҳам ўтиш шароитидаги исталган мамлакатда ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш учун ҳәётий заруратидир. Иқтисодиёти шиддатли ўсаётган Хитой эса ўтиш иқтисодиётiga эга мамлакатлар орасида ташқи инвестициялар ҳажми бўйича биринчи ўринга чиқди ва капитал оқими бўйича фақат АҚШдан ортди. Хитойдаги ЯИМга нисбатан чет эл инвестициялари таҳминан 30 %ни ташкил этди. Бу инвестицияларнинг катта қисми Гонгконг орқали қайтган хитойлик диаспорининг капиталидир. Чет эл капиталини жалб қилишнинг шундай даражасига Венгрияда ҳам эришилди (ЯИМнинг 30 %). ЯИМга нисбатан чет эл инвестицияси Чехияда – 12,5 %ни, Эстонияда – 14 %ни, Албанияда – 12 %ни ташкил этмоқда. Аммо марказий ва шарқий Европа ва янги мустақил давлатларнинг

янги бозорига тўғри келадиган чет эл инвестициялари ҳажми оз деб баҳоланмоқда. Ушбу мамлакатларга қилинган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 6,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Бу эса, Малайзия ва Таиланд олган капиталнинг умумий ҳажмига тенгдир. Ўтиш иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатларда чет эл инвестициялари ҳажмининг озишини ҳисобга олиб, уларнинг ҳалқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширадиган миллий хусусий капитал бўйича ишлар учун янада қулай шароитлар яратиш, бозор ва тузилмавий ислоҳотлар ўтказиш учун чет эл инвестицияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси учун инвестиция заҳираларининг чет эл манбаларига мурожаат этиш ўтиш даврининг ҳам стратегик, ҳам жорий масалаларини ҳал қилиш заруриятига кўп жаҳатдан боғлиқ. Бу вазифалардан энг муҳимлари қуидагилардир:

- миллий иқтисодиётни қайта тузиш;
- ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номутаносибликлардан воз кечиш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш;
- импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг рақобат мухитини ривожлантиришга ёрдам берадиган хусусий ва аралаш секторларини шакллантириш;
- бозор инфратузилмасини яратиш;
- илғор чет эл технологияси, ноу-хау ва бошқарувчилик тажрибаларини жалб килиш.

Бу соҳадаги барча нуқтаи назарларни ва ўтган йиллардаги амалиётни умумлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатидаги айrim ҳолатлар, яъни иқтисодиётнинг бозор трансформацияси эҳтиёjlари ва вазифаларига ўхшаш ҳолларда чет эл капитали қўйилмаларини рағбатлантириш бўйича таъсирчан механизм йўқ, деган хуносага келишга имкон беради. Чет эл капиталининг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри кириши бир қатор устунликларга ҳам эга. Бу устунликлар чет эл кредитлари билан қиёслаганда жуда катта нисбатни ташкил этади.

Чет эл тадбиркорлари капиталининг жалб қилиниши ҳам ички бозордаги монополизим билан курашишнинг фаол воситасидир. Бундай капитал нафақат мамлакатнинг етишмаётган инвестиция заҳиралари ошишига хизмат қиласи, балки унинг ёрдамида миллий ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарадорлигини жонлантириш, кўтариш ҳам мумкин бўлади. Чет эл кредитлари билан қиёслангандан мамлакат қарздорлигини оширмайди, шу орқали валютанинг чет элга оқимини камайтиради.

Ислоҳотлар давомида республикамизда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари тарзидаги 11 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ ўзлаштирилган эди. Бизнингча, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг барча қисми давлат учун бирламчи бўлган дастурлар бўйича ишлаб чиқаришни инвестициялашга сарфланганда мамлакатимизда ЯИМнинг барқарор ўсишига эришган бўлар эди.

Аммо амалиёт кўрсатишича, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки даврида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари савдо-воситачилик йўналишида қўшма корхоналар барпо этишга, консалтинг хизматлари кўрсатишига, консалтинг банк секторига, чет эл фирмалари бошқарувига ўтказилган саноат обьектларининг қарзларини тўлашга ва муомаладаги маблағларни тўлдиришга йўналтирилди. Масалан, Россия 1997 йилда молия ва бозор инфратузилмаси соҳасига чет эл инвестицияларининг 69,8 %ини, саноатда эса атиги 5,6 %ини ишлатди. Иқтисодиётнинг эркинлашуви чет эл инвестициялари Ўзбекистон иқтисодиётида асосий тармоқларга йўналтирилиши учун йўл очиб берди: - қора ва рангли металлургияга чет эл қўйилмаларининг 63,5 %и, нефть ва газ мажмуаларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари умумий оқимидан 19,8 %и жалб этилди ва капиталнинг умумий ҳажмида чет эл инвестициялар ҳажи ошди.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республикада чет эл капиталларини жалб қилиш шакллари, кўпайган, бундай маблағлар оқими тобора орган. Уларнинг асосий мезонлари қўйидагилар: фаолият соҳаси ва маҳсулот тури; лойиха қўйилмалари (кичик, ўрта, йирик); чет эл капиталини жалб қилишнинг стратегик мақсади (жихозлар импортидан то ишлаб чиқаришнинг бошқарувчилик тажрибасидан фойдаланишга қадар).

Ички жамғармалардан фойдаланиш шакллари ҳам, мамлакат ичидаги самарали ва самараси кам корхоналар ва тармоқлар ўртасида ҳам (бир қатор мамлакатларнинг тармоқ ва соҳалари ўртасида ҳам) капитал танланишининг икки тарафлама механизми йўқлиги иқтисодиёт мустаҳкамлигини ва унинг ўсиш имкониятларини камайтиради. Шунинг учун Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш чет эл капитали ва ички инвестициялар жалб қилинишини тақозо этади. Бу эса, аввало, капитал оммавий инвестордан ҳақиқий мулқдор қўлига ўтиши механизмига эга тўлақонли фонд бозори ташкил этилиши талаб қилинади.

Мамлакатда фонд бозори ва фонд маданиятининг мавжудлиги капитални эркинлаштириб, унга бўлган таклифни таъминлайди. Бу эса, бозор иқтисодиётининг реал сектори тикланишига замин яратади, уни ривожлантириш, янги инвестициялар жалб этиш имкониятини юзага келтиради. Инвестицион институтлар эса, ўз навбатида, нафа қат йирик корхоналар, балки ўрта ва хатто, майдага корхоналар бўйича портфелларни

диверсификация қиласы. Башқа айтганда, хусуси лаштириш жараёни стратегик инвестр монополияларни излаш йўлидан эмас, балки оддийроқ йўналишдан боради.

### 11.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасиға киритилган асосий капитал структураси, (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича 2008 йил					
Асосий капиталга инвестиацияларни нг номи:	Жами инвестици ялар млрд сўм	Респуб лика бюдже ти	Корхона ва ахоли маблағи	Чет эл инвестиция лари ва кредитлари	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Бюджетдан ташкари фонд маблағлари
жами	8483,7	9,0	53,9	25,8	5,0	6,3
Мулкчилик шакллари бўйича:						
Давлат	2154,9	35,4	32,8	10,0	0,4	21,4
Нодавлат	6328,8	-	61,0	31,2	6,6	1,2

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, тасарруфдаги даромадлар орасида жамғармалар улуши билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида якка мавжудликлар борлигидир. Жамғармаларнинг энг юқори меъёрига эга бўлган Японияда 1970 – 1980 йилларда энг юқори ўсиш суръатларига (20–21 %) эришилди, Францияда эса бу борадаги кўрсаткич анча паст (11–12 %) бўлди.

Ўзбекистон Республикасидаги уй хўжаликлари пул даромадлари ва харажатлари таркиби бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар кўрсатишича, мамлакатимизда жамғармалар меъёри ривожланган давлатлардагидан анча пастгина эмас, балки инфляция ва ҳақиқий даромадлар камайиши туфайли озайиб ҳам кетган.

Инфляция 1992–1993 йилларда ўз чўққисига етганлиги учун ахоли жамғармалари фақат 1994 йилдан бошлаб ўса бошлади. Россияда эса хусусий жамғармалар меъёри мамлакатимиздагидан анча юқори ва фақат ахолининг банклардаги маблағлари бўйича 1996 йилда 6,2 %ни, валюта харидини ва нақд пуллар ўсгани ҳисобга олинса, 12,3 %ни ташкил этган. Бунга тадбиркорлик ва маош оладиган хизматчилар даромадлари анча ошиши сабаб бўлган.

Ахоли жамғармаларининг мўлжалланиши кўп жиҳатдан уларнинг жамғарилиш мақсадларига боғлиқ. Жамғармалаларни тўплашдан мақсад келгусида уларни истеъмол қилиш ёки катта даромад олишни таъминлайдиган, даражага етказиш бўлиши мумкин.

Инвестициялар учун молия захираларини таъминловчи (аҳоли) ва захираларнинг истеъмолчиси – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида зиддиятлар мавжуд. Бу зиддиятлар шунда кўринадики, аҳоли эркин пул маблағларини қисқа муддатли ва юқори ликвидли шаклда тўплашдан манфаатдор бўлиб, ишлаб чиқариш инвестициясини киритувчи ва истеъмолчи эса узоқ муддатли пул қўйишдан мунтазам фойда олишини кўзлайди. Ушбу зиддият ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида З усул ёрдамида ҳал этилиши мумкин:

- жамғармалар эгалари учун жамғариш муддатини оширишга шароит ва рағбатлар яратиш;
- хўжалик субъектларининг қисқа муддатли захираларига бўлган талабни рағбатлантириш;
- молия захираларини тақсимлаш ва харакатлантириш ҳамда капиталлар бозорида вужудга келган зиддиятларни ҳал этишга қодир бўлган инвестиция институтларининг самарали тизимини яратиш.

Аҳоли жамғармаларининг ҳажми ва таркибига бир қанча омиллар таъсир қиласи. Тадқиқотчиларнинг баъзилари ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий характердаги омилларнинг 12 грухини ажратиб қўрсатишмоқда. Фикримизча, уларнинг энг муҳимлари қўйидагилар: жамият даромадлари таркиби ва ҳажмлари; жамиятнинг ижтимоий тузилиши; қарздорлик, жамғарма ҳажмлари ва истеъмолчилик эҳтиёжларини молиялаштириш учун заёmlар тизимини кенг ривожлантириш даражаси; корхоналар индекси ва порлоқлик даражаси; фоиз ставкаси; турмуш даражасининг ўзгариши; истеъмол тузилмаси.

### **Қисқача ҳолосалар**

Юқоридаги муоммоларни бартараф этиш учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ҳудудлардаги ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришга тизимли ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси даражасида ёки Иқтисодиёт вазирлиги, ҳокимиятлар негизида эксперт групхарини ташкил этиш, групхонинг асосий вазифаси – ишлаб чиқариш объектларини маълум бир аҳоли пунктларида жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳолосалар тайёрлаш ва уларни объектив баҳолаш;
- вилоятларнинг бюджетлараро муносабатларини такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув органларининг молиявий мустақиллигини ошириш. Бунда давлат бошқарувининг барча даражалари ўртасида харажатлар бўйича ваколатларни аниқ чегаралаш, ислоҳотлар даврида бошқарувнинг даражасини, улар ўзларига юклатилган

ваколатларни амалга оширишлари учун етарли даражадаги даромадлар билан таъминлаш манбаларини аниқлаш керак;

- экологик оғир худудий ривожланишни таъминловчи маҳсус жамғармаларни ёки банкни ташкил этиш. Улар худди тараққиёт банклари каби ўз маблағларини худудларда юқори фойдали лойиҳаларни молиялаштириш хисобига оладилар ва унинг бир қисмини факт орқада қолаётган худудларда ижтимоий-иктисодий дастурларни молиялаштиришга йўналтирадилар ва ҳоказолар.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Худудларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнини такомиллаштириш йўллари нималардан иборат?
2. Худудларнинг ижтимоий ривожланиш жараёнларини такомиллаштириш йўллари нималарни кўзда тутади?
3. Худудларнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси нима?
4. Худудларнинг ижтимоий ривожланиш стратегияси-чи?
5. Мъямурий ислоҳотлар худудлар иқтисодий ривожланиш омилми?
6. Инвестицияларни жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва йўллари нималардан иборат?
7. Аҳолии жамғармаларининг ҳажми ва таркибига қайси омиллар таъсир қиласи?
8. Инвестициялар учун молия захираларини таъминлашга қайси усул ёрдамида эришиш мумкин?
9. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар тажрибаси нималардан гувоҳлик беради?
10. Тасарруфдаги даромадлар, жамғармалар улуши билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида яхлитлик борми?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Ҳалқ сўзи», 2005й., 12 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Ҳалқ сўзи», 2005й., 15 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. – «Ҳалқ сўзи», 2005й., 2 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредит беришни қўллаб - қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 6 май.
5. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
6. Интернет веб-сайтлари.  
www. ceep. uz.  
www. bearingpaint. uz.  
www. pca. uz.

## **12-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ АСОСЛАРИ**

- 12.1. Ҳамкорликка асосланган сиёсат.
- 12.2. Хитой – стратегик шерик ва йирик ҳамкор.
- 12.3. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – хавфсизлик ва ҳамкорлик гарови.
- 12.4. Кейс стади: «Ўзбекистон—Малайзия ҳамкорлиги».

### **12.1. Ҳамкорликка асосланган сиёсат**

Мустақиллик эълон қилиниб, миллий валюта жорий этилгач, Ўзбекистон шўро давридаги хом ашё ресурслари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бир ёқлама, самарасиз иқтисодий алоқаларини тўхтатиши зарур эди. Бундай шароитда самарасиз, таназуллга юз тутган иқтисодий алоқалардан воз кечиб, жаҳон бозорига чиқиш Ўзбекистон учун иқтисодий инқирозни енгиб ўтишнинг ягона йўли эди.

Ўша даврда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саъй-харакатлари туфайли мамлакат халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни, авваламбор, Фарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари, АҚШ, Япония ва иқтисоди жадал ривожланаётган бошқа давлатлар билан кенгайтиришга қаратилди. Бу сиёсат бирон-бир мамлакатга қарши йўналтирилмаган эди. У иқтисодиётимиз учун нисбатан қулай савдо шароити яратишга, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда тузилмавий ўзгаришлар қилишга имкон берадиган мутаносиб халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган эди.

Мутаносиб ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш жараёнидаги фаол чоратадбирлар Ўзбекистонга ташқи иқтисодий савдони ҳам мамлакатлар, ҳам тармоқлар миқёсида реструктуризация қилиш имконини берди. Илгари Ўзбекистоннинг бевосита савдо алоқалари бўлмаган хорижий мамлакатлар, биринчи навбатда дунёнинг ривожланган давлатлари билан савдо алоқалари салмоғи 2004 йилдаги бутун ташқи савдо айланмасида 68,5 %га етди. Эндилиқда Ўзбекистоннинг тўловга қобилитли ҳамкор сифатидаги халқаро обрў-этибори ошиб бормоқда.

Ҳамкорликка асосланган ташқи иқтисодий сиёсатга қуйидаги тамойиллар асос қилиниб олинган: маўкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи муносабатларда очиқлик, тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; тўла ишонч негизида ҳам ички томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; ўзининг миллий давлат манфаатларини ҳар томонлама хисобга олиш; умумэътироф қилинган халқаро хуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Республикамиз Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа ва Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстлик регионал иқтисодий

ташкилоти ва бошқа эътиборли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Бу халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки мамлакатимизга бир қанча йирик давлатлараро лойиҳаларни биргалиқда амалга ошириш, минтақалараро муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон дунёning 140дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо қилмоқда. Дунёдаги иқтисодий ривожланган давлатлар билан ташқи савдонинг улуши кўпайиб бормоқда. Чет эллардан кўшимча моддий-молиявий ресурслар жалб қилиш, жаҳон фан-техникаси ютуқларини иқтисодиётга жорий этиш, аҳолининг сифатли, хилма-хил товарларга, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологияга бўлган талабини қондириш, хизмат соҳасини ривожлантиришда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш, кўшимча иш ўринларини вужудга келтириш мақсадида олис хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий савдо ривожлантирилиб борилмоқда.

Ташқи савдо баланси, экспорт ва импорт ҳажмлари таҳдили аҳамиятлиdir. 2003 йил охирида валюта бозорини эркинлаштириш ва миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертацияланишини таъминлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ташқи савдо фаолиятида муайян ижобий натижаларга эришишда муҳим омил бўлди. 2004 йилда 2003 йилдагига нисбатан ташқи савдо айланмаси 129,6 %га кўпайди ва 86,7 млрд. долларни ташкил этди (12.1-жадвал).

12.1-жадвал.

#### **1994-2008 йилларда Ўзбекистон ташқи савдосининг динамикаси**

	Экспорт		Импорт		Жами	
	ҳажми, млн. долл.	Ўтган йилга нисбатан % хисобида.	ҳажми, млн. долл.	Ўтган йилга нисбатан % хисобида.	ҳажми, млн. долл.	Ўтган йилга нисбатан % хисобида.
1994	2689,9	-	2609,5	-	5299	-
1995	3719,9	138,3	2892,7	110,8	6612,6	124,8
1996	4590,2	123,4	4721,1	163,2	9311,3	140,8
1997	4387,5	95,6	4523	95,8	8910,5	95,6
1998	3528,2	80,4	3288,7	72,7	6816,9	76,5
1999	3235,8	91,7	3110,7	94,6	6346,5	93,1
2000	3264,7	100,8	2947,4	94,7	6212,1	97,6
2001	3264,9	100,0	3136,9	106,4	6401,8	103,1
2002	2988,4	91,5	2712	86,5	5700,4	89
2003	3725,0	124,6	2964,2	109	6689,2	117,4
2004	4853,0	130,3	3816,0	128,7	8669,0	129,6
2005	5408,8	111,5	4091,3	107,2	9500,1	109,5
2006	6389,8	118,1	4395,9	107,4	10785,7	113,5
2007	8991,5	140,7	5235,6	109,5	14227,1	127,4
2008	11572,1	128,7	5699,6	108,9	17271,7	121,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.


Ташки савдо айланмаси 2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан 121,4 %га кўпайди ва 17271,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва 5872,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

12.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Ялпи ички маҳсулот	107,3	109,5	109
Саноат маҳсулотлари ҳажми	110,8	112,1	112,7
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	106,7	106,1	104,5
Асосий капиталга инвестициялар	109,1	122,9	128,3
Қурилиш ишлари	112,8	115,7	108,3
Чакана савдо айланмаси	114,8	121,0	117,2
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	119,3	120,6	121,3

12.1-диаграмма




Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 9 %га ошган бўлса, саноат маҳсулотлари ҳажми 12,7 %га, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 4,5 %га, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 28,3 %га, қурилиш

ишилари ҳажми 8,3 %га, чакана савдо айланмаси ҳажми 17,2 %га, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 %га ошди.

12.2-диаграмма


**1994-2008 йилларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари**



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

12.3-диаграмма


**1994-2008 йилларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари**



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

12.4-диаграмма


**1994-2008 йилларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари**



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

12.5-диаграмма

**1994-2008 йилларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари**



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

## 12.6-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 5299 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бу қўрсаткич 1999 йилгача ўсиб бориб, 9311,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (12.2-диаграмма). Лекин 1997 йилда жаҳон бозорларида хомашё товарларига бўлган жаҳон нархларининг пасайиши натижасида Ўзбекистондан экспорт килинадиган товарлар миқоди ошса ҳам экспортнинг умумий қиймати ошмади. Ундан ташқари 1998 йил Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган молиявий инқироз жаҳон бозори канъюнктурасини ўзгартириб юборди. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган молиявий инқирознинг салбий таъсири мамлакатимиз ташқи савдосида 2002 йилгача кузатилди. 2003 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг ташқи савдо ҳажми ошиб бориб, 2008 йилда унинг ҳажми 17271,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорти 1994 йилда 2689,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1996 йилда 4590,2 млн. АҚШ долларини, 2002 йилда 2988,4 млн. АҚШ долларини, 2008 йилда эса, 11572,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (12.3-диаграмма).

Ўзбекистон Республикасининг импорти 1994 йилда 2609,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1996 йилда 4721,1 млн. АҚШ долларини, 2002 йилда 2712,0 млн. АҚШ долларини, 2008 йилда эса, 5699,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (12.4-диаграмма).

1994-2008 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо салдосини таҳдил киладиган бўлсақ, (12.5-диаграмма) унга кўра 1994 йилда мамлакат ташқи савдо салдоси 80,4 млн. АҚШ долларини, 1995 йилда 827,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Лекин 1996 ва 1997 йилларда мамлакат ташқи савдосида салбий салдо кузатилиб, унинг миқдори мос равишда 130,9 ва 135,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. 1998 йилдан бошлаб

2008 йилга қадар мамлакат ташқи савдо салдоси ижобий бўлиб, 2008 йилда 5872,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг географик таркибига эътибор берадиган бўлсақ, (12.6-диаграмма) 2008 йилда мамлакатнинг энг асосий савдо ҳамкори Россия Федерацияси эканлигига амин бўламиз. Чунки, унинг мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 26,2 %ни ташкил қилади. Кейинги ўринда 6,2 %лик улушлари билан Туркия ва Қозоғистон, 6,5 %лик улуш билан Хитой Халқ Республикаси, 6,1 %лик улушлари билан Эрон Республикаси, 5,7 %лик улушлари билан Украина ва корея республикалари, 3 %лик улушлари билан Германия, 2,4 %лик улушлари билан Буюк Британия, 2,3 %лик улушлари билан АҚШ туради.

#### 12.2-жадвал Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (млн. долл.)

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004й.	Хажмининг ўзгариши, %
			2004 – 2003
Ташқи савдо айланиши	6686,2	8669,0	129,6
МДҲ давлатлари	2105,4	3002,6	142,6
Хорижий давлатлар	4583,4	5666,4	123,6
Экспорт	3725,0	4853,0	130,3
МДҲ давлатлари	969,2	1528,4	157,7
Хорижий давлатлар	2755,8	3324,6	120,6
Импорт	2964,2	3816,0	128,7
МДҲ давлатлари	1136,2	1474,2	129,7
Хорижий давлатлар	1828,0	2341,8	128,1
Савдо баланси	760,8	1037,0	x
МДҲ давлатлари	- 167,0	54,2	x
Хорижий давлатлар	927,0	982,8	x
Ташқи савдо айланиши таркиби, %	100	100	x
МДҲ давлатлари	31,5	34,6	x
Хорижий давлатлар	68,5	65,4	x

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2004 йил, № 8, СИСМ, Т.: 2005. 64-б

Савдо балансининг ўсиши ижобий бўлди ва 2003 йилдагига нисбатан ортиб, 1982,8 млн. долларни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган даврнинг ўзига хос хусусияти хорижий мамлакатлар ва МДҲ мамлакатлари билан товар айирбошлашдаги ижобий колдикка (салдо) эришганлигидадир. Ваҳоланки, ўтган уч йилда МДҲ мамлакатлари ўртасида қолдик салбий бўлган эди, 2004 йилда ижобий қолдик 34,2 млн. долларни ташкил қилди. Лекин хали ҳам ижобий қолдиқнинг асосий қисми хорижий мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда ва 982,8 млн. долларни ташкил этмоқда.

Экспорт таркибида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Барча иирик товарлар гурӯҳлари бўйича 2003 йилдагига нисбатан экспорт ҳажми кўпайди. Юқори ўсиш тайёр

маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келди. Машина ва ускуналарни экспорт қилиш 1,7 марта ва озиқ-овқат товарлари экспорти 1,8 марта ўси. Натижада экспортда машина ва ускуналарнинг улуши 7,4 % (2003 йил), кимё маҳсулотлариники – 4,7 % ва озиқ-овқат товарларининг улуши 3,8 %ни ташкил қилди. Экспортга чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари, кабел-ўтказгич маҳсулотлари, ярим ўтказгич ускуналар, ўғитлар, парфюмерия ва пардоз буюмлари, пластмассалар ва мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳажмлари ўси. Енгил саноат маҳсулотлари орасида бошқа товарлар гурухига кирувчи тўқимачилик кийимлари, трикотаж газламалар ва кийимлар экспорти ортди. Хизматлар экспорти ҳажми 72 %га ошди. Улар орасида аввалги даврлардагидек 70 %дан кўпроғини транспорт хизматлари ташкил этди.

Ташқи савдо мамлакатлараро ривожлантирилиши Ўзбекистонга унинг тармоқлар бўйича йўналишини ҳам анча такомиллаштириш имконини берди. Экспортда хом ашё ресурслари, аввало, пахта толаси миқдори камайди ва тайёр маҳсулот ҳажми ортди. Импортда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ҳажми қисқарди ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш учун зарур машина ва ускуналар, замонавий технологиялар салмоғи кескин ўси.

Ўзбекистон–Россия азалдан йирик иқтисодий ҳамкорлардан биридир. Россиянинг Ўзбекистон ташқи-савдо айланмасидаги улуши 1999 йилдаги 13 фойздан 2004 йилда 17 %гача ўси. Фақат 2004 йилнинг ўзида икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси экспорт ҳажми 17,7 %, импорт 24 %га ўси. Бу борада янада жадал юксалиш учун яхши имкониятлар мавжуд.

Савдо айланмаси таркиби янада такомиллашиб, унда икки мамлакат иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар ўз аксини топа бошлади. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажмида асосий улушни машина ва ускуналар (23 %), пахта толаси (7 %) ташкил қилди. Ваҳоланки, 1994 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 11 ва 64 % эди.

Россиядан Ўзбекистонга экспорт ҳажмида ҳам асосий улушни машина ва ускуналар (38 %), кимё маҳсулотлари (20 %), ёғоч, қофоз, картон, мебель (24 %) ташкил этди. 1994 йилда эса, Россия Ўзбекистонга асосан энергия манбалари (39 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (15 %), кора металл (14 %) экспорт қилган эди.

Ўзбекистоннинг Россия билан авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Натижада «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти базасида юқ ва йўловчи ташувчи замонавий ҳаво кемаларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Эътиборли томони шундаки, Тошкент авиазаводи тузилган шартномаларга мувофиқ 2005 йилда Россия ва

бошқа мамлакатларга 15та самалёт етказиб бераган бўлса, келажақда ИЛ-114 русумли ҳаво кемаси ЯК-40 ва АН-14 ҳаво кемалари ўрнини бутунлай эгаллайди. 2009 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиаация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти базасида ишлаб чиқарилган худди шундай учта ИЛ-114 русумли ҳаво кемасидан фойдаланиб, маҳаллий қатновларни амалга ошироқда.

Республикамиз Ил-114-100 авиалайнерининг ўзига хос хусусияти — авионика тизими функциялари такомиллаштирилган ва кенгайтирилганлиги, эксплуатацион харажатлар қисқартирилиб, барча техник хусусиятлари анча яхшиланганлигидадир. Самолёт қўнишга автоматик равишда кириш тизими билан жиҳозланган бўлиб, унда 52 йўловчи ўриндиғи жойлашган. Ҳаво кемасининг узоққа уча олиш масофаси — 1250 км, оддий тезлик — соатига 500 км. Авиадвигателларнинг ёқилғи сарфлашда тежамкорлиги ҳаво кемасига бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу русумдаги самолётлари билан рақобатлашиш имконини беради.

Навбатдаги Ил-114-100 авиакомпания паркидаги учинчи самолёт бўлиб, у авиаация ташувлари бозорининг барча талабларига жавоб беради ҳамда учув-техник ва иктисодий хусусиятларининг оптимал тарзда ўзаро мувофиқлиги билан фарқ қиласи. Келгусида Миллий авиакомпания парки республикамида ишлаб чиқарилаётган бундай самолётнинг 8тасига эга бўлади.

Экипаж кабинасининг тузилиши самолётни иккита учувчи томонидан бошқариш учун жуда қулайдир. Асбоб-ускуна тахталаридаги дисплейлар индикациясининг ранглар гаммаси ва аниқлиги ҳам яхшиланди. Ҳаво кемаси ускуналарининг олдингиларидан ихчам ва енгилроқлиги самолёт салонининг радио бўлмасида йўловчилар учун гардероб сифатида фойдаланиладиган қўшимча майдон бўшатиш имконини берди. Мазкур лайнер вентиляция ва сунъий иқлим ҳосил қилиш тизими билан ҳам жиҳозланган.

Бу самолёт парвоз синовларидан ҳам жуда яхши ўтди. У ҳаво кемасини бошқариш юқори аниқлиги билан ажralиб туради. Ушбу ҳаво лайнерини “ЧТАИБ” ДАЖ корхонасида йиғишда Россияда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар, АҚШнинг “Rockwell Collins” фирмасининг энг янги авионикаси, “Pratt&Whitney Canada” (PWC) фирмасининг авиадвигателлари, “Hamilton Sundstrand” (АҚШ) фирмасининг ҳаво винтлари ва “Honeywell” (АҚШ) фирмасининг ёрдамчи куч қурилмасидан фойдаланилди<sup>9</sup>.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ҳам россиялик шериклар билан ҳамкорлиги янада фаоллашмоқда. Бир томондан, унинг Россияга экспорти салмоғи ортмоқда.

<sup>9</sup> [www.uzairways.uz](http://www.uzairways.uz)

Тахминларга кўра, экспорт ҳажми 2004 йилда 25минг автомобилни ташкил этди. Иккинчи томондан, россиялик пўлат қуюувчилар маҳсулоти сифатининг ортиб бораётганлиги Ўзбекистон автомобиллари учун харид қилинадиган иссиқ-совук усулда маҳсулотни Россиянинг «Севросталь» компаниясидан олиш имконини беради. Шуниси аҳамиятга моликки, Ўзбекистоннинг авиация ва автомобиль заводлари Россия Федерациясининг 957 корхонасига бутловчи қисмлар ва материаллар учун буюртма берган.

Ўзбекистон ва Россия савдо алоқалари фаоллашиб бораётганининг сабаби нимада? Жавоб аниқ – ҳар икки мамлакат иқтисодиётида ўсиш қузатилмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръати, у билан боғлиқ савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси, аҳоли реал даромадларининг мутассил ўсаётгани шундан далолат берадики, Россия тобора қулай, ҳудудий жихатдан яқин, тўловга лаёқатли бозорга айланмоқда. Бу бозорга ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари ўзларининг хилма-хил маҳсулотларини етқазиб бериши мумкин.

Россия сармоядорларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кенг миқёсда инвестиция киритишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу, аввало, нефть ва газ қазищ, уларни қайта ишлаш, телекоммуникация, кон саноати, металлургия, машинасозлик, асбобсозлик, электротехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби экспортга йўналтирилган соҳалар ва бошқа истиқболли тармоқларда ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, 2004 йилнинг апрелида Россиянинг «Газпром» компанияси билан «Шохпахта» газ конида газ қазиб олиш ва ундан фойдаланишдаги иштироки бўйича маҳсулот тақсимоти тўғрисида битим имзоланди. Айни пайтда «Газпром» билан Устюрт нефть-газ конларида табиий газ геолоия-қидирав ишларига, қазиб олиш ва йилига 10 млрд.куб метр ҳажмида реализация қилиш мўлжалланган лойиҳага 1,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутувчи битим ишлаб чиқилмоқда.

«Лукойл» компанияси билан маҳсулот асосида Қандим, Хаузоқ, Шоди газ конларида табиий газ қазиб олиш ва биргалиқда реализация қилиш бўйича йирик битим тайёрланмоқда. Бунда «Лукойл» компанияси 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритади ва лойиҳанинг амалга оширилиши 200 млрд.куб метрга яқин табиий газ қазиб олиш имконини беради.

Машинасозлик, асбобсозлик, электротехника саноатидаги технологик кооперацияга асосланган самарали алоқалар тикланмоқда. Кабель маҳсулотлари, электротехник машиналар, жиҳозлар ва аппаратура ишлаб чиқариш соҳаларида 19та Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси фаолият юритмоқда. 33та кўшма корхона саноат ва

маиший турдаги асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Машинасозлик, машина ва жихозларни таъмирлайдиган 68та кўшма корхона тузилган.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида интеграция чуқурлашмоқда. Бу соҳада 9та Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси, жумладан, машҳур «Балтимор», «Черкизово» ва бошка компаниялар билан ҳамкорлиқда тузилган корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

«Вимм Билль Дан» компанияси йирик «Тошкентсуг» бирлашмаси акцияларининг 77 %ини харид қилиш ҳакида шартнома имзолади. Ушбу ҳужжатда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи кўшма корхона тузиш учун 20 млн. доллар сармоя киритиш кўзда тутилган.

Сўнгти пайтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иктисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг кенгайиши иқтисодий шароит ва ўзоро манфаатларни ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

## **12.2. Хитой – стратегик шерик ва йирик ҳамкор**

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Хитой билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. БМТ Хавфиззик кенгашининг доимий аъзоси, иқтисоди жадал ривожланаётган бу давлат билан ҳамкорлик қилиш иқтисодий ривожланишда, миллий ва минтақавий хавфиззикни мустаҳкамлашда, глобаллашув жараёни чуқурлашаётган ва турли сиёсий ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда ҳалқаро сиёsat майдонидан муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади. Ҳалқаро муаммоларни ечишда тобора фаол қатанашаётган, дунёда эътироф этилган «Хитой модели» туфайли ялпи ички маҳсулоти бир неча йилдан буён 7 – 8 фоиз миқдорида барқарор ўсиб келаётган бу давлат дунёning етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган.

Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зоро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида хавфиззикнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти ҳалқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Ҳалқларимиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир-бири билан алоқа қилиб, фани ва маданиятини бойитиб, тажриба алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда этиширишни Ўрта Осиё ҳалқларидан ўрганишган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакчилиги ва эритиш техникаси ўзлаштирилган.

Ўзбекистон – Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва равнақ топган тарихий алоқаларни тиклаш ва замонавий ҳамкорликни

кенгайтириш нуқтаи назридан ҳам долзарбдир. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг хуқукий пойдевори мустаҳкамлиги бунинг учун қулай замин яратмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги сиёсий, ижтимоий - иқтисодӣ вазият нафақат Ўзбекистон ва Хитой каби яқин қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатлари ҳамжиҳатлиқда иш олиб боришини тақазо этмоқда. Глобаллашув жараёни ижтимоий - иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантиришни, террорчилик, экстремизм, трансмилллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроқ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишни, сиёсий алоқаларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мана шу масалаларнинг ўзиёқ Ўзбекистон - Хитой муносабатларида ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳими, алоқаларни ривожлантиришдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан икки мамлакат ҳам бирдек манбаатдордир.

Икки дўст мамлакат – Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги қўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари, хусусан, ўзро манбаатли савдо - иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Табиийки, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада тараккий эттиришда хитойлик ишбилармонлар билан биргалиқда ташкил этилаётган қўшма корхоналар муҳим ўрин тутади. Бугунга келиб, мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокида ташкил этилган 101 корхона фаолият юритмоқда.

«Bright Oceans» (ВОСО), айниқса, ўз маҳсулотлари билан мамлакатимиз бозорида мустаҳкам мавқега эришган Хитой корпорацияси ҳисобланади. Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинътаонинг Ўзбекитонга давлат ташрифи дирасида «Брайт Ошн» корпорацияси президенти Ден Вей жаноблари ҳам мамлакатимизга келди. Фан таълим ривожига катта эътибор қаратадиган корпорация раҳбари сафар давомида республикамиз Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказида бўлиб, таълим ислоҳотларининг бориши билан танишди ва беғараз ёрдам сифатида марказга 15та компьютер тақдим этди.

### **12.3. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – хавфсизлик ва ҳамкорлик гарови**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) тузилганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Лекин 2001 йилдан буён ўтган қисқа вақт давомида у ўзининг самарадорлигини тўла намоён этди ва жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига тушди. 2002 йили Санкт-Петербург шаҳрида

ташкилотнинг асосий таъсис хужжати – харитаси қабул қилинди. 2004 йилдан Пекинда унинг Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксильтеррор тузилмаси (МАТТ) доимий фаолият кўрсата бошлади.

ШХТ асосий вазифалари хавфизилик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришdir. Шу йўналишдаги ҳамкорлик изчил ривожлантирилмоқда. 2020 йилгача бўлган даврда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган, террорчилик, экстремизм ва айирмачиликка қарши биргалиқда кураш тўғрисида битим имзоланган.

Кейинги пайтда юртимизда ҳалқаро миёсдаги бир қатор муҳим сиёсий воқеалар бўлиб ўтганидан яхши хабардормиз. Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити (2004 йил. июнь) минтақамиз истиқболига доир қабул қилинган муҳим хужжатларга, ҳалқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргалиқда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бойлиги, ишчанлик руҳида ўтгани билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди.

Бу нуфузли учрашувнинг юксак савияда ўтиши ва умуман, мазкур анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларга эршишда саммит ишига раислик қилган Ўзбекистон раҳбари хизмати катта бўлгани ҳам кўпчилик томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ушбу анжумандаги нутқида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) фаолиятини янада такомиллашириш, ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган ғоя ва таклифлар саммит ишининг маъно-мазмунини белгилаш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Юртбошимиз ўз нутқида саммит иштирокчиларига мурожаат қилар экан, кун тартибига кўйиллган масалалар ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъқидлаб ўтди. «Ўйлайманки, Тошкент саммити ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно- мазмун билан тўлдиришдаги якуний босқич сифатида тарихда қолади», деди у.

Ҳозирги вактда Пекинда ШХТнинг котибияти иш олиб бормоқда.

Тошкентда Минтақавий антитеррор маркази тузилди. Ўтган давр мобайнида бу масала бўйича уч бор йиғилиш ўтказган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўз олдига қўйилган вазифаларни изчил бажармоқда, ШХТнинг Мувофиқлаштирувчилар кенгаши тезкор, ўта муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу саммит арафасида ШХТга аъзо мамлакатлар хавфизилик кенгашлари котибларининг учрашуви ҳамда иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси самарали

ўтганини алоҳида қайд этиш зарур. Буларнинг барчаси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган даврда бажарилган жами ишлар ШХТ мамлакатлари, биринчи галда, Россия ва Хитой раҳбарларининг Шанхай ҳамкорлик тақилотини ўз зиммасига шу минтақада яшовчи халқлар хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда фаравонлигини таъминлаш масъулиятини олишга қодир бўлган нуфузли халқаро ташкилотга айлантиришга қаратилган қатъий иродаси ва азму шиҷоати туфайли амалга оширилди.

ШХТ фаолияти истиқболи ва самарадорлиги қўп жиҳатдан БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш ана шу икки етакчи давлат – Россия Федерацияси ва Хитой Xалқ Республикасининг фаол иштироки ва ҳамкорликдаги ҳаракатларига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий - иқтисодий, минерал-хом ашё ва биринчи навбатда углеводород заҳиралари туфайли халқаро ҳамжамияти диққат марказида бўлиб келаётганини қайд этди. Хусусан, Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди.

Воқеалар ижобий йўналишда ривожланаётганига қарамай, Афғонистон вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тинч йўл билан қайта тиклаш учун жиддий ёрдамга эҳтиёж сезмоқда. Бу заминда гиёхванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, айниқса, катта хавотир уйғотади.

Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачи қучларнинг фаоллашаётгани ҳам каттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди.

Ислом Каримов ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ва транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хом ашё заҳираларидан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ва мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шу мақсадда бу ҳудуддаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантириш лозимлигини уқтириб ўтди.

«Марказий Осиё мустақил давлатлари ҳар бири ўзига хос тарихий, этник-маданий илдизларга, диний ва ижтимоий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканини доимо ёдда тутиш мухим,— деди Ўзбекистон Президенти – уларнинг ҳар бири вазмин, жуда эътибор билан, таъбир жоиз бўлса, хурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қиласи».

Марказий Осиёда юз берётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг қалити ва минтақада барқаролик ва хавфсизликни саклаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассамлашади. Айнан ана шу омилларни ҳисобга олмайдиган барча ташабbusлар самарали ва муваффақиятли бўлмайди.

Биз шунга қатъий аминмизки, ШХТнинг биносини кўтариб турадиган асосий устунлар, энг муҳим йўналишлар хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиши зарур. Ана шу икки устун ёки таъбир жоиз бўлса, араванинг икки ғилдирагига таянган ҳолдагина, ШХТ фаолияти самарадорлиги ва унинг халқаро нуфузини, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги вазиятга мос тарзда ҳаракат қилишини таъминлаш мумкин.

Ислом Каримов Ўзбекистон ШХТнинг устувор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айрмачилик ва гиёхванд моддалар савдосига қарши муросасиз курашни сўзсиз қўллаб-куvvatлашини такидлади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида расмий очилиш маросимида Минтақавий антитеррор марказининг фаолияти айни ана шу мақсад ва вазифаларга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари ва ушбу тузилма фаолиятини такомиллаштириш ҳакида тухталиб, жумладан, қўйидаги амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурди:

«Минтақавий антитеррор тузилманинг ўз вақтида ишга туширилиши ШХТга аъзо барча мамлакатларнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракатлари давлат раҳбарларининг бу масалага шахсий эътибори туфайли амалга ошди».

Минтақавий антитеррор тузилманинг мақоми, фаолият йўналишлари ШХТнинг давлат бошлиқлари даражасида тасдиқланган асосий хужжатлари билан белгилаб берилган. ШХТнинг турли даражадаги учрашувларида Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятини бевосита шакллантириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ жами 9та ҳужжат қабул қилинди.

«Минтақавий антитеррор тузилма муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти – бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ва ягона ёндашув ва карашимиз, десам, умумий фикрни айтган бўламан», – деди юртбошимиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид колаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шарт.

Иккинчидан, Минтақавий антитеррор тузилмани ШХТ мамлакатларининг тегишли хизматлари вакиллари–қўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Минтақавий антитеррор тузилманинг бош идораси ходимлари уларни

вакил қилиб юборган мамлакатлар пойтахтларидағи ўз ҳамкаслари билан боғланишлари, мулокот қилишлари ва доимий алоқада бўлиб туришлари жуда муҳим.

Учинчидан, биз ишонамизки, фақат маҳсус хизматлар ва хуқуқ - тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва яқин ҳамкорликкина тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотлар билан ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга қарши олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Тўртинчидан, Минтақавий антитеррор тузилма БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи ҳалқаро ташкилотларнинг антитеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

Бешинчидан, агарки ҳалқаро терроризм ва унинг ортида турган экстремистик марказлар ва кучлар катта молиявий ва бошқа ресурсларга, ўзгараётган вазиятга қараб тез шаклини ўзгартириш ва мослашиш қобилиятига эга бўлса, бундай бало-қазога қарши курашиш уларга маҳсус, кўп томонлама ҳамкорлик усусларини ва биринчи навбатда олдиндан пайини қирқишиш ишларини қўллашни талаб қиласди.

Олтинчидан, ШХТ иш юритишининг фақат куч ишлатиш ва хуқуқ-тартибот усулари билан чекланиб қолмаслиги лозим. Муаммога кенгроқ қараш зарур. Бизнинг назаримизда, терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини таг-томири билан кўпориб ташлаш учун бутун бир табирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли ишларни учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солади, деб ишонтириб айтмоқчиман, деди мамлакатимиз раҳбари.

Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганларга қарши кураш билан чекланмаслигимиз керак. Булар аслида биз терроризм деб атайдиган найзанинг бир учи, холос.

Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратоётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини заҳирлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратоётганларга қарши курашиш даркор».

Ўзбекистон Президенти хеч қайси мамлакат наркоагressия, ҳалқаро террорчилик, диний экстремизм ва айирмачилик каби худуддан бошқа худудга ўтишига бефарқ қарайдиган шунчаки «транзит» бўлолмаслиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, баъзи қўшни худудларда бу борада ўзгача фикрлар ҳам қулоқка

чалинмоқда. Ёвузлик найзаси ҳозирча гүё бошқаларга қаратилганига ишониб, бундай оғат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайдиган тушунча эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Шу боис «ШХТнинг жавобгарлик ҳудуди» деган тушунча истеъмолга киришга ҳақли ва бунинг учун барча асослар бор.

ШХТнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати ҳақида тўхталиб, Президентимиз саммит иштирокчилари эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантиришни биз бу вазифани тубдан ҳал этишинг ечимларидан бири деб биламиз. Бу вазифанинг амалга оширилиши, бизнинг назаримизда, минтақа мамлакатлари ва ҳалқарининг туб стратегик манфаатларига мос келган бўлур эди. Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг фаол иштирокида умумий бозор тузиш бугун амалда бўлган тор милилий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматларнинг, меҳнат ва сармоянинг ягона ёндашув, ягона қонуний меъёр ва қоидалар жорий этилган йирик ва жуда кенг кўламли бозорини шакллантириш имконини беради.

Шу тариқа хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилади. Бу эса пировардида иқтисодиётни баркарор ўстириш ва одамлар турмуш даражасини оширишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ислом Каримов Ўзбекистон томони саммит йиғилишида Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлаклари ва йўналишлари борасида илгри сурилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Бу ғоя ва таклифлар ўз навбатида ШХТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтирувчи омилга айланиши мумкинлигига эътиборни қаратди.

Афғонистонни минтақавий муаммоларни ечишга жалб этиш, мамлакатни тинчлик йўли билан қайта тиклаш жараёнида зарур ёрдамни кўрсатиш мақсадида ШХТ давлатларининг Афғонистонга қўмаклашиш бўйича ўзаро келишилган, аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига уч йил бўлди,—деди Ислом Каримов ўз нутқи якунида. — Ўтган давр мобайнида эришилган асосий натижа шуки, ШХТ амалий фаолият кўрсатаётган нуфузли ҳалқаро ташкилот сифатида шаклланиб бўлди».

#### **12.4. Кейс стади: «Ўзбекистон—Малайзия ҳамкорлиги»**

Малайзия бир маҳаллар нефть-газ, палма ёғи ва қалай захираларига бойлиги билан машхур эди. Аникроғи, хом ашё ўлкаси эди. Бугун у юксак суръатлар билан тарақкий этиб бораётган, ривожланган давлатларга ҳар томондан тенг келиб қолган мамлакат десақ, хато бўлмайди.

У дунёдаги энг илғор технологияларни таъбир жоиз бўлса, зудлик билан ўзлаштириб олган, компьютер билан алоқадор соҳаларда фаолият кўрсатадиган фирма ва компаниялар энг кўп жойлашган мамлакатларданdir.

Айни пайтда ушбу мамлакат Жануби-шарқий Осиёдаги энг нуфузли ташкилот бўлмиш АСЕАНга раислик қилмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш ўринлики, АСЕАНни таъсис этишда Малайзия асосий ташаббускор бўлган. Демак, ушбу давлат билан ҳамкорлик орқали Ўзбекистон жаҳоннинг катта бир минтақаси мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очади.

Малайзия айни вақтда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ)га раислик қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг нафақат ушбу ташкилот аъзолари орасида, қолаверса, бутун мусулмон дунёсида обрў-эътибори юқори эканлигидан далолатdir. Яъни, Ўзбекистон Малайзия билан ҳамкорлик воситаси орқали ИКТ аъзолари билан ҳам муносабатларни фаоллаштириш имконига эга. Диний экстремизм, динни никоб қилган халқаро террорчилик таҳди迪 тобора ошаётган хозирги вақтда эса бу ғоят муҳим аҳамиятга молик масаладир.

Иқтисодий жиҳатдан қараганда ҳам Малайзия билан ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатлидир. Юқори технологияларни ўзлаштириш борасида, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва бу минтақадан сармоя жалб қилишда Малайзия билан алоқаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Юқорида зикр этилган сиёсий омилларнинг ўзи бу фикрга яхшигина асос бўлиши мумкин.

Икки томонлама муносабатларга доир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий масалалар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувларнинг яқин ё ўхшашлигини назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон доим халқаро майдонда ушбу давлатни кўллаб-қувватлаб келади. Мисол учун, мамлакатимиз БМТ хузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп маротаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили — ЭКОСОСга, 1998 йили хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004-йили хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини бартараф этиш бўйича қўмитага.

Малайзияга ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бозорларига йўлни қайтариш имконин беради.

2005 йил 2–4 октябрь кунлари Куала-Лумпурда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллулайл билан мулоқотда кенг қамровли масалалар юзасидан фикр алмашди. Мамлакат бош вазири Абдулла Бадавий билан тор доирада ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокарада эса барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлакни ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар мухокама этилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Аввало, алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Президент Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг қўшма баённи қабул қилинди. Унда ҳамкорликкнинг тамойиллари ва истиқболлари баён этилиб, муносабатларни ривожлантириш борасида томонларнинг яқдиллиги, қатор халқаро ва минтақавий масалаларга қарашлари ҳамоҳанглиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Малайзия ҳукуматлари ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, Савдо бўйича қўшма қўмита, сайёҳлик ҳамда минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида, ҳавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка карши курашда ҳамкорликка оид англашув меморандумлари, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги аҳдлашув баённомаси имзоланди.

Сафар асносида Президент Ислом Каримов Малайзия парламентида бўлиб, Сенат Раиси Абдул Ҳамид Паванте ва Вакиллар палатаси Спикери Рамли Биннга Толиб билан учрашди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги паламентлараро алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ташқи ишлар Вазири Ҳамид Албар билан мулоқот эса икки томонлама сиёсий ҳамкорлик, АСЕАН конференцияси ташкилоти каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама алоқалар билан боғлиқ масалалар мухокамасига бағишланди.

Ислом Каримов шунингдек, Малайзиянинг собиқ бош вазири Махатхир Мұхаммад билан учрашди. Катта сиёсий нуфузга эга таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Махатхир Мұхаммад Ўзбекистон — Малайзия муносабатларига оид масалаларни яхши билади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига Малайзия томони катта тайёргарлик кўрди. Савдо бўйича қўшма қўмита ташкил этиш борасида келишувга эришилган, лекин ҳали бу ҳақдаги ҳужжат имзоланмаган эди. Шундай бўлса-да, сафарнинг иккинчи куни қўмита ўзининг илк мажлисини ўтказди. Бу томонларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қарашлари ҳамоҳанг, мақсадлари мушгарак эканлигидан яна бир далолатдир.

Кўмита йиғилиши икки мамлакат ишбилирамонларининг бизнес-форумига уланиб кетди. Қатнашчилар сафи бир неча бора кенгайиб, бизнесменлар бевосита ўзларини қизқтирган масалалар юзидан музокара ўтказдилар, имконият, шарт-шароит ва бошқа омиллар бўйича савол-жавоблар белгиланган вақтдан анча узқ давом этди.

Форум якунида Ўзбекистон ва Малайзия ишбилиармон доиралари ўртасида жами 16 ҳужжат имзоланди. Улар банк-молия, саноат, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳамкорликни назарда тутади. «Петронас» корпорацияси билан тузилагн 2 ҳужжатни ҳам қўшиб айтадиган бўлсақ, иқтисодий мажмуя бўйича 18 келишув расмийлаштирилди. Уларнинг молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошади.

Шу ўринда «Петронас» корпорацияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. 1974 йил 17 августда тошкел этилган мазкур йирик трансмиллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Петронас»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Петронас»нинг салоҳияти ҳақида Куала-Лумпур марказида қад ростлаб турган мўъжиза ҳам яхши тасаввур беради. Айни шу ном билан аталувчи «гиз» минора нафа кат Малайзия пойтахти, балки бутун малакатнинг рамзи ва фахрига айланган. 1998 йилда бунёд этилган бу қўшминоранинг баландлиги салқам 452 метрга тенг. Улардаги идоралар, дўконлар, кўргазма ва конференция заллари, галереялар, ошхона-ю қўнгил-очар масканларнинг жами майдони 214 минг квадрат метрга етади. Бу 48та футбол майдони, демақдир. «Петронас» корпорацияси асосий пудратчи сифатида унинг қурилишига 800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

Шу тариқа Ўзбекистон Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди, алоқалар пойдеворини янада мустаҳкамлади. Малайзиянинг сиёсий ҳам-жиҳатлик, ҳалқларимизни эса диний ва маданий қадриятлар бир-бирига яқинлаштириб туради. Иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар майдони мавжуд. Айниқса нефть-газ, юқори технологиилар, енгил саноат, савдо ва сармоя соҳаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Ислом Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи ана шу бой мустаҳкам асосга эга ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасизdir.

### **Қисқача хуносалар**

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини диққат билан кузатар эканмиз, аёнлашадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръати жаҳон

иқтисодиётига чукур интеграциялашув асосида хорижий инвестиция ҳамда экспорт салохияти барқарор ривожланиши туфайли таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон, бошқа мамлакатлар сингари, ўз ташки иқтисодий сиёсатини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва шериклик манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда юритади. Тараққиёт йўлида АҚШ, Япония, Россия, Хитой, ва Европа давлатлари билан ҳамкорлик қиласи ҳамда худуд ҳавфизилиги ва интеграцияга ўз хиссасини кўшишда давом этади.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбари нутқида кўтарилигдан масалалар ижросини таъминлаш, авваламбор, минтақамизда тинчлик ва ҳавфизиликни мустаҳкамлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига янгича маънозмазмун бахш этиш, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қиласи.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ўзбекистонинг ташки иқтисодий сиёсати нимага асосланган ?
2. Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий фаолияти қандай ривожланмоқда?
3. Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий фаолияти ШХТ давлатлари ўртасида қайси давлатда яхши ривожланган?
4. Ривожланган давлатлар орасида савдо-сотик қайси давлатлар билан яхши ўрнатилган?
5. Нега Россия ривожланиб бораётга сармоядор ҳисобланади?
6. Экспорт ва импортнинг жуғрофий таркиби қандай ташкил топади?
7. Россия, АҚШ, Япония, Хитой билан иқтисодий муносабатлар қандай йўлга кўйилган?
8. Келажақда устувор иқтисодий шерикчилик қайси давлатлар билан амал қиласи?
9. ШХТ ташкилотининг мақсади нималардан иборат?
10. ШХТ кузатувчилари ҳақида нималарни?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан –тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 12 апрель.
2. Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
3. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
4. Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. – «Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
5. Интернет веб-сайтлари.  
[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)  
[www.makroiqtisodiyot.narod.ru](http://www.makroiqtisodiyot.narod.ru)  
[www.uzairways.uz](http://www.uzairways.uz)

## **13-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТISODIЁTНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

13.1. Ҳамкорликнинг умумий тавсифи.

13.2. Марказий Осиё давлатларининг глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати.

### **13.1. Ҳамкорликнинг умумий тавсифи**

Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари таҳлилига етарли институтционал эволюцион нуқтаи назардан ёндашилмаган. Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатни, кўпчилик чет эллик муаллифларнинг ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқотларида кузатиш мумкин. Жараёнларда макроиктисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг тайёр қолипларига ортиқча урғу берилиши, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кечираётган, алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ўзига хос шароитларни атрофлича ҳисобга олмасликни кузатиш мумкин. Бундан ташқари, бу жараёнда иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик ва истиқболли вазифаларини етарлича баҳолай олмаслик ва устуворлик қисқа муддатли вазифаларга берилгандиги сезилади.

Ўтиш даврининг дастлабки ўн йиллиги тизимларни қайта ташкил этиш, яъни марказлаштирилган тарзда режалаштиришга асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотлар амалда анча мураккаб ҳамда тассавуримиздагига нисбатан узокроқ давом этадиган жараён эканлигини кўрсатди. Иқтисодий сиёсат борасидаги етакчи хорижий тадқиқчиларнинг ўтиш даврига оид турли муаммоларга бағишланган тадқиқотларида ҳамон бир қатор масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Фикр-мулоҳазалар турлича бўлиши ва сиёсий иқтисодга ёки эконометрик таҳлилларга асосланганликдан қатъи назар, улар бу мамлакатлар тавсия қилган иқтисодий сиёсатни етарли даражада амалга оширганлари учун тизимлардаги ўзгаришлар жараёнда жиддийроқ тўсиқларга дуч келганликларини кўрсатишига мўлжалланган.

Услубий нуқтаи назардан «институтцион қопқонлар» ибораси киритилган. Бу ибора ўтиш даврида эволюцион тарракқиёт қонунларини етарли эътиборга олмаслик натижасида иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлар оқибатларини изоҳлаш учун кўлланилади. «Институтцион қопқонлар»нинг жудаям қалтис шакллари шу ҳолларда намоён бўладики, унда сиёсий ўзгаришлар ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг даражаси ва табиатига мос келмайди, давлат ва халқ янги имкониятлардан керакли даражада фойдаланишига тайёр бўлмайди. Ана шундай ҳолатда кутилган натижалар билан воқеалик ўртасида, харажатлар билан даромадлар, имкониятлар билан мақсадлар ўртасида катта тафовутлар юзага келади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда амал қилингандык стратегия ва сиёсат, тизимлардаги ўзгариштар оқибатда мутлақа турлича, баъзи ҳолларда эса тескари натижаларга олиб келиши мумкин бўлди. Шу маънода барча мамлакатлар ўтиш даврининг илк босқичида, гарчи, турли даражада ва кўринишларда бўлса хам, «қопқонлар»га илинди (юқори ёки гиперинфляция, давлат бюджетидаги юқори дефицит; ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши ва саноатнинг инқирози; камбағаллашувнинг жадаллашиши ва даромаддаги тенгсизлик). Буларнинг кўпларига ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш интизоми барбод бўлганлиги, шунингдек, глобаллашувга хос бўлган «қопқон»лар (ташки савдода ҳамда молиявий тангликлар, жорий операциялар ҳисобидаги узлуксиз дефицит, капиталнинг четга чиқиб кетиши ва ташки қарз тобора кўпайиши олдида ожизлик) сабаб бўлди. Ўтиш даври ҳамда глобаллашув «қопқонлар»и, яъни тизимларни қайта шаклантиришдаги «қопқонлар» дастлабки шарт-шароит билан амалга оширилаётган сиёсат ўртасида номувофиқлик кўпроқ содир бўлган давлатларда хатарлироқ эканлиги чуқур очиб берилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўламлари ва унинг ялпи пасайиши сабаблари ўтиш даврининг илк босқичларида ёк намоён бўлади. Булар турли усуслар, шу жумладан, статистикадаги ва услубиётдаги мавжуд хатолар билан ҳам изохланади. Бироқ ЯИМ микдорини ўлчашда қўшимча тарзда яна уч гурӯҳ омилларни эътиборга олиш керак. Булар қўйидагилардир:

- 1) бошланғич институционал, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар;
- 2) ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (собиқ СЭВ)нинг парчаланиши;
- 3) давлат назоратининг бекор қилиниши натижасида юзага келган саросималик ва тизим парчаланишидаги «қопқонлар» билан боғлиқ бошқа ҳолатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши сабабларини аниқлаш ва тизимли ўзгариш билан боғлиқ бошқа «қопқон»ларни уйғунлаштириш учун танланган ва олиб борилган сиёсатни унинг мавжуд институционал ва бошқа омиллар билан мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ва зарурдир.

**Туб ислоҳотлар ва инвестицияларнинг камайиши.** Капиталнинг четга чиқиб кетиши анча сезиларли бўлди ва баъзи ҳолатларда ташки молиялаштиришнинг умумий ҳажмидан ҳам ошиб кетди. Ички ва ташки хусусий инвестициялар бир меъорда кўпайишини таъминлай олмаган мамлакатларда инвестицияларнинг камайиши айни қса, кўпроқ салбий натижаларга олиб келди.

**Хусусийлаштириш ва капиталнинг четга чиқиб кетиши.** Фалаж қилиб даволаш» тарафдорлари илгари сурган учта асосий унсурнинг бири эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик сингари жадал хусусийлаштиришдан иборат эди. Бу, ўз

навбатида, тизимларни қайта шакллантиришда жиддий силжишларга олиб келди. Хитой ва Вьетнам тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврининг бошларида йирик миёсда хусусийлаштирмасдан туриб ҳам бозор ислоҳотлари соҳасида жиддий ютуқларга эришиш мумкин экан. Туб ислоҳотлар йўлидан борган мамлакатларда ўтиш даврининг дастлабки босқичида молиявий институтларнинг етишмаслиги, хусусийлаштиришдаги «ваучер» шакллар, жамият бойликларини яшириш ва ошкор тарзда эгаллаб олиш ҳамда катта микдордаги капиталнинг четга чи қиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқариш камайишида муҳим сабаблардан бири бўлди.

### **Ўтиш даврининг дастлабки босқичида бюджет сиёсатининг аҳамияти.**

Баъзи тадқиқотларда (B.G.Schwartz (1994 й.)) иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда бюджетнинг қисқариши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро якин алоқадорлик борлиги қайд этилмайди. Ваҳоланки, МШЕ ва МДҲ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари маълумотлари таҳлили натижасида маълум бўлди, ана шу икки ҳолат бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, ўтиш даврининг дастлабки босқичида бюджет омилларидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайишига йўл қуйилмаган (масалан, Польша ва Ўзбекистонда).

**Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш.** Schumpeter (1912 й.) таъкидланишича, иқтисодиётни ривожлантиришда банклар ғоят муҳим аҳамият касб этади, зеро, улар пул омонатларидан фойдаланувчи компанияларни яхши танлай олади. Ушбу фикрга кўра, банк сектори омонотларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатган ҳолда фоизлар ўзгариши орқалигина эмас, балки бошқа йўллар билан ҳам иқтисодиётни ривожлантириш суръатларига самарали тўртки бериши мумкин. Шундай қилиб, Шумпетернинг молия ва тараққиёт бўйича мулоҳазалари унумдорликнинг ўсиши ва технологиянинг ўзгаришига банк фаолияти биринчи навбатда таъсир этади, деган фикри келтириб чиқаради. Кейинчалик маълум қилинган назарий моделларда ҳам (Diamond [1984 й.]), Boyd ва Prescott (1986 й.), King ва Levgne (1993 й.), Levine (1997 й.)) банклар ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилган.

Ушбу назария амалиётдаги далиллар билан ҳам тасдиқланади: ўтиш даври иқтисодиётидаги барча мамлакатларда ЯИМ нинг пасайиш жараёни молия сектори қисқариши билан бирга содир бўлди. Натижада шу нарса аён бўлдики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши қанчалик жадал бўлса, молиявий воситачиликнинг қисқариш даражаси шунчалик юқори бўлди. Ўтиш даври жараёнида молиявий воситачиликнинг пасайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришга бир қанча йўллар орқали таъсир қилиши мумкин. Молиявий воситачиликнинг бўшашиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришда катта талофатларга сабаб бўлган учта асосий кўринишда содир бўлади. Булар тўлов тизимидағи

узилиш, реал сектордаги жамғарма ва амалда инвестиция сифатида ишлатилган маблағлар ўртасидаги фарқ ҳамда банк-кредит секторининг инқирози.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатлари трансформация ва глобаллашув муаммолари билан тўқнашди. Чунки Марказий Осиё республикаларидағи сабиқ иттифоқ парчаланиб кетишидан олдин мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитни, шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари билан бирга нисбий иқтисодий афзалликларни ҳамда мавжуд бўлган тарроққиёт муаммоларини ўрганиш шундан далолат берадики, бу ҳудудда ахвол турлича бўлган. Бир томондан, инвестицияларнинг камлиги ҳамда тугал ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими бузилганлиги, бунинг оқибатида эса ижтимоий-иктисодий тараққиётга муайян даражада путур етганлиги кўзга ташланади. Иккинчи томондан эса, хусусий тадбиркорликка юқори даражада мойиллиги бўлган малакали аҳолининг мавжудлиги, табиий бойликлар, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги аҳолисининг нисбатан катта улушки, шунингдек, жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган товарлари борлигидир. Бироқ синчиклаб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири учун бу ҳолат турлича аҳамият касб этади.

**Аҳоли ва меҳнат.** Минтака юқори малакали ва маданиятга бой бўлган кўп миллатли аҳолига эга. Лекин шу билан бирга, аҳолининг тез ўсиши (асосан балоғатга етмаган болалар сонининг ўсиши) бошка жойларга кўчиб кетиш хисобига саноатда, айниқса, унинг юксак технологик тармоқларида ишчи қучининг камайиб кетишини тўла қоплай олмай қолди. Оқибатда нохуш вазият рўй берди: меҳнатга яроқли аҳоли тўлибтошган ҳамда қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарчаларда янги иш ўринларига талаб катта бўлган бир пайтда замонавий саноат тармоқларида ишчи кучи етишмай қолди.

**Табиий бойликлар ва атроф-муҳит.** Марказий Осиё ўзининг табиий бойликлари, айниқса, нефть, газ, рангли ва қимматбаҳо маъданлари, хусусан, олтини билан ажралиб туради. Бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг аксарият қисми минтақадан жаҳон бозоридаги нархлардан анча паст даражада олиб чиқиб кетилган. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Жанубий Қозогистон колхоз ва савхозлари асосан пахтачилик билан шуғулланган. Сув ресурсларининг ҳаддан ташқари катта қисми пахтачиликка ишлатилган. Натижада Орол денгизи фожиасига – XX асрнинг энг катта экологик инқирозларидан бирига йўл кўйилган.

**Инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол.** Сабиқ иттифоқ ҳукмронлик қилган давр мобайнида Марказий Осиёнинг барча республикаларида амалдаги инвестициялар хиссаси мамлакат бўйича ҳисобланганда анча юқори бўлган (Қозогистон бундан мустасно). Бинобарин, бу республикаларнинг ўша даврдаги қолоқлигига асосий

сабаблардан бири ҳам шу эди. Бунга, албатта, Марказий Осиёning табииий бойликлар ва кишилук хўжалик хом ашёлари базасига айлантириш стратегияси ҳам салбий таъсир кўрсатди. Савдо-сотиқ ва майший хизматни кўшиб ҳисоблагандаги учинчи сектор – хизмат кўрсатиш соҳаси ғоят мужмал тарзда ташкил этилганлиги яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ишлаб чиқаришда, ишчи ўринлари ва даромадда мавжуд бўлган катта тафовутларни йўқка чиқара олмади. Бунинг оқибатида ижтимоий-иктисодий қалоқлик юзага келди, аҳоли жон бошига ҳисобланганда маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш, турмуш даражаси ва сифати жиҳатидан улар собиқ иттифоқдаги барча республикалар орасида энг паст ўринга тушиб қолди.

Ўтказилган тадқиқотлар Марказий Осиё давлатлари ўз мустақилликларига эришганларидан сўнг юз берган иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, инқироз ва унинг вақти, чукурлигини яхшироқ тушунишга ва бу инқироздан қандай чиқиш йўлларини белгилашга ёрдам беради. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ислоҳот стратегияси бозор ислоҳотларининг ва глобал иқтисодиёт уйғунлашувининг босқичмабосқичлиги асосида нисбий мавжуд имтиёзлардан юқори даражада фойдаланиш учун ҳар бир муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул килиниши зарур эди. Оқибатда Марказий Осиё давлатларида ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичлари охирги йилларда ижобий кўрсаткичларга эришилганлиги 19.1-жадвалда келтирилнган.

### 13.1-жадвал

#### Марказий Осиё давлатларида ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичлари

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.
Қозоғистон	78,0	88,5	97,2	106,2	116,2
Қирғизистон	72,2	76,1	76,1	81,2	87,0
Тожикистон	41,0	45,0	49,0	54,0	59,7
Туркманистон	-	-	-	-	-
Ўзбекистон	98,8	103,8	107,5	112,3	120,9
МДҲ ўртача	68,0	73,0	77,0	82	88,6

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Тахлилий шарх. 2004 йил № 8, СИСМ, Т.: 2005. 16-б.

Бу ўзгаришларни амалга ошириш учун хусусий секторни ривожлантириш сари янги қадамлар қўйилиши лозим. Қудратли хусусий сектор бўлмаса, турли тадбиркорлик ҳаракатлари қўллаб-қувватланмаса, давлат ўтказадиган ўзгаришлар ва самарли саноат сиёсати ҳам, барқарор иқтисодий ривожланиш ҳам бўлмайди, ҳалқ турмуш даражаси ҳам яхшиланмайди.

### **13.2. Марказий Осиё давлатларининг глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати**

Собиқ иттифоқ тарқалгач, Марказий Осиёдаги беш давлат – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташки иқтисодий алоқалар учун минтақа ва жаҳон миқёсидаги интеграцияга очик бўлишга интилди.

Барча марказий Осиё давлатларининг экспорт товарлари асосан минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат эди. Қозоғистонда асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлардан, Қирғизистонда олтин, тамаки ва жун; Тожикитонда алюминий ва пахта толаси, Туркманистонда табиий газ, пахта толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, Ўзбекистонда пахта толаси, олтин, табиий газ ва рангли металлар экспорт қилинади (кўпчилик МДҲ мамлакатларига экспорт товарларининг шундай таркиби характерлидир).

Импортга келганда эса, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол моллари, шунингдек, нефть ва нефть маҳсулотлари (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикитонда, кейинги икки мамлакатда эса яна газ) дан иборат бўлган. Кейинчалик импорт таркибида дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё улуши камайиб, машинаускуналар кўпая бошлади. Бироқ мамлакат ичкарисида фойдаланиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларининг ўрнини қопловчи қайта ишлаш саноати товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймай туриб, импорт қилинадиган машиналар ва усуналар улушини кўпайтириш баъзи давлатларда жорий операциялар хисоблари бўйича катта сурункали дефицитга, бошқаларида эса истеъмол моллари импорти ҳаддан ташқари қисқартирилишига олиб келди.

**Ташки савдо ва рақобатбардошлиқ** катта аҳамиятга эга. Масалан 1998 йилнинг августида Россия рублининг девальвация қилиниши Марказий Осиё товарлари рақобатбардошлигига билвосита таъсир қилди. Айниқса, Россиянинг Европа Осиё бозорларига экспорти (ёнилғи, металлар) кўпайгани Қозоғистон шундай товарларни экспорт қилишига кўпроқ таъсир ўтказди. Бошқа товарлар эса сифатсизлиги сабабли уларнинг валюталари девальвация қилингандан кейин ҳам МДҲдан ташқарида деярли сотилмай қолди. Бу экспортнинг рақобатбардошлиги ва хилма-хиллиги кўп жиҳатдан валюта алмашув курсининг ўзгаришга ва миллий валюталар қадрсизланиши оқибатида нархларнинг нисбийлигига эмас, кўпроқ тузилмалар ислохотига боғлиқлигини исботловчи далиллардир. Россияда рублнинг девальвация қилиниши Марказий Осиё давлатлари товарларининг ички бозорда ҳам, Россия бозорида ҳам, бошқа бозорларда ҳам рақобатбардошлигига катта салбий таъсир қилди.

Республикамида 2004 йилда аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан унча катта бўлмаса хам тез суръатлар билан МДҲ мамлакатларидан импорт 1,3 баробар, хорижий мамлакатлардан 1,28 баробар ортди. Мос равища МДҲ мамлакатларидан импорт маҳсулотларини олиб кириш 38,3%дан 38,6%га кўпайди, хорижий мамлакатлардан эса, 61,7%дан 61,4%га камайди. Импортнинг асосий қисми ШХТ аъзолари – Россия (24,0%), Қозоғистон (63%), Хитой (7,0%) улушкига тўғри келди. Марказий Осиё давлатлари – Тожикистон, Туркманистон каби мамлакатлар билан савдо айланмаси бўйича ижобий натижаларга эришилди.

13.2-жадвал

**2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан амалга оширган экспорт ва импорт операциялари ҳажми (млрд. АҚШ дол.)**

Мамлакатлар	Экспорт		Импорт	
	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.
Жами	4273,0	4010,8	3406,1	3203,7
Қозоғистон	661,7	460,0	730,9	452,6
Қирғизистон	137,8	186,0	46,1	78,8
Тожикистон	191,8	156,9	16,8	21,2
Туркманистон	77,1	121,1	12,0	11.2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – 2009 йил.

13.2-жавал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йилда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё мамлакатлари билан олиб борган савдо сотик операциялари ҳажми жами ҳисобда камайган. Бу асосан 2008 йилда Қозоғистон Республикаси билан амалга оширилган экспорт ҳажмининг 661,7 млн. АҚШ долларидан 460 млн. АҚШ долларига, Тожикистон Республикаси билан амалга оширилган экспорт ҳажмининг 191,8 млн. АҚШ долларидан 156,9 млн. АҚШ долларига камайганлигидир. Лекин Қирғизистон Республикаси билан амалга оширилган экспорт операциялари ҳажми 2007 йилда 137,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 186 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Туркманистон Республикаси билан амалга оширилган экспорт операциялари ҳажми 2007 йилда 77,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 121,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

Булардан ташқарии Марказий Осиёда давлатлароро келишувга асосан истиқболда: ҳудуд сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун косорциум ташкил қилиш; чет эл инвестицияларини жалб этиш мақсадида ҳудудда ягона инвестицион иқлим яратиш мўлжалланган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Марказий Осиё давлатлари ягона Божиттифокини тузиш ва транспорт тарифларини жорий этиш; эркин савдо худудларни (зона) яратиш ва Марказий Осиёда ягона бозорни яратиш ва ишга тушириш керак.

**Ташқи савдони янада кенгайтириш йўллари ва зарурлиги.** Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, аввал бошданоқ жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлида вужудга келадиган бир неча фундаментал муаммоларга ва турлича ташқи қийинчиликларга дуч келди. Бу муаммоларни ҳал қилиш йўли минтақавий ва глобал савдо-сотикни кенгайтиришdir. Бу Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан аввал савдо мижозларини, товарларнинг турларини ва транспорт транзит йўналишларини кенгайтириш ва ўзгартиришни ўз ичига олади. Лекин, бу шароитларнинг ҳаммаси зарур бўлса ҳам, бозор ислоҳотлари давом эттирилмаса ва ташқи савдо эркинлаштирилмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Жаҳон бозорига интеграция бўйича янги имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун Марказий Осиё давлатлари аввало, куйидаги асосий масалаларнинг тегишли ечимини топишлари зарур:

корхоналар ўртасида бевосита ташқи савдони қўллаб-куватлаш;  
ташқи савдо ва инвестиция инфратузилмасини, айниқса, ички ва ҳалкаро тўлов тизимини такомиллаштириш;  
валюта алмашуви сиёсатини ислоҳ қилиш. Акс ҳолда инвестицияларни жалб этиб, ташқи савдо имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлмайди.

**Глобаллашув шароитида валюта алмашув сиёсати** ХВФ маслаҳатчилари валюта алмашуви (конвертация)ни жорий этиш юзасидан шошилинч чораларини кўриш, ўтиш давридаги мамлакатлар учун энг яхши кўрсатмадир, деган фикрни билдирилар. Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислоҳотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тўғрисида факат саноқли огоҳлантиришлар бўлган эди. Бу ёндашувлардан бири – ўтиш даврини валюта алмашувини эркинлаштириш билан бошлашни, иккинчиси – шундай йўл билан тугаллашни тавсия қиласи. Ушбу икки ёндашувдан фарқлироқ ўзига хос янгича ёндашув таклиф этилади.

Марказий Осиё давлатларини валюта алмашув сиёсатига қараб икки гурухга ажратиш мумкин. Қирғизистон билан Қозогистон биринчи ёндашувни танлади, Ўзбекистон билан Туркманистон эса ислоҳотларни аста-секин амалга оширишни афзал кўрди. Валюта алмашув сиёсатидаги тафовутга қарамай, глобал ва минтақавий молиявий инқироз Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларнинг нозик макроиқтисодий барқарорлиги учун оғир бўлди. Бунга Россиядаги молиявий инқироз, айниқса, кучли салбий таъсир қиласи. Бу пайтда Қирғизистон, Қозогистон ва Тожикистонда пулнинг

қадрсизланиши кучайди. Қозоғистонда олтин-валюта захиралари анча камайди. Қирғизистонда катта миқдордаги ташки қарзни түлаш муаммоси пайдо бўлди. Россия инқирозига жавобан валюта алмашувини билвосита кучлироқ назорат қила боштаган Туркманистон билан Ўзбекистонда тўлов баланси ва миллий даромадига салбий таъсир кузатилди.

Хозирги вақтда Марказий Осиё давлатларининг қумулатив ташки қарзи (ўтиш давридаги ҳамма мамлакатларда ҳам шундай ҳол юз берган) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидаги шундай вазиятга тобора кўпроқ ўхшаб кетмоқда. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларда Россиядаги валюта инқирози (1998 йил, 18 август) тўлов баланси ўртасидаги бевосита боғлиқликни эслатди. Тобора кучайиб бораётган ташки қарз муаммоси жорий операциялар, ҳисоблар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бўйича сурункали тақчиллик билан боғлиқ бўлиб, ҳалқаро захираларнинг тўпланишига тўсқинлик қилмоқда. Бинобарин, улар ташки қарз муаммоларига оид чоралар балансини мустаҳкамлашга қаратилган сиёsatни талаб этади, яъни жорий ва капитал ҳисоблар бўйича тушумлар умумий харажатлардан кўп бўлиши керак. Стандарт тавсияларда кўпинча:

экспортни рағбатлантириш ёки товарлар ва хизматлар импортини камайтириш йўли билан жорий операциялар ҳисобдаги тақчилликни камайтиришга;

импорт ўрнини босишга қодир бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноатнинг экспортга мўлжалланган тармоқларига кўмаклашиш учун бевосита хорижий инвестицияларни, хусусий ва расмий кредитларни жалб этиш йўли билан капитал ҳаракати ҳисоби бўйича салбий қолдиқни камайтириш чораларини ўз ичига олади; кутилмаган ташки салбий таъсир натижасида иккала ҳисобда ҳам салбий сальдо ҳолларида тўловсизлиқдан қутулиш учун ҳалқаро расмий захираларни етарли даражада сақлаб туриш тавсия этилади.

Бу таҳлил алмашув курсини эркинлаштиришни аввал бошданоқ макроиктисодий барқарорликни таъминловчи тадбирлар қаторига киритишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди, деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Иккинчи томондан, бу, алмашув курсини эркинлаштиришни ислоҳотларнинг охирига қолдириб бўлмаслигини кўрсатади. Маълум босқичдан бошлаб хорижий валютанинг яширин бозори мавжудлиги иқтисодий ўсишга борган сари кўпроқ салбий таъсир кўрсата боштайди. Шу тарика Марказий Осиё давлатларининг валюта алмашув сиёsatини таҳлил қилиш Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатларининг, шунингдек, Япония ва Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги тажрибасидан келиб чиқадиган сабоқларни тасдиқлайди.

## **Қисқача хуросалар**

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлиги глобал иқтисодиётга қўшилиш шартидир. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлигига ҳуқуқий база муҳим аҳамият касб этади. ХБФ ва Марказий Осиё ҳамкорлиги ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг ўрнатилиши алмашув курси сиёсатини юмшатади. Алмашув курсининг хилма-хиллиги маълум маънода қўпгина ривожланаётган мамлакатларга хосдир. Марказий Осиё мустақил давлатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси ўтиш даврининг устувор вазифаларидан биридир. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий асосларини яратиш лозим.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати қандай аҳамиятга эга?
2. Марказий Осиё давлатларида ўзаро савдо ва минтақавий ҳамкорлик қай даражада ташкил этилган?
3. Жаҳон бозорига интеграциянинг қандай имкониятлари мавжуд?
4. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати нималарни тақозо этади?
5. Валюта алмашув курслари қўплигига нималар сабаб бўлади?
6. Трансформация нима? Унга умумий тавсиф беринг.
7. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари нималарга асосланади?
8. Қайта туб ўзгаришлар стратегияси нималарни кўзда тутади?
9. Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш нима?
10. Давлат ва индустириал сиёсат ҳақида нималарни биласиз?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 15 апрель.
2. Каримов И,А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
3. Ишмухamedov A.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
4. Интернет веб-сайтлари.  
[www.micro-macroiqtisodiyot.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyot.fan.uz)  
[www.makroiqtisodiyot.narod.ru](http://www.makroiqtisodiyot.narod.ru)

## **14-БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЙЎЛЛАРИ**

- 14.1. Жаҳон иқтисодиётига интеграция шакллари ва гурухлари.
- 14.2. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимидағи интеграцияси.

### **14.1. Жаҳон иқтисодиётига интеграция шакллари ва гурухлари**

Ташки иқтисодий муносабатлар – миллий хўжаликлар ўртасида чуқур барқарорлашган ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимоти, турли даражада ҳамда турли шаклларда юзага келган ўзаро алоқалар асосида мамлакатларнинг хўжалик-сиёсий жиҳатдан бирлашиш жараёнидир. Кичик даражада бу жараён бир-бирига яқин мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий битим тизимини шакллантириш йўли билан ташкил этилган айрим хўжалик субъектлари (корхоналар, фирмалар) жамғармаларини ишга солиш, хорижда филиал (бўлим)лар барпо этиш орқали содир бўлади. Давлатлараро миқёсдаги интеграция (бирлашиш) давлатларнинг иқтисодий бирлигини шакллантириш ва миллий сиёsat келишуви асосида юзага келади.

Халқаро айирбошлиш, айниқса, XIX асрда кенг ривожланди. Унинг ҳажми 1800 йилдан 1913 йилгача 20 марта гача ошди ёки 1800 йилда жаҳон ишлаб чиқаришининг 3% идан иборат бўлган бўлса, 1913 йилда 33 %ини ташкил этди. XX асрдаги халқаро иқтисодий муносабатлар нотекис ривожланиши билан ажralиб туради. Масалан, 1913–1950 йилларда халқаро савдо ва ишлаб чиқариш жуда секин суръатлар билан ўсди. Чунки, жаҳон хўжалиги шу йиллар давомида бўлиб ўтган I ва II жаҳон урушлари натижасида ҳамда ривожланган капиталистик малакатларда чўзилиб кетган иқтисодий инқирозлар сабабли жуда катта моддий йўқотишларга учради. Аммо кейинги давр, яъни 1950–1973 йиллар жаҳон ишлаб чиқаришида ва савдосида «олтин давр» ҳисобланади. Бу даврда ўртacha ўсиш саноат ишлаб чиқаришида 6 % ни, жаҳон савдосида 10 % ни ташкил этди. Бундай юксалиш 1974 йилга келиб, халқаро бозорда нефть баҳосининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида узилиб қолди. Масалан, 1973 йил охирларида унинг баҳоси 14 долларгача кўтарилди, Эрон, Ироқ можароси сабабли 1 баррель нефтнинг баҳоси янада ошди ва 35 АҚШ долларини ташкил этди.

Дунёда бошланган «нефть инқирози» ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида чуқур тузилмавий ўзгаришлар бошланишига олиб келди. Бу мамлакатларда 70–80-йиллар мобайнида энергия ресурсларини кам истеъмол қилувчи ҳамда интеллектуал имкониятлардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланишга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди. Шу сабабли 1983–1990 йиллар жаҳон иқтисодиётининг энг давомли юксалиш даври бўлди.

Янгидан пайдо бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар, ўз навбатида, турли хил хом ашёлар ва табиий ресурсларнинг маълум кисмини кўпроқ четдан ташиб келтиришни ҳамда тайёр маҳсулотларни миллий чегаралардан ташқарида сотишни кенгайтиришни бошлади.

Масалан, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ривожланган Европа мамлакатлари нефтга бўлган эҳтиёжларининг 75–80 фоизини, АҚШ марганец рудаси, никель ва бокситга бўлган эҳтиёжининг 75–100 фоизини импорт ҳисобига қондирди. Япония иқтисодиётининг ривожланиши эса, асосан турли хил ёқилғилар ва хом ашёлар ташиб келтирилишига боғлиқ. Шу билан бир вақтда ушбу мамлакатлар фан ва техника ютуқларига асосланган маҳсулотларни дунё бозорига жуда катта миқдорда етказиб берувчи мамлакатлар ҳисобланади. Ер юзининг барча мамлакатларида харид қилинаётган автомобиллар, компьютерлар, мураккаб дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар, майший уй-рўзғор жиҳозлари асосан Фарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ёхуд Япония маҳсулотлариdir.

Ривожланган мамлакатларда замонавий истеъмол товарлари, саноат технологиялари, ахборот тизимларининг кенг тарқалиши уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришга ва турли хил ресурслардан тежамли фойдаланишга кенг имкон яратди. Ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг асосий хусусиятлари XX асрнинг сўнгти йилларида етакчи жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг туб сифат ўзгаришлари ҳамда жаҳон хўжалиги тузилишида ва ўсиш суръатларида бўлган ўзгаришларнинг кучайиб бориши халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичидаги хусусиятларини белгилаб беради.

Биринчидан, халқаро айирбошлишнинг таркиби тузилиши сезиларли даражада ўзгарди, мамлакатлар маҳсулотлар айирбошлишдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо-сотиқ олиб боришга ўтдилар. Масалан, жаҳон экспортида хизматлар улуши 60-йиллар охиридан 80-йилларнинг охиригача 27–30 фоиз кўтарилиди, дунёning саноатлашган 13 етакчи мамлакатида капитал экспорти 1990 йиллар бошида 1970 йилдагига нисбатан 8 баравар ошган.

Иккинчидан, капиталнинг четга чиқарилиши кучайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлишнинг кенгайиши замонавий халқаро иқтисодий алоқалар мамлакатлараро ўйғунлашувига олиб келди. Бундай хусусият ўз фаолиятини бир қанча давлатлар ҳудудида амалга оширадиган трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва банклар (ТМБ) сони ошиб боришида ўз аксини топди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 20 мингдан ортиқ ТМКлар мавжуд бўлиб, улар жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тўртдан уч кисмидан кўпрогини, ташки савдонинг эса

ярмидан кўпроғини назорат қилиб туради. Мисол учун, «Женерал Моторс», «Ройл Датч шелл», «Эксон» каби йирик ТМКлар обороти хажми Ўзбекистонда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдоридан икки мартадан хам ортиқ. Ўз ихтиёрида беҳисоб моддий ва молиявий қудратни жамлаган бундай корпорациялар ва банклар кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатига ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг умумривожланишига жиддий таъсир кўрсатадилар.

Учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий босқичида яна бир муҳим хусусият номоён бўлади, яни айирбошлишда мамлакатлар тутган ўриннинг қайта тақсимланиш жараёни кечмоқда. Маълумки, собиқ иттифоқ мамлакатларида ўтказилган чуқур сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар 9 мустақил давлатни бирлаштирган йирик халқаро иқтисодий ташкилот – Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашининг тарқалиб кетишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари асосан мана шу ташкилот доирасида амалга оширилар эди. Масалан, собиқ иттифоқ ташқи савдосининг 67 фоизи иттифоқ мамлакатлари, 22 фоизи ривожланган мамлакатлар ва 11 фоизи ривожланаётган малакатлар улушига тўғри келар эди.

Хозирда эса, жаҳон хўжалиги ва халқаро айирбошлишнинг умумий йўналишлари ва ўсиш суръатларини дунёнинг ривожланган 26та капиталистик мамлакати белгилаб беради. Бу мамлакатлар ер юзида давлатларнинг 15 фоизини ташкил этади ҳамда уларда жаҳон аҳолисининг 25 фоизи истиқомат қиласи. Аммо бу мамлакатлар дунёда ҳосил қилинаётган электир қувватларининг 75 фоизини, ёқилғининг 79 фоизини, ёғочсозлик маҳсулотларининг 85 фоизини ва пўлатнинг 70 фоизини истеъмол қилишади. Саноати тараққий этган мамлакатларнинг ўзаро савдоси жаҳон савдосининг 70 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиёти ривожланган ва халқаро айирбошлишда юқори ўринда турган мамлакатларнинг ҳудудий жойлашувига караб, уларни шартли равишда уч блокка ажратиш мумкин:

*Шимолий Америка блоки* – АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари (АҚШ ва Канаданинг хиссасига бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг 29 фоизи тўғри келмоқда);

*Европа блоки*–бозор иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатлари (Уларда дунё ялпи миллий маҳсулотининг 32 фоизи ишлаб чиқарилади);

*Осиё блоки* – Япония ва тез ривожланаётган Жанубий–Шарқий Осиё мамлакатлари (Биргина Япония хиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 15 фоизи тўғри келади).

Европа Иттифоқи унга аъзо бўлган мамлакатларнинг маблағларидан (бюджетларидан) холи равишда ўзининг мустакил молиявий воситаларига эга. ЕХ маблағларининг ҳажми бу Ҳамжамиятнинг кенгаши ва Парламенти томонидан аниқланади ва тасдиқланади.

Молиявий фаолиятда Ҳисоб Палатаси муҳим роль ўйнайди. У умумий молия бошқарувини амалга оширади. ЕХ институтларининг (масалан, агарар йўналиш ва кафолатланиш Европа Фонди, минтақавий ривожланиш Европа Фонди, Европа Ижтимоий Фонди) турли хилдаги жамғармалар ва маблағлари сарф-харажатлари устидан назорат ўрнатади. Мазкур фондлар ҳисобидан ЕХ сиёсий тузумининг турлича йўналишлари: агарар, ижтимоий, минтақавий сиёсат, энергетика ва шу кабилар тегишли маблағлар билан таъминланади. Европа инвестицион банки автаном ташкилот сифатида ЕХ нинг капитал жамғармасини қоплади, улар ҳисобидан эса минтақавий дастурларга, энергетикани ривожлантиришга, инфратузилмаларга узоқ муддатли қарзлар бериш ва кафолатлаш шартлари билан тегишли маблағлар ажратилади.

ЕХ бюджетининг даромад қисми:

**биринчидан**, хусусий маблағлардан ташкил топади. Улар четдан келтириладиган молларга белгиланган тўловлар, мамлакатдан ташқи бозорга чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фарқ қилувчи баҳоларини қоплашдан ортиб қоладиган маблағлар, умумтариф бўйича божхона солиқлари (ЕОУС тўловлари: солиқ ҳисобидан кўшимча киритилган нархлар ва бошқа маблағларнинг бир қисми бундан истасно) кабилардан иборат;

**иккинчидан**, ЕХ даромадига бу Ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлардан бюджетга 1,2-1,3 фоиз микдорида маблағ ажратилади. ЕХ бюджетининг сарф-харажатларига келганда эса, кейинги йилларда улар тахминан қуидагича тақсимланади (фоиз ҳисобида): Маъмурий хўжалик-4,5; Сиёсий тадбирлар-3,5; Ягона қишлоқ хўжалиги-66,5; Минтақавийлик-7,5; Ижтимоийсоҳалар-6,6; Энергетика-0,3; Саноат-0,1; Фан-техника-0,3; Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ахборотлар-0,08; Ривожланаётган мамлакатларга «ёрдам»-2,1; ЕХ давлатларига ажратиладиган қоплама тўловлар-8,4 фоизда.

**Европа Валюта Иттифоқи шаклланишининг биринчи босқичи** 1990 йил 1 июлдан 1993 йил 31 декабргача давом этди ва ҳозирда тўлиқ якунланган. Унинг доирасида Европа Иттифоқи ҳақидаги Маастрихт шартномасидаги бандлар руёбга чиқиши учун зарур бўлган тайёргарлик ишлари олиб борилди. Хусусан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Европа Иттифоқи ҳамда учинчи давлатлар ўртасида капитал миграцияси йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланди. Европа Иттифоқи ичидаги давлатлардаги иқтисодий кўрсаткичларни бир-бирига яқинлаштиришга катта эътибор

берилди ва аъзо давлатлар бир неча йилга мўлжалланган шу мақсаддаги шартномаларни имзолашди. Уларда антиинфляцион, бюджет сиёсатининг конкрет максадлари ва кўрсаткичлари кўрсатилди. Еврони киритишга тайёргарлик сифатида бу дастурлар Европа Иттифоқининг иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича кенгаши (ЭКОФИН)га тақдим этилиб ва Маастрихт шартномасида кўрсатиб ўтилган, инфляциянинг паст суръатларини давлат молиясини соғломлаштиришга ва аъзо давлатлар валюталари ўртасидаги алмашинув барқарорлигини сақлаб қолишига қаратилган эди.

Европа Валюта Иттифоқини шакллантиришнинг **иккинчи босқичи** 1994 йил 1 январидан бошланиб, 1998 йил 31 декабрда тугади. У аъзо давлатлар евронинг киритилишига янада конкрет ва чукурроқ тайёргарлик кўришига мўлжалланди. Унинг асосий ташкилий воқеаси Европа Марказий Банкининг аввалгиси сифатида Европа Валюта институти тузилмаси бўлди. Асосий вазифаси эса евро киритилишининг З-босқичидан Европа Марказий Банки ўз функцияларини бажара олиши учун зарур бўлган хуқукий, ташкилий, моддий-техник шарт-шароитларни шакллантириш эди. У бундан ташқари, ЕВИ тузилиши жараённида Европа Иттифоқининг аъзо давлатлари олиб борадиган миллий пул сиёсалари мувофиқлашувининг кучайишига жавоб берар ва шу доирада давлатлар Миллий банкларига тавсияномалар бера олар эди.

**Шимолий Америка мамлакатлари ва Тинч океан Ҳамжамиятининг жаҳон иқтисодиётига интеграция хусусиятлари.** Ташқи иқтисодий фаолиятда Цент интеграцион ғоялар (тенденциялари) фақатгина Фарбий Европада ривожланмади. Шунга ўхшашиб жараёнлар Шимолий Америкада ҳам кузатилди. Шимолий Американинг барча худуди эркин савдо (НАФТА) тўғрисидаги Шимолий Америка битимлари билан қамралган эди. Бинобарин, давлатлар миқёсидаги Америка – Канада эркин савдо битими фақат 1988 йилда тузилди, Мексика эса унга 1992 йилда қўшилди. Шимолий Америка иқтисодиётининг ўзаро ҳамкорлик ва бирлашганлик даражаси Фарбий Европа иқтисодиётидан қолишмайди.

Узок вақтларгача интеграцион лойиҳалар корпорацион тармоқлар даражасида нуфузли оқимда бўлиб, давлатлараро (давлатлар устидан) бошқарув билан боғланмаган эди.

Мазкур мамлакатларнинг савдо-сотик соҳасидаги ўзаро алоқалари, капиталлари ҳаракати ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги ҳақида қўйидаги маълумотлар асосида хулоса чиқариш мумкин:

1990 йилларнинг бошларида АҚШга Канаданинг 75–80 % (ёки Канаданинг ЯММ 20 %и) экспорти сафарбар этилди. АҚШ учун Канада бозори чет элда юқори ўринда туради. Бевосита хорижий сармоялар улуши Америкада Канадага нисбатан 75 %ни,

Канаданинг Америкага нисбатан улуши эса 9 %ни ташкил этади. Мексика давлати учун АҚШ билан иктисодий алоқа ўрнатиш хаётый заруратдир.

1990 йилларнинг бошларида АҚШга Мексиканинг 70 % экспорти юборилди. У ердан эса 65 % Мексика импорти келиб тушди. Айни вактда Мексика ва Канада ўртасида алоқалар таборо ривожланиб, савдо-сотиқ, молия ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кучайди.

Савдо эркинлиги тўғрисидаги битим ўзаро савдо-сотиқ ва капитал жамғармаларни енгиллаштирадиган тадбирлар ўтказиш борасида тарифли ва нотарифли чекланмаларни аста-секин бартараф эта боради. Бундан ташқари, мазкур битим орқали савдо-сотиқни бошқаришда унинг қатнашчилари ўртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этиш мўлжалланган.

**Тинч океан Ҳамжамияти** Япония, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зелландия каби ривожланган мамлакатларни ҳамда Шарқий ва Осиёдаги Жанубий-Шарқий худудда жойлашган қўпгина мамлакатларни (шу жумладан, АСЕАН минтақавий гурухидаги иштирокчиларни), шунингдек, Хитой ва Океанияни бирлаштиради.

Тинч океан Ҳамжамияти минтақавий гурухни расмийлаштирувчи сифатида эндиғина барқарорлашмоқда. Шу сабабли унда ўзаро ҳамкорлик схемасини яратиш учун самарали изланишлар олиб борилмоқда, минтақавий гуруҳ эса турли блоклардан ташкил топган. Чунончи, у Индонезия, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциясияси, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайланд, Бруней давлатларини бирлаштирган.

АСЕАН 1967 йилда қарор топди. Фақат 1992 йилда унинг қатнашчилари яқин 15 йил мобайнида аста-секин маҳсулотлар таннархини босқичма-босқич камайтира боришга эришиладиган минтақавий савдо эркинлиги зonasини яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. АСЕАН мамлакатларининг хўжалик соҳасида бир-бирига яқинлашуви масаласига келганда, уларнинг иқтисодиётини ўзаро тўлдириб борищ, ички минтақавий савдо-сотиқни ташкил этиш борасидаги фаолият жараёнлари хали кенг равища ривожланиш йўлига ўтганича йўқ.

Ҳакиқатдан ҳам АСЕАН мамлакатларининг ҳар бири Япония, АҚШ, ҳамда Осиёнинг янги саноат мамлакатлари (Гонгконг, Жанубий Корея, Тайванд) иқтисодиёти билан тўлиқ боғланган.

Осиё-Тинч океан савдосининг асосий қисми (шу жумладан, АСЕАН ичida) Япония, АҚШ, Канада, Тайванд ва Жанубий Корея карпорацияларининг жойлардаги маҳаллий филиаллари ўртасидаги тижоратга тўғри келади. Хитойнинг бу борадаги ҳисоб-китоби, айниқса, конфуция маданиятига уйғунлашган мамлакатларга қаратилгандир. Япония – АҚШ, Канада, Австралия ўзаро алоқалари муҳим аҳамиятга эга.

Шимолий Америка ва Осиё–Тинч океан бирлашмаларининг модели Ғарбий Европанидан фарқланади. Агар Ғарбий Европада иқтисодий, валютали сиёсий ҳамжиҳатликка, миллий тузилмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга асосланган ягона бозорни яратиш йўлидан борилган бўлса, Шимолий Америка ва Осиё–Тинч океан минтақасида бирлашиш жараёнлари транснационал корпорациялар фаолияти асосида анчагина мустаҳкам микродарражани қамрайди.

#### **14.2. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимидағи интеграцияси**

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти моделида ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республика нинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллади.

Бу босқичда ташки бозорни таъминлаш, бир томондан, ички (импорт ўрнига) ва ташки бозорлар учун (экспортга) рақобатбардош моллар ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига қўплаб хорижий технологик сармоялар кириши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу тармоқларга қуйидагилар киради:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлик;
- кон қазилмалари ва кимё саноати;
- қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекомуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.

Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиация портларини комплекс равища қайта куришга; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳаларида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт-импорти таркиби шуни кўрсатдик, 1998 йил натижаларига кўра, ташки савдо обороти 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йилда 8,6 АҚШ долларини ташкил этди. Ташки савдода 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида кўшимча сальдо таъминланди. МДҲ давлатларининг товар обороти тушиб кетди. Бу параллел равища эркин конвертация килинадиган валюта воситасидаги савдо ҳажмининг ортишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг асосий товар обороти Европа иқтисодий Ҳамжамиятининг саноати ривожланган мамлакатларига, Жанубий Кореяга (16,2 %), Туркияга (6,2 %),

Бирлашган Араб амирликлари (2,2 %), Хитойга, (8 %), АҚШга (1,2 %), МДХ мамлакатлари билан товар оборотида Россияга (49,1 %), Қозоғистонга (18 %), Тожикистонга (8,9 %), Украина (4,0 %), Қирғизистонга (31,4 %) түғри келди.

Экспортнинг хом ашё маҳсулотларидан хисобланган пахта толасини четта сотиш ўсганига қарамасдан, 2008 йилда унинг экспортдаги улуши қисқариб, 9,2 %ни ташкил қилди. Энергия ташувчилар 25,2 %, озиқ-овқат 4,4 %, кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва уларнинг маҳсулотлари 5,6 %, рангли ва қора металлар эса 7 %, машина ва ускуналар 7,5 %, хизматлар 10,4 %ни ташкил қилди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 26,3 % ўсади (14.1-жадвал).

14.1-жадвал  
**2007-2008 йилларда экспорт ҳажми ва таркибининг ўзгариши** (фоиз ҳисобида)

Товарлар грухси	Жами экспортдаги улуши, %		Ҳажмининг ўзгариши, %	
	2007й.	2008й.	2007	2008
Пахта толаси	12,5	9,2	94,6	72,2
Озиқ-овқат	8,5	4,4	67,5	126,3
Кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва уларнинг маҳсулотлари	6,8	5,6	104,8	80,7
Энергия ташувчилар	20,2	25,2	160,5	2,4
Рангли ва қора металлар	11,5	7,0	78,8	50,0
Машина ва ускуналар	10,4	7,5	93,7	30,1
Хизматлар	10,7	10,4	124,4	89,3
Бошқалар	19,4	30,7	2,0м	73,4

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – 2009 йил.

Импортнинг товар таркибида маълум ўзгаришлар содир бўлди. Барча товар груухларида, озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари, импорт ҳажми ўсади. Импорт ҳажми асосан республикада ишлаб чиқарилмайдиган инвестицион ресурслар ҳисобига (машиналар, ускуналар, хом ашё ва материаллар) ошган.

Машина ва ускуналар импорти ҳажми 2003 йил 46,8 % ўсан. Натижада ушбу етакчи товарлар груухининг улуши 4,2 % ошиб, жами импортнинг 46,2 %ини ташкил қилди. Бунга аксарият жиҳатдан импорт операцияларини божхона тарифлари бўйича тартибга солиш юзасидан қабул килинган чора-тадбирлар ижобий таъсир кўрсатди. 2004 йил 1 январдан бошлаб, фаолият юритаётган корхоналарда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, мавжуд жиҳозларни ва технологияни янгилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида олиб борилаётган машиналар, станоклар ва технологик ускуналар, шу жумладан, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар учун божхона тўловларининг ноль ставкаси ўрнатилди.

Кимё маҳсулотлари импорти қисқарди, рангли ва қора металлар 34,4 %га ва хизматлар 26,8 %га ошди. Уларни импорт умумий ҳажмидаги улуши мос равища 11,5 % ва 7,5 %ни ташкил этди. Энергия етказувчилар импорти камайиб, уларнинг импортдаги улуши 2,1 %ни ташкил қилди.

2003 йилда нисбатан озиқ-овқат товарлари импорти пасайиб, импорт умумий ҳажмининг улуши 2,6 %га камайди ва 6,8 %ни ташкил этди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича янги корхоналарни ташкил этиш натижасида ун ва ун маҳсулотлари, тўқмачилик матолари, лак-бўёқ маҳсулотлари, ойна ва ойна буюмлари маҳсулотлари импорти ҳажмининг қисқариши кузатилди.

Ташки савдонинг худудий таркибида МДҲ мамлакатлари билан ташки савдо айирбошлишнинг салмоғи 2003 йилдаги 28,6 %дан таҳлил қилинаётган даврда 29,3 %гача ўси, хориж мамлакатлари билан эса 71,4 %дан 70,7 % гача камайди.

2008 йилда 2007 йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлар ҳажмининг жами импортдаги улуши 7,2 %дан 8,1 %га, машина ва ускуналар улуши 49,6 %дан 53,3 %га кўпайган бўлса, кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва уларнинг маҳсулотлари улуши 13,1 %дан 13 %га, энергия ташувчилар улуши 3,5 %дан 2,1 %га, рангли ва қора металлар улуши 7,5 %дан 6,8 %га, хизматлар улуши 5,8 %дан 5,7 % камайди (14.2-жавдал).

#### 14.2-жавдал.

#### **Импорт ҳажми ва таркибининг ўзгариши (фоиз хисобида)**

Товарлар грухси	Жами экспортдаги улуши, %		Ҳажмининг ўзгариши, %	
	2007 й.	2008 й.	2007	2008
Озиқ-овқат	7,2	8,1	126,1	120,8
Кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва уларнинг маҳсулотлари	13,1	13,0	110,5	95,8
Энергия ташувчилар	3,5	2,1	66,5	71,1
Рангли ва қора металлар	7,5	6,8	100,6	86,1
Машина ва ускуналар	49,6	53,3	119,8	124,5
Хизматлар	5,8	5,7	109, 2	89,2
Бошқалар	13,3	11,0	92,9	83,3

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – 2009 йил.

2004 йилда экспортнинг ўсиши хорижий мамлакатларга нисбатан (1,22 марта) МДҲ мамлакатлари билан тез суръатларда ривожланди. Экспортнинг улуши МДҲ мамлакатларига 30,3 %га ўси, хорижий мамлакатларга эса 74,0 %дан 68,5 %га камайди. МДҲ мамлакатларига озиқ-овқат товарлари, кимё маҳсулотлари, машиналар ва ускуналар,

рангли металлар экспортида юқори ўсиш кузатилди. Хорижий мамлакатларга машиналар ва ускуналар экспорт қилишининг кўпайишини ижобий ҳол сифатида таъкидлаш мумкин.

Ташки иқтисодий фаолиятда транспорт алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг йирик халқаро автомобиль ва темир йўл, денгиз портларидан йироқ жойлашганлиги импорт ва экспорт товарларини етказишида транспорт хизмати баҳосига жиддий таъсирини ўтказмоқда.

Юқларнинг 90 %и темир йўл транспорти орқали ташилмоқда. Ўзбекистон ичкарисида темир йўл алоқалари тизими етарли даражада ривожланмаган ва зич жойлашган (50 километрдан 100 километргача). Улар орқали Қозогистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонга чиқиши мумкин. 180та станциядан 11таси йирик габаритли контейнерларни қайта ишлаш учун зарурӣ воситалар билан жиҳозланган. Ҳар куни Ўзбекистонда 8000 вагон қайта ишланади.

Юқ ташишда товарларнинг анчагина қисми автомобиль транспорти орқали етказилади. Тезкор йўллар 42 минг километрни, маҳаллий йўллар 90 минг километрни ташкил этади.

2008 йил Республикаизда 996,1 млн. тонна юқ ташилган бўлиб, унинг асосий қисми 826,8 млн. тоннаси автомобил транспорти хиссасига тўғри келган. Лекин ҳаво транспортида ташилган юқ миқдори атиги 6,0 млн.тоннани ташкил қилган. 2008 йилда темир йўл, автомобил транспортида ва қувур йўллари орқали ташилган юклар миқдори 2007 йилга нисбатан ўртacha 6,6 %га ўсган бўлсада, ҳаво транспорти орқали ташилган юклар миқдори 2007 йилга нисбатан 10,4 %га камайган. Бунинг асосий сабаби 2008 йилда ҳаво транспортида юқ ташиш нархларининг ошганлигидадир.



**14.1-расм. 2007-2008 йилларда транспорт турлари бўйича юқ ташиш ва юқ айланмаси (юқ ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2008 йилда мамлакатимиз бўйича умумий юк айланмаси 84,0 млрд. тонна-километрни ташкил килган бўлиб, энг юқори улуш 23,4 млрд. тн-км. темир йўл транспорти ҳиссасига тўғри келади. Энг кичик улуш эса 83,3 млн. тн-км. ҳаво транспорти ҳиссасига тўғри келади. Агар юк ташиш ва юк айланмасининг қайси транспорт турига қанча % миқдорда юк тўғри келишини кўриб чиқадиган бўлсак, (14.1-расм) юк ташиш бўйича энг катта улуш 2007-2008 йилларда 84,4 ва 85,6 % автомобил транспортига тегишли бўлиб, энг кичик улуш эса 0,001 % ҳаво транспортига тўғри келган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг миллий ва халқаро иқтисодиётни боғловчилик функцияси ғоятда катта аҳамиятга эга. МДҲ мамлакатлари ва узоқ хорижий мамлакатларнинг 45 аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари тўғридан-тўғри парвоз қилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Термиз, Урганч, Бухоро ва Фарғона аэропортлари халқаро аэропортлар мақомига эга.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва норматив ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилди. Чунончи, иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, хусусий мулкни химоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги фармонларга кўра, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналарни хорижий валюта топшириш ва уни Марказий банкка мажбурий сотиш бўйича беш йил муддат давомида солиқ тўлашдан озод қилиш чоралари белгиланди.

Шу фармонга кўра, экспорт маҳсулотининг ҳажми 30 %дан ошган корхоналар белгиланган нормалардан икки баравар кам миқдордаги ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, республикада хорижий сармояларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган.

“Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонга кўра, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулоти таркибида экспортга ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлса, улар муайян имтиёзларга эга.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизими қуидагилардир:

- ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг экспорти камида 30 %ни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шакларидан қатъи назар фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш ҳукукини бериш;

- республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол экспорт қилиш;
- Ўзбекистон ҳудудидаги қўшма корхоналарнинг ва факат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг Устав фондига хисса қўшиш учун мол-мulkни четдан бож солиғисиз олиб кириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

«Хорижий сармоялар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ чет эллик шериклар учун уларнинг мол-мulkини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан озод этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларни чет элга ўтказишга, олинган фойдани республика ҳудудида қайта сармоя тарзида ишлатиш, республика банкларида хисоб рақамига ва унда чекланмаган миқдорда ҳар қандай валюта маблағига эга бўлиш кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун хужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган хуқуқий нормалар (меъёрлар) хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай имкониятлар яратиб, уларнинг хуқуqlари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қиласди.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузиш давом эттирилмоқда.

Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 3,3 млрд. АҚШ долларига яқин миқдорда хукуматлараро 32та йирик кредит битими тузилди ва ҳозир бу битимлар амалда қўлланилмоқда. Ўзбекистон 30дан ортиқ савдо ва иқтисодий битимлар тузган, улардан 20таси узоқ хориж мамлакатлари билан тузилган. Биргина 2005 йилда республикада чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 2412, шу жумладан, ишлаб турган корхоналар ташки савдо айланмаси 1,9 млрд АҚШ долларини ташкил қиласди. Умуман, мустақилликка эришилгандан сўнг республикага 12 млрд. АҚШ доллар миқдорида хорижий инвестициялар кириб келди ва ҳудудлар экспорти кўпайди.

Жумладан Ўзбекистон ҳудудларида чет эл инвестицияси киритилган корхоналар экспорти 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 38,7 %га ортиб унинг миқдори 2862,5 млн.

АҚШ долларини ташкил қилди (14.3-жадвал). Импорт ҳажми эса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 7 %га ортиб унинг миқдори 3354,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар экспорти таркибиға эътибор берадиган бўлсақ, унда юқори улушга эга бўлган Андижон-740,8, Қашқадарё-999,4, Тошкент шаҳри-573,5 млн. АҚШ доллар миқдорида бўлган.

14.3-жадвал

**Ўзбекистон ҳудудларида чет эл инвестицияси киритилган корхоналар экспорти таркиби (фоиз хисобида)**

Ҳудудлар	экспорт		импорт	
	2008й.	2007(%)	2008	2007(%)
Ўзбекистон Республикаси	2862,5	138,7	3354,0	107,0
Қорқалпогистон Республикаси	27,5	105,0	12,0	100,8
Андижон	740,8	93,4	1085,8	116,6
Бухоро	12,5	67,3	13,1	109,4
Жizzах	8,0	83,1	14,8	138,1
Қашқадарё	999,4	2,8м	202,0	145,5
Навоий	63,1	114,5	23,2	55,4
Наманган	14,1	73,5	36,8	2,1м
Самарқанд	94,8	157,3	132,0	162,8
Сурхондарё	33,2	160,1	3,9	41,9
Сирдарё	9,5	51,4	11,9	2,5м
Тошкент	180,6	100,6	155,8	129,6
Фарғона	97,3	94,3	37,5	66,4
Хоразм	8,2	90,9	2,9	81,1
Тошкент шаҳри	573,5	144,4	1622,3	95,7

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарх. 2009 йил. 61-бет.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг ТИФ Миллий банки ва бошқа ташқи иқтисодиёт институтлари билан биргалиқда ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқади ва миллий инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаширишни амалий ҳал этади.

Юкорида кайд килинганидек, иқтисодий тарраққиётнинг иккинчи босқичида асосий дикқат-эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилди. Шу сабабли ҳам юқори сифатли товарларни яратишга йўналтирилган ва рақобатли баҳодаги сармоялар кейинги меъёрий-хукуқий актларда кўзда тутилган афзалликлар ҳамда имтиёзлардан фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистон хукумати томонидан иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари бўйича ва мамлакатнинг турли ҳудудлари учун инвестициялар ва савдо вазирликлари афзал бўлган инвестиция лойиҳалари тизими ишлаб чиқилган. Хусусан, вазирлик ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (МБ) ихтиёрида мукаммал аналитик базага эга бўлган 190 лойиҳа мавжуд. Улардан айримлари ҳозирданоқ жорий қилинмоқда. Масалан, ягона замонавий

аэронавигация тизимини яратиш иккинчи босқичда амалга оширилмоқда; тракторлар, самолётлар, автомобиллар ишлаб чиқариш учун машинасозлик базасини яратишга ҳам аллақачон киришилган.

Ўзаро фойда келтирадиган савдо ва прагматик принципларга риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон шериклари билан ҳамкорликни янада кенгайтириб бормоқда ва улар таклиф қилган замонавий, юқори сифатли технология ўзлаштирилиб, ўз саноатимизда қўшма корхоналарнинг яқуний маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бундай ёндашиш ўзаро фойдали ҳамкорлик ва савдонинг адекват принципи бўлади. Жаҳон бозори билан бундай ҳамкорликни жадал ривожлантириш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва изчиллик сиёсати билан кафолатланади: ислоҳот йилларида уларнинг амалга ошиши қатор ижобий натижалар бермоқда.

Бироқ, ташқи алоқаларда салмоқли ютуқларга эришган бўлсакда, бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида учраётган мухим ва долзарб муаммолар ҳали ечимини топганий йўқ. Бунинг бир неча сабаблари бор:

- биринчидан, ташқи тузилмалардаги экспорт ишлаб чиқаришида тубдан ўзгаришлар руй бермагунча, хом ашё маҳсулотлари, аввало, пахта салмоқли ўринда тураверади, шунингдек, бой туристик имкониятлардан ҳам етарли даражада фойдаланилаётганий йўқ;
- иккинчидан, қолоқ (жаҳон стандартлариға нисбатан олганда) технологиядан ва паст даражадаги ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш давом этмоқда, айниқса, республиканинг хом ашё маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган соҳалари бўйича ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган. Рақобатбардош маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилаётганилиги экспорт базасининг тарраққиётини чеклаб кўйишда асосий тўсиқ бўлмоқда;
- учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга оид қарорлар маъмурий-ташкилий тадбирлар миқёсида ўз ижросини топмаяпти ҳамда иқтисодий ва амалий чораларни ҳал этишда қатъиятлилик етишмаяпти;
- тўртинчидан, вазирликлар, идоралар, концернлар, хиссадорлик жамиятлари, барча хусусий корхоналар ҳамда матлубот ташкилотлари республика қонунчилиги асосида ўз зиммаларига юқланган ташқи иқтисодий фаолиятдаги вазифаларни мукаммал бажармаяптилар, бунга қисман иқтисодий рағбатлантириш чораларидан самарали фойдалана олмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Жаҳон бозори конунлари ва талабларини яхши билмаслик, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаслик, муносиб кадрлар тайёрлаш ишида масъулиятсизлик холатлари намоён бўлмоқда.

## **Қисқача хуросалар**

Европа Иттифоқининг интеграцион стратегияси аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим тизимлардан бири унинг уюшма тизимиdir. Европа Иттифоқи жаҳондаги глобаллашуви ва иқтисодий интеграллашув жараёнини баҳолайди. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги глобаллашувини асослайди. Бирлашиш жараёнлари барқарор иқтисодий ўзаро алоқаларнинг ўсиши жараёнини ҳамда ишлаб чи қаришнинг миллий хўжалик доирасидаги чиқишини тақозо этади. Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашувни белгиловчи асосий омилdir. Жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашувда халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ихтисослашади. ТИФ да фан-техника ҳамкорлиги иқтисодий ўсишини таъминлайди. Жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашувда ташқи савдони тартиблашнинг нотариф усулларидан фойдаланилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеграциялашув стратегияси нималарни кўзда тутади?
2. Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлиги нимага боғлиқ?
3. Давлатнинг ташқи иқтисодий стратегияси нималардан иборат?
4. Мамлакат стратегиясини қандай тушунасиз?
5. Мамлакатлараро ишлаб чиқариш ҳамкорлиги нима?
6. Ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Ишлаб чиқариш ҳамкорлиги учун нималар база (асос) бўла олади?
8. Халқаро кооперция нима?
9. Фояларнинг назарий қиймати нимада?
10. Иқтисодий самарадорлик нима?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан –тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 12 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 15 апрель.
3. Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
4. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
6. Интернет веб-сайтлари.

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

[www.makroiqtisodiyot.narod.ru](http://www.makroiqtisodiyot.narod.ru), [www.nigorabonu.narod.ru](http://www.nigorabonu.narod.ru)

## **15-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЖАҲОН БОЗОРИ**

- 15.1. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик.
- 15.2. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари.
- 15.3. Кейс стади: «Ўзбекистон пахтасига дунё харидор».

### **15.1. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик**

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига тушганидан бўён ўтган тарихан қисқа давр мобайнида уни суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистон 165 давлат томонидан тан олинган, 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли ташкилотлар таркибиға кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирум оқда, энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари руйхатдан ўтган, ҳукуматлараро 24та ташкилот ва 13та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим ҳалқаро конвенцияларга қўшилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган қўйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

- ўзаро манфаатларни ҳар томонлама хисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлигига эришиш;
- тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- мағкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ташқи алоқаларни ҳалқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантириш хавфсизлик ва барқарорлик кафолати хисобланади. Ҳозир дунё Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини хис этмоқдамиз. Бу эса республикамизнинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолат бўлиб, капитал

сарфлаш, дунё миқёсида минтақавий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан тобора эътиборни тортаётганлигига ҳам яққол намоён бўлмокда.

Жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлатни куришдан иборат стратегик вазифани ҳал қилар эканмиз, бугунги кунда ушбу ҳамжамият фаолиятининг ўзи серқирра бўлиб бораётганлигини жуда яхши тушунамиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви, БМТ фаолиятидаги иштироки жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви ҳақида гапирганимизда, энг аввало, бу жамият фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз. 2005 йил 2 марта Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганлигига ўн тўрт йил тўлди. Бундай обрўли ҳалқаро ташкилот ишидаги иштирокимиз Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имкониятидир.

Хозирги пайтда умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор ҳалқаро ташкилотлар тоят хилма-хил бўлишига қарамай, фақат БМТгина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиласидиган, низоларнинг олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган ҳамма воситаларга эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ раҳномолигига 1995 йили Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишлиланган ҳалқаро семинар мұваффакиятли ўтди. Унда 20та ҳалқаро ташкилот ва 30дан ортиқ мамлакат, шу жумладан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия корпуси ҳамда хукумат вакиллари иштирок этишди. БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув бўйича унинг ихтисослашган муассасалари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКДАТ, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни таъминлашга ҳалқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Ҳалқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тарракқиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам қўрсатмоқда. Ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган Жаҳон иқтисодий анжуманида Мамлакатимизнинг ҳам қатнашиши катта аҳамиятга эга. Анжуманд қатнашиш Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар билан танишириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик.

Ўзбекистоннинг минтақавий ҳалқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги ривожланмоқда. Жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашувнинг таркибий қисми

давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Булар орасида Европа иттифоки алоҳида ўрин тутади. 1996 йилда Европа иттифоки билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди. Февраль ойида Европа иттифоқи кенгаши шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан Ташқи ишлар вазирлиги даражасида музокаралар бошлаш ҳакида қарор қабул қилди, июль ойида эса битим имзоланди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодиётининг Европа йўналиши анча кенгайди. Ушбу йўналиш Европа қитъасидаги мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни ўз ичига олади. Бу қитъанинг ўзига хос интеграцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тарракқиётини таъминлашга қўшилган яна бир ҳиссадир. Чунки, бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар билан бир қаторда сиёсий соҳани ҳам назарда тутади. Бу хужжат ҳамкорлик қилишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хукуқий негизини вужудга келтиради, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очади, мунтазам сиёсий мулоқот учун институционал асос яратади.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXXT) билан самарали ҳамкорлик қилаётганлигимиз EXXT билан биргалиқда амалга оширилаётган тадбирларда ва бу ташкилот раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифида кўзга ташланмоқда.

Хозирда мамлакатимиз билан НАТОдек ҳалқаро ташкилот ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд деб айтиш мумкин.

Бизнингча, ўз таркибига демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТО фақат Европа қитъасидагина эмас, балки ўзининг сиёсий устқурмасини мустаҳкамлаш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳисобига Евроосиё минтақасида тинчлик ўрнатувчи омил бўлиши мумкин. Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига 1995 йил июль ойида қўшилган. Бу дастурдаги иштирокимизга мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан баҳраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларимизни кенгайтириш нуқтаи назаридан қараймиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишида Европа имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ҳаётий заруратдир. Европа ва бутун ғарб юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон хукуқларининг рамзидир. Буларнинг барчаси хавфсизлиги таъминланган ва баркарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий

демократик давлат бўлиш мақсадида янгиланиш ва тарракқиётни стратегик вазифа қилиб олган ёш Ўзбекистон давлати учун нихоятда муҳимdir.

Биз бунда хавфсизлик ва тарракқиёт бир-бирини тақозо этиши тамойилига амал қиласиз. Бу эса, бир томондан, иқтисодиётга инвестициялар олиб келиш учун барқарор хавфсиз муҳит яратишни, иккинчи томондан, хаётнинг ҳамма соҳаларида кенг қўламда ислоҳотларни амалга оширадиган мамлакатгина бундай хавфсиз муҳитни таъминлашга қодир бўлишини назарда тутади.

Жамиятимизнинг демократик ўзгаришларини чукурлаштириш йўлида событқадамлик билан ривожланиб боришига бошқа халқаро ташкилотлар билан ва энг аввало, Осиё минтақасидаги ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳам ёрдам беради. «Буюк ипак йўлини тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асрар ва барқарор ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Бу дастурнинг мақсади саёҳат йўналишлари тармоғини ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини кенгайтиришдан иборат.

Юкорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳар қайси томоннинг манфаатларини янада аниқроқ ҳисобга олиш, бир-биримизни яқиндан таниш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замин ҳозирлаш, шу тариқа барқарорлик ва хавфсизлик учун мустаҳкам негиз яратиш имконини беради. Ўзбекистон ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларга эга эканлиги маълум. Уларнинг доираси муентазам кенгайиб бормоқда.

Сўнгти йилларда Европадаги кўргина мамлакатлар – Германия, Буюк Британия, Франция, Белгия, Португалия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия ва бошқа мамлакатлар билан бевосита, иккита томонлама муносабатларимиз анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари – Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ветънам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Кейинги вақтларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини хавфсизлик ва барқарорликка, тинчликка эришиш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан мустақил иқтисодий интеграциялашуви ҳақида фикр юритганда таъкидлаш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилгандан бери ўн тўрт йил ўтди. Бу йилларда МДҲ мамлакатлари

икки ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг хукуқли шерикчилик асосида ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар мавжудлиги тасдиқланди. Бундай ҳамкорликка Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганигина эмас, балки, тарихий илдизлар, маданий ва маърифий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида ҳалқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон ва МДҲ ҳалқари ўртасидаги дўстона алоқалар вақт синовидан ўтган ва яхши анъанага айланган. Истиқлол йиллари МДҲ давлатлари раҳбарларининг ҳамфиқирлиги ва сиёсий қатъияти туфайли мамлакатимиз ўртасида барча соҳада ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратди. Бироқ, савдо-иқтисодий ҳамкорлик яхши самара берадиганлигига қарамай, тан олиш жоизки, ҳамкорлик қамрови МДҲнинг ҳамма давлатлари билан ҳозирча салоҳит ва имкониятлар даражасида эмас.

Масалан, Ўзбекистон билан Украина ўзаро муносабатларини муттасил ривожлантириб келишмоқда. Украина МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шерикларидан бирига айланган. Мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини қирқка яқин хужжат, жумладан, «Эркин савдо тўғрисида», «Сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Ишлаб чиқариш коорперацияси тўғрисида» каби битимлар ташкил қилади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон ва Украина ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида битим имзоланган. Икки томонлама муносабатлар мунтазам фаолият кўрсатиб келаётган кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Украина комиссияси томонидан мувофиқлаштириб келинмоқда.

Ўзаро ҳисоб-китоблар механизми яратилди – ваколатли банклар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар борасида алоқа ўрнатилди. Айни пайтда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги эркин савдо тартиби жорий этилган. Мамлакатлараро савдо 2003 йилда 244 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва аввалги йилдагига нисбатан 2,3 баробар ўсади.

Шуни таъкидлаш керакки, 1993–2003 йиллар давомида Украинанинг Ильичевск бандаргоҳи орқали 325 минг тонна Ўзбекистон пахта толаси ўтказилди.

Мамлакатимизда Украина ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган 40 кўшма корхона фаолият юртмоқда. Шунингдек, Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 22 кўшма корхона ишлаб турибди.

Ҳамкорликни тараққий эттиришнинг устувор йўналишларига оид масалалар – илмий-техникавий, савдо-иқтисодий, банклараро ҳамкорлик, транспорт, ҳарбий-

техникавий алоқалар ривожланади. Айни пайтда автомобиль йўлларини қуриш бўйича икки томонлама консорциум тузиш лозим. Бу транпорт йўлагини барпо этишда ҳамкорлик килиш учун кенг йўл очади.

МДҲ доирасидаги муносабатларда эркин савдо зонаси барпо этиш, аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иктисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари янада долзарблашмоқда. Ҳамдўстлик доирасида ташкил этилган тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи омилларга қарши ҳамкорликда курашишни кучайтиришга оид масалалар ҳам шулар сирасига киради.

Марказий Осиёдаги интеграция худудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларини биргалашиб ишлатиш, энергия заҳиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган обьектив зарурятдир. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларга эга бўлган халқларнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги эса уларни энг яқинлаштирувчи омиллардир.

Бу минтака муайян бир шаклда ҳамма вақт интеграция бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари мустақилликка эришганларидан кейин биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, ўз келажакларини қуришлари зарурлигини қайта хис этдилар. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг ягона иқтисодий маконини ташкил этиш ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши шу йўлдаги амалий қадам бўлди.

Марказий Осиё республикаларининг интеграциялашуви учун ҳақиқатдан ҳам бир қатор шарт-шароит ва сабаблар мавжуд. Булар жумласига иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси бараварлиги, ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг бир хиллиги, ягона транспорт-энергетика коммуникациялари, сув заҳиралари ҳам киради. Бундан ташқари ушбу минтақада яшаётган барча халқларнинг хавфсизлигига бир хил таҳдидлар ҳам мавжуд. Булар Оролнинг қуриб бораётганлиги, наркотик моддалар, қурол-яроқ, терроризм, диний фундаментализмнинг кириб келиши, Афғонистондаги нотинчлик ҳамда бир қатор бошқа омиллардир. Бу таҳдидлар, гарчи, тарқоқ туюлса-да, аслида ўзаро боғлиқ омиллардир. Чунки уларнинг биронтасини ҳам алоҳида, ўз кучига ишонган ҳолда енгиб бўлмайди.

Айни шу ҳолатлар Марказий Осиё минтақасининг гуллаб-яшнаши тўғрисида қайғурадиган барча сиёсатчилар учун амалий қўлланма бўлиб қолиши даркор.

Марказий Осиё Ҳамдўстлигининг келажагига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Зарур хуқукий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган, давлатлараро

кенгаш тузилган, Ҳамдўстлик дастурларини руёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё хамкорлик ва тарраккиёт банки ташкил этилган. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2010 йилгача мўлжалланган, 53та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилиб, ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга асос солинди.

Биз ўзимизнинг ташки мудофаа сиёсатларимизни уйғунлаширишга ҳам бевосита яқинлашдик. Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги шартномада қатнашувчи мамлакатлар мудофаа вазирлари кенгашининг низоми тасдиқланди.

Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши асло уларнинг бошқа давлатлардан ажралиб қолишини билдирамайди. Биз уни МДХ доирасидаги интеграция жараёнларига ҳам қарши қўймаймиз.

Марказий Осиё давлатлари, гарчи, ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш, бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай мухитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тарика бу минтақа давлатлари бутун дунё кўламида тинчлик ва барқарорликни мустахкамлашга муносиб хисса қўшади.

Тарихни можаролар ва адovат эмас, балки халқлар ўртасидаги хамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради. Ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий жабҳалар ҳам жуда мухим бўлиб, хоҳ минтақа, хоҳ бутун сайёрамиз бўлсин – бизнинг тинч ва гуллаб-яшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади.

## **15.2. Тайёр маҳсулот экспортини қўпайтириш йўллари**

Бозор иқтисодиёти шароитларида услубий ишлаб чиқарилган ва барча унсурлари мослаштирилган бир бутун ва ихчам тузум зарур. Экспортга йўналтирилган маркетинг эса ана шундай талабларга тўла жавоб беради.

Маркетингнинг асосий принципларидан бири — харидорнинг бенуқсонлиги, уни хоҳиши-талабини сўзсиз ва тезкорлик билан бажариш зарурлигини англашдир. Маркетологлар саъи-ҳарикатлари натижасида ўтган асрнинг 80 йилларида Farb компаниялари томонидан истеъмолчиларга 3–5 сутка оралиғида машина ва асбоб-ускуналар учун эҳтиёт қисмларни етказиб бериш одат тусига кирган эди. Ҳозирги кунда Англия компанияси «Лендровер (ўта юрувчан автомобиллар), АҚШнинг IBM компанияси ер шарининг исталган жойига эҳтиёт қисмларини етказиб бериш ва сервис хизматини истеъмолчига сўров тушгандан сўнг 24 соат оралиғида амалга оширишни кафолатлади».

Реклама интернет тармоғига жойлаштириш эса жадал ривожланиш тусини олмоқда. Бинобарин, биргина Россияда, баъзи маълумотларга кўра, интарнет тармоғига чиқиши орқали фаолият юритишни ташкиллаштириш бўйича қилинган ишларнинг хажми 50 млн. АҚШ долларидан ошиб кетди, якка фойдаланувчиларнинг сони эса деярли 1 млн. нафарни ташкил қилмоқда. Бироқ рекламани интернетда яратиш бўйича ҳаражатлар ҳажми ҳам ошибб бормоқда.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш керакки, маркетинг товарлари қўплаб харид қилиш кувватидан ортиқ даражада ишлаб чиқариш, иқтисодий инқизорлар заминида, таклифнинг талабдан устнлиги шароитида пайдо бўлган. Демақ, товарларни улар омбор ва дўконларда туриб қолмаслиги учун тезкор сотишни ташкил этиш лозим. Бунга бозор ва харидор эҳтиёжини чуқурроқ билиш орқали эришиш мумкин. Шу боис экспортдаги кийинчиликларни тезкор бартараф этиш учун маркетингдан тўлароқ фойдаланмоқ керак.

15.1-жадвал

#### **Жаҳон бўйича 2004 йилда энг кўп экспорт қилган йигирмата давлат**

Ўрин	Давлатлар	Экспорт хажми, млн.\$	Фоизда	Аҳоли сони млн. киши	Фоизда
1	Германия	912260	10,2	82,50	1,28
2	АҚШ	818775	9,2	281,42	4,37
3	Хитой	593329	6,7	1242,61	19,3
4	Япония	565807	6,3	126,93	1,97
5	Франция	448714	5,0	58,52	0,91
6	Голландия	358187	4,0	16,11	0,25
7	Италия	349153	3,9	57,11	0,89
8	Буюк Британия	346863	3,9	58,79	0,91
9	Канада	316547	3,5	30,01	0,47
10	Бельгия	306509	3,4	10,30	0,16
11	Гонконг (Хитой)	265543	2,9	6,71	0,10
12	Жанубий Корея	253845	2,8	46,14	0,72
13	Мексика	189083	2,1	97,48	1,51
14	Россия	183452	2,1	145,54	2,26
15	Тайланд	182424	2,0	22,89	0,35
16	Сингапур	179615	2,0	4,02	0,06
17	Испания	178607	2,0	40,85	0,63
18	Малайзия	126503	1,4	23,27	0,36
19	Саудия Арабистон	126230	1,4	22,67	0,35
20	Швеция	122537	1,4	8,59	0,13

Манба: «Труд – 7», 2005., 22 – 29 декабрь, 2-б.

Маркетинг ёрдамида малакатдаги қўшма корхона ёки бошқа корхоналарни жойлаштириш ўрнини ҳам аниқлаш мумкин. Бу стратегик масала хисобланиб, корхонанинг ташки бозор таъсирида ривожланишига олиб келади.

Масалан, жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнида ҳар бир давлатни иқтисодиётини рақобатбардошлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткич - экспорт ҳажмини ўсишидир. Жаҳон савдо ташкилоти (ВТО) маълумотларига кўра, биргина 2004 йилда жаҳондаги барча давлатларни экспорт ҳажми 9153 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва энг кўп экспорт қилган 20та давлат кўрсаткичлари 15.1-жадвалда келтирилган.

Келтирилган рақамлардан кўринишича дунёда экспорт қилиш бўйича биринчи ўринда Германия турибди ва биргина 2004 йилда бу давлатнинг экспорт салоҳияти бир триллион долларга яқинлашди. Ўзбекистон Республикаси эса жаҳон товар ва хизмат экспортлари ичida 84 ўринни эгаллаган.

### **15.3. Кейс стади: «Ўзбекистон пахтасига дунё харидор»**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар сингари қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам туб бозор ислоҳотлари амалга оширила бошланди. Давлатимиз раҳбари иқтисодиётимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлган пахтачиликдаги изчил таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, ўз навбитида, мамлакатимизда этиширилаётган пахта толасининг сифатини, шунингдек, давлатимиз экспорт салоҳиятини анча ошириш имконини беради. 2005 йилда ўтказилган биринчи Ўзбекистон ҳалқаро пахта ярмаркаси ушбу салоҳиятни янада ривожлантириш, кўплаб давлатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали пахтамиз етказиб бериладиган мамлакатлар сонини кўпайтиришга, шунингдек, ўзбек пахтасининг жаҳон бозорида нуфузи ва рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қиласи.

Пахта тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш кейинги йилларда экспорт қилинаётган пахта толаси сифатини анча оширишимизга имкон берди. Пахта толасини ҳалқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашнинг янги тизими жорий этилди. Барча хизмат турларига эга бўлган ҳамда маҳсулотни сифатли сақлаш ва ортиб жўнатишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар тармоғи тарзидаги пахта сотишнинг замонавий нифратузилмаси яратилди.

Шуни қайд этиш мухимки, Ўзбекистон катта ресурсларга эга бўлган ҳолда, пахтани чукур қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш билан бар қаторда чет элларда пахта толаси сотишнинг шакл ва усусларини такомиллаштиришга, маҳсулот экспорти

географиясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон пахта толаси экспортининг географик ўзгариши 15.2-жадвалда келтирилган.

15.2-жадвал  
**Ўзбекистон пахта толаси экспортининг географик ўзгариши (фоизда)**

№		2001 – 2002 йиллар мавсумида	2004 – 2005 йиллар мавсумида
1	Европа давлатлари	62	23
2	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги	23	20
3	Жанубий шарқ ва жанубий Осиё давлатлари	15	57
4	Жами	100	100

Агар 2000 йилгача анъанавий бозорда ўзбек толасининг 62 фоизи Европа давлатларига, 23 фоизи МДҲга, 15 фоизи Осиё мамлакатларига етказиб берилган бўлса, кейинги вақтда дунё бозоридаги иқтисодий глобаллашув пахта саноатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Пахта етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Хиттойнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши эса, пахта бозори географиясини ўзгартириб юборди. 2002–2004 йилларда экспорт қилинаётган Ўзбекистон пахта толасининг 57 фоизи Осиё давлатларига, 23 фоизи Европа, 20 фоизи Россия ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларига кўчди. Бу, ўз навбатида, Осиё минтақасида янги пахта бозорининг шаклланишига пойдевор яратади.

Кейинги йилларда Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва муттасил ривожланиб бораётган бошқа давлатлари тўқимачилик корхоналарида юқори сифатли ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёжи тўхтовсиз ошиб бораётганлиги ва экспорт ҳажмлари барқарор ўсаётганлиги эътиборга моликдир. Ўзбекистонинг жаҳон пахта толаси экспортидаги ўрни ва салоҳияти 15.3-жадвалда келтирилган.

15.3-жадвал  
**Ўзбекистонинг жаҳон пахта толаси экспортидаги ўрни**

№	Давлатлар	2004 – 2005 йиллар мавсумида, фоиз.
1	Америка Қўшма Штати	39
2	Ўзбекистон	10,6
3	Австралия	6,0
4	Бразилия	5,0
5	Греция	3,0
6	Бошқа давлатлар	36,0

Манба. 1-Ҳалқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, Тошкент, 2005 йил, октябрь.

Ўзбекистон пахта экспорти соҳасида шерикларимиз билан нафақат 2005 йил, балки кейинги йиллар ҳосили учун ҳам шартномалар тузишга асосланган ҳамкорликнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга интилишимиз ва бунга тайёрлигимизни таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Жаҳондаги барча етакчи пахта трейдерлари Тошкентда ўтказилаётган 1-ҳалқро Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этиш ҳақидаги таклифни қабул қилганларни дикқатга сазовордир.

2005 йил октябрь ойида ўтказилган бўлишига қарамай, унда 26-давлатдан 200 ортиқ компания ва фирмалар, хусусан, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Малайзия, Бангладеш, Корея, Республикаси, Туркия, Вьетнам каби малакат вакиллари иштирок этагани ушбу тадбирнинг нуфузи баландлигидан дарак берса, иккинчи томондан, яқин келажақда Тошкент нафақат минтақамиздаги, балки дунёдаги энг йирик пахта бозорига айланишга ўзига хос замин яратади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда пахта етиштириш, уни қайта ишлаш бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиқ ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, изчил ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ўзбек пахтасининг худудий ва жаҳон бозоридаги харидоргирлигини ошириш асосий устувор вазифа қилиб белгиланди. Шу билин бирга, олиб борилган ислохотларнинг асосий ўйналишлари этиб, соҳага янги технологиялар жалб этиш орқали тола ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, энг асосийси, ишлаб чиқарилаётган толанинг 50 фоизгача республиканинг ўзида қайта ишлаш стратегик мақсад қилиб қўйилди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун тўқимачилик саноатида туб бурлиш ясалди. Мисол учун, 1991 йилда республикамида атиги 4та тўқимачилик мажмуи бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб, 130тадан ошди ва келажақда ундан ҳам кўпроққа ошади. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш стратегияси 15.4-жадвалда келтирилган.

#### 15.4-жадвал

#### **Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш стратегияси**

№		1980 й.	1990 й.	1995 й.	2001 й.	2005 й.	2007 й.	2010 й.
1	Жами пахта толасини ишлаб чиқариш. млн.т.	2,0	1,59	1,25	1,03	1,2	1,2	1,2
2	Пахта толасининг экспорт ҳажми. млн. т.	—	—	—	760	860	170	530
3	Пахта толасини республикада қайта ишлаш ҳажми, фоиз	—	—	—	20,2	65,4	85	—
4	Пахта етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши, фоиз	—	3	12	19	32	51	—

Бу стратегияни амалга ошириш мақсадида 2005–2006 йилларда республикада зиён куриб ишләётган 1100та ширкат хўжалиги фермер хўжалигига айлантирилади. Ўзбекистон пахта толасининг сифатини ва халқаро рақобатбардошлигини ошириш учун:

- жаҳон банки билан ҳамкорликда барча вилоятларда пахта толасини HVI технологияси асосида Ўзбекистонда пахта толасини сифат сертификатлаш маркази лабораториялари томонидан тамғалаш ва ҳар бир пахта қопига мажбурий сифат тамғаси кўйилишини таъминлаш;
- пахта тозалаш мавсумига 17та пахта тозалаш заводини таъмирлаш ва модернизациялаштириш;
- 2006–2010 йилларда эса 40та пахта тозалаш корхонасини таъмирлаш ва реконструкция килиш натижасида пахта толаси чикариши 1,5-2 %га ва сифатини 1-2 классга ошириш;
- Ўзбекистон пахта толаси халқаро «Cotton Outeekook» нашриёти томонидан ҳисобга олингандан сўнг, жаҳон бозорида Америка ва Австралия пахта толаси каторида сифатли ва қимматли (совриндор пахта нави) ҳисобланишини эътиборда тутиши лозим.

### **Қисқача хulosалар**

Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуи экспорт салоҳияти жаҳондаги рақобатнинг асоси ҳисобланади. Жаҳон пахта толаси бозоридаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги ҳалқимиз манфаатини белгиловчи асосий кўрсатгичdir. ТИФда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш асосан маркетинг фаолиятига боғлиқ. Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси асосан халқаро меҳнат тақсимоти асосида амалга оширилмоғи лозим. Минтақавий барқарорлик минтақа кўламида интеграция жараёнини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда асос ҳисобланади. Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг пойдевори хизматини ўтайди. Ўзбекистоннинг минтақавий бирлашмалар билан иқтисодий ҳамкорлиги интеграциялашувнинг тарихий қисмидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашувда Ўзбекистон Республикаси пахта мажмуаси қандай экспорт салоҳиятига эга?
2. Экспортни ривожлантириш ва жаҳондаги рақобатбардошликини ошириш кўрсаткичлари салоҳияти-чи?
3. Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуасининг экспорт салоҳияти-чи?

4. Ўзбекистон Жаҳон бозорига чиқишининг муқобил йўлак(коридор)лари борми?
5. Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспортг салоҳиятини ошириш- нинг қандай йўллари мавжуд?
6. Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикасида ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг шаклланиш жараёнини қандай изоҳлайсиз?
8. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувида қандай ўрин тутади?
9. Халқаро интеграциялашувда БМТ фаолияти қандай ўринга эга?
10. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашви қандай аҳамиятга эга?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – 2005й., 15 апрель.
2. Каримов И.А ‘Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демаклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.’ Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
3. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. Ишмухamedov А.Э. ва бошқалар. – «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти». Ўкув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004й.
5. Интернет веб-сайтлари.

[www.ceep.uz](http://www.ceep.uz).

[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz).

[www.pca.uz](http://www.pca.uz).

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

[www.makroiqtisodiyot.narod.ru](http://www.makroiqtisodiyot.narod.ru)

## **Изоҳли луғат**

*Асосий фондлар ва уларнинг баҳоси (capital stock)* – турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштириш ва ишлатиши.

*Аэронавигация* - униш аппаратларига йўл кўрсатиб бериш амалиёти ва назарияси.

*Активлар (assets)* – иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондлари қиймати.

*Амортизация (depreciation)* – фойдаланиш жараёнида асбоб-ускунлар қийматининг эскирган сайн махсулот хисобига ўтказиш жараёни. Асосий жамғармалар истеъмол нархини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга ошириладиган нархини тўлатиши зарур. Асосий жамғармалар сарфини қоплаш учун уларга кетган сарфларни тайёрланаётган махсулотга сингдириб бориш асосий жамғармаларнинг амортизациясини ташкил этади. Асосий жамғармаларнинг амортизацияси махсулот таннархини ўз ичига олади. Бу, корхона, ташкилотларга асосий жамғармаларнинг моддий ва маънавий сарфини қоплаш учун махсулотларни сотиш орқали маблағ тулаш имконини беради.

*Акселератор (accelerator)* – иқтисодиётда истеъмолчилик сарф-харажатлар ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалар ҳажми ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсатгич. Акселерация принципининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётда истеъмолчилик харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажми динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмолчилик харажатларининг сезирарли ўсиши инвестицион фаолликни юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

*Альтернатив варианлардан танлов (tradeoff)* – танлаб олинган вариант альтернатив вариантдан воз кечиши эвазига амалга оширилишини тақозо этувчи қарор қабул қилиш зарурати. Макроиктисодий атамалар доирасида иқтисодий атамалар сиёсатнинг чора-тадбирлар ишлаб чикиш жараёнида у ёки бу ғояларнинг танлов-муаммоларини белгилаш учун ишлатилади. Масалан, ишлизликнинг ўсиши ва инфляция жадаллиги, фойданинг ўсиши ёки иш хақининг ошиши орасидаги танлов муаммоси.

*Асосий нарх (base price)* – халқ хўжалигини ривожлантириш ва статистик ҳисоб олиб борища индексларни ҳисоблаш ва тўлашгача ҳисобланган нарх.

*Бюджет тақчиллиги (budget deficit)* – давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

*Банд аҳоли (employees)* – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан белгиланган нормаларга мос равища ҳисобга олинадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

*Бандлик даражаси (rate of employees)* – бандлар умумий сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбати.

*БартараФ этилган инфляция* – иқтисодиёт доирасида бошқариладиган ёки табий, кўйилган нархларни бошқариш давомидаги инфляцион жараёнларнинг ўзига хос кўриниши. Директив тарзда белгиланган нархлар даражаси сақланган ҳолда инфляция муомаладаги пул миқдорининг кўпайиши ва унинг сотиб олиш курби пасайиши. Буларнинг таъсири талаб кескин ошиб, товар ва хизматлар тахчиллиги ўсиб бориши, аҳолининг вақтинчалик қондирилган талаби ортиши орқали намоён бўлади.

*Банк кредити (banking credit)* – даромад (%) кўринишида фойда олиш учун банк томонидан қарзга пул бериш.

*Белгиланган алмашув курси (fixed exchange rate)* – миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан анъанавий тарзда белгиланадиган қиймати ва ўзгармас тизим.

*Бюджет солиқ сиёсати (fiscal policy)* – бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини шакиллантирган ҳолда З хил бюджет сиёсати юритади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: соли қлардан, хазина томонидан, чиқарилган қимматбахо қоғозлар сотилишидан ва бюджет томонидан маълум қисми марказ томонидан банк эммиссияси ҳисобига ёпилишидан. Шунга кўра, давлат харажатлар ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсатини юритади.

*Бозор муносабати (market clearing)* – бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиқади.

*Банк резервлари (reservers)* – банкда сақланаётган нақд пуллар, марказий банкда сақланаётган фоизсиз депозитлар.

*Баҳо, нарх (price)* – товар қийматининг пулдаги ифодаси. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ва фойдани кўрсатади.

*Бозор нархи (market price)* – иқтисодиётда жами талабларга кўра ўзгармас ҳолда қолувчи нархлар.

*Валюта курси* – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган баҳоси.

*Гиперинфляция (hyper-inflation)* – ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шуддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилшининг минимал даражага келиши билан характерланади.

*Давлат бюджети (state budget, local budget)* – асосан давлат (вилоят, шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромадлари ва харажатларининг пул ҳисоби.

*Девальвация* (*devaluation*) – мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта курсининг пасайиши билан боғлик холда миллий пул бирлиги кийматининг расмий тартибда пасайтирилиши.

*Дефляция* (*deflation*) – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш; давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади.

*Депозитлар* (*deposits*) – омонатга асраб қўйилган: 1) банк ва омонат кассалари га қўйилган омонатлар; 2) банк дафтардаги ёзувчилар; 3) кредит муассасалари га сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигация).

*Дивиденд* (*dividend*) – ҳиссадорлик жамиятлари фойдасининг бир қисми бўлиб, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили ҳиссадорлар орасида тақсимланади.

*Дисконт* (*discount*) – марказий банк томонидан тижорат банклари га бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.

*Даромад* (*income*) – ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).

*Даромаднинг мавжуд миқдори* (*disposable income*) – сарф-харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторлар қўлида мавжуд бўлган даромадлар; даромадлар ва тўғри солиқлар орасида фарқ билан аниқланади.

*Доимий, давомий инфляция* (*cronic inflation*) – нисбатан юкори ёки паст инфляция даражаси узоқ муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли, юкори инфляция даражаси содир бўлган мамлакатларга мисол қилиб, Бразилия, Испания, Мексика, Перу, Аргентинани келтириш мумкин.

*Давлат истеъмоли* – давлат истеъмоли учун маҳсулот ва хизматларга, шунингдек, хусусий секторда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларга кетган харажатлар.

*Дисконт* (*discount*) – марказий банкнинг тижорат банклари га кредит беришдаги фоиз ставкалари.

*Ёпик иқтисодиёт* (*closed economy*) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо-иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодиёт.

*Жами таклиф* (*aggregate supply*) – мамлакатда ишлаб чиқарилган ҳамма товар ва хизматларнинг жами қиймати. Бу товар ва хизматлар миллий маҳсулот ҳам деб аталади.

*Жамгармага мойиллик* (*propensity to save*) – даромадда жамғарма ҳиссаси қанчани ташкил этиши.

*Жами талаоб* (*aggregate demand*) – мамлакатнинг реал харид қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич; жами харажатлар деб ҳам аталади. Унга давлатнинг истеъмол харажатлари, хусусий сектор истеъмоли, жами инвентиляциялар ва экспорт-импорт харажатлари киради.

*Жами банд аҳоли (employees)* – банд бўлган аҳоли ва ҳарбий хизматчилар.

*Ишсизлик (unemployment)* – аҳолининг иқтисодий фаол кисми иш топа олмаслиги, меҳнат резервига айланиши.

*Ишсизликнинг даражаси (unemployment rate)* – ишсизлар умумий сонининг ишчи кучига бўлган нисбати.

*Ишсизликнинг табиий даражаси (natural rate of unemployment)* – реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши бир-бирига мос келадиган иқтисодий ривожланиш даври ораликларига хос бўлган ишсизлик даражаси. У иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва структуравий ишсизлик кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида ҳам ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, NARU (natural rate of unemloyment) атамаси ишсизликнинг ўсмайдиган даражаси кўрсаткичи тарзида ҳам қўлланилади. Бу кўрсаткич ижтимоий жиҳатдан нисбатан нейтрал бўлиб, инфляциянинг турғун, барқарор даражалари ҳамда реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) мос тушган ҳолатидаги ишсизлик даражасини акс эттиради.

*Иш ҳаки (wage , nominal)* – пул, қиймат шаклидаги иш ҳаки.

*Импорт (import)* – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вақтни тежашга, халқ хўжалиги, аҳоли эҳтиёжини кондириш вазифаларини муваффакият билан ҳал қилишга қўмаклашади.

*Инвестиция (investment)* – ишлаб чи қариши ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Инвестициларнинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

*Истеъмол нархлари индекси (cosumer price index)* – одатда, оила томонидан истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархи базис даврга нисбатан ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

*Ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси (producer price index)* – базис давр оралиғида хом ашё, материаллар ва оралиқ товарлар нархи ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. ЯММнинг максимал даражада деталлаштирилган компонентлари нархини солиштирма нархларга ўтказишда ишлатилади.

*Индекслар – ЯММ дефляторлари (GNP deflators)* – ЯММ кўрсаткиларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гурухи. Уларга нархларнинг агрегат индекси, ЯММ дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлари индекси, шунингдек, маҳсус ташкил қилинган индекслар киради.

*Индексация* (*indexation*) – иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлик равища иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш тизими.

*Инфляция* (*inflation*) – пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очиқчасига ва яширин равища ошиб кетишига олиб келади.

*Инфляция даражаси* (*rate of inflation*) – маълум вакт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоизда ўзгариши.

*Истеъмол кредити* (*consumer credit*) – марказий банк томонидан барқарорлик даврида кўлланиладиган пул сиёсати воситаси (инструменти). У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредитнинг максимал миқдори расмий равища белгиланишини тақозо этади.

*Истеъмол* (*consumption*) – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги босқичи.

*Истеъмол харажатлари* – макроиктисодиётда уй хўжалиги ва курилиш харажатларини қамраб оладиган харажатлар.

*Ишлаб чиқариш функцияси* (*production function*) – маҳсулот ишлаб чиқариш учун мазкур корхонага зурур бўлган барча кишилар ва меҳнат куроллари ҳаракатлари мажмуи.

*Иичи кучи* (*labour force*) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида ишга солинадиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

*Иичи кучи ҳиссаси* (*labour force rate*) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида ишга солинадиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

*Иш вақти* (*hours of work*) – ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақти ҳажми.

*Иш вақтининг умумий соатлари сони* (*total hours of work*) – ўртача статистик ишловчи банд бўлган иш вақтининг ўртача соатлари сони.

*Иқтисодий ўсиши* – реал миллий даромад ёки маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ўсиши.

*Импорт қилишига мойиллик* (*propensity to import*) – даромадда импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

*Инвестицияларга бўлган мойиллик* (*propensity to invest*) – истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

*Истеъмол қилишига майиллик (propensity to consume) – истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.*

*Ички истеъмол учун мўлжалланган товарлар (nontraded goods) – ташки бозорда сотишга мўлжалланмаган, ички истеъмол учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар (кўчмас мулқ, хизматларнинг айрим турлари).*

*Ишлаб чиқарувчилар нархи (producers price) – товар ва хизматнинг базис нархини, солиқларни қамраб олувчи ва субсидиялар олиб ташланган нарх.*

*Капитал экспорт – тижорат мақсадида амалга ошириладиган экспорт.*

*Кутилаётган инфляция даражаси (expected rate of inflation) – мавжуд ижтимоий, иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.*

*Ликвидлик (liquidity) – турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти.*

*Марказий банк (Central bank) – мамлакатнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қиласи, давлат пул-кредит сиёсатини олиб боради, пул ва қимматбаҳо қофозлар эмиссиясини манопол ҳукуқида амалга оширади.*

*Муомаладаги пуллар (currency) – мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қофоз): пулга тенглаштирилган тўлов воситалари: пул хисоб- китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлиш ва бошқа алоқаларда катнашадиган воситалар.*

*Миллий даромад (national income) – миллий ишлаб чиқаришда олинадиган даромад ёки иқтисодиётнинг барча турдаги даромади баҳоси.*

*Мехнат умумдорлиги (labour productivity) – меҳнат маҳсулдорлгини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашма қўрсаткичлардан бири.*

*Мулқ (property) – муайян қийматга эга бўлиб, бирон бир шахсга қарашли нарса.*

*Макроиктисодиёт (macroeconomics) – барқарорлаштириш, бир бирлик миллий валютамизни мустаҳкамлаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини ёки мулқдорлар синфини янгилаш, қонунчилик ёки ҳукуқий таркибни мустаҳкамлаш.*

*Номинал ЯММ (nominal GNP) – жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий маҳсулот.*

*Нархлар индекси (price index) – ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини акс эттирувчи қўрсаткич.*

*Нархлар корректировкаси (price adjustment) – нархларнинг бозор вазияти ўзгаришига мослашув жараёни.*

*Номинал алмашув курси* (*nominal exchange rate*) – миллий валюта ва чет эл валюталари бирликларининг одатда мавжуд бўлган нисбати. Ушбу нисбат хам катъий белгиланган, хам чайқалиб турувчи асосда амалга оширилиши мумкин.

*Номинал фоиз ставкаси* (*nominal interest rate*) – маълум давр ичидаги (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори. Депозит счёtlарда ва қимматли қофозларда активларнинг номинал қиймати усимтаси белгиланишига фоиз ставкалари дейилади.

*Оралиқ истеъмол* (*intermediate consumption*) – ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришнинг бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

*Ортиқча таклиф* (*excess supply*) – мавжуд нархларда товар ва хизматлар таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган иқтисодий вазият, шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш.

*Ортиқча талаб* (*excess demand*) – мавжуд нархлар ҳолатида товарлар ва хизматларга бўлган талаб таклифлардан устун бўладиган иқтисодий вазият, шунингдек дефицит деб хам аталади.

*Очиқ иқтисодиёт* (*open economy*) – ташки иқтисодий бозорда кенг савдо-иқтисодий ва молиявий алоқаларга эга бўлган иқтисодиёт.

*Потенциал ЯММ* (*potential GNP*) – мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

*Паритет* (*parity*) – тенглик, тенг ҳуқуқли, тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий (сиёсий) харакатда иштирок этиш.

*Пасайиши* (*recession*) – иқтисодий фаолликнинг пасайиши бўлиб, бундай фаолиятнинг ўсиши билан характерланади.

*Пулга бўлган талаб* (*demand for money*) – мамлакат аҳолисининг жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва ҳар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган миқдори; истеъмол, фоиз ставкаси, операцион ҳаражатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

*Пул базаси* – *MO* (*monetary base*) – муомаладаги нақд пуллар, корхоналарнинг кассадаги пуллари ва тижорат банкларининг миллий банқдаги заҳираси.

*Реал ЯММ* (*real GNP*) – солиштирма доимий нархлар орқали акс эттирилган ЯММ. У жорий нархларда ҳисобланган ЯММни нархларнинг ўзгариши кўрсаткичи (инфляция даражаси) ҳисобига тўғрилаш йўли билан ҳисобланади.

*Реал иш ҳақи* (*real wage*) – нархлар ўзгариши даражаси ҳисобига тузатиш киритилган номинал иш ҳақи (ёки номинал иш ҳақидан нархлар ўзгариши даражасининг ҳисобга олингани).

*Реал алмашув курси (real exchange rate)* – икки мамлакатдаги нархлар даражасининг ўзаро нисбати, улар ўртасидаги муносабатни хисобга олувчи алмашув курси. Муайян мамлакатлардаги номинал алмашув курси нархлари индексларини уларнинг ўзаро нисбатига бўлиш орқали хосил бўлади.

*Реал фоиз ставкаси (real interest rate)* – маълум давр ичида депозит счёtlардаги ва кимматли қоғозлардаги активларнинг реал қиймати ўсиши юз берадиган фоиз ставкаси; номинал фоиз ставакасидан шу давр оралиғида кутилаётган номинал фоиз ставкаси.

*Рационал қутшилар (rational expectations)* – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларида мавжуд бўлган барча ижтимоий-иктисодий маълумотлар асосида энг рационал тарзда ўз иктисодий хулқ-авторини режалаштирадилар, деб таъкидовчи назария.

*Револьвация (revaluation)* – мамлакат пул бирлиги расмий курсини чет эл валюталарига нисбатан ошириш.

*Солиқлар (taxes)* – миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шакли, солиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари пул фонdlарини ташкил этишнинг асосий воситаси.

*Солиқ сиёсати* – мамлакат тараққиёти капитал қўйилмаларни молиялаштиришда “мажбурий жамғармалар” ташкил қилувчи асосий омиллардан бири.

*Сарф-харажат баланси (spending balance)* – макроиктисодиётда ЯММ ни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар ва яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг охирги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

*Солиштирма афзаллик (comparative advantages)* – айрим иктисодий агентларнинг товар ва хизматларни камроқ харажатлар эвазига ишлаб чиқариш хусусияти. Макродаражада солиштирма афзалликлар принципи ишлаб чиқариш ва экспортнинг самарали структурасини шакллантириш учун қўлланилади.

*Субсидия (subsidy)* – давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иктисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

*Савдо баланси (merchandise trade balance)* – экспорт ва импорт тушумлари ва тўловларини акс эттирувчи баланс. Унда савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар ўз аксини топмайди.

*Савдо балансининг дифицити (trade deficit)* – иктисодий суръатларнинг ҳисобот даври охирига келиб, импорт бўйича қилинган жами харажатлар экспорт даромадларидан ошадиган вазиятгача ўсиши.

*Савдо балансининг ижобий сальдоси (trade surplus)* – ҳисобот даври охирига келиб, экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келган вазият.

*Саноат цикли (business cycle)* – иқтисодиётнинг вақти-вақти билан қайтарилиб турувчи турли ривожланиш босқичлари. Умумий ишбилармонлик фаоллигининг ошиши ва пасайиши, шунингдек, тушумлар билан ҳарактерланади.

*Соф миллий маҳсулот (net product)* – макроиктисодий кўрсаткич; ЯММ ва амортизация ажратмалари жами миқдорининг айирмаси.

*Тижорат банки (Commercial bank)* – қўйилмалар шаклидаги пул капиталлари ва жамғармалар ҳисобига барча тармоқ корхоналари учун универсал банк ҳаракатларини амалга оширувчи кредит муассасаси. Тижорат банки кредит системасининг етакчи бўғинидир. Унинг ҳаракатларида саноат ва савдо корхоналарини кредитлаш асосий ўрин эгаллади. Банқ, шунингдек, комиссион муомалаларни ҳам олиб боради.

*Тўлов баланси (balance of payment)* – бу шундай иқтисодий тушунчаки, у орқали мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатлари ҳолатини, халқаро миқёсда тўловга қобиллигини билиш мумкин. Тўлов баланси шундай ҳужжатки, унда мамлакатлар хорижий давлатларга улашган ва хорижий давлатлардан келган барча тўловлар ва тушумларнинг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади, шартномаларда кўзда тутилган, аммо ҳали келиб тушмаган тўловлар ёки тушумлар суммаси ўз аксини топади.

*Таркибий ишсизлик (structural unemployment)* – иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, эскирган тармоқ ва касблар бартараф этилиши, ишчи малакаси пастлиги ёки умуман йўқлиги натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизликнинг кўриниши.

*Ташқи дунё* – муайян мамлакатни ташқи иқтисодий алоқалар олиб борувчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институционал сектор.

*Талаб этилугунга қадар сақланадиган депозитлар (demand deposits)* – банқдаги қўйилмаларда талаб этилгунга қадар сақланадиган пул воситалари.

*Тижорат кредити (comercial credit)* – қисқа муддатли қарз (1 йил муддатгача берилади); сотиб олинадиган товарларга тўлаш учун пул шаклида бериладиган қарз.

*Трансферт тўловлари (transfer payment)* – ўтказма тўловлар, яъни давлат бюджетидан аҳолига ва хусусий тадбиркорларга бериладиган тўловлар.

*Товар экспорт қилиши* – мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни четга сотиш ҳамда хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ва талаб ҳарактерига эга хизматлар кўрсатиши.

*Узоқ муддат давомида ишлатилувчи товарлар (durable goods)* – истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиласидиган (1 йилдан кам) товарлар. Узоқ вақт хизмат қиласидиган товарларга автомобиль, ходилник ва бошқа майший хизмат товарлари киради.

*Фрикцион ишсизлик (frictionfl unemployment)* – бир ишдан бошқа бир ишга ўтиш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишсизлик. Яширин ишсизлик (hidden, latent, disguised)

– ишлаб чиқариш жараёнида объектив ҳолда ишчилар сонини ҳам талаб этадиган, лекин амалда ишлаб чиқаришда ортиқча бўлган ишчилар сони.

*Фактор даромад (factor income)* – ишчи кучи, капитал мулқ, ишлаб чиқариш омиллари қўлланиши натижасида юзага келадиган даромад.

*Фойда (profit)* – кўшимча маҳсулотнинг пул шакли; корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткич. Корхонанинг молиявий аҳволи, иқтисодий рағбатлантириш фондини шакиллантириш имкониятлари, бюджет ва юқори турувчи органлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши фойда ҳажмига боғлиқ.

*Фоиз (interest)* – даромад, ўз мулкини бошқа жисмоний ва ҳукуқий шахсларга фойдаланишга бериш ва шундан фойда олиш.

*Фоиз ставкаси (interest rate)* – кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловнинг фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисининг бир бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

*Филипс эгри чизиги (phillips curve)* – инфляция даражаси динамикаси ва ишсизлик даражаси динамикаси ёки реал ЯММнинг потенциалдан оғиши орасидаги ўзаро боғликларни тафсифловчи ва графикда ифодаловчи восита.

*Хусусийлаштириш (privatization)* – давлат мулкини, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин сохиблик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

*Шахсий даромад (personal income)* – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

*Шахс сармояси* – капитал сифатида ёндашув икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Унинг салбий томони шундаки, бундай қарашлар ижтимоий муаммолар ва меҳнат капитал томонидан эксплуатация қилиниши ҳақидаги фикрларга уланиб кетади. Бундай ҳолларда капитал меҳнатни эксплуатация қиласи, у ҳолда инсон капитални ҳам меҳнатни эксплуатация қиласими, деган фикрни келтириб чиқаришга уринишади. Инсонга капитал сифатида ёндашувнинг ижобий томони шундан иборатки, бундай ёндашув ресурслардан самарали фойдаланишни ва уларнинг оқилона тақсимланишини таъминлайди.

*Экспорт (export)* – товарлар, хизматлар ва капиталларни ташқи бозорда реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

*Ялти миллий маҳсулот – ЯПП (gross national product-GNP)* – истеъмолчиларнинг йил давомида маҳсулот яратиш учун қилган харажатлари қийматини жамлаш орқали,

яъни, маҳсулотни умумий пул қиймати аниқланиши орқали ҳисобланади. Ҳозирги ялпи миллий маҳсулотга давлатнинг товарлар ва хизматларни сотиб олишга килган харажатлари ҳамда хусусий инвестициялар ҳам қўшилади. Даромадларга, яъни, иш хаки, фоиз, рента ва фойда жамият томонидан маҳсулотлар учун қилинган харажатлар сифатида қаралиб, уларни жамлаш орқали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ялпи маҳсулотни ҳисоблашда жамиятда иқтисодий ўсиш аниқланади, «ялпи инвестиция» ва «хусусий инвестиция» тушунчалари қўлланмоқдаки, бунда улар йил давомида қурилган уйлар, фабрика, завод, машиналарни ифода этади.

*ЯММ даражаларидағи фарқлар (GNP gap)* – потенциал ва реал ЯММ даражалари орасидаги фарқ.

*ЯММ дефлятори нархлар индекси (GNP implicit price deflator)* – жорий нархлардаги ЯММни солиширина нархлардаги ЯММга нисбатан тағсифловчи кўрсаткич ёки номинал ЯММнинг реал ЯММга нисбати.

*Ўзгарувчан алмашув курси (flexible exchange rate)* – ички мувозонатни тиклаш мақсадида мамлакат алмашув курсига эга бўладиган ҳалқаро ҳисоб-китоблар тизими.

*Қарзлар* – “заёмлар” (*borrowing*) – маълум бир муддатга қайтариб олиш шарти билан берилган маблағлар. Қарзлар қуйидагича бўлиши мумкин: тижорат фоизисиз шаклдаги қарзлар, имтиёзли қарзлар ҳамда ички ва ташки қарзлар. Жисмоний, юридик шахсларнинг қарзлари ички қарзларга киради.

*Қарз берииш (crediting)* – пул ёки товарларни қайтариш шарти билан маълум муддатга бериш.

*Қадрсизланиш (depreciation)* – миллий валютанинг нархи чет эл валюталари баҳосидан пасайиши.

*Қимматбаҳо қоғозлар (securities)* – эгасига қандайдир капитал ёки мол-мулкка эгалик қилиши хуқуқини тасдиқловчи ва фоиз, дивиденд кўринишда даромад келтирувчи хужжат.

**«Миллий ва халқаро иқтисодиёт» фанидан «ТДИУ ва МДҲ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассислари бўйича бакалаврият битирув-малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари»  
дан олинган битирув-малакавий ишлар мавзулари рўйхати (Рус тилида)**

1. Проблемы Финансирования социальных отраслей в регионах. (№4084)

Зарубежный опыт деятельности местных органов самоуправления и пути их использования в Узбекистане.(№ 4085.)

Зарубежный опыт размещения производительных сил и ее использование. (№4086)

Природные ресурсы Узбекистана и их экономическая оценка по регионам. (№4087.)

Размещение минерально-сыревых ресурсов в регионах. (№4088.)

Региональные проблемы совершенствования состава и структуры отраслей промышленности (на примере области.) (№4089.)

Региональные аспекты развития фермерского хозяйства в Узбекистане. (№4093.)

Региональные особенности демографических процессов (на примере сравнительного анализа г.Ташкента и областей). (№4097)

Проблемы безработицы в регионах Узбекистана и пути их решения. (№4098.)

Трудовые ресурсы региона и проблемы их рационального использования. (№4049.)

Экономические проблемы больших, городов и пути их решения (на примере г. Ташкента). (№4101.)

Региональные особенности развития совместных предприятий. (№4102.)

Рынок труда и пути их решения, проблемы безработицы в регионах. (в области). (№4111.)

Региональная инвестиционная политика РУз. (№4128.)

Межрегиональные экономические проблемы. (№4130.)

Региональная экономическая политика Японии. (№4136.)

Проблемы местных налогов в экономическом и социальном развитии регионов. (№4139.)

Финансы регионов и источники их становления. (№4140.)

Значение местных налогов в экономическом и социальном развитии регионов. (№4141.)

20. Анализ экономической политики с помощью макроэкономических моделей.

21. Совокупный спрос неустойчивость и экономический рост.

22. Промышленная политика страны и ее влияние на международную специализацию национальной экономики (на примере РУз. и зарубежных стран).

23. Конкурентоспособность экономики Республики Узбекистан и факторы ее определяющие.

24. Мировой опыт проведения экономических реформ и его применение в РУз.

25. Интернационализации хозяйственной жизни в развивающихся странах (странах с переходной экономикой).

26. Малый бизнес: роль в развитии экспортного потенциала и импортозамещения в экономике (на примере РУз.).
27. Платежный баланс страны: макроэкономическая роль и методы регулирования (на примере РУз.).
28. Экономический механизм деятельности совместного предприятия и его совершенствование (на конкретном примере).
29. Методы и инструменты валютного регулирования в условиях трансформированного кризиса.
30. Использование мирового опыта в формировании фондового рынка РУз.
31. Развитие инфраструктуры фондового рынка РУз.
32. Пути повышения эффективности и организация международной торговли.
33. Налоговое регулирование внешней торговли в РУз и его эффективность.
34. Система показателей, используемые для расчёта макроэкономической деятельности Узбекистан.
35. Совершенствования кредитно-денежной политики в РУз.
36. Проблемы структурных сдвигов в экономике Узбекистан.
37. Государственный бюджет - основной инструмент финансовой политики.
38. Формирования инвестиционных ресурсов в условиях рыночной экономики.
39. Некоторые аспекты приватизации государственной собственности в Узбекистане.
40. Пути стимулирования привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистан.
41. Пути совершенствования налоговой системы в Узбекистане.
42. Совершенствование использования средств местных бюджетов
43. Механизм поддержки приватизированных предприятий
44. Факторы обеспечивающие безопасность экономики Республики Узбекистан и пути его укрепления.
45. Пути стимулирования развития предпринимательства в Узбекистане.
46. Проблемы занятости и пути их решения.
47. Аспекты инновационных процессов в машиностроение Узбекистана.
48. Место (ТНК) в развитии экономики страны.
49. Пути стимулирование частного предпринимательства в Узбекистане.
50. Факторы экономического роста и эффективности их использования.
51. Пути привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.
52. Совершенствования процессов разгосударствления и приватизация в Узбекистане.
53. Пути регулирования процессов налогообложения.

54. Состояния формирования инвестиционных источников в Узбекистане и пути их совершенствования.
55. Основные пути совершенствования налоговой системы в Республике Узбекистан.
56. Бюджетно-налоговая политика в РУз.
57. Макроэкономические последствия безработицы в Узбекистане.
58. Регулирование занятости в Республике Узбекистан.
59. Развития банковской системы в РУз.
60. Социальная защита населения в РУз.
61. Развития малого бизнеса и предпринимательства в РУз.
62. Особенности и эффективность социальной политики РУз.
63. Экспортный потенциал Узбекистана и пути её активизации
64. Пути развития сферы услуг РУз.
65. Проблемы структурной политики экономики Узбекистана.
66. Регулирование развития здравоохранения в Республике Узбекистан.
67. Развитие банковской системы РУз. и основные пути укрепление финансового состояния.
68. Платежный баланс РУз. и пути его прогнозирования.
69. Макроэкономическое равновесие и пути его достижения.
70. Модели экономического роста.
71. Пути антиинфляционной политики.
72. Экономический механизм развития коммуникационной сферы.
73. Регулирование развитие платных услуг.
74. Пути повышения эффективности внешнеэкономической деятельности.
75. Основные показатели, обеспечивающие макроэкономической стабильности.

**«Миллий ва ҳалқаро иқтисодиёт» фанидан «ТДИУ ва МДҲ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассислеклари бўйича бакалаврият битирув-малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари» дан олинган битирув-малакавий ишлар мавзулари рўйхати (Ўзбек тилида)**

1. Макроиктисодий моделлар ёрдамида иқтисодий сиёсатнинг таҳлили.
2. Ялпи талабнинг бекарорлиги ва иқтисодий ўсиш.
3. Мамлакатнинг саноат сиёсати ва уни миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро ихтисослашувига таъсири (Ўзбекистон Республикаси ва чет эл мамлакатлари мисолида).
4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва уни белгиловчи омиллар.
5. Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишнинг жаҳон тажрибаси ва уни Ўзбекистон Республикасида татбиқ этиш.
6. Ривожланаётган мамлакатларда (бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда) иқтисодиётини байналминаллашуви.
7. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги урни. (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
8. Мамлакатнинг тўлов баланси: макроиктисодий роли ва тартибга солиш услублари (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
9. Кўшма корхона фаолиятининг иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш (аниқ мисоллар асосида).
10. Кризис даврида валюта сиёсати ва воситалари.
11. Ўзбекистон Республикасида фонdlар бозорини шакиллантиришда жаҳон тажрибасини кўллаш.
12. Ўзбекистон Республикаси фонdlар бозори инфратузилмасини ривожлантириш.
13. Ҳалқаро савдони ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари.
14. Ўзбекистон Республикасида ташки савдони соликлар орқали тартибга солиш ва унинг самарадорлиги.
15. Ўзбекистоннинг макроиктисодий фаолиятини баҳолаш учун қўлланиладиган курсаткичлар тизими.
16. Ўзбекистон Республикасида пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш.
17. Ўзбекистон иқтисодиётида тузилмавий ўзгариш муаммолари.
18. Давлат бюджети – молия сиёсатининг асосий воситаларидан бири.
19. Бозор иқтисодиёти шароитида сармояларнинг шаклланиши.
20. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари.
21. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

йўллари.

22. Республикализнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш йўллари.
23. Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари.
24. Махаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланишни такомиллаштириш.
25. Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизми.
26. Ўзбекистон иқтисодиётининг хавфсизликни белгиловчи омиллар ва уни мустаҳкамлаш йўллари.
27. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш йўллари.
28. Бандлик муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари.
29. Ўзбекистон машинасозлигида инновация жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари.
30. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ТМК (трансмиллий корпорациялар)нинг ўрни.
31. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш йўллари.
32. Иқтисодий ўсиш омиллари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги.
33. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб этиш йўллари.
34. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш.
35. Солиқقا тортиш жараёнларини тартибга солиш йўллари.
36. Ўзбекистонда инвестиция манбаларини шакллантиришнинг ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари.
37. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.
38. Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ сиёсати.
39. Ўзбекистонда ишсизликнинг макроиктисодий оқибатлари.
40. Ўзбекистон Республикасида иш билан бандликни тартибга солиш.
41. Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг ривожланиши.
42. Ўзбекистон Республикасида ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш.
43. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш.
44. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сиёсатнинг самарадорлиги ва ўзига хос хусусиятлари.
45. Ўзбекистонинг экспорт салоҳияти ва уни фаоллаштириш йўллари.
46. Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш йўллари.
47. Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг муаммолари
48. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришни тартибга солиш.

49. Республикаизда банк тизимини ривожлантириш ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари.
50. Ўзбекистон Республикасида тулов баланси барқарорлиги ва унга эришиш йўллари.
51. Макроиктисодий мувозанат ва унга эришиш йўллари.
52. Иқтисодий ўсиш моделлари.
53. Инфляцияга карши сиёсат йўналишлари.
54. Коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми.
55. Пуллик хизмат ривожини тартибга солиши.
56. Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўллари.
57. Макроиктисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллар.

### **Адабиётлар**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: “Ўзбекистон”, 2003.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. – «Халқ сўзи», 2002й., 28 май.

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни. – «Хўжалик ва хуқуқ», 2000 й., 9-сон.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. – «Тошкент оқшоми», 2005 й., 22 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқороларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида. – «Халқ сўзи», 2005 й., 23 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 23 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 12 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005й., 15 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2005й., 2 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредит бериши қўллаб - қувватлаш жамгармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005й., 6 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигидан ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2003 йил, 25 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, марралар сани изчил ҳаракат қилишимиз лозимлиги тўғрисида»ги Фармони. – «Халқ сўзи», 2006 йил, 11 февраль.

Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова «Закрепляя достигнутые результаты, последовательно стремиться к новым рубежам». – «Правда востока», 2006 йил, 11 февраль.

Каримов И.А. «Банк тизими, пул момиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». – Т.: «Ўзбекисион», 2005.

Каримов И.А. «Эришган марралларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидаги изчил бориши – асосий вазифамиз». – «Халқ сўзи», 2004й., 10 февраль.

Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт–пировард мақсадимиз». – Т.: «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. «Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли». – «Халқ сўзи», 2003 йил, 25 апрель.

Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириши йўлида». – Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И. А. «Ўзбекистон: миллий истиқбол, сиёсат, мафкура». – 1-том. Т.: «Ўзбекистон», 1996, – 364 б

Каримов И. А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». – 2-том. Т.: «Ўзбекистон». 1996, – 364 б.

Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». – 3-том. Т.: «Ўзбекистон». 1996, – 367 б.

Каримов И. А. «Бунёдкорлик йўлидан». – 4-том. Т.: «Ўзбекистон». 1996, – 351 б.

Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». – Т.: «Ўзбекистон». 1997, – 326 б

Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009й. – 56 б.

Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. - Т.: Иктиносидиёт, 2009. – 120 б.

Абдураҳманов О. «Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари». Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003. – 184 б.

Абдураҳманов К.Х. «Мехнат иктиносидиёти» – (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: Мехнат, 2004. – 672-б

Абдураҳманов О. «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими». – Т.: «Фан», 2004. – 149 б.

Алимов Р.Х., Ғанихўжаев С.А. ва бошқалар. «Махаллий иктиносидиёт ва менежмент». – Т.: ТДИУ, 2004.

Ахмедов Д.К., Ишмуҳамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктиносидиёт». – Т.: ТДИУ, 2004. 240 б

Агапова Т.А., Серегина С.Ф. «Макроэкономика тестў». Учебное пособие. – «АСА», 2003. – 357 с

Бабина Ю.В, Москвин В.В. «Экономическая география Россия». – М.: 2003. – 368 с

Колесова В.П., Осьновой М.Н. «Мировая экономика. Экономика зарубежных стран».

Учебник. 3-е издание – М.: «Флинта», 2001. – 480 с.

Кудров В.М. Мировая Экономика. Учебник – М.: «Дело», 2004. – 528 с.

Лексин В.Н., Швецов А.Н. «Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития». – М.: «УРСС», 2000.

Воркуев Б.Л. «Модели макроэкономики». – М.: «Экономика» 2004.

Васельев Л.Н., Муравьев Е.А. «Методы управления инновационной деятельности».

Учебное пособие – М.: КноРус, 2005. – 320 с

Васельев Ю.П. «Развития инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП» – М.: «Экономика», 2005, 406 с

Владимирова Л.П. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка». Учебное пособие. – 5-е издание перер. и доп. – М.:Дашков и К. 2005.– 401 с.

Гренберг А.Г. «Основы региональной экономики». Учеб; -4-е изд – Б.М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2004, – 495 с

Данилов Ю.В., Юлдашов З.Ю. «Национальная экономика». – Т.: «Янги аср авлоди» 2003, – 413 с

Ишмуҳамедов А.Э., Аскарова М.Т. «Ўзбекистон миллий иктиносидиёти». Ўқув кўлланма. – Т.; ТДИУ, 2004.

- Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. «Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.
- Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. «Жаҳон иқтисодиётига интеграция». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б
- Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. «Хорижий мамлакатларда иқтисодиётини тартибга солиш». Ўқув кўлланма.– Т.: ТДИУ, 2004.– 272 б
- Ишмуҳамедов А.Э. ва бошқалар. «Макроиктисодиёт–2». Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003. – 130 б
- Ивашковский С.Н. «Макроэкономика».– М.: «Дело», 2002.
- Кузык Б.Н, Яковец Ю.В. «Россия 2050 стратегия инновационного прорыва».– М.: «Экономика» 2004. – 632 с
- Касимов Г.М, Махмудов Б.Ж. «Основы национальной экономики». Учебник для вўсих учебных заведений. – Т.: «Mehnat», 2004. – 304 с
- Жумаев З.А. «Муниципал иқтисодиёт».– Т.: ТДИУ, 2004, – 96 б
- Жураев А.С., Хўжамқулов, Б.С., Маматов Б.С. «Инвестиция лойиҳалари таҳлили». – Т.: «Шарқ», 2003.– 256-б
- «Макроэкономика». Теория и Российская практика: Учеб. (Под. редакция А.Г. Грязовой, и.Н.Н. Думной), 2-е издание перер. и доп. – М.: КноРус, 2005, – 668 с.
- Махмудов Э.Х. «Практикум по дисциплине. Экономика капитального строительства». - Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2005. – 64 с.
- Махмудов Э.Х., Исаков М., Нажимадинов Р. Сборник семинарских и практических задач по курсу. Экономика предприятия.–Т.: ТГЭУ, 2005.– 66 с
- Маҳаллий иқтисодиёт ва менежмент. – Т.: ТДИУ, 2004.– 352 б
- Кемпбелл Макконелл, Стенли Брю. Экономикс. Принципы проблемы и политика. В 2-х томах. – М.: «Республика»., 1992.
- Н.Грегории Менкью. Макроэкономика. – М.: МГУ. 1994.
- Набиев X. Н. Макроиктисодий статистика (ўқув кўлланма). – Т.: ТДИУ. 2001.
- Н. Самуэльсон. «Экономика вводый курс».– М.: «Прогресс», 1996.
- Хейнс П. «Экономический образ мышления».– М.: «Новости», 1991.
- Накрярекский Б.М. Мировая экономика.– М.: Международные отношения.– 2004.
- Г.Г. Назарова, Р.Р. Назарова, А.С. Юсупов. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Монография. – Т.: ТДИУ, 2005,– 180 б.
- Тарассевич Л.С. и др. «Макроэкономика». – М.: «Экономика», 2004.
- Ташшўлатова Л.М. «Минтақанинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти».– Т.: ТДИУ, 2004.

Турдиев А.С. «Инвестицион фаолият бошқарувини тақомиллаштириш йўллари». – Т.: НИИЭК и РПС, 2001й.– 85 – 91-бетлар.

Чепель, С.В., Шибаршова Л.И. Сборник кейсов по дисциплинам. Макроэкономика и микроэкономика. (Учебное пособие) – Т.: ТГЭУ, 2005.– 140 стр., (под редакцией профессора Ишмухамедов А.Э.).

Шодиев Р.Х., Махмудов Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Дарслик.–Т.: Фоур Ғулом, 2005.–308 б.

Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати.–Т.:«Шарқ» 2005.

Экономический рост и факторы развития современной России. Под ред. Хубиева К.А.– М.: «Экономика», 2004.

Ҳакимова М.Т. Макроиқтисодиёт. – Т.: «Ўқитувчи», 1996.

Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Ўқитувчи», 2002, –365 б.

Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. // С.С.Ғуломов, И.Шарифхўджаевларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 2000.

Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. – М.: «Инфра-М», 2001.

### **Интернет веб-сайтлари**

[www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)

[www.cup/uz](http://www.cup/uz),

[www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz),

[www.pca.uz](http://www.pca.uz).

[www.makroiqtisodiyot.narod.ru](http://www.makroiqtisodiyot.narod.ru)

[www.tdiu-makro.narod.ru](http://www.tdiu-makro.narod.ru)

[www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz](http://www.micro-macroiqtisodiyout.fan.uz)

[www.uzairways.uz](http://www.uzairways.uz)

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>5</b>
<b>1-БОБ. МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ФАНИГА КИРИШ: КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
1.1. Миллий ва халқаро иқтисодиёт - иқтисодий назариянинг асосий бўлаги сифатида.....	13
1.2. Миллий ва халқаро иқтисодиёт фанининг предмети ва ўқитиш услуби.....	20
<b>2-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎЛЧОВ ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>	<b>24</b>
2.1. Миллий иқтисодий фаолиятда маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши.....	24
2.2. Миллий иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлар ва уларни хисоблаш.....	29
2.3. Кейс стадии. Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари.....	40
<b>3-БОБ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК – ДАВЛАТ ҚУДРАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КЎРСАТКИЧ.....</b>	<b>45</b>
3.1. Миллий бойлик – давлат иқтисодиётини асоси .....	45
3.2. Экологик бойлик – давлат иқтисодиётини асоси .....	53
<b>4-БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ..</b>	<b>64</b>
4.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳоларнинг асосий йўналишлари.....	64
4.2. Давлат молияси, банк ва валюта сиёсати .....	70
4.3. Республика солиқ-бюджет сиёсати.....	76
<b>5-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ.....</b>	<b>84</b>
5.1.Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициянинг роли .....	84
5.2. Инвестиция сиёсатида хусусийлаштириш жараёни.....	88
5.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.....	99
<b>6-БОБ. БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>100</b>
6.1. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқариш тизимини мазмuni ва моҳияти .....	100
6.2. Маъмурий ислоҳотлар – иқтисодий тараққиёт омили.....	105
6.3. Республикада бошқарув аппаратини қисқартириш ва такомиллаштириш йўллари..	110
6.4. Давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш йўналишлари.....	113
<b>7-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯ.....</b>	<b>123</b>
7.1. Молиявий механизмининг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва аҳамияти .....	123
7.2. Миллий иқтисодиётни солиқлар тизими орқали тартибга солиш асослари .....	128
7.3. Солиқ солиш тизимининг хорижий тажрибаси .....	132
<b>8-БОБ. РЕСПУБЛИКАДА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИННИГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>141</b>
8.1. Реал иқтисодиётда таркибий-инвестиция сиёсати имкониятлари .....	141
8.2. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш.....	149
8.3. Аграп соҳани ривожлантириш имкониятлари.....	153
<b>9-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ.....</b>	<b>157</b>
9.1. Ўзбекистонда рақобат сиёсатини амалга ошириш.....	157
9.2. Монопол корхоналар фаолиятини тартибга солиш механизmlари .....	161
9.3. Монопол корхоналар томонидан нархларни деклорация қилиш механизми .....	168
9.4. Антимонопол сиёсатни такомиллаштириш йўллари .....	171

<b>10-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРИНИ ТУЗИШ.....</b>	<b>174</b>
10.1. Барқарор ривожлантириш стратегияси дастурлари .....	174
10.2. Аҳолини ижтимоий муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-куватлаш дастури.....	176
10.3. Кейс стадии «Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш йўллари» .....	188
<b>11-БОБ. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУАММОЛАРИ.....</b>	<b>193</b>
11.1. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси .....	193
11.2. Маъмурий ислоҳотлар – ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг омили .....	198
11.3. Инвестиция ривожланишининг асоси .....	207
<b>12-БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>214</b>
12.1. Ҳамкорликка асосланган сиёсат.....	214
12.2. Хитой – стратегик шерик ва йирик ҳамкор.....	220
12.3. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – хавфсизлик ва ҳамкорлик гарови.....	222
12.4. Кейс стадии: «Ўзбекистон—Малайзия ҳамкорлиги».....	229
<b>13-БОБ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....</b>	<b>235</b>
13.1. Ҳамкорликнинг умумий тавсифи .....	235
13.2. Марказий Осиё давлатларининг глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати .....	242
<b>14-БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>248</b>
14.1. Жаҳон иқтисодиётига интеграция шакллари ва гурӯхлари .....	248
14.2. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимидаги интеграцияси .....	256
<b>15-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЖАҲОН БОЗОРИ.....</b>	<b>267</b>
15.1. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик .....	267
15.2. Тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш йўллари .....	276
15.3. Кейс стадии: «Ўзбекистон пахтасига дунё харидор».....	278
<b>ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ.....</b>	<b>285</b>
<b>«МИЛЛИЙ ВА ҲАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ» ФАНИДАН «ТДИУ ВА МДХ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА БАКАЛАВРИЯТ БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИ, МАГИСТРЛИК, НОМЗОДЛИК ВА ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ» ДАН ОЛИНГАН БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШЛАР МАВЗУЛАРИ РЎЙХАТИ (РУС ва ЎЗБЕК ТИЛИДА).....</b>	<b>300-306</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>307</b>

**ИШМУҲАМЕДОВ АНВАР ЭГАМҚУЛОВИЧ**

**ЮСУПОВ АСОМИДДИН СОАТОВИЧ**

**САФАРОВ НУРИТДИН ЧОРИЕВИЧ**

**НОСИРОВА КАМОЛА А...**

**МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ**

Дарслик

Мухаррир:

Техник мухаррир:

Мусаххих:

Компьютерда сахифаловчи:

Интернетдаги расмий сайтимиз: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz), [www.makroiqtisodiyot.narod.ru](http://www.makroiqtisodiyot.narod.ru),

Электрон почта манзили: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz), [anvar36@mail.ru](mailto:anvar36@mail.ru)